

94  
ХАЛҚ КИТОБЛАРИ

АБУ  
МУСЛИМ  
ЖАНГНОМАСИ



ХАЛҚ КИТОБЛАРИ

СОХИБҚИРОН  
НОСРАТИ

АБУ  
МУСЛИМ  
ЖАНГНОМАСИ

(ДОСТОНИ АБУ МУСЛИМ СОҶИБҚИРОН)



7360  
Universitätsbibliothek  
Islamische Kulturstiftung

ТОШКЕНТ  
«ЎЗУВЧИ» НАШРИЕТИ

Нашрга тайёрловчи: БАҲОДИР САРИМСОҚОВ  
Масъул муҳаррир: МАҲМУД ҲАСАНИ

Ушбу китобни «Езувчи» нашриёти «БЕҲЗОД» фирмаси  
билан ҳамкорликда нашрга тайёрлади.

М  $\frac{4702620101-29}{М 362[04]}$  7. 1992  
◆

© Нашрга тайёрловчи:  
Баҳодир Саримсоқов, 1992 й.  
© «Езувчи» нашриёти, 1992 й.

ISBN 5-8255-0040-5

## АФСОНАГА АЙЛАНГАН ТАРИХ

Хуросон ва Мовароуннаҳрда Бани Умавия халифалари ҳукмроқлиги пайтида (бундан Умар бинни Абдулазиз мустасно) зулм ва бедодлик ҳаддан ошиб кетди. Умавийлар на фақат маддаллий аҳолига, балки бу сарзаминда истиқомат қилувчи араблар хонадонларига ҳам жабр-зулм ўтказдилар. «Ҳажжожим золим» деб тарихда ном қолдирган ҳукмдор замонда, ривоятларга кўра, унинг ўз қўли билан 120 миң киши қатл этилган. Ҳажжожим вафот этган пайтда унинг зиндонларида 30 миң эркак ва 20 миң аёл бандда бўлган. Табиийки, бундан жабр-зулмга ҳеч ким тоқат қила олмаг эди.

Умавийлар ҳукмроқлигининг охирида, аниқроғи, Марвон замонасида Хуросон ва Мовароуннаҳр тупроғидаги элмас, балки Арабистон ва Ироқда ҳам порозилик кучайди. Халифалик тахтига эга бўлишни истаган аббосийлар ўз мақсадларига Хуросон ҳамда Мовароуннаҳрдаги порозилликлар орқали эришишни кузлар эдилар.

Аббосийлардан халифа тахтига даъвогарлик қилаётган Иброҳим Имом ўз тарафдорларини Хуросонга юборди. Улар бу ердаги порозилликларга раҳнамолик қилаётган Абу Муслим атрофида бирлашиб, аббосийларни тарғиб ва ташвиқ қилиши билан машғул бўладилар.

Ўрта асрлар Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихида юксак шухрат толган, жуда кўплаб кисса, дoston ва ривоятлардан ўрин олган Абу Муслим ким эди, унинг наслу пасаби, орзу-интишишлари қандай эди, қаби саволлар ҳар бир шахсни қизиқтирадди. Айниқса, «Абу Муслим жангномаси» билан танишган кишида бу иштиёқ кучирок жўнбушга кетса керак. Мана шу парсаи ҳисобга олиб, биз қўнида Абу Муслим шахсияти, унинг олиб борган жангу жадалларидан кузлаган мақсади ҳақида қисқача маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихига онд манбаларда Абу Муслим шахсияти, унинг наслу пасаби ҳақида ҳар хил хабар берилади. Масалан, улардан бирида (Мирхондининг «Равзат-уссафо»сида) ёзилишича, Абу Муслимнинг пасаби қадимги Эрон баҳодирларидан Гударзга нисбат берилади. Маълумки, Гударз Сиёеуш замонасида қора кийим кийиб жанг қилган. Абу Муслимнинг исми Иброҳим, лақаби Абуноҳож бўлиб, отасининг исми Муслим бўлган. Абу Муслим ҳам қора кийимда жанг қилган.

Аббосий Иброҳим Имом Абу Муслимнинг номини ўз исми билан бир хил бўлиб қолишини истамай, унда «Иброҳим» исмини ўзгартиришни илтимос қилади. Мана шунинг учун у ўз исмини Абдурахмон, лақабини Абу Муслим қилиб ўзгартиради.

«Тарихи Табарий»да ёзилишича, Абдурахмон саррожлик билан тирикчилик қилувчи зийрак, хушхулқ ва доно қул бўлган.

Шу манбанинг бошқа бир ўрнида «Абу Муслим бани Ажул қабиласининг озодлик берилган қулларидан эди», деб ўтилган.

Хуросон амира Насри Сайёр ўз рақиби Кирмонийга қарши жангга чиққанда, Абу Муслим ҳам Кирмонийга қарши ҳужум қилади. Бу воқеа ҳақида Насри Сайёр Марвонга, яъни умавийларнинг сўнгги ҳукмдори Язид бини Умарга «...бошқа бир киши найдо бўлдики, у саррожлар ўғлидир, на асли бору, на дини. Хуросон фосиқлари унинг атрофига тўнланган», деб безътибор хабар юборади.

Дарҳақиқат, саррожлик билан тўнган маблағининг бир қисмини умавийлар томонидан солинган оғир солиқларга, бошқа бир қисмини эса қулликдан қутулишга тўлаб юрган Абу Муслим қалбида ҳукмдорларга нисбатан исёнқорона руҳ туғилган эди. Мана шу руҳ аббосийлар томонидан юборилган тарғиботчилар таъсирида янада кучайиб кетди. Улар Абу Муслимни ўз томонларига тортдилар, ўзлари билан уни бир неча марта Макка сафарига олиб бордилар, Иброҳим Имом билан таништирдилар.

Иброҳим Имом Абу Муслимдаги кучли истеъдодни сезиб, бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги ҳарбий ҳаракатлар тақдирини унинг қўлига топширади. Ана шу пайтларда Абу Муслим эндигина ўн тўқуз ёшга тўлган эди.

Абу Муслимнинг барча хатти-ҳаракатлари ва марвонийлар (умавийлар)га қарши олиб борган жангу-жадаллари шаклаб аббосийлар ҳукмронлигини тиклаш учун олиб борилгандек бўлса ҳам, бироқ унинг туб мақсади асосида Хуросон ва Мовароуннаҳрдан истилочиларни қувиб ётар эди. Аммо у ўзининг бу мақсадини рўй-рост амалга ошира олмас эди. Чунки, у бу тупроқда ўз маҳаллий ҳокимиятини барпо этишни истар эди. Бу мақсадга эришиш учун у умавийлар зулмига қарши аббосийлар ҳаракатини қўяди. Бундай йўл тутайдан Абу Муслимнинг мақсади истилочилар кучини уларнинг ўз қўли билан бир даража бўлса ҳам сустлаштириш ҳамда маҳаллий аҳоли ўртасида ўз мавқенин янада мустаҳкамлаб олишдан иборат эди.

Аббосийлар раҳбари Иброҳим Имом Абу Муслимнинг бундай яширин мақсадини яхши англаб олган бўлса-да, бироқ жабр-зулмдан беҳад газабга тўлган Хуросон ва Мовароуннаҳр халқини бошқаришни ундан бошқа шахсга топшира олмас эди. Чунки, аббосийлар бу тупроқда ўз ҳокимиятини барпо этишга фақат ва фақат Абу Муслим орқали эриша олар эдилар, холос.

Абу Муслим аббосийлар манфаати учун қай даражада ҳаракат қилиш билан баробар Хуросон ва Мовароуннаҳрда ўз маҳаллий ҳокимиятини, мустақил давлатини барпо этишга ҳам интилди. Бунинг учун у аббосийлар ҳокимиятининг раҳбарлигига Алавийлар (ҳазрати Али авлодлари)ни қўйишга интилди. Бундан кўзланган мақсад Алавийлар аббосийларга нисбатан соддадил, ҳукмронликда тажрибасизроқ эдилар. Бинобарин, Абу Муслим кейинчалик истаган вақтда пайт топиб, Алавийларни ҳукмронликдан қувиб, ўз маҳаллий ҳукмронлигини тиклаши мумкин эди. Аммо, аббосийлар Алавийларни халифат ҳукмронлигига яқинлаштиришга бутун чоралар билан тўсқинлик қилдилар.

Абу Муслим ўз мақсадига эришиш учун Маккага сафарга чиқади. Бу сафар орқали у ана шу агрофлардаги араб аҳолисини ўз мақсадига эргаштириш ва халифат тахтига Алавийлар авлодидан ҳукмдор қўйишни кўзлайди. Бироқ, аббосийлар тах-

тнинг ҳукмдори Абу Исҳоқнинг бу яширини ниятини пайқаб, ўз укаси Абужаъфарни ҳожилар амири сифатида Абу Муслимга ҳамроҳ қилиб юборади.

Абу Муслим ва Абужаъфар ҳаж сафарида юрган пайтларида Абулаббос вафот этиб қолади. Абужаъфар тезда Ироққа қайтади ва халифат тахтига ўтиради. У Шомда халифат тахти учун кўтарилган ўз жиянининг (Абулаббоснинг ўғли) исёнини бостиришга Абу Муслимни юборади.

Исён бостирилгач, Абу Муслим Абужаъфарнинг ўзига исбатан қора ниятда эканлигини фаҳмлаб, унинг ижозатсиз Хуросонга қараб йўл олади. Аммо Абужаъфарнинг мақсади Абу Муслимни Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолисидан йироқроқ жойда йўқ қилиш эди. Шунинг учун ҳам Абужаъфар Абу Муслимнинг орқасидан кетма-кет чопарлар юбориб, бундай йўл тутиш халқ ўртасида сен томондан халифаликка қарши кўтарилган исён сифатида тушунилиши мумкин, шунинг учун сен олдин менинг ҳузуримга келиб, кейин Хуросонга йўл ол, деб илтимос қилади. Абу Муслим жуда қийин бир вазиятда қолади. Чунки, агар у Абужаъфар ҳузурига борса, яхши бўлмаслигини сезар эди. Унинг учун бирдан-бир чора худди мана шундай бир пайтда халифанинн хоҳишини бажармаслик, Хуросон ва Мовароуннаҳр халқини исёнга кўтаришдан иборат эди. Аммо исён кўтариш учун нафақат маҳаллий халқ, балки унинг ўзи ҳам тайёр эмас эди. Мана шунн ҳисобга олиб, у Абужаъфар ҳузурига таваккал қилиб боришга қарор қилади.

Аввалига халифа Абу Муслимни жуда яхши эҳтиромлар билан кутиб олади. Бироқ ўз ҳузурига кирверинидаги бир хонага қуролланган ўзининг хос кишиларини тайёрлаб, халифа ҳузурига кирётган Абу Муслимнинг қурол-яроғини дарвозабонларга олдириб қўяди. Бутунлай қуролсизлантирилган Абу Муслимга Абужаъфарнинг ишорати билан халифанинн кишилари ташланадилар ва ўлдирдилар. Шундай қилиб қонга беланган Абу Муслимнинг жонсиз жасадини ўзи ўлдирилган гиламга ўраб, ўша хонанинн бир бурчагига кўмадилар. Ташқарида эса Абу Муслимнинг мингта қуролланган йигити унинг чиқишини кутиб турар эди.

Халифанинн фармони билан мингта халтага мингтадан олтин солдириб тайёрлаб қўйилади. Абу Муслимнинг ҳаяллаб қолганидан шубҳаланган минг йигит халифа саройини ўраб олиб, унинг чиқишини талаб этадилар. Шу пайтда Абужаъфарнинг одамлари халифалик хоҳишларига қарши хатти-ҳаракатлари учун Абу Муслим ўз жазосини олганлиги ва унинг боши учун ҳар бир йигитга минг таиҗадан пул берилишини эълон қилиб, халталарни бирма-бир йигитларга ташлайдилар.

Минг таиҗадан олтин таиҗаларни олган Абу Муслимнинг йигитлари ўз сардорларини тезда унутадилар. Йигитлар орасида, жуда оз бўлса ҳам садоқатлилари бор бўлиб, улар ўзларини халифа саройига урадилар. Аммо улар ҳам халифанинн тигига учраб, ҳалок бўладилар. Бу машъум воқеа 755 йилда рўй берди.

Бу совуқ хабар тез фуратда бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрда тарқалади. Бу ерларда ғазабга тўлган халқ аввал мажусий Сунбод раҳбарлигида, кейин Хоним бинни Ҳаким — Муқанна раҳбарлигида қўзғолон кўтарилади.

Абу Муслим Марвазий ва у билан боғлиқ тарихий воқеаларнинг қисқача мазмуни мана шулардан иборат. Албатта, Ху-

росон ва Мовароуннахр мустақиллиги, унинг равшани учун фидокорлик кўрсатган оддий меҳнаткаш халқ орасидан етишиб чиққан улкан саркарда Абу Муслим ҳақида «Равзат-ул-сафо», «Тарихи Табарий», «Тарихи Паршахий» каби табаррук манбаларда жуда кўп қимматли маълумотлар берилган. Келгусида ана шу ва бошқа манбалар асосида Абу Муслим ва унинг ҳаёти ҳақида каттагина асар яратиш мумкин.

Абу Муслим вафотидан кейин, ҳаттоки унинг ўзи ҳаётлик чоғларидаёқ, халқ орасида оғзаки ҳикоя ва ривоятлар тўқила бошлайди. X—XI асрларга келиб оғиздан-оғизга ўтиб юрган бундай ривоят ва афсоналар асосида яхлит асар яратилади. Бу асар китобат қилиниб, форс-тожик тилидан туркий, араб ва бошқа тилларга таржима қилинади. Мана шу тариқа Хуросон ва Мовароуннахр амира Абу Муслим тарихий шахедан афсонавий эшик қахрамонга айланади. Унинг номи Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари орасида энг фахрли номга айланади. Уз фарзандининг жасур ва ватанпарвар, боғир, доно наҳлавон бўлишини орзу қилган ҳар бир ота-она, албатта, уша Абу Муслим деб исм қўядиган бўлади.

«Абу Муслим жангномаларининг барчасида асар муаллифи Абутоҳир ибни Хусайн ибни Али ибни Мусо ибни Тарусий деб қайд этилади. Мазкур шахсининг исми шарифлари «Даробнома» да ҳам муаллиф сифатида тилга олинади. Мана шунга асосланиб айтиш мумкинки, Тарусий ўрта асрлар мусулмон дунёсида маълум ва машҳур адиллардан бири бўлган.

«Абу Муслим жангномаси»ни бугунги кунда Чоп этишнинг катта маърифий-ахлоқий аҳамияти бор. Биринчидан, мазкур асарда ўн икки асрдан зиёдроқ вақт муқаддам Хуросон ва Мовароуннахр тупроғида мустақил ўз давлатини барпо этиш йўлида кураш олиб борган шахслар фаолияти ҳикоя қилинади. Эндигина ўз мустақиллигини қўлга киритган республикамиз аҳолиси учун ушбу китоб қахрамонлари маънавий-ахлоқий мададкор бўлиши, шубҳасиз. Чунки, мустақиллик учун кураш фақат бугун юзага келгани йўқ ва бу курашда қанчадан-қанча элимиз фарзандлари қурбон бўлганликларини «Абу Муслим жангномаси» каби китоблар билан танишгандан кейин чуқурроқ англаб етамиз.

Иккинчидан, мазкур китобда X асрларда тараққий қилган жавонмардийлик (футувват, сахийлик) жамоасининг барча хусусият ва талаблари ўз ифодасини тошган.

Жавонмардийлик айёр(рицар)лар жамияти бўлиб, ушбу жамиятнинг ҳар бир аъзоси жасур, вафодор, софдил, садоқатли, ростгўй, тadbиркор бўлиши, ожизларга ёрдам берувчи, яхшиларни ёмонларнинг ҳужумидан ҳимоя қилувчи, андишали ва мулоҳазакор, одил ва ўз меҳнати билан кўп кўрувчи, кишиларга эҳти етказмайдиган, таъмагир ва ҳасадгўй бўлмаслиги, хушхулқ ва ширинзабон, камтар ва сахий бўлиши лозим.

Мазкур паири учун Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти фондидан 243 рақам остида сақланаётган босма китоб асос қилиб олинди.

Ушбу асарни «Абу Муслим жангномаси» кишиларимиз маънавий-ахлоқий ҳаётининг, ёшларни жавонмардийлик анъаналари асосида тарбиялашда, уларнинг қалбларида пур таратишда, фарис ва ҳасадни йўқотишда катта ҳисса қўшади.

БАҲОДИР САРИМСОҚОВ

## Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим

Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва муҳаддисони достони бӯстони гулшани хирмани суҳан ва саррофони дорулаёри суҳандони ва жавҳариёни риштаи пифростаороёни ажойиб ва чоракушоёни фаройиб ва тўтиабъони бӯстони суҳани ҳам анжумаи, яъни баноми аълоии заранжи ва талҳа заранжи ва Ҳоким-ут-Тоҳир Тарсуеий ва Хожа Муҳаммад чунин ривоят қилнодурларки, аз қиссаи амири амирон ва баргузидаи ҳазрати Дудмон, пойини ҳазрати Шоҳимардон маншур дода имомони соҳибн табаргарон ва кушандан Хожа ибн Асад ибн Жунайд ибн Шаҳоб ибн Манзар ибн Навфал ибн Қийнон ибн Абдулмутталиб ибн Абдулманноф, байт:

Пас аз ҳамди маъбуд, паъти наби\*  
Зи ёрони дерин суҳан бишнави.  
Зи сами хавориж жаҳон карда ранг,  
Бар авлоди Ҳайдар жаҳон гашт танг  
Зи ахбори Бумуслими наҳлавон,  
Ба самъат расид онча гуям равон.  
Чеҳл сол Бумуслими наҳлавон,  
Табар кӯфт бар фарқи марвоиён.  
Зи ҳадди Хуросон то Руму Рай,  
Биандохт тухми хавориж зи пай.  
Зи ҳадди Самарқанд то Мисру Шом,  
Базарби табар кард динро тамом.  
Бумуслим Марвазий табар зин мезад,  
Аз Марв ҳамин гузафт таб зин мезад.  
У хуш Ҳусайн ибн Али металабад,  
Бар тораки хорижи табар зин мезад.  
Ба фарқи аду то камар мешикаст,  
Куидан дӯзах ба табар мешикаст.

\* Шеърларнинг таржимаси китоб сўнгида берилмоқда.  
[Муҳ.]



Бумуслими Марвазий шужоъи  
Кандар сафи жанг бозафар буд,  
Хасмони сипоҳ дар бари ў,  
Чун гул бамиёни нилуфар буд.

Ровиёни дафтар ва поқилони ҳикояти муътабар шундоқ ҳикоят берибдурларки, дар замони қадим Арабистони Кӯфада икки қабила бор эрди. Бирини қабилаи Бани Тай ва яна бирини қабилаи Бани Ҳошим дер эрдилар. Аммо Бани Ҳошим қабиласини сардори Саййид Жунайд дегаи мард эрди, бисёр соҳибқирон эрди. Худойи таоло Саййид Жунайдга икки ўғул фарзанд каромат қилди. Бирини отини Саййид Имрон ва бирини отини Саййид Асад дер эрдилар. Аммо Бани Тай қабиласини сардори Кабодар дегаи мард эрди ва онинг ўглини отини Маҳлонли Тамим Тонӣ дер эрдилар.

Бу икки қабила орасида адоват бор эрди, ҳаминча бир-бирлари билан жанг қилур эрдилар. Ва лекин Саййид Жунайд ҳама вақт жангда бул қабилага галиб келур эрдилар. Чароки, булар мусулмони комил эрдилар. Қабилаи Бани Тай хавориж эрди. Ҳар вақтки жанг воқеъ бўлса, қабилаи Бани Тайдин тушган бандиларни олиб келиб сотур эрдилар. Бу сабабди қабилаи Бани Тай бисёр таиғ бўлдилар. Бу сабабди Маҳлонли ўглига арзи аҳвол айтиб, илож қилурини билмас эрди. Буларни бу ерда қуюнг, икки калима сўз ўзга жойдин эшиттинг.

Ровийлар айтибдурларки, Саййид Жунайдни икки ўгли бор эрди. Бирини Саййид Имрон ва бирини Саййид Асад дерлар. Лекин Саййид Имрон сипоҳгарликни хушламас эрди. Аммо Саййид Асад бисёр жавони бошижоат эрдилар.

Кунлардан бир кун шикор қилмоқ қасдида борур эрдилар. Қазоро бир кўчабоғдан ўтуб борур эрди, олдиларидин бир маофа пайдо бўлди. Саййид ўзларини канораға олиб турдилар. Улар ўтуб борур эрди. Баногоҳ ул маофани шамол келиб кўтарди. Саййидни кўзлари ул маофадаги маликаға тушди. Кўнгул бирла маликаға ошиқи нигорон бўлдилар. Саййид бир кишини сўрдиларки, бу маликани оти нимадур, кимни қизидур, дедилар. Ул киши айдиларки, бу Маҳлоилни қизидур. Бу маликани оти Ҳалимабонудур, боғ сайрига бородур, деди. Аммо малика ҳам Саййид-

ни кўруб, тири ишқ еб, Саййиддин зиёдроқ ошиқи ни-  
горон бўлуб эрди. Боққа бориб, томошо қилиб, дами-  
ни рост қилиб, ёниб ҳарамга келиб, Саййидни ишқида  
бегоҳат бўлуб ётди. Аммо Саййид Асадин ҳам ши-  
корлари барор қилмади, ёниб келиб, ишқ-муҳаббат  
бистарида куйиб, беором бўлдилар. Саййид Жунайд  
ўсуллариини тири ишқ еганларидини воқиф бўлуб сўр-  
диларки, эй фарзанди дилбандим, нима учун рангу  
рўйинг ўзгача бўлуб беқарорлиқ қилурсан, дедилар.  
Саййид Асад ўз ҳолларини изҳор қилмадилар. Охир  
Саййид Жунайд чиқиб, Саййид Асадини оналарига  
айдилар. Оналари сўрдиларки, эй фарзанди дилбан-  
дим, санга на воқеа рўй берди, дедилар. Саййид  
Асад ўтган воқеаларни баён қилдилар, оналари чи-  
қиб воқеани оталарига изҳор қилдилар. Хожа кириб  
айдиларки, эй фарзанд, бу сабабдан хотиржам бўл-  
гилки, ул қабила мандан шикаст еб танг бўлғондур-  
лар, бугун ё эрта элчи юбориб, Маҳлоилни қизини  
талаб қилиб олиб берурман, деди.

Саййид хушвақт бўлуб қабул қилдилар ва яна Сай-  
йид Жунайд чиқиб, ул қабила бирла жанг қилдилар.  
Қабилан Бани Тай танг бўлдилар. Охир қабилани  
катталари бир ерда ўлтуруб кенгаш қилиб айдилар-  
ки, эй ёронлар, Саййид Жунайд бизларни шикаст бер-  
ди, бисёр танг бўлдук. Бул икки қабилани орасига  
дўстлиқ пайдо бўлғони хўбдур, деб ҳаммалари мас-  
лаҳат қилдиларки, Маҳлоилни Ҳалимабону номли  
соҳиб жамол қизи бор. Шул қизни Саййид Жунайд-  
ни ўғлига бериб, они домод қилсоқ, шоядки бул икки  
қабилани орасидан адоват йўқ бўлса, дўстлуқ ва  
ошинолиқ пайдо бўлса, дедилар.

Алқисса, тамоми мардум маслаҳатини бир ерда  
қўюб, иттифоқ бирла Маҳлоилни олдиға кириб айди-  
ларки, эй Маҳлоил, бизлар Саййид Жунайдни жанги-  
дин шикаст еб, сани олдинға келдук, нима бўлурки,  
бу икки қабилани аросида сулҳ пайдо бўлса, деди-  
лар.

Маҳлоил айдиким, мен қабул қилурман, аммо  
Саййид қабул қилмайдур, на илож қилурман, деди.  
Қабилани сардорлари айдиларки, қизинг Ҳалимани  
анинг ўғлига берсанг, жанги жадал аромиздин бар-  
тараф бўлур, дедилар. Маҳлоил қабул қилмади, сар-  
дорони қабила ҳаммалари хуруш ва ғавго қилдилар,  
пачор қабул қилди. Айдиким, Саййид хостгорлиқ қи-  
либ қизимни талаб қилсуни, андин сўнг ман қабул

қилой, деди. Андан қабилани сардорлари Саййидга бу мазмуида хат юбордилар.

Саййид ҳам қабул қилиб, ўз қабилаларини катталарини бисёр мол бирла хостгорликқа юбордилар. Маҳлоил хушвақт бўлуб, буларга саруполар бериб; қизни фотиҳа қилдилар, аммо инкоҳ олти ой кейин тирамоҳда бўлсун, деб таваққуф қилдилар.

Ровий айтибдурки, муддати олти ой ўтди. Хожа Жунайид хоҳлайдиларки, тўйни пенкани лозимаидаларини тараддуд қилсалар. Қазоро Хожага бир касале воқеъ бўлуб, дорулфанодни дорулбақога риҳлат қилдилар. Аммо ул қабиладнинг каттаси Саййид Асад бўлдилар.

Саййид Имрон атоларини вафотларида йўқ эрдилар, анда Саййид Асад эмди тўй бўлсун, деб киши юбордилар. Маҳлоил Саййид Жунайидни ўлгонларини эшитиб айдикки, галат хаё қилибдурман, Саййид Жунайидни қўрқиб қабул қилиб эрдим, ул абутуробийга қизимни бермасман, деб қабул қилмади.

Бул хабарни Саййид Асад эшитиб ҳеч нлож топмадилар, ночор бўлуб, баттар маризи ишқ-муҳаббат голиблигини ранжур бўлдилар. Чароки, Саййид Асадни Маҳлоилга баробарлиқ қилиб зўрлари етмас эрди. Аммо Ҳалимабону ҳам Саййид Асадни ишқ-муҳаббатларида куюб, хоби хаёли булар бўлуб, ўзини беҳабар бўлуб, беҳудлик рўй берур эрди.

Бу воқеа бирла печа кунлар ўтди. Бир кун Моида хотун Саййид Асадни олдларига кириб айдикки, ман бориб Ҳалимабонун сизга муяссар қилсам, деди. Саййид айдиларки, кўрни талаби инки кўзидур, деб хушвақт бўлдилар.

Алқисса, Моида хотун чиқиб кетди. Бориб Ҳалимабону аносиди:— Қизингиз қайдадурлар,— деди.— Қизим печа вақтдан бери касал бўлуб ётибдур,— деди. Охир Моида хотун Ҳалимабонун олдига кириб, томирини ушлаб айдикки, эй жони модар, сиз касал эмассиз, сизда инқни касали бордур, деди. Малика:— Эй модар, бул айб сўзни айтманг,— деди. Аммо Моида хотун айди:— Эй маликан араб, сиригини мандан инқон тутманг,— деди.

Малика уйни холи қилиб инқор қилди. Охируламр, Моида хотун айдикки, эй малика, билинг ва огоҳ бўлинг, ман саломи шайём етса, Асадни сизга еткураман. Агар арзингиз бўлса, менга айтнинг, деди. Малика ҳайрон бўлди, аммо дилида Саййид Асадни ишқ-

муҳаббатлари шўъла уруб, бетоқат бўлуб айди:— Эй модар, бу бандани арзини Саййид Асадга еткурунг. Айттишги, душабба кунн ўзларини сармазори Хожа Муродбахшда ҳозир қилсунлар, ман ҳам ўзумни анда еткурурман,— деди.

Алқисса, Монда хотун хушвақт бўлуб, маликани сурати ҳолини ва деган сўзини Саййид Асадга айтди. Саййид Асад завқи тамом бирла ўрунларидини қўлуб, ўл қабилаларига бориб айдики, эй қавм, зану фарзанду аҳли аёлларингизни ҳамроҳ қилиб, ҳар жойга хоҳласанглар, боринглар, то ул нобакор хавориж келиб, сизларни тахтипо қилмосун, дедилар. Қабилаларини, ўзларини эҳтиёт қилдилар.

Саййид Асад бир яхши от сувора бўлуб, бир бўқча саруноий олиб, яна бир отни зийну ложими заррин қилиб равона бўлдилар. Шитоб бирла юруб бориб, талини канирасида турдилар. Ул талини Хожа Муродбахш дер эдилар. Булар бу ерда турсун, икки калима сўз ўзга жойдан эшитмак керак.

Ул кеча малика ётган жойинини туруб айдики, эй модари меҳрибон, ман бу кеча бир туш кўруб паришон бўлдум, сармазори Хожа Муродбахшга назрунида бориб келай, то икки бу касалдан халос бўлсам, деди. Маликани аноси:— Боргин, ўзунгга эҳтиёт бўлгин, — деб жавоб берди.

Малика завқи тамом бирга бир неча канизакларни ўзига ҳамроҳ қилиб равон бўлди. Келиб мазорни тавофина айламак бўлуб эрди, кўрдикни, канизаклар орқасидин келадур. Охируламр, маликани хотирига етдики, буларни бир макр билан бир ишга машғул қилай деб, бўйнидаги маржону марворидларини узуб ташлаб фарёд қилдики, эй канизаклар, мени бўйнимдаги марворидлар узулиб тушди, сизлар териб олинглар, мен мақбарани атрофини айланиб зиёрат қилай, деб равон бўлди. Келиб Саййид Асадни кўрди. Малика ҳам мардона либос учовлон ҳамроҳ бўлуб, отга сувора бўлуб, йўлга равона бўлдилар. Буларни юрмакда қўйинг, икки калима сўз канизаклардин эшитинг.

Канизаклар ул жавоҳирларни териб олиб келдилар. Маликадин ҳеч асар топмадилар, почор ёниб келиб воқсани айттилар. Маликани аноси, ачи ким олиб кетди, деб ҳайрон бўлиб, бу гуфтугўда эрдиларки, Маҳлоил шикорга бориб эрди. Шикори барор қилмай ёниб ҳарамга кирди. Кўрдикни, ҳаммалари паришон-

ҳол ўлтиродурлар. Айдики, на учун паришон кўрино-  
лурсишлар? Айдиларки, малика зиёратга бориб го-  
йиб бўлубдур. Маҳлоил бу сўзни эшитиб, паришон  
бўлуб, қирқ кишини ҳамроҳ қилиб, жониби тал бирла  
равон бўлди. Аларни отини изини олиб кетдилар.  
Буларни юрмоқда қўйинг.

Ровийлар айтибдурларким, ул уч таи шитоб бирла  
зуб, бир баландга чиқиб кўрдиларки, қалъаи Кўфа  
намоён бўлди. Алқисса, келиб Кўфага дохил бўлди-  
лар. Саройга тушуб, бир хужра олдилар. Аммо хуж-  
рани бир дарчаенин куча тарафдан қўйгон эрди. Анда  
Сайёра Мавлон чиқиб поран гушту пои олиб келди.  
Ани тановул қилай деб эрдилар, отини туёғини овози  
тароқ-тароқ буларни қулоқига етди.

Малика ул дарчадин боқиб кўрдикки, атоси раста  
бозордин ўтуб бородур. Малика ўзини кейинга тортти,  
алар ўтуб кетдилар. Алқисса, Саййид Асад учовлон  
саройдан чиқиб, булар ҳам равон бўлдилар.

Икки калима сўз ўзга жойдан эшитмоқ керак.  
Аммо Маҳлоил Утба ибн Валидин олдиға кириб, во-  
қеани баён қилди. Утба мунодо қилдурдики, ҳар ким  
Саййид Асад бирла Маликадин хабар келтурса, зару  
зварлар бериб, дунёликдин бениёз қилурман. Одам-  
лар ҳар чанд жусмжў қилдилар, алардин хабар тоб-  
мадилар. Ва яна Маҳлоил почор бўлуб, қалъаи Кў-  
фадин чиқиб, Саййид Асадни истаб, аларни орқаси-  
дин равона бўлди.

Ровий айтибдурки, Саййид Асад ва Малика ва  
Сайёра Мавлон бу учовлон Кўфадин чиқиб, шитоб  
бирла уч йўлни бошиға келдилар. Саййид Асад Сай-  
ёра Мавлондин сўрдики, бу йўл бирла қайси тараф-  
га бородур, деб. Сайёра Мавлон айдики, ман бир ма-  
ротибга хожам бирла шул ерга келиб эрдим. Алар-  
дин эшитиб эрдимки, ўнг қўлдаги йўлга юруса, Мо-  
зондаронға борур ва чап қўлдаги йўл бирла Балх  
шаҳрига бородур. Аммо ўртадаги йўл бирла Марв-  
шоҳижаҳонға бородур деб эрдилар, деди.

Алқисса, Саййид Асад айдиларки, қайси йўлга  
борсақ Моҳлоилдин халос бўлурмиз. Сайёра айдики,  
Марвшоҳижаҳон тарафиға борсақ хўбдур. Чароки,  
Марвшоҳижаҳонда муҳибби хонадонлар кўпдурлар  
ва яна пойтахти Хуросондур, деди. Ҳалимабону айди-  
ларки, андоқ бўлса, Марвшоҳижаҳонға борғонимиз  
хўб, дедилар.

Алқисса, Саййид Асад Марвшоҳижаҳон йўлиға

чириб равон бўлдилар, эмди сўзни nobakor Маҳлоил  
лини эшитмак (даркор).

Ровий айтибдурки, Маҳлоил Кўфадни чиқиб, бу-  
ларни изидан келиб, ул уч йўлни бошига кетти,  
буларни отини изи Марвшоҳжаҳон тарафига кетиб-  
дур. Маҳлоил ситеза бирла ўзи якка-ю таъхо Марв-  
шоҳжаҳон тарафига юрди. Навкарлари иккига бў-  
лишиб, баъзиси Балх йўлига ва баъзиси Мозандарон  
йўлига кирдилар.

Ул сағлар ташна ва гурусна бўлуб, йўлда ҳалок  
бўлдилар. Аммо Маҳлоил добби таковар қилиб, Марв-  
шоҳжаҳон йўлига кириб, шитоб бирла борур эрди.

Ногоҳ кўрдики, уч отлиқ бородур. Билдики, Сай-  
йид Асаддур. Дарҳол тигини филофидни чиқориб от  
қўйди. Саййид Асад ва Ҳалимабону кўрдиларки,  
Маҳлоил ғазаб бирла келодур. Айдиларки, эмди ул  
nobakorни қўлига тушодурмиз деб. Бир баландга чи-  
қиб, нолау зори қилиб муножот қилдилар. Қазоро  
отини тўёқни каламушхонага кириб кетди. Маҳлоил  
отдин йиқилиб, гардани сииб, жон бамолики дўзах-  
га сипориш қилди. Буларни ўлгонини кўруб, худойи  
таолога шукр бажо келтурдилар. Баъдазон ул баланд-  
дин тушуб равона бўлдилар.

Неча кунлар юруб, Марвшоҳжаҳонга дохил бўл-  
дилар. Бир саройга тушдилар. Ҳалимани саройга  
кўюб, Саййид Асад айдиларки, чиқиб шаҳарни тамо-  
шо қилайин, шоядки бир ошино пайдо бўлса, деб.

Сайр қилиб келур эрдилар, Саййидни кўзлари  
растан оҳангаронга тушти. Кўрдиларким, бир ёри  
оҳангари юзидан нур зоҳир бўлуб турубдур. Аммо  
маҳосани сафид эрди. Саййидга бисёр хуш келди.  
Келиб анго салом қилдилар, ул ёри оҳангари кўрдики,  
ажаб жавонедур. Дарҳол анинг юзини кўруб, му-  
ҳаббат бирла ошиқ бўлди. Айдики, эй йигит, отинг  
вимадур? Саййид Асад айдиларки, манинг отим —  
Саййид Асад.

Ул оҳангар айдики, эй йигит, бул отни тилинға  
олмоғил, бу замон марвонийлар замонидур, ҳар жой-  
да Саййид Асад отлиг ё Али отлиг одам бўлса, ўл-  
туродурлар. Баъдазон сўрдиларки, эй падар, сизни  
отингиз нима? Ул киши айдики, мани отимни Усто  
Хубкори Дарбандий дейдурлар, деди. Андан Саййид-  
ни қўлларини ушлаб, уйларига олиб келиб, иззату  
ҳурматлар қилиб, яхши саруполар кийгузуб, бошлари-  
дин зар писор қилди. Чароки ул замонни ҳукамолари-

дан эшитиб эрдик, Соҳибқироии Ҳафтоду дуввум Баши Ҳошим авлодларидан пайдо бўлодур деб. Аломатларинини айтиб эрдилар, анинг учун Саййидни хизматларини бажо келтурдилар. Усто Ҳўбкор айдиларки, эй Саййид, саройда одамингиз борму? Айдилар:— Оре, бир биродарим ва яна бир бахшидам ҳам бор,— дедилар. Хожа Ҳўбкор айдиларки, эй Саййид, бахшидангиз саройда бўлмоғи муносиб эмас, дедилар.

Алқисса, Хожа Ҳўбкор киши юбориб Ҳалимабонунини ва биродарларинини олиб келиб, бир уйни азбаройи Саййид учун ораста қилдилар, яна бир уйни Саййид Иброи учун ораста қилиб бердилар. Яхши саруполар кийгузуб, айдики, эй Саййид, модомики, шул ерда бердурсизлар, ҳар не хизматингизни бажо келтурурман. Ҳар нимаки хоҳласангиз, пайдо қилурман, ҳеч ваҳҳдин гам еманглар, деб кўп меҳрибонликлар қилдилар. Саййид Хожа Ҳўбкордини бу марҳаматларни кўруб айдиларки, эй падари бузруквор, эмди бизларини ақд қиланг, дедилар.

Хожа Ҳўбкор неча кишиларини олиб кириб, обу ош қилиб, буларга ақди никоҳ қилдилар. Олти ойдан кейин Ҳалимабонуга ҳомила бўлди ва яна Ҳўбкорини занфарларига ҳам ҳамл воқе бўлди. Нега маҳалдан кейин ҳар иккалалари таваллуд қилдилар. Ҳалимабону қиз туғдилар, Хожани хотунларни ўғул туғдилар. Ҳалимабонунини қизлари олти кундан кейин вафот топти. Хожани ўғулларинини отини Ҳўрдак қўйдилар. Ҳалимабону Ҳўрдакка сўт берур эрдилар. Ул сабабдин Хожа Ҳўрдакин амирга бародари ризойи дондурлар.

Ровий айтибдурки, бир кун Саййид Асад уйга кириб Ҳалимабону бирла ҳазил-мутойнба қилдилар. Ҳалимабону бедумоғ бўлуб айдиларки, қачонгача Хожа Ҳўбкорини хилъатларинини кийиб, таомларинини ендурман, дедилар.

Саййид айдиларки, эй Ҳалима, мен ҳам бу сабабдин шармсордурман, деб бу гуфтугўйда эрдиларки, Хожа Ҳўбкор кириб келдилар. Айдиларки, эй жонони падар, на учун гуфтугўй қилодурсизлар? Ҳалима айдики, эй Хожа, кўрмайсизмуки, Саййид Асад нима сўзлар айтодурлар?

Ҳўбкор айдилар:— Эй жони падар, мундоғ дурушт сўзларни қилиб бу хотунга озор бермангки, сизни деб ото-аносини меҳридин кечиб келибдур. Агар сиз-

ларга минг танга ҳам даркор бўлса, мутасадди бўлурман, сизлар ўзларингизни паришон қилманглар,— дедилар.

Икки бародар айдиларки, эй надар, нима бўлурки, бизларни бир иш таъйин қилсангиз, токи бизлар аниқ бирла мангул бўлсақ?

Хожа айдилар:— Сизларга қайси иш муносиб бўлса, аниқ таъйин қилойини,— дедилар. Оқибат баззованики танладилар.

Андин Хўбкор булар бирла келиб, баззов ёронлари бирла ошино қилдилар. Айдиларки, бу икки бародар мааниқ хешовандимдурлар, буларга дўкон таъйин қилинлар, дедилар, Чароки, Хожа Марвоннинг наварри эрди. Ҳамма халқ рноя қилур эрдилар.

Буларга икки дўконни холи қилиб бердилар. Хожа Хўбкор ҳам иккала дўконга эллик минг тангалик мато солдилар. Айдилар:— Эй саййидлар, ҳар нимаки сотсангизлар, уйунгларга харж қилинлар,— деб ёниб кетдилар. Ул икки бародар ҳар кунни савдо қилсалар, уйларига харж қилур эрдилар. Аммо Ҳалима хушвақт бўлдиларки, булар дунё пайдо қилиб харж қилодурлар деб. Аммо Ҳалима булар моли мардумни ёгонларидин беҳабар эрдилар. Ҳар нимарсаки дўконга солиб эрдилар олти ойда тамом қилдилар, ҳеч нимарса қолмади. Булардин Хўбкорни хабари йўқ эрди. Бул икки бародар Хожа хабардор бўлмасун деб, яна юз минг танга қарз олиб дўконга солдилар. Бир кун Хўбкор айдик, бориб саййидлардин хабар олай, агар матолари бўлмаса, яна мато олиб берай деб кўрдик, саййидларни дўконларида мато бисёрдур.

Хўбкор хушнуд бўлуб айдик, булар соҳибни солиқа эканлар, молни кўп қилибдурлар, деди. Аммо Хўбкор буларни қарз олгонларидин беҳабар эрди. Агар хабардор бўлса, қарзларидин халос қилиб кўяр эрди.

Аммо саййидлар ҳар нимарса сотсалар, порани уйларига харж қилур эрдилар, порани қарзларига берур эрдилар. Охируламр, дўконларида ҳеч нимарса қолмоди. Тонгла қарзга нимани берурмиз, деб ҳайрон бўлдилар. Охир бу икки бародар шармсор бўлуб Исфаҳон тарафига қочиб кетдилар.

Ҳажжожини золим Марвонини жошибидин Исфаҳонга ҳоким эрди. Лекин Ҳажжожини саййидларга бисёр муҳаббати бор эрдик, ун икки минг саййидзодалар-



ни мулозимат қилиб, вазифа бериб, тарбиятлар қилур эрди. Буларни хотирига ҳам келдики, бизлар ҳам боруб Ҳажжожга навкар кириб, пул пайдо қилиб, қарз-хоҳларимизга берайлук деб, хаёлда Исфаҳонга бордилар. Аммо буларни қарзларини Хожа Хўбкор билмос эрдилар. Агар билсалар, юз минг танга қарзлари ҳам бўлса адо қилиб, саййидларини Исфаҳонга юбормас эрдилар.

Аммо Саййид Асадий қарзхоҳлари бир ҳафтагача дўконга келиб, саййидларини тополмай ҳайрон бўлдилар. Ҳаммалари Хўбкорни дарвозасига келиб, дарвозани урдилар. Ҳалимабону дарвозани орқасига келиб айтиди:— Оё, сизлар нечук кишидурсизлар, кимни йўқлорсизлар?— дедилар.

Алар айдиларки, ишимиз бордур, дедилар. Ҳалимабону айдиларки, бир ҳафта бўлдики, уйга келмайдурлар.

Қарзхоҳлар билдиларки, саййидлар шаҳардан чиқиб кетибдурлар. Сўрдиларки, сиз кимдурсиз? Ҳалимабону, Саййиднинг заифалари бўлурман, дедилар.

Ул nobакорлар эринг биздин юз минг танга қарздор эрди, қочиб кетибдур. Сани бизлар уйумизга олиб бориб хизматкор қилурмиз. Эринг ҳар жойда бўлса, номус қилиб, келиб сани халос қилиб олур, деб Ҳалимани этакларидан ушлаб, кашкашон қилиб судрадилар.

Ҳалимабону зор-зор йиғлаб, бул саглари олдиға тушуб равон бўлдилар. Баногоҳ йўлда бир қасри олиғини кўрдилар. Ҳалимабону ул қасрга қочиб кирдилар. Ичкари кириб кўрдиларки, бир Хожа ўлтирибдур, нури плоҳий юзидин зоҳир бўлуб туродур, маҳосини сафид. Анда Хожани кўзлари Ҳалимабонуга тушуб билдиларки, соҳибқирони ҳафтоду дуввум шул хотундан зуҳурға келодур. Чароки, Хожа илми нужумға бисёр доно ва моҳир эрдилар. Бу кишини отларини Хожа Касри Музаффармусо Аъро-би дер эрдилар, муҳибби хонадон эрдилар, назди Шохижаҳонға ранс эрдилар.

Айдиларки, эй жони падар, нима воқеа бўлди, деб сўрдилар. Ҳалимабону ўткон воқеани баён қилдилар. Ҳалимани уйга киргузуб, ўзлари тошқорида ўлтурдилар.

Ровийлар айтибдурларки, ул nobакор саглар Ҳалимани гоғиб қилиб, ҳайрон бўлдилар. Бири айдикки,

Хожани уйга кириб кетди, деди. Бул икки хавориж  
Хожа Касирни мулозиматлариға келиб, воқеани баён  
қилдилар.

Хожа дарғазаб бўлуб, хоҳладикки, бу сағларни  
ўлдурсалар. Боз андиша қилдиларки, ҳалок қилгон  
хўб эмас деб. Уйга кириб саксон минг тангани олиб  
чиқиб бериб айдиларки, эй сағлар, пуллариингни олиг-  
лар. Ул иккисен пулини олиб чиқиб кетди ва яна  
Хожа Касир уйлариға кириб, Ҳалимабонуға яхши  
саруполар кийгузуб, гуногун таомлар бериб, иззату  
ҳурматлар қилиб, ани хидматини бажону дил қабул  
қилдилар.

Ровийлар айтибдурларки, Хожа Хўбкор намози  
нешин вақтида уйлариға келдилар, Ҳалимани кўрмо-  
дилар. Аҳлу аёлларидан сўрдиларки, қаён кетти деб.  
Бир канизлари, эй Хожам, аларни ҳолларидин хабар-  
дорман деб, ўтган воқеаларни бир-бир баён қилди.  
Хожа Хўбкор канизакдан бу сўзни эшитиб паришон  
бўлдилар. Андан бир ҳамён зарни олиб, отға сувора  
бўлуб, қарзхоҳларни уйга бориб, пулини бериб, Ҳа-  
лимани олиб келай деб. Аларни бирини уйга кириб  
айдиларки, ман сизларни пулингларни бериб, Ҳалима-  
ни халос қилиб олиб кетгали келдим, дедилар. Алар  
айдилар:— Эй Хожа Хўбкор, Хожа Касир бизни пу-  
лимизни бериб, жудо қилиб олди,— деди.

Хожа Хўбкор бу сўзни эшитиб, аввалғидин зиёда-  
роқ паришон бўлдилар. Хожа дилларида айдиларки,  
энди бул хотун манга муяссар бўлмойдур, бу хотун-  
ни қадрини Хожа Касир мандан зиёдроқ билодур.  
Ман ҳам соҳиби хуруж шул авратдан таваллуд то-  
пар деб эшитиб эрдим. Эмди ҳар нечук ҳам бўлса,  
Хожа Касирни хизматлариға ўзум борай, деб келди-  
лар. Буларни келгонларидан воқиф бўлуб чиқтилар.  
Хожа Хўбкор Хожа Касирға мулозамат қилиб айди-  
ларки, тақсир Хожам, худойи таоло сизга сабри азим  
ато қилсун. Мани хешовандимни қарзини адо қилиб,  
қарзхоҳларни қўлидан халос қилиб олибдурсиз. Сиз-  
ни пулингизни бериб хешовандимни олиб кетай деб  
келдим, дедилар.

Хожа Касир хандалар қилиб айдиларки, эй оҳан-  
гар, бу сўзни мандан эшитиб яна менга ўрготурсан.  
Бу аврат сани хешинг эмас. Эй Хўбкор, билғилки, ҳар  
қанчаки бу авратға азбаройи худо бердим. Ҳеч ким-  
дан бир пул талаб қилмайдурман. Эй Хожа, хуш ке-  
либсиз, ҳар вақтоки бу авратни шавҳари келса, мани

уйимдан олиб борсун. Бу авратни қадрини ўзум хўб билурман, дедилар.

Хожа Хўбкор бу сўзларни эшитиб, ночор уйларига ёндилар.

Ровий айтибдурки, алқисса, Саййид Асад бародарлари билан И... бориб, Ҳажжожга мулозимат қилдилар. Ҳажжож сўрадики, сизлар саййид-мусизлар? Булар айдилар:

— Балн.

— На учун олти ой илгори келмадинглар?— деди. Булар:— Оғимиз йўқ учун келолмадик,— дедилар. Ҳажжож сўрдики, отларингиз нимодур? Айдиларки, биримизни отимиз Саййид Имрон ва биримизни отимиз Саййид Асад, дедилар. Ва яна сўрдики, кадхудо-мусузлар? Саййид Асад:— Ман кадхудо бўлгонман, бародарим кадхудо бўлгон эмас,— дедилар. Аммо ёронларга маълум бўлсунким, Ҳажжож саййидларга муътақид ва муҳаббатлиқ эрди. Ун икки минг саййидни мулозамат қилиб, вазифа берур эрди. Бу саййидлар Ҳажжожни қасрига келиб борур эрдилар. Буларни бисёр иззату ҳурматлар қилур эрди.

Ҳажжож яна сўрдики, аҳлингизни олиб келгонмусиз? Булар:— Олиб келгонимиз йўқ,— дедилар.

— Не учун олиб келмадингиз?— деди.

Булар:— Қарздорлик сабабидин олиб келолмадук,— дедилар.

Ҳажжож парнишон бўлуб айдикки, қанча қарзингиз бордур? Булар:— Саксон минг танга,— дедилар. Ҳажжож яхши сарунолар бериб хазиначига айдикки, саксон минг танга чиқориб бергил. Хазиначи чиқориб берди. Ҳажжож айдикки, эй саййидлар, бу саксон минг тангани қарзингизга беринг, деди ва яна саксон минг тангани бериб айдикки, муни харжи қилинглар, токи бир-биримизга кўнгул боғлайлук ва яна мандин миннатдор бўлсангизлар, бул ерда турмоқга сабаби истиқомат бўлуб, менинг хидматимда тургойсизлар.

Алқисса, алар Ҳажжожни фармойиши бирла Исфаҳондан чиқиб кўрсаларки, орқаларидан бир хожани соҳиб тажаммул келодур. Ул Хожани отларини Хожа Кайс Омир дер эрдилар. Ҳажжожни вазири эрди ва илми нужумни бисёр яхши билур эрди. Саййид Асадни кўрди, соҳибни хуружи ҳафтоду дуввум шул Саййидни пушти камаридин зухур қилодурлар. Анинг учун Саййидни орқаларидан чиқиб, аҳволларини сў-

роб айдиларки, эй жони падар, ҳар вақтоки, аёлигизни олиб келсонгиз, зинҳор басад зинҳор бизни уйга олиб келинг. Ман сизларни ўзум мулозамат қилиб, тарбият қилурман, дедилар. Баъдазон видо қилиб йўлга равона бўлдилар.

Марвшоҳижаҳонға келдилар, Хожа Хўбкорни уйларига кирдилар. Хожа чиқиб мулозамат қилдилар.

Саййид айдиларки, эй падар, Ҳалима зоҳир бўлмойдур, қайда?— деб сўрдилар.

Хожа қарзхоҳларни келгонини, Ҳалима Хожа Қасирни қасрида эконини бир-бир баён қилдилар. Андан булар Хожа Қасирни уйларига келдилар. Хожа Қасир воқиф бўлуб, буларни истиқболларига чиқиб, уйга олиб кириб, яхши зиёфатлар қилиб, ҳолу аҳволларини сўродилар. Баъдазон Саййид Асад олиб келгон зарларини Хожани олдиға қўйдилар.

Айдилар:— Эй жонони падар, ҳар нимарсаики қилдим, азбарои худо қилдим. Сизлардан ҳеч нимарса таманим йўқдур. Ҳар ерга борсанглар, боринглар,— деб ижозат бердилар.

Алқисса, Саййид Асад Ҳалимабонуни олиб, Хожа Хўбкор бирла видо қилиб, Исфаҳонға равон бўлдилар. Исфаҳонға бориб, Хожа Қайс Ибн Омир уйларига келдилар.

Хожа хабардор бўлуб, буларни уйларига олиб кирдилар. Буларға бир уй таъин қилдилар. Баъдазон саййидлар бориб, Ҳажжожни кўруб, мулозамат қилиб дуо қилдилар.

Ҳажжож, заифангизни олиб келдингизму, деб сўради. Олиб келдук, дедилар. Ҳажжож шул соат яна ўн минг танга инъом қилиб айдики, муни харжи қилинглари, яна берурман дедилар, хурсанд бўлдилар.

Аммо Ҳажжож буларға ҳамма саййидлардан зиёдароқ меҳрибонлик қилур эрди. Бу тариқа бир йил ўтти. Бу икки бародар соҳиби молу жоҳ бўлдилар. Аммо Биби Ҳалимага ҳамл пайдо бўлди. Хожа Қайси хотунлари ҳам ҳомила бўлди.

Вақтики ҳар иккалалари таваллуд қилдилар, Хожани хотунлари қиз таваллуд қилди, Биби Ҳалима ўғул таваллуд қилдиларки, буи гардани яклаҳт, устухони кафтбози шертаркиб, шахло чашм, пайваста абрў, марди соҳибқирони пешонасидини зоҳиру ҳувайдо бўлодур.

Бир киши Саййид Асадга севинчи деб борди. Саййид тамоми саруполарни ул кишига бердилар ва Саййид Имрон ҳам либосларини бердилар. Ҳажжожни олдида эрдилар. Ҳажжож ҳам эшитиб, хушвақт, бўлиб, тўйга сарф қилинглар, деб йигирма минг танга низоом қилди. Андин бу икки саййидлар Хожа Қайс бирлан уйларига келиб, фарзандларини кўруб, бисёр хушвақт бўлдилар. Етти кундан кейин Хожа Саййидни фарзандларига от қўймоқ учун қуръа солдилар. Айдилар:— Эй Саййид, бу ўғулни отини қуръа бирла қўймоқ керак,— деб ани отини Амир Абдурахмон қўйдилар. Баъдазон Хожани қизларини отини Маймуна қўйдилар.

Андан Хожа айдилар:— Эй Саййид, бу фарзандни бохабар бўлинг! Чароки, бу фарзандни ҳақида ҳукамолар ва мунажжимлар бисёр сўз қилғондурлар. Муни душманлари бисёрдур. Муни бошида ғавғолар кўпдур, аммо ҳеч ким мунинг бирла баробарлик қиллолмайдур. Ва бу ўғулни мураббийси ва пушти паноҳи Оли «Тоҳо ва Ёсин» бўлгусидурлар. Бу сўзларни айтиб, ани тарбиятига машғул бўлдилар. То замоники, Амир соҳибқирон тўрт ёшқа кирдилар ва яна худойи таоло Саййидга бир қиз фарзанд ато қилди, ани отини Сакинабону қўйдилар.

Аммо кунлардан бир кун Ҳажжожни эътиқоди саййидларни қайтди. Чароки, бир ёлгон саййидни касофатиға ҳама саййидларни жам қилиб ўлтуруб, аларни қонига тегирмон юрутуб уни қилиб еди.

Саййид Асад ҳам шуларни қаторида шаҳид бўлди. Аммо Саййид Имрон қочиб кеттилар. Ҳажжож аларни уйларини торож қилиб, аҳлу аёл, фарзандларини шаҳардин ихрож қилди. Бошунинг икки кўзларига мил тортти. Баъдазон мунодо қилдурдики, ҳеч ким буларға ҳеч нимарса бермасун. Агар берсалар, аларни ўлдураман, деди.

Ҳажжождан кўрқуб буларға ҳеч киши обу таом бермади. Ночор Ҳалимабону Амир Абдурахмон бирла Сакинабонунини кўлларини ушлаб, ҳайрону саргардон, обу таом тобмай юрур эрдилар. Ул вақт Ҳалимабону бир мазлумани кўрдиларки, пон пишуруб турубдур.

Охир ани олдиға бориб, зори тазарруъ қилиб айдиларки, эй мазлума, мани фарзандларим очу гуруснадурлар. Нима бўлурки, азбаройи худо учун хайр қилсанг?

Ул мазлумани буларға раҳми келиб, Биби Ҳалима-

ни қўлларига бир поц берди. Биби Ҳалима нонни яр-  
мини Амирга ва ярмини Сакинабонуға бердилар.  
Бир луқмани ўзларини оғизларига солиб эрдик, ул  
хотуни эри келиб айдик, бул нонни сизларга ким  
берди?

Ҳалимабону бу уйни эгаси берди, дедилар. Бу  
мард билдик, хотуни берибдур. Филҳол Ҳалимабо-  
ну қўлларидан нонни тортиб олиб айдик, бул ердан  
ботроқ кеттилар, мабодоки, бир воқеа рўй бўрмасун,  
деди.

Ҳалимабону зер-зор йиглаб, амирга қараб айди-  
ларки, эй жони модар, вой роҳбар, мани шаҳардан  
олиб чиқинг, токи бир сабаби авқот қилойлуқ. Бас,  
шаҳардан чиқиб, уч кеча-кундуз биёбонда бўлдилар.  
Пораи озуқ топдилар. Ҳалимабону айдиларки, эй жони  
модар, бул шаҳарда машаққат тортармиз. Агар Марв-  
шоҳижаҳонга қофила бородургон бўлса, мани асомни  
ушлагил ва ҳамширангни орқангға кўторгил. Санга  
худон таоло қувват ато қилсун. Қофила бирла Марв-  
ға борайлук, дедилар.

Алқисса, Амир Абдурахмон кўрдиларки, қофила  
Марв тарафиға бородур. Ул қофилага Амир ҳамроҳ  
бўлдилар. Амир кўрдиларки, бир одам бир маркабни  
олдиға солиб бородур. Амир ани маркабини талаб  
қилдилар. Айдиларки, бир аном бор, кўзлари нобино.  
Бул эшакнигни берсонг, аномни сувора қилсам. Ул  
одам айдик, бул маркаб монда бўлуб юк кўтарол-  
майду, агар кўтаролса, олиб боргил, деди. Амир ул  
эшакка аноларини сувора қилиб, орқасиға минду-  
дилар, ўзлари маркабни орқасидин калтак бирла  
ҳайдаб юрдилар.

Ул маркаб аввал монда бўлуб, юз ташвиш бирла  
оёғини кўтаролмас эрди. Худойи таоло ул маркабға  
андоғ қувват бердик, ҳамма карвонлардан илгори  
ўтуб кетди. Карвонлар ҳайрон қолдилар.

Алқисса, Амир қофила бирла манзилу мароҳил-  
ларни тай қилиб, бир работға етдилар. Ул работни  
Работи Абдулазиз дер эрдилар. Қофила ўтуб кетти-  
лар, чароки, рўз бегоҳ эрди. Амир волидалари бирла  
ул ерда бўлдилар.

Ровийлар айтибдурларки, ул работда бир одам  
бор эрди, жону дил бирла муҳибби хонадон эрди, ани  
кўзи Амирга тушди. Айдик, эй жони падар, бул заи-  
фа бирла бул қиз санга нима бўлодурлар? Амир ай-  
диларки, аном бирла ҳамширам бўлодурлар, Ҳажжо-

жи золним атомни ўлдирди ва аномни кўзига мил торг-  
ти, ҳукм қилдики, ҳеч ким буларга ҳеч нимарса  
бермасун, деди. Охируламр, таиғ бўлуб, ул ердан чи-  
қиб, бул ерга келдук, дедилар. Ул киши сўрдики, отинг  
нимадур, атоиғ кимдур? Амир: — Отим — Абдурах-  
мон ва атомни оти Сайид Асад ва аномни оти Ҳали-  
мадур, — дедилар.

Алқисса, ул мард Амирни қўлларидан ушлаб, ра-  
ботни олдини ўзи эҳтиёт қилиб иҳота қилиб қўюб эр-  
ди. Ул ерга оҳиета кириб ўлтургузди, андан кейин  
Амирга бир кўза ва бир машраба тоииб берди, Амир-  
га саққолиқни таълим берди. Бул работ тўрт йўлни  
бошида эрди. Айти:— Эй жони надар, бул йўллар  
бирла ҳар тарафдин корвоилар келодурлар. Сан ил-  
гори бориб шул ташна келгонларга сув берилки,  
сандан ҳазрати Имомларни руҳлари хушнуд бўлур ва  
сабаби авқот ҳам бўлодур, — деди.

Алқисса, Амир саққолиққа машғул бўлдилар, ав-  
қот ҳам ўткордилар. Амирни аюлари дуои хайр қил-  
дилар. Буларни бул ерда қўюиғ, икки калма сўз  
ўзга жойдан эшитинг.

Ровий айтибдурки, Марвшоҳижаҳонни ҳокими  
Абдулло Сахра эрди. Вақтики умрини охирига етиб  
ўлди, Хожа Касири Музаффармусо Аъроби сад дар  
чорсад мулки Хуросонга ранс эрдилар. Нома битиб  
Абдулло Сахрани ўлгонининг хабарини Дамашққа,  
Марвони харга юборди.

Алқисса, Марвонга нома етти. Марвони хар қоби-  
ли баччагар мунажжим ва ҳукамо ва ахтаршунослар-  
ни талаб қилиб айдикки, сизлар айтур эрдингизки,  
пайгамбарни охираззамон айтгон соҳиб хуружи ҳафт-  
тоду дуввум вужудга келодургон вақт яқин келди,  
дсб. Акиун қуръа солиб боқингларки, ул вужудга ке-  
либдурму ё йўқ, деди. Бас, Марвонни хидматида тўрт  
юз ҳукамо ва мунажжимлари бор эрди. Ул тўрт юз  
ҳукамо устурлобин офтобга муқобил тутиб, мутолаа  
ва мулоҳазалар айлаб қуръа солдилар. Андан ҳам-  
лари Марвони ҳиморни олдиға келиб айдиларки, эй  
подшоҳи олампаиоҳ, ул соҳиб хуружи ҳафтоту дув-  
вум вужудга келибдур, ҳоло мурдур, андак вақтда  
мор бўлодур, мор аждарҳо бўлодур. Андан оламни  
қулоби нафсига тортодур. Ул аждарҳо бўлмосдан  
илгари анинг ишнини қилмоқ керак, дедилар.

Марвон айдикки, эй ҳукамолар, анинг нишонаси  
борму? Ҳукамолар айдиларки, анинг аввалги нишопа-

си тўрт шогирди поивойни ўлтирур; иккинчи нишонаси Хатиби Шомийни ўлтиродур, учинчи нишонаси Юсуфи мардафканини ўлтиродур, тўртинчи нишонаси бир бешан кашмеҳанини ўлтиродур, деб воқеани бир-бир баён қилдилар.

Алқисса, Марвон тамоми амиру умаро ва аҶкони давлатни талаб қилиб айдиким, чаҳор сад дар чаҳор сад мулки Хуросонга кимни ҳоким қилмоқ керак, то ул хуружни уҳдасидни чиқғой, деб маслаҳат қилди. Аркони давлат ҳамалари айдилар:— Боз қуръа ҳукми бирла ҳоким қилмоқ керак.

Марвон яна қуръаандозларни талаб қилиб айдики, бу хизматга ким лойиқдур? Ҳукамолар қуръа солиб айдилар:— Бул сени олдингдаги подшоҳлар ва паҳлавонлар бу хидматга лойиқ эмас. Чаҳор сад дар чаҳор сад мулки Хуросонга ҳоким бўлуб, ул соҳиби хуружга баробарлик қилолмаслар. Магар Шамир Зи-л Жавшанини наслидан бир киши пайдо бўлсаки, ани отини аввалида «пуи» бўлса ва ўртасида «сад» на охирида «ре» бўлғой. Шундоғ киши баробарлик қилғой, дедилар. Марвонни хар ҳарчанд шул тариқа одамни талаб қилди, тополмади.

Алқисса, ҳар тарафни истоб Насри Сайёрни бўзахонадан топиб келдилар. Марвон айдики, эй пури Сайёбон, сани бобонг Қарбалода Имом Хусайинни бошини танидан жудо қилғон эрди. Сан шундоғ кишини набирасенсан, на учун мани хидматимга келмайсан, бўзахоналарда юурсан, деди. Насри Сайёр айди:— Ман қандоғ қилайки, сани айёми давлатингда ҳар ноқобиллар давлату хидматга етти. Сан йўқлоб илтифот қилмоғон сабабдан бўзахоналарда ёттим,— деди.

Бас Марвон Насрни ҳаммомга олиб бординлар деб буюрди, орқасидан тожу хилъати подишоҳона ва асни тозийни Ироқи дурикоба юборди. Ул сак ҳаммомдан чиқиб хилъати подишоҳонани кийиб, отга сувора бўлуб, Марвонни харни мулозиматиға келди. Ул бадбахтни тиллодан тахт уза ўтқуздилар. Марвон айдики, эй Насри Сайёр, мулки Хуросонни ҳукумати сани бердим, қабул қилғил. Наср айдики, оро қабул қилурман. Уч шартим бор, ани бажо қилсан қабул қилурман, деди. Марвон айдики, ул уч шарт қайсидур? Наср айди:— Аввал улки, Абдузиёдни қизини манго берсанг, иккинчи Хожа Муҳаммад Тоҳир Хўжандийни вазир қилиб берсанг. Учинчи Зарқин айёрни манго ҳамроҳ қилиб берсанг, деди.



Марвои бу уч шартни қабул қилди. Ёрлиғномаши Хожа Муҳаммад Тоҳир Хўжаидий қабул қилмадилар. Сабаб шулки, Абдулло Сахра тирик бор эрди, ман вазир эрдим. Халқ келиб Хожа Муҳаммад абу-туробий деб мандан санго шикоят қилдилар, сан ул мардумни сўзиға кириб, манго ғазаб қилиб итоб қилдинг, ҳоло ҳам душманлик жиҳатидин мани санго ғийбат қилсалар, сандан кўрқарманки, подшоҳи азим, ишонадурсан. Манга ғазаб қилиб итоб қилсанг, на илож қилурман дедилар. Хожани вазир бўлмоқға рағбатлари бор эрди, лекин сўзини маҳкам қилиб қўймоқ учун шундоғ дедилар.

Алқисса, Марвои мушшийни талаб қилиб айдики, агар ҳар ким Муҳаммад Тоҳир Хўжаидийни абу-туробий деса, тилини орқасидин тортиб олурман, деб бу шарт бирла нома битиб, Хожани вазир қилди ва яна ҳукумати Марвишоҳижаҳонни чор сад дарчорсад мулки Иуросонни Наср отиға битиб, номани тожиға устувор қилди. Ҳама сипоҳсолар ва ҳама паҳлавонлар муборакбодлик қилдилар. Баъдазон Марвои хазина ва дафиналар таъйин қилиб берди. Хожа Муҳаммад Тоҳирни вазирни жумлатул мулк қилиб, Хожани сўзидин чиқмоғил деб, Зарқийи ҳаромзодани айёр қилиб берди. Андан Аюб Девонни мушший қилиб, Уқайл Аъзами Бағдодийни атолик қилди. Андан Куланг ибн Зарора, Наҳанг ибн Зарора, Қайс ибн Мазрук Афғаҳ, Ҳожиб Соҳиб, Асад ибн Омир, Мухтор ибн Маймуна, Тўфон Заррод, Фаттоҳ Зародшужоь Заррод ва булардек тўрт юз сардорни боҳамроҳи Ажвои паҳлазон бирла Насри Сайёрға берди. Аммо ҳар қайси сардорларни йигирма минг, ўттуз минг лашкари бор эрди. Аммо Хожа Қасир Насри Сайёрдин олти ой илгарин келиб эрдилар. Вақтики, ул работға еттилар, Амир сув олиб келиб Хожага бердилар.

Хожа сув ичиб, эй фарзанд, отинг нимадур ва кимни фарзандидурсан, дедилар. Амир айдилар:— Отим — Абдурахмон ва атомни оти — Саййид Асад ва аномни оти — Ҳалимабону, асли зотимиз Арабистондин, Исфаҳонда таваллуд топган. Атомни Ҳажжож ўлдурди ва аномни кўзларига мил тортти, бизларни шаҳардан чиқорди, аном бирла келиб мунда саққоқлик қилодурман, дедилар.

Хожа Қасир бу сўзини эшитиб беҳуш бўлдилар, боз ҳушларига келдилар, либосларини ечиб Амирга

килдурдилар, кўллариини тутуб аюлари бирла каянага солиб, Марвшоҳижаҳонга олиб келиб, уйларига тушурдилар. Аммо Хожани хотунлари номуносиб сўзларини айтур эрди, чароки, хотунлар ноқисул ақл-дурлар. Байт:

Чи хуш гуфт шоҳжаҳони Кайкубод,  
Ки нафрини бад бар заи нек бод.

Алқисса, Хожани икки ўғуллари бор эрди: Хожа Сулаймон ва Хожа Усмон ном. Амирни булар бирла мактабга юбордилар. Аммо Хожа Сулаймон Амирдан сиккиз ёш катта эрдилар ва Хожа Усмон олти ёш катта эрдилар ва яна Амирни печа кунлардан кейин хатна қилдилар. Аммо ҳар икки ийд бўлса, ўғулларидин илгори амирга либос берур эрдилар.

Аммо Насри Сайёр бемикдор олти ойдан сўнг Марвшоҳижаҳонга дохил бўлди. Аммо Амирни хат бирла саводлари чиқти, шаҳар халқи Амирни Хожа Касирни ўғли дер эрдилар. Чароки, Амирни шукуҳлари Хожани фарзандларидан чандон зиёда эрди. Амир яхши отга сувора бўлур юрур эрдилар.

Алқисса, Амир тўққуз ёшқа кирдилар. Хожа бир кун зиёфатга бориб, кўпроқ таом еб, уйларига келиб андан ҳаммомга бордилар. Хожага бир иллати ориз бўлди, аммо Амирни балоғатга етгонларини кўра олмадим деб, афсус-надомат қилур эрдилар.

Ровий айтибдурки, Хожа Касир шул касал бирла дорулфанодан дорулбақога риҳлат қилдилар. Фарзандлари атоларини олиб боболарини дахмасида дафи қилдилар. Андан обу ош бериб хатми қуръон қилиб, атоларини руҳларига бағишладилар. Аммо Амир кўрдиларки, Хожа ўлгандан кейин фарзандлари атоларини вақтларидек илтифот қилмадилар. Амир андан чиқиб, Мохонга Бобо Сангин бирла Бобо Осимни олдиларига келдилар. Булар Мохонга саркор эрдилар. Амир Бобо Осим бирла Бобо Сангинни таго деб сўзлар эрдилар, аммо Хожа Сулаймон Амирни кетгонларига ғамгин бўлдилар. Амирни орқаларидан келиб, Амирни канорага олиб кўруштилар, бизларга паришонлик тушуб сизга марҳамат қилолмадук, деб узрлар айтдилар. Чун Амир Мохонда қарор олдилар. Баъдазон Хожа Сулаймон ва Хожа Усмон Марвоини харин олдига бориб, атоларини ўлгонини бағи қилдилар. Марвоин буларга бисёр навозишлар

айлаш, Хожа Сулаймонни ранс қилди ва Хожа Усмонни савр қилиб бир қатор тева ва бир қатор хачир зар бериб қайтарди. Булар келиб Марвшоҳижаҳонда қарор олдилар. Аммо Амир Мохонда турдилар. Шаҳар жошибга кирмас эрдилар. Чилтонони Мохон Амирини хизматларида умр ўткорур эрдилар. Вақти-ки, Амир тўққуз ёшқа кирдилар, аюларига айдилар-ки, бекор юруб ва хафа бўлдум.

Аюлари:— Таюларингни олдига боргил, алар нима десалар ани қилгил,— дедилар.

Таюлари икки эшак ва икки арқон ва бир теша бериб:— Эй фарзанд, кўдаклар бирла ўтуига боргил,— дедилар.

Андан Амир аюлари олдига бориб ётдилар. Субҳ вақтида туруб, кўдаклар бирла ўтунга бордилар. Амир бисёр ўтуи олиб, эшакка юклаб, бозорга олиб келиб, икки тапгага сотиб, аюларини олдига олиб келдилар. Аюлари йиглаб дуои хайр қилдилар ва яна Амир эрта саҳар туруб, икки эшак ўтуи олиб, дарвозани Марвшоҳижаҳонга келиб фарёд қилдилар.

Дарвозабон эшик очди, Амир эшакларини ҳайдаб дарвозадан ичкари кирдилар. Дарвозабон солиғ талаб қилдилар. Амир ҳар эшакдан икки боғ ўтуи олиб бердилар. Дарвозабон Амирдин бу ҳимматни кўруб, Хожани сўзлари хотирга келиб чирог бирла Амирини кўрди: бир араби шаҳло чашми, пайваста абру ва қави ҳайкал, холи сабзу рангу сабзу ҳошимий зоҳир бўлодур. Дарвозабон:— эй йиғит, сизни аслингиз қайдан бўлодур?

Амир айдилар:— Мани аслим арабдан, таваллудум Исфаҳонда, обихурушим Мохонда, қабилаи Бани Ҳошимдан. Мани атомни отлари Саййид Асад, аюмини отлари Ҳалимабону, мани отим Абдурахмон,— дедилар.

Дарвозабон айдн:

— Эй йиғит, сан подшоҳ бўлодурсан,— деди.

Амир айдилар:

— Сан нечук билдурсан?

Дарвозабон айдн:

— Ман ўзумча бу сўзни айтмойдурман. Эй жавон, билгилки, мани отим Фатҳи Рикобий. Мани бир хожам бордур— Хожани Зайд дерлар. Бир кун қуръа солиб айдизи, эй, Фатҳи Рикобий, Мохондан келодургон дарвозани Насри Сайёрдан санго олиб беродурман, фалон ойда ва фалон кунда соҳиби хуружи

ҳафтоду дуввум дарвозадан келодур. Андан бир нишонани манго олиб келгилки, ул подшоҳ бўлодур деб эрдилар,— деди.

Амир:— Ман ким, подшоҳ бўлмоқ ким,— деди.

Алқисса, Амир бир нишонани анго бериб, ўтуб чорсуға келдилар. Уста Шамс нонвой Амირни кўруб келиб, ўтуни олиб дўконға тошлади. Усто Шамсни тўрт шогирди бор эрди, Амირни кўруб, ҳар қайсиси абутуробийдан шикоят қилиб айтур эрди.

Амир дарғазаб бўлуб, сиёсат бирла қарадилар. Ҳар тўрт мунофиқ захрадориди бўлди. Амир Усто Шамсни икки танга ва нонни олиб, Мохонға келдилар. Танга бирла нонни аноларини олдиға кўйдилар. Анолари дуо қилиб айдиларки, эй жони модар, яна шаҳарға борсангиз, чордорў олиб келинг, дедилар. Амир қабул қилдилар. Аммо Усто Шамс ҳар кун ўтун олиб келсангиз, бизни дўконға олиб келинг, деб эрди.

Амир яна саҳар туруб, ўтун олиб Усто Шамсни дўконига келдилар, боз ул тўрт мунофиқ абутуробийларға носазо айттилар. Амир дархашм бўлдилар. Андин икки танга бирла икки нонни олиб чорсуға келдилар. Байт:

Рафтама ваз дунёи фаний бо хаёли рўйи ту,

Ва-з ғамат чархи фалак охир маро даршок кард.

Амир чордорўни олиб, Мохонға келиб, аноларига воқеани ниҳон қилдилар. Баъдазон айдилар, эй волидан меҳрибон, абутуробий ким, деб сўрдилар. Биби Ҳалима абутуробий деб Шоҳимардонни Муртазо Алнини айтурлар, деб воқеани баён қилдилар.

Амир бу сўзни эшитиб, кўнгулларида ул тўрт шогирдини ўлдурмоққа қасд қилдилар. Аммо Марвошни пойтахтидин икки паҳлавоне келиб эрди: бирини отини Каюди Дамашқий, яна бирини отини Рабуди Дамашқий дер эрдилар.

Насри Сайёв булорни меҳмондорлиги учун ҳар нонвойни дўконига бир эшакдан ўтун бериб эрдик, хонлик учун нон пишуруб беринглар деб. Усто Шамс ҳам аввал унни шогирдларига бериб айтдики, шул кеча дўконда ётинглар, тезроқ нон қилинглар. Шогирдлари ҳам қабул қилди.

Амир эрта саҳар ўтун олиб, Усто Шамсни дўконига келдилар. Шогирдлари Амირни кўруб шод-

мон бўлдилар. Амир ўтушни пяқари олиб кирдилар. Шул вақт нонпаз айдики, бул саҳар абутуробийға носазо айтиб, на учун забонимизни ширип қилмас-миз. Анда ордбез айдики, агар мани забонимда ул абутуробий бўлса, они гард-гард қилиб хамир қилур эрдим, деди. Андан зуволатоб айдики, агар мани забонимда ул абутуробий бўлса эрди, устухонларини зуваладек тоблар эрдим. Андан нонпаз айдики, агар манинг забонимда ул абутуробий бўлса эрди, устухонларини гард-гард қилиб, нон ростлаб рафидага солиб, танурда куйдурур эрдим.

Ҳар қайсенк лоф-қоф уруб, на қилайки, мани забонимда йўқ экан, деб бу тариқа сўзларни айтиб, носазога оғиз очти.

Амир бу сўзларни эшитиб, дарғазаб бўлуб, ҳар мўйларики баданларида бор эрди чун наштари обдор бўлуб либосларидан сарбадар қилди. Эй бадбахтлар, абутуробийлар сизларға нима қилди,— деб ул тўрт мунофиқларға қараб хез қилдилар. Ул тўрт бадбахт ҳар тарафдин Амирға ҳарба солдилар. Амир соҳибқирон бир мушт-бир мушт бирла ҳар қайсисини ўлдуруб, ул танурға солиб куйдуруб, оғзиға сарпушини куйдилар.

Бир калтоз шогирди бор эрди, ул қочиб халас бўлди. Амир чиқиб кеттилар. Баъдазон ул калпиндон бўлгон ердин чиқиб, йнглаб ўлтурди. Усто Шамс эрта билан келиб кўрдикки, дўкондин кабоб иси келодур. Келиб дўконини эшигини фарёд қилди. Калтоз устони овозини эшитиб, эшикни очти, устога ҳамма воқеаларни баён қилди. Усто Шамс кўрдикки, тўрт шогирдини ҳарифлар ўлдуруб кетибдур, ҳайрон бўлди.

Алқисса, Усто Шамс шогирдлари ўлугини занбилға солиб, бажониби Насри Сайёр равон бўлди.

Ровий айтибдурки, Хожа Муҳаммад Тоҳир Хўжандий илми нужумдан хабардор эрдилар. Хожа Сулаймон ва Хожа Усмон ва ўзга хожаларға бор-ҳо айтур эрдиларки, эй Хожалар, бу кун ё эрта соҳиб хуружи ҳафтоду дуввум хуруж қилодур, дер эрдилар. Хожа Муҳаммад Тоҳир яна шул вақтда қуръани қўлларига олиб, устурлобин офтобни баробарига тутуб, хонаи рамалға назар қилиб айдиларки, эй ёронлар, шул соат аломати осори соҳибни хуруж зоҳир бўлодур, агар зоҳир бўлмаса, ҳаргиз қу-

рға құлумға олмасман, дедилар. Хануз сүзлари тамом бўлмой эрдик, Усто Шамс дод-фарёдлар қилиб, боргоҳди кириб келди, ани орқасидан тўрт ўлукни забилга солиб кирдилар.

Насри Сайёр нима воқеа деб сўрди. Усто Шамс айдики, дод ул араббаччаи ҳезимкашии қўлидапки, абуторобий экан. Мани тўрт шогирдимни ўлтуруб, танурга тиқиб кетибдур, деди. Насри Сайёр хокистордин ҳуш кетти. Хожа Муҳаммад Тоҳирга боқиб айдики, бу бобда сиз нима дерсиз? Хожа айдиларки, соҳибни хуруж пайдо бўлубдур. Хоҳладиларки, Амирга давлатхоҳлик қилсалар. Айдиларки, эй Амири Хуросон, билгилки ман илгори Усто Шамсини хазина топибдур деб эшитиб эрдим. Ул тўрт шогирдин ҳам хабардор экан, ул зарлардин бизларга ҳам бергил деб экан, Усто Шамс аларга бермобдур. Мани сиримни булор ошкор қилодур деб ўлдургондур. Эмди араббаччаи ҳезимкаш ўлдурди деб баҳона қилиб келибдур, дедилар.

Насри Сайёри бадкирдор Усто Шамсини банд қилинлар, деди. Хожага боқиб айдики, эй хожам, бу хийра сирини ўзунгиз эҳтиёт қилиб соқланг.

Хожа хидматкорларига айдиларки, бу сакки қийин қилинлар, қийинда ўлсун дедилар. Усто Шамс қийинда ўлди. Шу аснода модар бахато Зарқийн ҳаромзода кириб айди:— Эй Амири Хуросон, ҳар вақтоки шул араббаччаи ҳезимкаш соҳибни хуруж бўлмаса, мани ўлдургил, зинҳор мундан бепарво бўлмогил, — деди.

Алқисса, Насри Сайёр соҳибни хуружини жустужусида мунодо қилдурдики, ҳар ким они хабарини манго келтурса, ўзи бирлон баробар зар берурман, деб ваъдалар қилди.

Ровийлар айтибдурларки, чун Амир тўрт шогирдини нонвойни ўлдурдилар, бул хабар Мохонга келдики, Амир Марвшоҳижаҳонда тўрт шогирдини нонвойни ўлтурубдурлар, деб ғавго ва ҳангомалар бўлубдур. Амир Мохонга келиб, уч-тўрт кундан кейин бу воқеани аноларига изҳор қилдилар.

Анолари айдики, эй жони модар, ўзунгизга ҳазир бўлуи! Мабодо душманлардан сизга зарар тегмосуики, дилгир бўлсангиз. Марвшоҳижаҳонга боринг, анда сиз бирла сут эмишгон биродарингиз бордур. Ани отини Хожа Хўрдак Ибн Хожа Хўбори Дарбандий дейдурлар. Ул сизга бисёр муштоқ-

дур. Ул сизга парво қилур. Сизни худога тобшур-  
дим, деб фотиҳа бердилар.

Амир Мохондан чиқиб, Марвни дарвозасига кел-  
дилар. Дарвозабонни Фатҳ Рикобий дер эрдилар.  
Ул жону дил бирла муҳибби хопадон эрди. Андан  
Усто Хўрдакни сўрдилар. Фатҳ Рикобий Амирни рас-  
таи бозори оҳангаронга олиб келиб, Хожа Хўрдак-  
ни ишон бериб ўзи ёнди. Амир кўрдиларки, бир  
жавони хушрўй ва хушсурат қалпоқи чор туркани  
бошига қўюбдур, бир курсийи чапбараки фўлод уз-  
ра ўлтурубдур.

Амир бориб салом қилдилар. Хожа Хўрдакни  
кўзи бир тоқ абруйи соҳиб уд-даъвои хандони Амир  
соҳибқиронга тушди. Хўрдакни китфларига ҳара-  
кат пайдо бўлди. Хўб салом бериб сўрдик, эй йи-  
гит, отингиз нимадур? Амир хоҳладиларки, жавоб  
бергайлар, боз хотирларига келдики, бул маҳалда  
ному насаб баён қилмоқ хўб эмас, деб жавоб бер-  
модилар. Хўрдак кўрдик, жавоб бермоди. Бир ҳик-  
мат бөр деб, Амирни уйига олиб бориб шира ва  
шарбат, нозу неъматлар зиёдлантуруб қўйди. Таом-  
дан фориғ бўлгондан сўнг Хўрдак Амирни, отингиз  
инма, деб сўрди.

Амир айдиларки, эй биродар, билинг ва огоҳ бў-  
лингки, отим Абдурахмон, қабилаи Бани Хошимдан,  
атомни отлари Саййид Асад ва аномни отлари Ҳа-  
лимабону, дедилар.

Хўрдак бу сўзини эшитгон замон ўриндан туруб,  
Амирни қучоғлаб айтур эрдик, байт:

Хуш омади ки хуш омад маро з-омаданат,  
Ҳазор жони кироми фидойи ҳар қадамат.

Хўрдак айдилар: — Эй бародар, мани атом сизни  
атонгиз бирла юргон экашлар, атом барпо айтур эр-  
диларки, эй фарзанд, сани бародаринг бордур, оти —  
Абдурахмон, ани насли Бани Хошимдандур, дер эр-  
дилар. Алҳамдулиллоҳки, сизни дийдорингизга му-  
шарраф бўлдум, деб ҳар соат иззату ҳурмат қилиб,  
жоншисорлик изҳор қилур эрди.

Алқисса, бу тариқа бирла кечани кундузга му-  
баддал қилур эрдилар. Амир хоҳладиларки, Мохон-  
га чиқиб кетсалар, Бир хотирларига келдики, намо-  
зи жумъани ўқуб кетсам, яхши бўлгай эрди, деб  
таваққуф қилдилар. Аммо Хожа Хўрдак хотирлари-

да, Амир кетсалар, хўб эрди. Чароки, Амир намози жумъага борсалар, хатиби Шомий хутбада Ҳазрати Али Шохмардонга носазо айтса, Амир тоқат қиллолмаслар. Нима ҳолат рўй берур деб, бу фикрда эрдилар, чуи вақти намоз бўлди. Хожа Хўрдак бирла масжиди жомеъга келдилар, суннати адо қилдилар. Чуи муаззин хутбага азон айтти, хатиб минбарга чиқиб аввал тавҳиди худованди оламини ўқуди, андан наъти расулияллоҳни адо қилди, андан манқабат ўқуди, уч ёронини таърифу тавсифлар бирла адо қилди. Ёри чаҳорум Ҳазрати Алига келганда, носазо айтти. Амир чуи хатибдан бу носазони эшитиб, ҳар мўйлари наштари обдордек либосларидан сарбадар қилди, шерн фаррондек тишларини тишларига уруб ҳайбат қилдилар. Хатиб эшитиб, беҳаловат бўлуб, ўқуб тургонларини унутди. Сўрдикки, бу жавон шима дейдур?

Хўрдак айти: — Сани ўқугои хутбларинг таъсир қилиб бир кайфияте рўй берибдур.

Хатиб боз хутба ўқумоқга машғул бўлди, аммо Амир ҳар соат даст баханжар қилур эрдилар. Қўнуб хатибни бошини танидан жудо қилсалар. Хўрдак бузрукворларни руҳларини шафеъ келтуруб қўймос эрдилар. То вақтики намозни ўқуб тамом қилдилар, халқ намоздан чиқтилар, Амир ҳам қўнтиллар. Хўрдак Амирни йўқотиб тополмади, аммо Амир ҳама халқдан кейин қолиб эрдилар.

Хатиб ҳам масжиддан чиқти, Амир орқасидан бориб салом қилдилар, жавоби салом бериб сўрдикки, сан нечук кишисан? Амир: — Ниёзим бор, — дедилар. Хатиб: — Нима ниёзинг бор, — деди. Амир: — Бир тева ун ниёзим бор, ўзум тегирмончи бўлодурман, — деди. Хатиб хушвақт бўлуб айдикки, бу ҳаммаси, Халифан Марвонни кароматидур, уйда ун йўқ эрди, қайси вақтда олиб келурсан, деди.

Амир айдилар: — Бу кеча ё эрта кеча олиб келодурман, — дедилар.

Хатиб, хўб ун қилиб олиб келинг, деди. Амир: — Чандон ун қилайки, дардмандлар завқ қилгайлар, — дедилар. Хатиб уйига қараб равон бўлди, Амир ҳам орқасидан равон бўлдилар. Хатиб келиб уйига кирди. Амир хатибни уйини кўруб, андан ёниб Хўрдакни уйига келдилар.

Алқисса, ул кеча Хўрдакни уйда бўлдилар. Чуи нисфи-шаб ўтуб эрдикки, Хўрдак хизматкорлари



бирла ухладилар. Амир кўрдиларки, меҳмонхонани пешгоҳида бир хужра зоҳир бўлду. Ул хужрага кириб кўрдиларки, онмиқдор аслаҳа бордурки, ниҳояти йўқ. Охир Амир бир ханжар ва бир каманд ва бир жомаи шабрўйин олиб чиқтилар. Кўрдиларки, Хўрдак ва хизматкорлари — ҳамма ухлойдилар, тошқорига қадам қўюб равон бўлдилар. Дарвозага келиб қуфлини кушода қилиб эрдилар. Хўрдакни Зийрак ном гуломлари дарвозада турор эрдилар.

Зийрак: — Ман дарвозадни ўткормайдурман, — деди. Амир: — Ҳар нима хоҳласанг берурман, — дедилар. Зийрак: — Бодом хоҳларман, — деди. Амир ҳам қабул қилиб дарвозадан чиқиб равона бўлдилар. Вақтинки хатибни уйига келдилар, кўрдиларки, бир устунни гўшаси зоҳир бўлди. Амир дилларида ният қилдиларки, агар каманд шул гўшани устунга банд бўлса, мани ишим равноқ топодур деб, камандни чин-чин қилиб ташладиларки, беш ҳалқан каманд стунга банд бўлди. Камандни учуни ушлаб чун мурғи тез парвоздек том узра чиқдилар. Томдан томга юриб борур эрдилар, мулоҳаза бирла қарддилар. Хатибни уйи шул экон. Уйини равзанидан боқиб кўрдиларки, хатиб яхши палослар солиб узра ётибдур. Бир канизак айдикки, ҳар кеча бу тасбиҳни айлаптириб нима дерсиз? Хатибни Шомий айдикки, ҳар кеча минг мартаба абутуробийга носазо айтмасам ухлай олмайдурман, деди. Ул канизак бечора хатибдан бу сўзини эшитиб айдикки, эй бор худоё, кошкни аном мени тугмагай эрди. Агар тугса ҳам, кошкни қулоғим кар бўлгой эрди, бу сўзини эшитмагай эрдим, деб йиғлади, аммо ул канизакни оти Сиёҳ Гесу эрди.

Хатиб айти: — Эй Гесу бурида, магар сан абутуробиймусан? — деди.

Канизак: — Минг жоним бўлса, Ҳазрати Алига фидо бўлсун, — деди.

Хатиб дарғазаб бўлуб Сиёҳ Гесунин оғзига бир мушт урдикки, икки юқори ва уч қўйи тиши синди, қон оғзидан кетар эрди. Ул канизак йиғлаб айдикки, эй бор худоё, мани додимни бу золимдан олиб бергил, деб зори қилди. Дарҳол Амрини диловар қадам қўйиб кириб келдилар. Кўрдиларки, хатиб тахт узра ётибдур. Зинага қадам қўйиб тахтга чиқдилар. Хоҳладиларки, бошини танидан жудо қилсалар ва яна султони соҳибқироннинг хотирларига келдикки, ухлатган одамни ўлдурмак мардларни иши эмас, деб.

Алқисса, Амир кўксига мишиб, тиззалари бирла синасига бир урдилар. Хатиб кўзини очиб кўрдик, бир сиёҳиш узра ўлтурубдур. Хатиб: — Сан на кишидурсан? — деди.

Амир: — Хизматкордурман, — дедилар.

Хатиб айди:

— Эй беадаб, на учун мундоғ қилурсанки, осий бўлдунг.

Амир айдилар:

— Эй бешарм бадбахт, сен шарм қилмоё бузургворларни арвоҳига озор берурсан. Билгилки, мен ул тегирмончидурманки, санго ун олиб келурман дер эрдим, — дедилар.

Хатиб:

— Ун қилдингму? — деди.

Амир:

— Эмди сани гард-гард қилиб ун қилғоли келдим, — дедилар.

Алқисса, Амир айдиларки, Ҳазрати Алнин ёри чадорум эконларига нима дерсан? Хатиб бу сўзни эшитиб, оби даҳони палидини Амирни юзларига туфурди, қайтиб ўзини юзига тушти.

Амир ханжарини попок ҳалқига қуюб, бошини танидан жудо қилдилар. Жоши бамолики дўзах сипорини қилди, андан қулогидин ип ўткариб, ўз дарвезасига осиб қўйдилар. Кўрдиларки, бир сандуқи пур зар турубдур. Ул сандуқ бирла Сиёҳ Гесуни олиб, ул нобакорини уйига ўт қуюб чиқиб кетдилар.

Хўрдак хизматкорлари бирла уйқуда эрди, аммо Зийрак бедор эрди. Кўрдик, Амир келдилар. Айдики, эй шаҳриёр, бодом қани? Амир табассум қилдилар, айдилар: — Хомуш бўлғилки, сани фикрингни қилурман, — деб Сиёҳ Гесу бирла ул сандуқ зарини ул ганжишага киргизуб қўйдилар.

Амир меҳмонхонага кириб ором олдилар. Ҳеч ким Амирни боргон, келгонларидан огоҳ бўлмади. Вақтики, тош отти хатибни уйдан гавго пайдо бўлди, аммо Насри Сайёр ул кеча кўрдик, хатибни уйдан нур зоҳир бўлодур. Зарқий айёрга айдикки, сан борҳо, муҳибби хонадони язиддан нур чиқмайдур дер эрдинг. Эй саги ҳаромий, хатибни уйдан нур зоҳир бўлуб, осмонга чиқодур.

Зарқийи ҳаромзода бу нима воқеадур, деб келиб хабар олди. Кўрдик, Хатиби Шомийни ўлдируб, бошини дарвозага осиб, ани қасрига ўт қўйубдур. Зар-

қий бу хабари ваҳминокни келиб Насри Сайёрга айт-  
ти. Насри Сайёр бул сўзни эшитиб, етти андомига  
ларза тушти. Айди:

— Эй чокароши язид, ул араббаччани жўстужу  
айлаб топинглар, — деб фармон қилди.

Аммо Марвшоҳжаҳонда қиёмат ошкоро бўлди.  
Зарқийи ҳаромзода кўча-бакўча юруб тафтиш қилур  
эрди. Аммо Хўрдак бу эрта Амир бирла ўлтуруб эр-  
дилар ганжинани ичидан овозе атса зоҳир бўлди.  
Эшикни очиб кириб кўрдиларки, бир позанини раъ-  
но ўлтирибдур, сўрдилар:

— Эй раъно, сай кимдурсан ва қайдан келдинг ва  
отинг нима?

Сийёх Гесу айдики, ул барпоики, сизни олдингиз-  
да ўлтирибдур, ман ани бандасендурман, деди. Хожа  
Хўрдак айдиларки, эй шаҳриёр, бу нима дейдур?  
Амир айдиларки, эй бародар, билдинг ва огоҳ бўлинг-  
ки, ман бу кеча бориб Хатиби Шомийни ўлдурдум,  
ани қасрига ўт қўйдум, бу канизак муҳибби хонадон  
экан, хаворижлар аросида қолмосун деб олиб кел-  
димки, бир муҳиббга никоҳ қилиб бергайман, деди.  
Хўрдак Амири бу кор-борларига офаринлар қилди.  
Андан Сийёх Гесуни бир муҳибби хонадонга ақд қи-  
либ бердилар. Ул зарни Хўрдакка бериб айдиларки,  
эй бародар, мани учун бир ҳарб асбоби қилдинг, му-  
ндан кейин манга душманлар пайдо бўлодур.

Амир Марвдан чиқиб Мохонга — аюларини олди-  
га келдилар. Баъдазон Мохонни йиғитлари бирла  
сайри фолизга чиқтилар. То уч кунгача сайри фолиз  
қилдилар, тўртунчи кунни Хўрдакни уйларига равона  
бўлдилар.

Вақтики, бозор бошига келдилар, кўрдиларки,  
бир хавориж маст келодур. Бир қўлида машрабан  
шароб ва бир қўлида бир қизни олиб, балки қизни  
капориға олибдур. Гоҳи ул ишшадан ароқ ичодур ва  
гоҳи ул қизни лабидан бўсалар қилиб, қаҳ-қаҳ бир-  
ла кулуб бози қилиб келодур. Аммо ул қизин ато-ано-  
си орқасидини яқосини чок қилиб йиглаб келодур. Ул  
бадбахтши отини Бадмаст дер эрдилар. Насри Сайёр-  
ни хешларидан эрди. Ҳеч ким унга муқобил бўлуб  
сўзлабмас эрди.

Айди Амири ани ато-онасини иоласига раҳмлари  
келди. Амир бениҳоят хушрўй эрдилар. Баякбора ул  
сақни кўзи Амирга тушди. Кўрдики, бир жавони со-

дибсамол келодур. Кўнглида бу жавони барно мани  
одинга келодур деб хаёл қилди. Алқисса, Амирни  
одинга яқин келдилар. Ул сак айдики, эй жони жа-  
доним, вей ороми жоним, хўб вақтда келдингки, ма-  
ни мажлисимда шароб қўйиб бергудек соқий йўқ эр-  
ли, деб хоҳладикки, даст дароз қилиб амирни яқолари-  
дан ушласа.

Амир қўлига бир мушт урдиларки, қўли сует бў-  
луб, ул қиз қўлтигидан ерга тушди. Бадмаст дарқаҳр  
бўлиб яна хоҳладикки, Амирни яқоларидан ушлаб  
мушт урса. Амирни хотирларига келдикки, бу хаво-  
рижни бир нав бирла ўлтуройки, ўзгаларга ибрат  
бўлсун деб, қўл узотиб, ул ҳаромзодани банди даст-  
тидан ушлаб олдилар. Бадмаст айдики, эй жавон,  
қўлимни қўйки, эмди сани узрхоҳлигининг ҳар чанд  
тўла қилсанг ҳам, қабул қилмогман. Чароки, қаҳрим  
бисёр келибдур, деб сиёсат қилди. Амир айдилар:

— Ман сани қўлигини кўрққонимдан ушлагоним  
йўқ, балки оламин паҳлавонлик бирла ушладим, жудо  
қилиб олғил, — дедилар.

Бадмаст Амирни бу сўзини эшитиб, қаҳ-қаҳ бир-  
ла қўлиб айдики, эй жавон, санингдек қудакни паҳ-  
лавонлигини на бўлғай, деб Бадмаст чанд зўр қилди,  
қўлини Амирни қўлларидан жудо қилолмади. Аммо  
ул қиз Бадмастин аёғини тагидан ҳар чанд ҳаракат  
қилиб жудо қилолмади. Амир:— Эй қиз, тез қўлиб,  
ўзингни ато-анонга ҳамроҳ қилғил, — дедилар.

Бадмаст айдики, эй жавон, аввал ўзингни халос  
қилғил, бадъазон ани, деди. Амир Бадмастдан бу  
сўзини эшитиб, соҳибқиронлик томирлари ҳаракатга  
келиб, аз таҳи жигардан наъра торттиларки, Хали-  
луллоҳ оллоҳу акбар, деб олдиларига торттиларки,  
Бадмаст боши бирла бўкуриб келди, икки қошини  
аросига чунон муште урдиларки, кадуён сари гард-  
гард бўлди.

Ул қизни ато-аносига тобшурдилар. Лекин ул  
одам муҳибби хонадон эрди, Амири соҳибқиронни  
тонуб айдики, баҳаққи ҳурмати дини Мустафо  
ўзунгизни капорага олдингки, душманлардан сизга  
зарар тегмосун, деди. Охир Амир бу кўчани қўюб  
на бир кўча бирла Хўрдакни ўйига кетди. Вақтики,  
халойиқлар хабардор бўлуб, ғавғо ва фиғонлар пай-  
до бўлди. Бу ғавғо Насри Сайёрни қулогига етти,  
сўрдикки, бул шма ғавгодур? Модар бахато Зарқийн  
ҳаромзода айди:— Эй амири Хуросон, билғил ва

огоҳ бўлгилки, ул араббачча тўрт шогирди нонвойни ўлдирди ва Хатиби Шомийни ҳам ўлдурди ва Бадмастни ҳам кадуин сарини гард-гард қилибдур, — деди.

Насри Сайёер айти: — Ул араббача яна бу ердан узга жойга чиқиб кетмосун, ани истаб топинглар, — деб фармон қилди. Наср бу сўзни айтгон ҳамон минг беш юз киши қаддини рост қилиб, Амирни табида чиқиб, кўча-бакўча, бозор-бабозор, растабараста тараддуд айлаб излаб тополмадилар.

Насри Сайёерни хидматиға келиб айдиларки, ул араббачадан ҳеч асар тополмадук. Насри Сайёер воришон бўлди, аммо Амири соҳибқирон Хўрдакни уйиға келиб, воқеани баён қилдилар. Хўрдак айти: — Эй шаҳриёр, баҳурмати шуҳадон солиҳинки, бу тариқа ишларни қилманг, ҳануз сиз ёшдурсиз, мободоки, душманлардан сизга осиб етмосун, — дедилар.

Андан сўнгра шира-шарбат келтурдилар. Ул кеча анда бўлдилар. Вақтики, тонг отди Амир айдиларки, эй бародар, азбарон манга бир ҳарба тайёр қилинг.

Хўрдак айти: — Эй султон олам, на қисм ҳарба тайёр қилай?

Амир: — Табарзини қилинг, ани вазин юз ботмон бўлсун.

Хўрдак айти: — Эй шаҳриёр, юз ботмон вазминлик қилур.

Ҳар иккаларинини ароларида кўп мунозара бўлди. Охируламр, Амир хоҳладиларки, қирқ ботмон дегайлар, баякбор йингирма бир ботмон, дедилар. Хўрдак ҳам қабул қилдилар, аммо Амир ботроқ бўлсун, дедилар. Алҳол ҳеч ҳарбам йўқ, дедилар.

Хўрдак айдилар: — Эй шаҳриёр, Абулато ва Абулҳасан ном икки муҳибби хонадон бордурлар. Мундин илгари неча кунлар бўлдики, бир табарни сайқалга бериб эрдилар. Алҳол ул табар бордур. Амир: — Олиб чиқинг, — дедилар. Хўрдак олиб чиқтилар. Амирини кўзлари анга тушти, чун офтобдек тобин қилодур, ани вазин ун тўрт ботмон эрди.

Амир: — Бу табарим тайёр бўлгунча яхши бўлди, — дедилар. Алқисса, Амири соҳибқирон Абулатони табарини олиб, сайр айлаб, бир ҳовузин лабида ўлтуруб эрдилар, икки жавони хушсурат келиб, Амирини рўбарўларинга ўлтурдилар. Қулборларидан таом олиб қўюб тановул қилур эрдилар. Ул жавонин бири айдикки, эй барно йигит, нима бўлодурки,

бу таомни бизлар бирла ҳамроҳ бўлуб тановул қилсангиз, деб Амирни таклиф қилди.

Амир:— Хўб-хўб бўлур, таомни йўли улуғдур,— деб ул икки йигитни олдиға келиб, таом емакка машгул бўлдилар ва бир-бирларидни аҳвол сўрадилар. Баногоҳ Абулатони кўзи Амирни кебанакларига тушти. Кўрдикки, ўзини табарини дастаси кебанакни чиқиб туродур. Ани таниб Абулҳасанга:— Эй бародар, бу табар мани табаримдур. Мани Хўрдакка сайқал учун бериб эрдим, бул жавонни қўлига нима қилодур?— деди.

Абулато айти:— Эй барно, бу табарни қайдин олдингиз?

Амир айтиларки, мани Хўрдак ном бародарим бордур, андин олдим.

Анда Амирни хотиротларига келдики, бу икки жавонни дин ва оининини сўрай. Агар Марвоний бўлса, буларни ҳам ишини тамом қилой деб сўрдиларки, халифани чаҳорум деб кимни айтурсизлар? Ул икки жавон айтиларки, агар бу жавон Марвоний бўлса, ани ишини тамом қилайлуқ деб айтидики, халифани чаҳорум деб Ҳазрати Али разияллоҳу анҳунин билурмиз.

Амири соҳибқирон аларни жавобига завқлар қилиб айтилар:— Сизлар мани бародарим экапсизлар,— деб сўрдиларки,— сизларни отларингиз нимадур?

Бирлари айти:— Мани отим Абулато.

Ва бирлари:— Отим Абулҳасан,— дедилар.

Алар сўрдилар:— Сизни отингиз нимадур?

Амир айтилар:— Отим Абдурахмон, аслим Арабистондин, қабилаи Банн Ҳошимдин, атомни оти Саййид Асад,— деб бир-бир баён қилдилар.

Алқисса, ул иккилари бу сўзни эшитиб, Амирни қадамларига ўзларини ташлаб айтилар:— Эй султони олам, биз икки бародар ҳаминша сизни талабингизда эрдук. Алҳамдулиллоҳ, дийдорингизга мушарраф бўлдук,— деб ўринларидан туруб, таъзим қилиб, Амир бирла Мохонга келдилар.

Амир волидаларини хизматларига келдилар. Айтилар:— Эй жони модар, неча кундан бери қайда эрдингиз?

Айтилар:— Эй каъбам аном, Марвшоҳижаҳонга бориб эрдим, Абулато ва Абулҳасан, булар муҳибби

хонадон эконолар. Буларни тошиб хидматиғизга келдим, — дедилар.

Анолари айдиларки, эй жони модар, ҳар иш қилсангиз, маиниғ бирла ва чеҳлтанони Мохон бирла бамаслаҳат иш қилинғ. Маи эшиттимки, Марвға бориб, Бадмастин ўлтурибсиз, деб насихатлар қилдилар.

Амир айдилар: — Эй волида, баякбор, шуйдоғ бўлди, ҳеч воқеа йўқ, — дея тошқори чиқиб, Мохонни саҳнига келдилар. Кўрдиларки, Бобо Осим ва Бобо Саини дармиёни халқ сўз қилиб эрдиларким, вақтиним Амрини кўруб, бу сўзни қўюб ўзга сўзга ўттилар. Амир айдиларки, эй таго, на учун сўзиниғизни маидаи ниҳон қилуревизлар?

Айдилар: — Эй шаҳриёр, шул сўзни қилиб туриб эрдик, аромизда ўзга сўз йўқ.

Амир айдилар: — Агар ростини айтмосонгиз, маи сизларга ҳаргиз ошинолик қилмосмаи, — деди. Андан алар айдиларки, эй шаҳриёр, башарти онки, сиз бизни сўзимизни қабул қилсангиз, ростини айтурмиз, дедилар.

Амир айдиларки, хўб маи қабул қилдим. Алар айдиларким, бул вилоятга бир паҳлавонё азбарои гўштигирликка келибдур ани отини Юсуфи Мардафкан дерлар ва они қирқ ушоқи бор эмишлар. Алар бирла гўштии олур эрмиш, бизлар ани тамошосига борурмиз. Шартимиз буки, сиз ул жойда сўзламасангиз, олиб борурмиз, деб таъкид қилдилар.

Амир: — Маи ани бирла на ишим бор, ҳеч сўз қилмосмаи, — дедилар.

Баъдазон туруб чеҳлтанони Мохон бирла равона бўлдилар. Амир айдилар: — Бу йўлда бекор бормоқ онча хўб эрмос.

Алар айдилар: — Эй шаҳриёр, нима иш қилойлук?

Амир айдилар: — Амудбозлик қилиб боройлук.

Алар: — Амудбозлик нимадур? — дедилар.

Амир: — Маи сизларга амудбозликни нишон берай, — деб тўнларини ешиб, эшиб бадастури амуд суратида қилдилар.

Баъдазон чеҳлтанони Мохон ҳар қойенлари тўнларини ешиб, эшиб бадастури амуд қилдилар.

Андан Амир айдиларки, маи Абулато ва Абулҳасан бир тараф бўлойлук, сизлар қирқ киши бир тараф бўлинглар. Кўрайликчи, қайсимиз зўр келур экомиз, дедилар.

Амир жудо бўлғон ўн киши бирла дарафтод бў-

луб, аларни боғлаб равон бўлдилар. Айни гарми жанг эрдиларки, «қоч-қоч» овози келодур.

Амир кўрдиларки, бисёр халойиқлар қочиб келодур. Амир сўрдилар, алар айдиларки, эй жавон, амири Хуросонни шерн заңжирини узуб келодур. ииниғ учун қоч дермиз. Сен ҳам қочгинки, мабодо синго заҳмат тегурмасун.

Чеҳлтанони Мохон ва бошқалари ҳам ҳар тарафга қочтилар. Амири диловар хотирларида киши итдак ҳам қочурму, деб тўхтаб турдилар. Вақти хабардор бўлдиларки, бир шере келодур.

Амир қадамларини илгори кўюб, рўбарў бўлдилар. Амирга назар солди. Амири соҳибқирон ҳам заҳри чаним бирлон назар қилиб эрдилар, яқин эрдикн шерин юроғи ёрилса. Охир шер бетоқат бўлуб, ўзини гунча қилиб Амирга хез қилдики. Амирини сийнасини тағига олса.

Амир ўзларини чобуклуқ бирла бир қадам кейинга торттилар. Шер Амир тургон жойларига қуюлиб келиб шундоғ ақида қилдики, Амирини тағини тағига олдим деб, сийнаси бирла ерни мағини қилур эрди.

Амири диловар қадамларини илгори кўюб, журъат бирла шерин дамдан олуб бошлари узра кўторуб айлангириб, бир тахта сангига урдиларки, шерин гардани гард-гард бўлди. Ва яна Амир шерин кўторуб ҳавога оттилар, ёниб келиб, бир дарахтни шоҳида банд бўлди. Амир шерин дарахтни шоҳида кўюб, поран йўл юруб эрдиларки, шербоилар етиб келиб сўрдиларки, эй жавон, шундоғ ҳайбатлиғ шерин кўрдигму?

Амир айдилар: — Мен шерин кўрмодум ва лекин бир гурба ва ё ит дарахт узра тутиб турубдур, — дедилар.

Шербоилар поран йўл юруб кўрдиларки, шер дарахт узра осилиб турубдур, устухонлари майда-майда бўлубдур. Алқисса, шербоилар шерин бу ҳолатда кўруб, дод-бедод қилиб, Пасри Сайёрни хизматиға югурдилар. Амир ўтуб кетдилар. Бу вақт Абулато ва Абулҳасан, Бобо Осим ва Бобо Сангин ва чеҳлтанони Мохон ҳар қайсилари ҳар жонибдан пайдо бўлуб, Амирини хизматлариға келдилар. Айдиларки, эй шарийёр, сизга шер нуқсон еткурмобдур.

Амир: — Ман билмодим, ёнимдан ўтуб кетибдур, — дедилар.

Амир кўрдиларки, мардум гуруҳ-гуруҳ, фавж-



фавж бородурлар. Аларни бирдан шима воқеадур, қаён бородурсизлар, дедилар. Ул киши айдики, эй жавон, ул шаҳарга бир гўштингир келибдур, халойиқлар анинг тамошосига бородурлар, деди. Амир ҳам равон бўлдилар. Вақти етиб кўрдиларки, маъракаи олий. Мардум бисёр жам бўлибдур. Юсуф Мардафкан маъракаи ўртасида чаҳорзону қуруб ўлтирибдур, қирқ ушоқи ани атрофида турубдур.

Алқисса, Юсуф Мардафкан ўрнидан қўнуб, либосларини ешиб, жомайи булгорий кийди, заижири камарини маҳкам устувор қилди. Андан қирқ ушоқи бирла гўштин олди, ҳаммасини ерга йиқти, пешонаси ҳам терламади. Андан кейин хўкузни келтурунглар, деб фарёд қилди. Дарҳол келтурдилар. Юсуф Мардафкан калла-баркалла урдик, ул хўкузни мўгузларни ерга тўкулди. Андан буюрди, бул хўкузни терисини юлиб олинглар деб. Ушоқлари пўстини сўйиб чиқордилар. Ани бир хишти тиллон мурасаъи бор эрди, ул пўстини узасига қўюб, ўзи ул хишти тиллони устига чиқиб, лаангар тўкуб ўлтурди. Ул хишт миқдори бир газ ерга ботиб кетди. Андан фарёд қилдики, ҳар киши бу пўст бирла бу хишти тиллонни мани қадамим остидан тортиб олса, ул хишти тиллонни ул киши олсун, деди.

Қирқ ушоқлари зўр қилдилар, пўстини тортиб ололмадилар. Андан қирқ ушоқлари бирла ва ул маъракадаги йиғитлар ҳаммалари қўнуб, зўр қилдилар, ул пўст нарча-нарча бўлиб узулди. Жигарлари лахта-лахта бўлдики, ололмадилар. Тилло боқий қолди. Юсуф Мардафканин ўрнидан тебратолмадилар. Баъдазон Юсуф Мардафкан ўзига бинолар қўюб, лофи газофга оғиз очти, фарёд бирла дедик, қани ул Рустами Достон, қани Сони Наримон, қани ул Барзун Дехқон ва қайчадур ул араббаччанки, тўрт шоғирди лонвойини ўлдургон ва хатиби Шомий бирла Бадмастини ўлдургон? Агар мани замонимда бўлса эрди, гард-гард қилур эрдим, деб носазо айтмоқга оғиз очти. Бул сўзини Амири соҳибўлдаъвои хонадон, яъни баноми Абу Муслими соҳибқирон эшитиб, жигарларида нами тоқат қолмади. бетоқат бўлдилар. Абулато ва Абулҳасан ҳар чанд маъъ қилдилар, бўлмади. Дарҳол Амири соҳибқирон чун шери фаррондек хез қилиб, ўзларини маъракаи майдонга олдилар.

Айдиларки, эй эани жалаб, нима иш қилдингки ўзган шаҳбозларга бу миқдор таъналар қилурсан?

Яна бир ривоятда Насри Сайёр шикорға чиқиб эрди. Эшитдики, Юсуф Мардафкан гўштигирлик қилодур деб тамошо қилмоқ учун келиб, равоқ узра ўлтуруб эрди. Алқисса, Амири соҳибқирон: — Эй сағ, ҳозир бўл, гофил қолдим демоғил, — деб анга рўбарў бўлдилар. Юсуф Мардафкан қувват қилиб, лангар тўкуб ўлтурди. Амир келиб тўрт қўлларини хиштга жой қилиб, Юсуф Мардафкан бирла хишти бир зўр айлоб кўтариб, осмон тарафига оттиларки, халойиқларини кўздан нопаёдо бўлди. Абулато бир хез айлаб ул хишти тиллони осмону замини ўртасида муаллақ уруб бағалига урди. Аммо Амир ул сағни камаридин ушлаб оҳиста ерга қўйдилар, айдилар:

— Аввал шогирдларинг бирла гўшти олай, токи сан ҳоргонимда гўштин олди демоғил.

Юсуф Мардафкан шогирдларига айтиди:

— Сизлар жанги калоғ қилинглар, — деди.

Аммо Амир таълими гўштигирлигини Бобо Осим ва Бобо Сангиндин ёд олиб, моҳир бўлуб эрдилар. Алқисса, Амир жанги калоғ айлаб, ул қирқ ушоқни ҳар қайсиени бир нав бирла урдиларки, бирини гардани синди ва бирини боши ёрилди ва бирини қўли синди. Баъдазон Амир айдилар: — Эй Юсуф Мардафкан, эмди санго навбат етти, туруб мани бирла гўштин олғил!

Юсуф Амирдин бу журъатини кўруб, таажжубларини қилиб, кўнглида айтиди, бу жавон гўдакликда бул тариқа паҳлавонлик қилодур, деб айтиди, эй жавонин хўрдсол, сан ҳам манингдек бараҳна бўлуб келғил.

Амир айдилар: — Эй нобакор, то бул вақтгача мани баданимни помахрам кўрғон эмас, ҳоло ҳам бараҳна бўлмогман.

Анда тамошобини Амирини сўзларига ҳой-ҳой деб завқлар қилур эрдилар, то замонки Юсуф Мардафкан хоҳладики, ўриндан туруб Амирини қўлларидин ушласа.

Амир айдилар: — Эй Юсуф, сабр қил. Аввал ман санго лаъблар ва бозулар кўрсатай. Андин сўнг сенинг бирла гўштин олай, — деб етти тегирмон тошини бир-бирини устига қўюб кўтариб, ул майдонини етти маротаба айлапдилар. Андин сўнг ани ушатдилар. Баъдазон гўштигирликка муқайяд бўлди.

Юсуф қўлини Амирини қўлларига қўюб, тамоми қувватини корга келтуруб, ҳар чапд зўр қилди Амирини ўринларидин тебратормади. Амир кўрдиларки,

ани қуввати етмоди. «Ҳалилуллоҳ, оллоҳу акбар» деб бир зўр уруб, ани қадду қоматини ердан узиб олиб, бошларидин чархдек айлантуруб ерга урдилар, он миқдор молишлар бердиларки, пусти бадани мисли элаган саночдек бўлди, анинг баданини кўториб, маъракаи майдонини уч маротаба айлантуруб, ерга андоғ урдиларки, усухонигача гард-гард бўлуб, минг йилги ўлак бирла баробар бўлди. Бу ҳолини кўруб ул сағи бадрақни тегирилари ханжарларини яланглаб, Амирини бошларига дарафтод бўлдилар.

Амири соҳибқирон булар бирла жанг қила-қила бир кучаботқа етдилар. Ул кучани боши маҳкам экан. Амир яна орқаларига ёниб, ханжар хавола қилиб эрдиларки, бу сағлар ҳамалари қочмоққа юз қўйди. Амир ханжарларини белларига банд қилиб бул боғдини ўтуб, яна бир боғқа тушдилар. Анинг юруб бир тегиримонга етдилар. Амирини қуроқларига бир одамни алқоби чаҳорёр ўқугои овози эшитилди. Амир тегиримонини ичига кириб курсалар, бир оқсоқол бобо алқоб ўқуб ултурубдур.

Амир анга яқин бориб эрдилар, чароқини ўчурди. Амир айдиларки, эй бобо, қўриқмоғи, мана ҳам мусулман ва чокари Шохимардондурман. Манго Мохон йўлини курсатти дедилар ва отинг нимадур деб сўрдилар.

Айди: — Эй шаҳриёр, мани отим Бобо Шарих ва ўғлумин оти Девонаи Атодур, муҳибби хонадондурмиз.

Булар бу сўзда эрдиларки, Бобо Осим ва Бобо Сангин ириб келдилар. Айдиларки, эй шаҳриёр, бу нечук гавгодурки, барпо қилдингиз? Амир айдилар: — Баногоҳ шуиндоғ бўлди. Боки йўқдур.

Анда Бобо Шарих айдиларким, эй шаҳриёр, бу кеча ман кампага меҳмон бўлуиғ, деб натимос қилди. Амир қабул қилдилар. Аммо ул кеча Девонаи Атоини мажлис қилмоқ навбати эрди. Чароқини, чеҳлтанонини Мохон ҳар кеча навбат бирла мажлис қилур эрдилар. Алқисса, Бобо Шарих ул кеча мажлис ораста айлаб, ажаб зиёфатлар қилдилар.

Чун тонг отти. Амир андин чиқиб аюларини олди-ларига келдилар. Аюлари сўрдилар:

— Эй жонин модар, бу муддатларда қайда эрдингиз?

Амир ўтгон воқеаларини бир-бир баён қилдилар. Аюлари Амирини ҳақларига дуо қилдилар: — Эй

фарзанд, боҳабар бўлунгки, ҳамма сизга душман-  
дур, — деб насиҳатлар қилдилар.

Булар бул сўзда эрдилар, дарвозани занжирини  
овози қулоқларига етди. Амир чиқиб кўрсаларки,  
фолизбон деҳқон келибдур. Сўрдилар:

— Нима хабар келтурдинг?

Айди: — Эй шахриёр, фолизда қовун пишибдур,  
сайри фолиз қилиб тамошо қилинглар деб хабарга  
келдим, — деди.

Амир «хўп бўлғай» деб саҳни Моҳонга чиқтўлар,  
Чехлтамони Моҳон жам бўлуб турублар. Амир айди-  
лар:

— Харбуза пишибдур, сайри фолиз қилиб тамо-  
шога боринглар!

Алар ҳам қабул қилди. Алқисса, чехлтамони Моҳон  
Амир бирла равон бўлдилар. Ул вақтда деҳан Моҳон-  
ни ҳукумати Хожа Сулаймонни қўлларида эрди. Хожа  
Сулаймон бу ҳукуматни Амирга бериб эрдилар.

Алқисса, Амир сайри фолизга келиб, сайр қилиб  
юруб эрдиларки, халойиқлар қочиб келодурлар. Амир  
«нима ҳодиса», деб сўрдилар. Анда ҳеч ким жавоб  
бермоди. Оқибат, Амир бир кишини отини жиловиди  
тутуб сўрдиларки, «бу нима гавгодур», деб. Ул  
киши айди:

— Эй жавон, буқун шерн бешан Кашфиҳон чиқиб,  
оламни хароб қилиб келодур. Сен ҳам қўчиб ўзингни  
четга олғил!

Амир ани отини найнга уруб тўхтатиб сўрдиларки,  
«ёри чаҳорум деб кимни билурсан?» Ул саг:

— Ёри чаҳорум деб язид Марвонни билурман, —  
деди.

Амир ани яқосидин ушлаб олдиларига тортиб,  
ани икки қонини аросига чувоп бир мушт урдиларки,  
кадуйи сари чархдек айлашиб, ўлуғи отдан ерга туш-  
ти.

Амир «ани отини сўйинглар», дедилар. Дарҳол  
сўйиб, қозонга солиб, полизни узасида таом қилди-  
лар. Баъдазон Амир айдилар:

— Эй Абулато ва Абулҳасан, эмди манго бир беша  
йўлни кўрсатғил!

Алар Амирдин бу сўзин эшитиб, ўрунларидин бир  
газ сакраб ўлтуруб айдиларки, эй шахриёр, ул шер  
бирла баробар бўлуб бўлмос, деб ҳарчанд манъ қил-  
дилар, Амир қабул қилмодилар. Охируламр, почор бу  
икки бародар Амирни ул тарафга роҳбарлик қилиб

бошлаб борур эрдилар, баякбора бир минорани остига етдилар. Ул минорани узасида бир одам мунодо қилодур: — Эй одамлар, бу тарафга келинглар, — деб.

Амир кўрдиларки, ул минорани устида дидбона бордур. Ровий айтибдурки, ул дидбонни оти Солиҳ Озфар эрди.

Насри Сайёр ҳар одам бул ер жонибиға билмаё келса, уни хабардор қилгил, деб дидбон қуюб эрди. Амир ул минорани устига чиқтилар. Ул йигит келиб. Амрини аёғларига йиқилиб айди: — Эй шахриёр ман сизга салому наёми Ҳазрати Шоҳимардон ет курудурман. Мани отим Солиҳ Озфардур. Мани бародаримни отини Баҳром Озфар дейдурлар. Ман Ҳазрати Шоҳимардонни амрлари бирла шул мақомда сизни дийдорингизга муштоқ эрдим. Алҳамдулиллоҳки, дийдорингизга мушарраф бўлдум, — деб дарҳол таом ҳозир қилди.

Амир таомни еб, дуо ва фотиҳа қилдилар. Андан минорадан қуйиға туштилар. Солиҳ ул бешаға бошлаб олиб келди. Амир ул бешаға қадам қўйдилар. Кўрдиларки, ҳайҳот-ҳайҳот ажаб бешаки, ҳар тараф да сабзалардур ва ранго-ранг гуллар очилибдур райҳон, сунбул ва бинафша хушбўй нимарсаларна бўйи келиб, димоғини муаттар қилиб турубдур. Бул булу қумрини хушалхонлар шохлар узра сайраб турубдур. Байт:

Бўстонеки дар гулистонҳо,  
Чи гулистонки рашки бўстонҳо.  
Чорбоғи Эрам зи дил доғи,  
Сокинонаш зи равзаи боғи.  
Сабза бедору об хуфта дар ў.  
Сад ҳазорон гул шукўфта дар ў.  
Ҳар гули гуна-гуна аз ранги,  
Бўйи ҳар гул гирифта фарсанги.

Алқисса, Султони соҳибқирон ул беша ичра кириб, сайр қила-қила бир чашма олдиға еттилар. Айдиларки, биродарлар, бул чашмада таҳорат қилайлук, деб таҳорати тоза қилиб, икки рақъат намози шукрона адо қилдилар, яна юрдилар. Амири соҳибқирон кўрдиларки, Солиҳ Озфар ларзаға кириб титраб турубдур. Амир «нима бўлди», деб сўрдилар. Солиҳ айди: — Эй шахриёр, ҳар йил табларза бўлур эрдим, шул соат мани яна табларза тутти. Амир:

— Андоғ бўлса, сан шул ерда таваққуф қилғил,— дедилар. Ул анда тўхтаб қолди. Бир вақт эрдик, Абулато бирла Абулҳасанни табларза ушлоди. Амир:

— Эй Абулато, сизларга нима бўлди? — дедилар. Анда Абулато айти:

— Солиҳни табларзасидан манго ўтди ўхшар. Абулҳасан ҳам:

— Абулатонин безгагидан манго юкти, — деди.

Амир билдиларки, булар бабрни ҳайбатидан кўр-қубдурлар. Бас, андоғ бўлса, сизлар ман келгунча дарахт узра чиқиб қарор олинглар, дедилар. Абулато айти:

— Эй шахриёр, бизлар қайси вақтгача турайлук? Амир айтилар:

— Ман бабрга рўбарў бўлганда бир наъра тортаман. Вақтики анинг бирла дарафтод бўлуб мусоф қилсом, иккинчи наъра тортаман. Агар бабрни ўлдурсам учинчи маротаба наъра тортаман. Агар учинчи наърани эшитмасанглар, билдингларки, мани ўлгонимдур, — деб алар бирла видо қилиб, худойи таолога таваккал қилиб, бир жонибга равона бўлдилар.

Султонин соҳибқирон вақтики бир жойга етдиларки, анда गरे бордур. Бул гордан «Ё Абу Муслим, бул тарафга келғил, ман санго интизордурман», деб овоз келди. Амир бул овозни эшитиб, ул горга кирдилар. Кўрдиларки, бузрукворе ўлтурубдур, нуринлоҳий ани нешонасидан зоҳир бўлуб туродур. Дарҳол таъзим бирла салом қилдилар. Ул бузруквор жавоби салом бериб, Амрини оғушлариға олиб бўса қилдилар. Баъдазон айтиларки, эй шахриёр, мани Абу Муслим эконини қайдан билдингиз?

Бузруквор айтилар:

— Эй фарзанд, ўшал замонки, Саййид ул-мурсаин ва Ҳотам ун-набийини табиби иллати гуноҳ ва шафоатхоҳи рўзи жазо, яъни номини шарифлари Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллалоҳу алайҳи ва-салам Уҳуд жангиға бордилар, ул жангда «ё Абу Муслимо, ё Абу Муслимо», деб уч маротаба чақирдилар. Ман айтидимки, ё расулаллоҳ, қайси Абу Муслимин айтирсиз? Ҳазрати рисолатпаноҳ айтиларки, ул Абу Муслим фарзандим Имом Ҳусайн шаҳид бўлгондан кейини апосидини таваллуд қилиб вужудга келур, фарзандини хунини хаворижлардан талаб қилиб олур. Ул соҳибни хуружи ҳафтоду дуввумдур, ул Абу Муслиминни ёд қилурман. Ман орзу қилдим-

ки, ё расулиллоҳ, ул соҳиби хуружни дийдорини кўрсам деб.

Анда Онҳазрат саллаллайҳи алайҳи вассалам бир хурмони муборак қўлларига олиб, манго бериб айдиларки, эй Шайх Ҳасани Ажамий, бу хурмони олиб, бешаи Қашфиҳанга бориб, анда истиқомат қилгил. Ул соҳиби хуружни жамолини анда кўрарсан, дедилар. Ул замондан то бу замонгача беша ичра ватан қилиб, сизга шитвор эрдим. Аляхамдулиллоҳки, эмди сизни дийдорингизга мунараф бўлдум, деб ул амонат хурмони Амирга бердилар.

Амир дардол едилар, дарои ним Амирни муборак сийшаларига мавж урди. Бир соат масти беҳуд бўлуб ўзларидан кетдилар. Баъдазон Шайх Ҳасан айдилар:

— Эй Абу Муслим, мани жапозам сизни келмакнигизга мавқуф эрди, — деб сар басажда қўюб, жон баҳаққ таслим қилдилар.

Амир нима қилурман деб хайратда туруб эрдиларки, тўрт киши савмаага кириб келдилар. Амир таъзим бирла салом қилдилар. Ул бузрукворлар жавоби салом бериб ўлтурдилар. Баъдазон ул тўрт бузруквор Шайхни такфиини чиқордилар. Шайхни ювуб, кафанга ўрадилар, ғайбдан бир тобут пайдо бўлди. Ул тобутга солдилар анда бисёр сафидиш одамлар пайдо бўлдилар. Алар бирла жапозани ўқуб, дафи қилдилар. Баъдазон ул бузрукворни бирларни айдиларки, ё Абу Муслим, бизларни танидингизму?

Амир танимодим, дедилар. Алар айдилар: — Ё Абу Муслим, билгилки, ман Хизр алайҳуссалом ва бул бародарим Илёс, яна биримиз Қусам бин Аббос ва ул зоти шариф Ҳазрати Али каррамуллоҳу важҳаҳдурлар. Анда Амир Хизр алайҳуссаломни қадамларига ўзларини ташладилар. Андан Ҳазрати Илёс бирла мулоқот қилдилар, андан Қусам бин Аббос бирла, андан Ҳазрати Шоҳимардон бирла мулоқот қилдилар.

Ҳазрати Али каррамуллоҳу важҳаҳу муборак қўлларини Амирни бошларига текузуб силодилар. Амирни белларини боғладилар. Айдиларки, эй фарзанд, бул ишга қадам қўйгил, зинҳор бу йўлдан олмагил. Бизлар ҳаминша санга ёру мадаккордурмиз, деб Амирга фотиҳа бериб ғойиб бўлдилар. Андан сўнг Амирни соҳибқирон хушвақт бўлуб, бир жонибига қараб равон бўлдилар.

Амир баногоҳ назар қилдиларки, бир бабр шул жонибга боқиб келодур. Ани ҳайбатидини заминиу замон ва макину макон ларзага келодур. Чароки, бабрни баландлиги йигирма газ ва узунлиги ўттуз газ, сийнаси етти газ эрди. Ани боши гулбази даввордек ва кўзлари чарогдек ёниб туродур ва оғзи монанди ғордек, ғорқироб келодур. Амир ҳаргиз бул тариқа ҳайбатлик бабрни кўрғонлари йўқ эрди. Амир бабрға рўбарў бўлдилар, бабр ҳам кўрдикки, бир ҳариф садди роҳини тўсуб туродур. Келиб тўхтоб турди. Бабрни қоидаси шул эрдикки, аввал заҳри чашм бирла боқиб, андин кейин ҳамла қилур эрди. Вақтики, Амирга рўбарў бўлиб, заҳри чашм бирла назар солди, яқин эрдикки заҳран Амир об бўлса. Амир ҳам ғазаб бирла заҳри чашм қилиб бабрға назар солдилар. Бабр Амирни заҳри чашмларига тоқат қилолмади. Бабр ханиминини бўлуб ўзини гулча айлаб бир хез қилиб, Амир турғон ерга тушуб, сийнаси бирла ерни молини қилур. Амир ўзларини уч қадам кейнига тортиб эрдилар, бабр Амирни сийнаминини тагига олдим, деди.

Амир Абулатонини табари бирла бир наъра тортиб, бабрни фарқи сариға андоғ урдиларки, ҳеч таъсир қилмади. Бабр яна ўзини гулча қилиб эрдикки, Амир чобуклуқ бирла ўзларини уч қадам орқага олдилар. Бабр Амир турғон жойға келиб тушти. Амирни сийнаминини остига олдим деб, молишлар қилур эрди. Амири соҳибқирон «Халилуллоҳ, оллоҳу акбар» деб табарни дами бирла фарқи сариға андоғ урдиларки, фарқи сари ду тақсими баробар бўлди. Бошидини қонлар ҳар тарафға оқти, Амирни димоғларига бабрни бадбўй қони ўрнаб, таъблари беҳузур бўлуб, беҳушлуқ рўй бериб, Бабр жонибига йиқилдилар.

Бабр хоҳладикки, дами бирла Амирни ҳалокатга еткургай, муяссар бўлмади. Охир бабр ҳам бир жонибга йиқилди, аммо Абулато ва Абулҳасан Амирни учинчи наъраларинини эшитмадилар ва бир-бирларига айдиларки, Амирни наъралари зоҳир бўлмади. Маълум бўлдикки, бабрни беша Амирни ҳалок қилди деб, дарахтлардини тушуб хоҳладиларки, Марвшоҳижаҳонга қайтсалар ва яна Абулато: — Эй бародар, бизлар Амирни жамолларинини кўрмосдин нечук Марвга бориб тириклик қилурмиз, ҳар нечук ҳам бўлса, биз олайлуқ, — деб ҳар иккаласи бир жонибга равона бўлдилар. Ул ерга келиб кўрдиларки,



Амир бир жонибда ўзларидин беҳабар йиқилиб ётибдурлар.

Булар ақида қилдиларки, Амирини бабр ўлдирибдур. Абулато наъра уруб, фарёд қилиб айдиларки, баднажод, Амирини ўлдурубсан, деб бабрни кафи пойиға чунон урдиларки, бабрни соқидин сарбадар қилди. Абулато наърасини Амир эшитиб ҳушларига келдилар, бошларини кўтариб кўрдиларки, Абулато бабр устида ханжар бараҳна айлаб турубдур.

Абулато айдилар: — Эй шаҳриёр, хоҳларманки, бу бабрни ҳийла бирла тиргузурман, бул тариқа бирла терисига самонни тўлгозиб бир нав қилиб ҳаракатга киргузурман.

Амир қабул қилдилар. Алқисса, Абулато бабрни терисини сўюб, ичнини самон бирла тўлгоздилар, тўрт оёғига тўрт галтакни банд қилдилар ва думига йилонни боғлаб, дам қилдилар.

Алқисса, бабрни бу тариқа ҳийла бирла тиргузуб бир баланд ерға қўюб, Марвшоҳижаҳон дарвозасини рўбарўсига қўйдилар. Андан ўзлари ёниб кетдилар.

Ул кеча ўтуб, тонг отди. Ул эрта бирла дарвозабон дарвозани кушода айлаб, хандақни лабига келиб, таҳорат ушатай деб кўрдикки, бабр ул бешан Кашфиҳан дарвозасини рўбарўсида турубдур. Ани думига банд қилгон йилон ҳаракатлар қилиб, ҳар тарафга нечтоб уродур, оёғига шамол вазида қилиб, гаррослар уруб оғзини очиб, ҳайбат бирлаи намудор бўлди.

Дарвозабон ани кўруб, воҳ деб фарёд қилдикки, зуд келиб мани халос қилингларки, бабр мани ўлдурди.

Ўзга дарвозабон югуруб чиқиб кўрдиларки, беҳуд бўлуб ётибдур. Ани судраб олиб кириб, дарвозани маҳкам қилдилар. Анда воқеани Насри Сайёрга айдилар. Насри Сайёр отланиб пилбанд дарвоза узра шомиёналар барпо қилдурди. Андан касофатпаноҳ қўлиға жоми шаробни ичиб, бориб ул бабрни бешан Кашфиҳанни жавобини берса, Етти қалъа Хуросондин ҳар қайсисини хоҳласа, берурман, деб ваъдалар қилди. Бул вақт Қўланг бини Зўлола ном наҳлавон мутасадди бўлуб чиқиб, хандақдан ўтуб эрди, ул йилонни, бабрни думига боғлаб эрдилар, ул йилон ҳаракатга кириб ҳар тарафга нечтоб урор эрди. Ва яна бабрни оёғига шамол кириб гаррос урор эрди. Қўланг бини Зўлола бабрга кўзи тушти ани ҳайбатидини кўрқуб, воҳ деб ўзини хандаққа ташлади.

Зарқийн ҳаромзода юқоридин каманд тошлади. Каманд Қўланг биши Зўлола гарданга банд бўлди. Зўр бирла ани хандақдин тортиб олиб, ичкари киргузуб, дарвозани маҳкам қилдилар.

Насри Сайёр Хожа Муҳаммад Тоҳир Хўжандийга айдики, эй Хожам, бабрини иложини нима қилмоқ керак, деди.

Хожа айдилар: — Тунов кун абуторобийлардин қирқ кишини зиндонга солиб эрдинг, аларга аслаҳа бериб, бабрга юборгил. Бабрини жавобини абуторобийлар берур. Булардин ўзга киши бабрини уҳдасини чиқолмас.

Зарқийн ҳаромзода айдики, бу почасафид Хўжандий абуторобийларни бабрини қонини тўкмакка равоси йўқтур, деди.

Хожа: — Эй ҳаромзода, нима дейдурсан? — деди.

Зарқий айди: — Эй Хожам, ногоҳ номаъқул сўзлабдурман, сиз маъзур тутинг, — деб узрхоҳлик қилди.

Алқисса, ул қирқ кишини бандидан чиқоруб, аслаҳа, от бердилар. Хожа айдилар: — Эй амири Хуросон, буларга қирқ минг танга инъом қилгилки, сандин хушвақт бўлуб жондин хизмат қилсунлар.

Зарқий айди: — Бале, боз буларга ҳам харжи даркор бўлодур.

Алқисса, ул қирқ киши қирқ минг тагани олиб, отга сувора бўлуб, бабрга қараб равон бўлдилар. Хожа аларга ишорат қилиб айдиларки, эй фарзандларим, боринг, сизларни худоға тобшурдим.

Бу қирқ киши дарвозанинг икки тарафидан от қўйдилар.

Насри Сайёр айди: — Абуторобийлар мардум: далер экаилар, қўрқмадилар, — деб завқлар қилур эрди.

Зарқийн ҳаромзода айдики, ҳоло маълум бўлодур. Вақтики, бу қирқ киши икки жонибдин от солиб, бабрга рўбарў бўлмай бедор ўтуб кеттилар.

Зарқий айди: — Эй амири Хуросон, кўрдингму абуторобийлар бабрдан ўтуб қаён бородурлар?

Насри Сайёр даргазаб бўлуб айдики, эй Хожа, сиз айтмодингизму-ким, абуторобийлар жавоб беродур деб. Хашмгин бўлди. Хожа: — Ман абуторобийларни кўнглидагини қайдин билай, — дедилар.

Наср айди: — Узингиз чиқиб бабрга жавоб беринг!

Хожа ўзим чиқиб жавоб беройин деб дарвозадин

чиқиб равона бўдилар. Вақтики бабрга яқин етиб кўрдиларки, бабрни оғзини чочи сомон зоҳир бўлду. Хожа кўнгулларнида айдилар «бабр самон смойдур, лекин ўлдириб, терисига самон тиқиб, бу тариқа қилиб қўйибдурлар», деб қўлларига найзани олиб, бабрни комини тагига чунон урдиларки, ул тарафдан сарбадар қилди. Найзани учига олиб кўтариб, Насри Сайёрга қараб юрдилар. Наср хушвақт бўлуб айдики, эй Зарқий, Хожани қўлидан ҳеч нш келмас дер эрдинг, ҳоло кўрдингмуким, нечук шойиста хидматлар қилди, деб Зарқийни маломатлар қилди.

Зарқий шарманда бўлуб, дарди дарун бўлуб, ҳеч дам уролмади. Вақтики, Хожа бабрни найзани учига кўтариб олиб келиб, Насри Сайёрни қадамини остига ташладилар, ул тикиб банд қилгон рисмонлар узулиб, ичидан самонлар ерга тўкулди.

Насри Сайёр ҳайрон бўлуб айди: — Эй Хожам, бабрни жавобини ким ҳалок қилгондур?

Хожа: — Бул ишни ул соҳиби хуруж қилгондур, — дедилар.

Насри Сайёр ҳам таҳсини офаринлар қилиб айдики, эй Хожа, бу бабрни пўстини халифани Марвонга юборайин. Халифа хафтон қилиб, кийиб майдан хушнуд бўлсун, деди. Хожа айдиларки, эй амри Хуросон, агар ул араббаччани, яъни ул соҳиби хуружни дастгир қилиб ушлай десанг, буюрғилки, бу бабрни терисига зарни тўлгазиб, чорсуни шакарфурушонга осиб қўйсунлар. Ул соҳиби хуруж бу зарни олмоқ талабида келур. Шул сабаб бирла базардор бўлуб, ул араббаччани тутуб банд қилмоқ керак, дедилар.

Насри Сайёр: — Бале Хожам, хўб маслаҳат бердингиз, — деб хушнуд бўлди.

Андан пўстин зар бирла пур қилиб чорсуга осиб, паҳлавон Дадаи Асасни беш юз киши бирла чорсуга посбонлиқга қўйди. Алқисса, Насри Сайёрни амри бирла паҳлавон Дадаи Асас беш юз киши бирла чорсуни шакарфурушонга келиб қарор олдилар. Кеча бўлса чароғ ва фонус бирла равшан қилиб, ул пўстини атрофидан айланиб эҳтиёт қилиб юрур эрдилар.

Бу сўз мунда турсун икки калима сўз ўзга ердан эшитинг. Ровийлар айтибдурларки, ул вақт Марвшоҳижаҳонда миёна етти юз эллик беш муҳибби хонадон бад эрдилар. Ғулому чокари Шоҳимардон

ҳамаларидин ва ойишларини пинҳон тутар эрдилар. Аларни каттаси Хожа Усмон ва Хожа Сулаймон ва Хожа Қеҳлон ва Хожа Саҳлон ва Хожа табиб Марвазий ва Хожа Имрон эрдилар.

Алқисса, жамъи Хожа Сулаймонни уйига йиғилиб келдилар. Анда ҳаммаларини улуглари Хожа Сулаймон эрдилар. Хожа Сулаймон: — Эй ёронлар, билур-мусизларки, бул қористонликларни ким қилодур ва бу ажойиб ишлар кимдан зоҳир бўлодур?

Ҳаммалари: — Эй Хоҷам, ўзингиз бизлардин хуброқ билурсиз, — дедилар.

Хожа Сулаймон айдиларки, бу ишларни Соҳиби хуружи ҳафтаду дуввум қилодур. Ҳаммалари айдиларки, оре, эй шаҳриёр, андан узга кишини қулидан бу ишлар келмойдур ва Хожа Сулаймон айдиларки, ул соҳиби хуружини ҳеч киши кўргонмукни ва ё хабари бермукни?

Шун исвода Абунаер Шабравий Марвазий қадд рост қилиб айдиларки, ҳоло неча кунлар бўлубдурки, Хожа Хўрдак бизни аромизга келмойдур. Мани гумоним борки, Хожа Хўрдакни ул соҳиби хуруждан хабари бўлса, Хожа Сулаймон ул муҳибблари бирла ҳаммалари Хожа Хўрдакни уйига келиб, занжири ҳаяқан дарин урдилар. Аммо Хожа Хўрдак боҳамроҳини Амир ва Абулато ва Абулҳасан бирла ултуруб эрдилар. Хўрдак айдилар: — Эй шаҳриёр, сиз ганжинани ичига кириб туринг, — деб узлари чиқиб, дарвозани очдилар, ҳама муҳибблар меҳмонхонага кириб ултурдилар.

Андан Хожа Сулаймон айдиларки, эй Хўрдак, соҳибуддаъвои хонадони соҳиби хуруждан ҳеч хабарингиз борму?

Хўрдак айдиларки, андан хабарим йўқ. Мен ҳам соҳиби хуруж пайдо бўлубдур деб эшитдим. Билмайдурманки, ул соҳиби хуруж қайдадур, дедилар.

Хожа Сулаймон: — Сизни уйингизда, — деб эшитдим дедилар.

Хўрдак айдди: — Эй шаҳриёр, мани уйумда йўқ, ғалаг эшитибсиз, — деб мункир бўлдилар.

Хожа Сулаймон буюрдиларки, Хўрдакни баид қилиб қийин қилинглар, деб буюрдилар. Хўрдак айдикки, эй шаҳриёр, ман нима иш қилдимки, қийин қилурсиз?

Хожа Сулаймон: — На учун Амирдан хабар бермайдурсан? — дедилар.

Амир бу сўзларни эшитиб туриб эрдиларки, магар ишқи булар хавориж эканлар, маннинг бародаримни азбаройи маннинг учун қийин қилур эканлар, деб таъратлари келиб табарни бараҳна қилиб, ичкаридан яқбора чиқиб келдилар.

Хўрдак:— Ҳай-ҳай, эй шаҳриёр, на учун чиқдингиз, — дедилар.

Хожа Сулаймон Амирни кўруб, ўринларидан туруб, Амирни кафларини олиб, юзу кўзларига бўсалар айлаб, бисёр навозишлар қилдилар, баъдазон ҳамма муҳибблар Амир бирла мулоқот қилдилар.

Хожа Сулаймон Хўрдакдан:— Бабрин ким ўлдурди, ўлдургон кишини билурмусан, — дедилар. Хожа Хўрдак:— Ўлдургон кишини билмойдурман, — деди.

Хожа Сулаймон: — Амир ўлдургондурлар, — дедилар.

Амир: — Ман ўлдургоним йўқ, — дедилар.

Анда Абулато айдилар: — Эй шаҳриёр, на учун рост сўзламой мункир бўлодурсиз? Эй Хожам, оре, бабрин Амир ўлдурдилар, — дедилар.

Абулатонини сўзига Амир бирлон ҳамма хожалар хандалар айлаб хушвақт бўлдилар. Андан Хожа Сулаймон айдиларки, эй фарзанд, ҳар иш қилсангиз, шитоб қилмонг. Ёронлар бирла машварат қилиб иш қилинг, деб насиҳатлар қилдилар.

Алқисса, обу ош қилиб, савобини дашти Карбалонини шаҳидларини руҳи покларига бағишлаб андан чиқтилар. Амир Абулато ва Абулҳасан бирла Хўрдакни меҳмонхоналарида ёттилар. Нисфи шаб ўтуб эрдикки, Амир жойларидан туруб, занжирни камарларини устувор айлаб, чорсуйи шакарфурушонга қараб равона бўлдилар. Абулато ва Абулҳасан ҳам бедор бўлуб, Амирни орқаларидан равона бўлдилар.

Амир чорсуға кириб кўрдиларки, мардакаини Дадаи Асас навкарлари бирлан носбонлик қилиб турубдур. Амир кепанакни бошларига ёпиб, чароғини сояси бирла табарни қўлларига олиб, зарстун чорсуға кирдилар. Ул пўстини банд қилгон занжирни табар бирла қалам қилиб, бабрини пўстини олиб равон бўлдилар. Аммо Дадаи Асас кўрдикки, ҳарифи сиёҳунини занжирни қалам қилиб, бабрини пўстини олиб равон бўлди. Дадаи Асас фарёдкунон ўзини суфадан танилаб, келиб Амирни олдини олди. Айди:

— Эй сиёҳун, сан ул араббачча эмасмусан? Мани

қўлумдан халос бўлуб қаёнға борурсан? Минг жонинг бўлса ҳам, мандан амон тобмас, — деди.

Амир айдилар: — Эй сағ, кўн лофу қоф урмоғил, ўз ишингға машғул бўл, — деб тўхтаб турдилар.

Дадаи Асас дарғазаб бўлуб тигини филофидан чиқориб, Амирға ҳавола қилди. Баъдазон Амири соҳибқирон қўл узотиб, ул ҳаромзодани банди дастидан ушлаб олдиларига торттилар. Боши гардани бирла сарнигун бўлуб келдики, Амир занжири камаридан ушлаб, қадди қоматини ердан узуб, бошларига кўториб хоҳладиларки, ерга урсалар. Боз Амирини хотирларига келдики, бир кори қилайки, то қисматғача мандан нишона қолсун, деб чорсуни стунини кўториб, Дада Асасни ул стунни тагига пуштак қилиб қўйдилар. Ул бабдахтни устухонлари стунни тагида реза-реза бўлди. Баякбор ани беш навқари тигларини яланглаб Амирға ҳавола қилдилар.

Амири соҳибқирон ҳам табарни олиб, алар бирлаи дарафтод бўлдилар. Абулато ва Абулҳасан ҳам тошни жилвага кетуруб, машғалдорларни косан сарига урор эрдиларки гард-гард бўлур эрди. Машғаллар ўчиб, одам одамни танимай хаворижлар бирини бири ўлдирур эрди. Амир уруша-уруша зар бирла пўстини олиб, чорсудан чиқиб, Хўрдакни уйларига келдилар. Ул пўст бирла зарни Хўрдакка тобшуруб, ул кеча Марвдан чиқиб Деҳан Мохонға, аноларини олдиға келдилар.

Анолари айдиларки, эй жони модар, ҳар вақтки, табар тайёр бўлса, хаворижлар қониға олуда бўлмосдин манго кўрсатғил, мани бир муддаом бордур.

Амир ҳам қабул қилдилар. Баъдазон анолари бирлон видолашиб, Марвшоҳижаҳонға кирдилар. Ул кечада борур эрди, бир сиёхпўш Амирни сари роҳларини олди.

Амир айдилар: — Эй сиёхпўш, кимдурсан, отинг нимадур?

Ул киши айди: — Мани отимни Носири Шабрав дейдурлар, сан кимдурсан?

Амир айдилар: — Билғил ва огоҳ бўлғилки, мандурман рахнагар малики мардон Амир соҳибқирондурман.

Ул сиёх Амирға шамшир ҳавола қилди. Амир даст дароз айлаб, ани банди дастидини ушлаб айдиларки, эй Носири Шабрав, бир мартоба манқабати чорёрни айғил, санго амон берай, дедилар.

Ул саг айдики, ман айни Алиши оғзимға олмас-ман. Амир ани бир сели уруб халок айлаб, ани нешонасига бул ишни Абу Муслим қилди, деб ёзиб қўйдилар.

Андин Хожа Хўрдакни уйига келдилар. Ул кеча ўтуб тонг отти. Зарқийи айёр ўтуб борур эрди, кўрдик, Носир айёрни икки қўлидин икки тарафга тортиб, ани нешонасига бу кори Абу Муслим, деб ёзибдурлар.

Зарқийи ҳаромзода бу воқеани Насри Сайёрга келиб баён қилди. Насри Сайёр нуст бирла зарни сабабидин наришон бўлди. Бу сўзни эшитиб гам устига гам бўлди, яқин эрдик, халок бўлса. Эмди икки калима Амири соҳибқирондаи эшитинг.

Алқисса, Соҳибқирон Хўрдакни уйига келдилар, айдиларки, эй бародар, мани табаримни тайёр қилдингизму?

Хўрдак айди: — Сизнинг табарингиз учун фўлод-ни тайёр қилиб қўйдум. Хоҳларманким, сизни назарингизда қилсам.

Амир хушвақт бўлдилар. Хўрдак фўлодларни кўрага солиб, дам босиб эрдилар, қизил бўлди. Андин Абу Муслим табари деб ният қилиб сандонга қўюб босқон урдилар. Дарҳол фўлод реза-реза бўлди, ҳар тарафга сочилиб кетти. Ул фўлод резаларини жам қилиб кўрага солиб, банияти ханжар деб босқон уруб эрдилар, дуруст бўлмади Амир бу ҳолни кўруб паришон бўлуб, ташқори чиқдилар.

Хожа Хўрдак ҳам паришон бўлдилар. Баъдазон Хожа Хўрдак бошларини қуйи солиб ўлтуруб эрдилар, кўзларини уйқу элтти. Тушларида падари бузрукворлари келиб айдики, эй фарзанд, на учун паришондурсиз?

Хўрдак айдилар: — Эй падари бузруквор, кўрмасмусизки, Амир манго табар буюруб эрдилар. Ҳар чанд фўлодни ўтга солиб табар қилай десам, дуруст бўлмайдур. Билмайдурманки, нима ҳикмат бор анда.

Хожа Хўбкор атолари айди:

— Эй фарзанд, тургил, дўконга боргил, сандонни остида фўлоддан сандуқча бордур. Ул сандуқда икки дандонан зулфиқори Ҳазрати Шоҳимардон бордур. Ани олиб табар қилгил, — ва яна айдилар, — эй фарзанд, ман бир кун дўконда ўлтуруб эрдим, бир қатъини фўлодни олиб келди. Ман хоҳладимки, ани

асбоб қилойин деб ани ўтга солдим. Ҳарчанд ўт бердим, таъсир қилмоди. Бир кун Ҳазрати Шоҳимардонни воқеада кўрдум. Айдиларки, бу фўлодпора мани зулфиқоримдиндур. Бу фўлодни эҳтиёт қилиб сақлагилки, табар бўлғусидур, деб эрдилар. Ани учун эҳтиёт қилиб сақлаб эрдим, — дедилар.

Алқисса, Хўрдак ларзида айлаб уйқудан турди. Дуконга бориб сандон тагидни фўлодни олдилар, андан ўтга солдилар. Шул вақт Саъд Қалмо, Саъид Гарданкаш келиб, Хўрдакка ёри бердилар. Ҳарчанд ўтга солиб дам бостилар. Бирави кўмур тамом бўлди, фўлод асло сурх бўлмоди. Саъд Қалмо айди:

— Эй тағо, баён қилингки, бу нечук фўлоддурки, ҳануз ҳам сурх бўлмайдур?

Алқисса, Хўрдак фўлодни ўтди олиб назар қилиб кўрдикки, ўт таъсир қилмобдур. Хожа Хўрдак наршион бўлуб йиғлаб ўлтуруб, кўзларини уйқу элти. Уйқулариди ул шери бешан шарнат, кештийи гирдобни тарикат ва муборизи майдонни халофати яқин, бадрақан тавакқул, соҳибни зулфиқору Дуадули казими Турн муножот, соҳибни Қавбан нажот, дар шаби тор бомустафо намоз аю қарда жибрил бажувонмардонни у нидо қарда жуфти бануле, инсарни амми расул, яъни баномни Ани бини Абутолиб Асадулло-ул-голиб Ҳазрати Шоҳимардон Хўрдакни тақобилларидни чиқиб айдиларки, эй фарзанд, на учун бетоқатлик қилиб йиғларсан, дедилар.

Хўрдак айдиларки, эй шаҳриёри олам, кўрмайсизму, ҳарчанд бул фўлодни ўтга солсам, ўтга таъсир қилмойдур.

Шоҳимардон айдилар:

— Агар ер юзини ўт қилсанг, бул фўлодга таъсир қилмойдур. На учунки, бу фўлод расулни алай-хиссалом мўъжизаларидан пайдо бўлғондур, — деб фўлодни қўрадан олиб кафи дасталарни бирла молини қилиб эрдилар, бадастур табар бўлди ва яна бош бармоқларини қўюб босиб эрдилар табарни дастасини жойи бўлди. Андни Хўрдакни қўлига бериб, ғойиб бўлдилар. Хожа Хўрдак титраб уйқудин бедор бўлдилар. Баъдазон табарни олиб Амирни олдиларига келдилар. Ҳазрати Шоҳимардондин назар тобгонларини баён қилдилар.

Амир хушвақт бўлуб, завқлари келди.

Анда Амир айдилар:

— Эй бародар, табарга сайкал берсалар хўб



рди, — деб бу гуфтугўда эрдиларки, Абу Тоҳири Сайқалгар кириб келди. Таъзим қилиб айдиларки, эй шаҳриёр, ман салому пайёми Шоҳимардонни еткурурман, деб табарни сайқал қилиб берди. Андан Ҳусайн Муҳркан келиб, ман Шоҳимардонни назар гоптим, деб воқеани баён қилиб, табарга муҳр ўймоқлиқга муқайяд бўлди. Аввал тавҳиди бори таоло, аккинчи нъати саййидул мурсалин ва хотам унчабийинини муҳр қилиб ўйдилар. Ва табарни бир озиға лаънат қотили Ҳусайнго деб муҳр ўйдилар. Андин Абу Али Харрот салом қилиб кириб келдилар. Қўлларинда [асо], айдиларки, эй шаҳриёр, ман бу асони эҳтиёт қилиб олиб эрдим, воқеада Ҳазрати Шоҳимардонни кўрдум. Айдиларки, эй Абу Али, бул асони эҳтиёт сақлагилки, Абу Муслимни табарига даста бўлур деб эрдилар, деб асони табарга солиб эрдилар, дуруст келди. Гуёки бу табарга тарашлагандан зиёдроқ дуруст келди.

Амир айдиларки, бу даста дуруст экан, ани табардан олиб тарошлаб солинлар, дедилар. Ҳарчанд қилдиларки, даста табардан чиқмади. Ул замон Музаффар Алоқабанд кириб салом қилди. Айдикни, эй шаҳриёр, ман салому пайёми Ҳазрати Шоҳимардонни еткурудурман. Шоҳимардон башорат бериб айдиларки, эй Музаффар, тез боргилки, Абу Муслимни табарни бир алоқага мавқуф бўлуб турубдур. Бир куп мен бу алоқани бир моҳигирни қўлидан неча дирам бериб олиб эрдим. Воқеада Ҳазрати Шоҳимардон Алиин Валиини кўрдум. Айдилар: — Эй Музаффар, бу алоқа мани зулфиқоримни алоқасидур. Сан эҳтиёт қилиб сақлагилки, фарзандим Абу Муслимни табарига алоқа бўлур деб эрдилар, деб башорат берганларини изҳор қилдилар.

Алқисса, ул алоқани табарни дастасиға банд қилдилар. Табар итмомиға етти, андин кейини Хўрдак ҳама муҳибби хонадонларни йиғиб жам қилиб, шаҳидони дашти Қарбалонни руҳи поклариниға оби ош қилиб, бизни лангар хонага киргузуб қўйдилар. Баъдазон Хожа Сулаймон, Хожа Дигарлар ва ҳама муҳибби хонадон муборакбодлик қилдилар.

Хожа Сулаймон табарни вазмин қилибдур, дедилар. Амир айдиларки, эй шаҳриёро, ман табарни енгил тайёр қилибдур десам, сиз ани вазмин тайёр қилибдур, дерсиз, дедилар.

Хожа Сулаймон табассум қилиб айдиларки, эй

фарзанд, сиз ҳоло ешдурсиз, бу табарни уҳдасидаз чиқолмайдурсиз дерман. Анда Амир қўл узотиб, табарни олиб ташқарига чиқтилар, ёронлар ҳам чиқтилар.

Хожа Сулаймон айдиларки, эй фарзанд, нимз хаёл қилдингиз? Амир айдиларки, шул хаёлни қилдим. Шул дарахт чинореки, бародарим Хожа Хўрдакни уйида бордур, танасини Марвон ва шохини Марвонни амирлари ва наҳлавонлари ва барглари ни Марвонни лашкари деб ниҳат қилдим. Агар биз габар уруб шул чинорни қалам қилсам, Марвон харни ва умароларини ва тамоми лашкарини жавобини берур ва агар қалам қилмасам, бул ишни уҳдасидин чиқолмасман деб, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, худойи таолони бузрук ёди бирла табарни жилвага келтуруб, ул чинорни чунон урдиларки, чуқ бизтардек қалам қилди. Аммо ҳеч ким бу чинор қалам бўлди ё бўлмади деб фаҳм қилмодилар. Амир ҳам ҳайрон бўлуб айдиларки, табар чинорни қалам қилмоди. Бу ишни уҳдасидан чиқолмас эканман дес эрдиларки, шул вақт гайбдан бир тош чинорни шохига келиб тегди. Филҳол, чинор йиқилди.

Кўрдиларки, табар чинорни қалам қилиб экан, ниҳояти табарни тезлигини фаҳм қилмобдурлар. Ул тошни олиб кўрдиларки, анго битибдурларки. бул тош паҳлавон Аҳмад бин Муҳаммад Замжийини тошлари дебдур. Ҳамма муҳибблар Амирга офаринлар қилдилар. Амир ул тошни Хўрдакка бердиларки эҳтиёт қилиб сақланг деб. Баъдазон Амир айдиларки, эй ёронлар, табарни на учун ошкора урмойдур миз?

Хожа Сулаймон айдилар, эй фарзанд, сабр қилингики, жумъа кўни масжиди жомен ичидан хуруж қилурмиз. Ҳамма муҳибблар бул сўзини қабул қилдилар. Ҳамалари фотиҳа ўқуб иттифоқ қилдилар. Андан ҳамма муҳибблар чиқиб кетти. Амир ул кун Хўрдакни меҳмони бўлдилар. Ярим кеча ўтуб эрдик, Амир айдилар: — Эй бародар, волидамни кўруб, ижозат олиб келай, — деб Хўрдакни уйида чиқиб равона бўлдилар. Яқбора отни туғини овози келди.

Абулато айдилар: — Эй шаҳриёр, ўзингизни каворага олингики, миршаблар келодур, — дедилар.

Амир айдилар: — Эй Абулато, киши миршаблардан ҳам қўрқорму, — деб борур эрдилар.

Тўгон Зародий рўбару бўлуб айдик, эй сиёҳпўш

қандог одамсан нисфи шабда ибo қилмой юрибдурсан, деб Амирни садди роҳларини олди. Амир ҳеч жавоб бермой равон бўлдилар. Тўғон дарғазаб бўлуб табарзини Амирни бошларига солди. Амир табарларини орқасини ани табарига туттилар. Ани табарини дами дандонаси чун шишан Ҳалабдек синиб, ул сакни қўлидан ерга тушти. Табарни дастасини ҳавола қилди. Амир дарғазаб бўлуб, менам соҳибби хуружи ҳафтаду дуввум, рахнагарни мулки Марвон ва михи чаними хаворжон деб табарни жилвага келтуруб эрдилар. Тўғонни бошини хуши келиб, саросима бошига сипар тортти.

Амир табарни канида кушода қилиб, анинг фарғи сарига чунон урдиларки, сипардан ва ўздан ва отидан ўғуб наш тақенми баробар қилди. Баъдазон ани нажкарлари Амирни бошига рез қилди. Амир ҳам алар бирла дарафтод бўлуб жанг қилдилар. Абулфазо бир тош бирла косан сарига урдик, гардгард бўлди, чароғ ва мангалаэлалар ўчиб қаронгулар бўлди. Хаворижлар бир-бирлари бирла урушуб юрур эрдилар. Амири соҳибқирон снҳат-саломат чиқиб равона бўлдилар. Вактики, Моҳонга еттилар аюларини айтган сўзи ёдларига келиб, почор табарни покиза қилиб ювиб, ичкарига салом қилиб кирдилар.

Табарни аюларини қўлига бердилар. Аюлари хушвақт бўлуб хоҳладиларки, табарни кўзларига суртеалар. Андан хаворижлар қонини бўйи машомларига келди. «Ҳан дариг» деб табарни қўлларидан тошладилар.

Айдиларки, эй фарзанд, табарни хаворижлар қонига олуца қилмай олиб келинг демабму эрдим? Сизни табарнигини кўзумга суртуб, шаҳидони Дашти Қарбалони шафев келтуруб, талаб қилсам, кўзум равшан бўлур эрди дедилар.

Амир бинобар зарурат шундоғ бўлди деб, узрлар айдилар. Алқисса, Амирни аюлари паришон бўлуб, йиғлай-йиғлай кўзларини уйқу элтди. Воқеада Биби Фотимаи Захро разияллоҳу анҳонни кўрдилар. Айдилар:— Эй Ҳалимабону, фарзандингга дуруштлуқ қилмоғил. Бу дунёдаги нобинолиқ саҳлдур. Фардойи қиёмат кўзунгни очиб, мани жамолимни кўрарсан. Ва яна айдилар. «Эй Ҳалима, қўбгил. Муҳибби хонадонлар сани фарзандингга интизору

муштоқдурлар. Фарзандингга рухсат бергил»,— деб гойиб бўлдилар.

Баъдазон Биби Ҳалима уйқудин бедор бўлуб кўрдиларки, Амир йиглаб турубдурлар. Қелиб Амири бошларини қучоглаб юзу кўзларига бўсалар айлаб дилдорлик қилдилар. Амир айдилар:

— Эй волидайи меҳрибон, эмди манго рухсатки, ҳама муҳибблар жам бўлуб, манго шитизорани тортиб тургондур,— деб илтимос қилдилар.

Волидалари айдиларки, эй нури дийдам, зинҳор Абулато бирла Абулҳасанин сўзидин чиқмонгки, алар сизга дўсти муаззиздурлар, деб насихатлар қилиб, боринг эмди, сизни худованди оламга тобшурдим, деб рухсат бердилар.

Ва яна бу китобни туркий Мулло Мирмаҳмуд осий бу мазмунда айтибдурки, байт:

Ҳалима йиглаб айдилар, худоё, санго тобшурдум,  
Кўзум пури боламин, ё плоҳо, санго тобшурдум.  
Ғарибу бенаволарни ўзунг пушти папоҳисан,  
Саломат сақлагайсан, бийру боро, санго тобшурдум.

Ўзинг подшоҳи зулжалолу қодир қажум,  
Табоносан ҳар ишда, подшоҳо, санго тобшурдум.  
Абубакру Умар, Усмон, Алиюл муртазо ҳаққи,  
Аларни ҳурматидин, зулжалоло, санго тобшурдум.

Алқисса, Амири соҳибқирон волидалари бирла видоё қилиб, Марвшоҳижаҳонга равон бўлдилар. Вақтики, Марвга келиб бир кабобпазни суфасига еттилар. Кўрдиларки, бир Хожани кабобпаз ўлтурубдур, аммо бу Хожа муҳибби хонадон эрди. Анн отини Хожа Саъид Ахшӣ деб эрдилар.

Амир анн дўконини олдинни ўтуб борур эрдилар, баякбор Хожанин кўзи Амирини жамолларига тушти. Кўрдикки, бир жавони шаҳло чашми пайваста абрў, бунгардани яклаҳт, устухони катфбозу сийнафарози, шертаркибий ва як ҳошимий, холи каённий гушан абрўсида барқ уруб туродур.

Хожа Амирини кўрган замон ўзунни дўкондин ташлаб, таъзим қилиб айдикки, эй шаҳриёр, инма бўлурки, муборак қадамларини бу фақирни кулбасига қўйсалар, деб таклиф қилди. Амир Абулато ва Абулҳасан бирла дўконига кириб ўлтурдилар. Хожа азбаройи Амир барра бирёни дастурхонга солиб, олдиларига келтуруб қўйдилар.

Амир ёронлари бирла таом смоқға муқайяд бўлдилар. Булвақт Зарқийи ҳаромзода чуи саги пойсухта Амирни тафтиш айлаб юрур эрди. Баногоҳ ул шумни назарн Хожани дўконига тушти. Кўрдикки, Амир Хожани олдида таом **сб** ўлтурубдурлар. Зарқий муаллақ дар муаллақ уруб Насрин жошибига равон бўлди. Баногоҳ олдидаи Фунна Асас чиқиб келди. Айдики, эй Фунна Асас, агар ул биродарингни ўлдургон Рахнагарни топиб берсам, манго нима берурсан?

Айди:— Агар топиб берсанг, санго беш минг таанго берурман,— деди.

Зарқий:— Беш минг таанга камдур, зиёдароқ бергил.

Фунна айди:— Ун минг таанга берурман.

Ани ҳам кам деди. Ун беш минг таанга берай, деди.

— Андоғ бўлса, нақд бер,— деди.

Фунна айди:— Рахнагар бирла дарафтод бўлуб, жанг қилиб, ани майдонди ёниб келсам берай,— деб ваъда қилди. Зарқий айдики, рахнагарни майдониди ўлмай ёниб келурға умидинг борму?

Фунна хашмигни бўлуб:— Эй ҳаромзода, нима помаъқул сўзларни айтурсан?

Зарқий айдики, то ўн беш минг таангани нақд бермасанг, рахнагарни нишон бермасман, деб қабул қилмоди. Алқисса, Фунна почор бўлуб ўн минг таангани нақд берди. Айдики, эй Зарқий вақтики ул араббаччани тутуб банд қилсам, беш минг таангани яна санго берурман, деб ваъда қилди. Зарқий айди:— Сани арвоҳи язид урди. Рахнагарни қўлида ҳалок бўлурсан, лекин беш минг таангани бу дунёда бермой дўзах тарафига олиб кетодурсан, аммо анда дўзахда сурушуб кетармиз,— деб бошлаб олиб юрди.

Вақтеки, Зарқий муаллақ замои келиб кўрдикки, Амир таом **сб** ўлтурубдур. Зарқий фарёд қилдики, эй араббачча рахнагар, қачонгача қочиб юродурсан. Минг жоиниғ бўлса ҳам, бир жонинг халос бўлмас, деди.

Хожа воқеани Амирға айдиларки, эй шаҳриёр, ўзунгузни канораға олингки, Зарқий илгор олиб келодур, оламни хароб қилур. Амир айдиларки, эй Хожа, сиз ўзунгузни канораға олинг. Ман сизни дўконшигизди хуруж қилиб жанг қилурман. Андан

Хожа бадар чиқиб кеттилар. Ҳаромзода Гуна Асае дарғазаб бўлуб кириб Амрини кўруб, наъра торг-тики, эй араббачча, тошқари чиққил вагарна дўкон бирла гард-гард қилурман, деди.

Амрин соҳибқирон табарни жилвага келтуруб дўкондин тошқори чиқтилар. Ани бошидин хуши кетти. Айдики, эй араббачча, бародарим Дадаи Асаени сан ўлдурдингму?

Амир:— Оре, ман ўлдурдум,— дедилар.

Гуна Асае дарғазаб бўлуб, сотулни Амирга ҳавола қилди. Амир кўл узотиб, банди дастидин ушлаб, сотулни кўлидин жудо қилиб ташлодилар. Амир табарни кўлларига олиб, ани бошига солдилар. Саросима бўлуб бошига сипар тутти. Куббаи сарига андоғ урдиларки, сипардин ўтуб, оти бирла чортаксимни баробар бўлди. Баъдаху Зарқийи ҳаромзода фарёд қилиб айдики, эй чокарони язид, ( араббаччани ўлдуринглар. Токи ародин чиқиб тмосун.

Баякбор алар Амрини бошларига қуюлдилар. Абулато ва Абулҳасан бирла Амир жангга муқайяд бўлдилар. Аларни кўштадин нушта қилдилар. Анда Зарқий фарёд қилиб айдики, эй рахнагарбачча, мандин илғор олиб келмак, сандин ўлдурмак. Эмди ман Насри Сайёрни хизматиға бориб, илғор олиб келай, деб бадар кетти. Насрин хизматиға келиб дуолар қилди. Наср айди:

— Эй Зарқий, қайда эрдинг?

Зарқий айдики, эй амири Хуросон, дод ул рахнагар кўлидин оламин хароб қилиб келодур. Наср айди:

— Андоғ бўлса, нима қилмоқ керак?

Зарқий айдики ул рахнагарни бирёнгарни дўконда тошиб эрдим. Шаҳлавон Гуна Асаени олиб бориб эрдим, бир табар бирла ани чор тақсимни баробар қилди. Арвоҳи язидин олмига кетти, деб баён қилди. Манда Асае, Гуна Асае бародарини ўлгоинини эшитиб, яқосини пора-пора айлаб фарёдлар қилдики, эй амири Хуросон, манга жавоб берки, ман бориб ани жазосини берай, деб ваъда қилди.

Насри Сайёр:— Борғил, сани арвоҳи язидга ва Марвонга тобшурдум,— деб ижозат берди.

Алқисса, Манда Асае ўн минг киши олиб, Зарқийни шонига солиб равон бўлди. Вақти келиб кўрдикки, Амрини диловар машқари бекарон бирла даррафтгод бўлуб урушуб, марду марқабни қалам қилиб

юршдурлар. Ҳар табар ургонда йигирма бир кишини ўлдурурлар, чароки, Амирни табарларини вазиини йигирма бир ботмон эрди, йигирма бир дандонаси бор эрди. Ҳар тарафга ҳамла қилсалар, лашкар қочур эрди. Ул саклар жонидин фиғонлар чиқорур эрдилар. Маида Асас айди:— Рахнагар қайсидур, манга нишон бергил.

Зарқий айди:— Ул табар зиндори сиёхпўш йигир рахнагардур.

Маида Асас отини бошини буруб, Амирни жонибларига равон бўлди. Амир кўрдиларки, бир ҳаромзода воқеалар айтиб келодур. Амир ани садди раҳнини тўсув эрдилар. Маида Асас айди:— Эй рахнагар, мани бародаримни ўлдурдунг, бу кун бародарларимни интиқомини олиб, сани қонингни шароб қилиб, гушглариини кабоб қилиб ерман,— деб рўбару бўлди.

Амир айдилар:— Эй бадбахт, агар санинг кўнглиниг бародарингга кашол бўлса, сани ҳам бародарингни олдига юборайини,— деб турдилар.

Маида Асас даргазаб бўлуб, Амирга найза солди. Амири соҳибқирон найзасини тигидини ушлаб олдиларига тортилар. Боши бирла сарингун бўлуб Амирини олдиларига келди. Амир ул бадбахтни оғзинга ўз найзаси бирла андоғ урдиларки, орқасидан сарбадар қилди. Зарқийн ҳаромзода бу воқеани Насри Сайёрга келиб баён қилди. Насри Сайёр даргазаб бўлуб хоҳладикки, ўзи отлашиб борса.

Ҳожа Муҳаммад Тоҳир Хўжандий қўймадилар, айдиларки, эй амири Хуросон, санингдек подшоҳ бир гўдакни жангига бормоқ муносиб эмас, яна илгор юбормоқ керак.

Насри Сайёр фарёд қилдикки, паҳлавоне бўлгойму, бориб ул араббаччани жавобини берса, деди. Талхайн Шомий ном паҳлавони мутасадди бўлуб, йигирма минг лашкар бирла келиб, Амирни сари роҳларини олди. Амирга тиг ҳавола қилди. Амир ани тигини рад қилиб, табар бирла чупон урдиларки, оти бирла тўрт тақсими баробар бўлди. Йигирма минг лашкар Амирни ароға олиб, тирборон қилурга муқайяд бўлдилар.

Амири соҳибқирон худойи таолоға таваккал қилиб, ўзларини ул лашкари бекаронға урдилар. Хаворонжларни кўнчасидан пушталар қилдилар. Амир-

ни жанг қилмоқда қўюнг, икки калима сўз муҳиб-  
би хонадонлардан эшитинг.

Ровийлар айтибдурларки, муҳибблар азбаройи  
Амир учун интизор эрдилар. Шул вақт Абу Наср  
кириб келди. Айдики, эй ёронлар, оламдан ҳеч ха-  
баринглар бормуки, Амири соҳибқирон Хожа Ахий  
бирёигарни дўконидан хуруж қилдилар, деб хабар  
берди.

Муҳибблар Хожа Хўрдакни уйларида эрдилар.  
Алиқисса, ҳама муҳибби хонадонлар бу хабарни эши-  
тиб, белларини маҳкам боғлаб уйдан чиқиб, Амирга  
мадад еткурдилар. Аммо Амир дар ҳайни жанг хаво-  
рижларни пешо-пеш ва монанди гавмиш уруб, шикаст  
бериб эрдиларки, ногоҳ Паҳлавон Симоъ эллик минг  
лашкар бирла етиб келди. Амирга рўбарў бўлди. Зар-  
қийи ҳаромзода фарёд қилдики, эй паҳлавонс Симоъ,  
жанги мағлуба қилгил, деди. Қабул қилмай Амирга  
найза ҳавола қилди. Амир ани найзасини қўлидан  
тортиб олиб, сандуқи сийнасига андоғ урдиларки, ор-  
қасидин сарбадар қилди. Аммо Зарқий жангни мағ-  
луба қилди. Аммо ул вақт муҳибблар Амирга ўзла-  
рини еткуруб, жангга дарафтод бўлдилар. Хаворж-  
ларни уруб, кўштадан пушта қилдилар. Зарқий келиб  
ҳамма воқеани Насри Сайёрга баён қилди.

Хожа Муҳаммад Тоҳир Хўжандий айдилар, яна  
илгор юбормоқ керак. Насри Сайёр Қуртоси Зубинан-  
дозни етмиш минг киши бирла юборди. Амир жанг  
қилиб юруб эрдилар. Қуртоси Зубинандоз келиб  
рўбарў бўлуб, Амирга зўбини ҳавола қилди. Амир ани  
қўлидан зўбини тортиб олиб, сийнасига чунон урди-  
ларки, молики дўзахқа жон сипориш қилди.

Алиқисса, Амири диловар Насри Сайёрни етти ил-  
горни жавобини бериб, дўзахқа юбордилар. Хаво-  
рижларни ҳар тарафга қочар эрди. Ровийлар айтиб-  
дурларки, Зарқийи ҳаромзода келиб айдикки, эй ами-  
ри Хуросон, ул араббачча паҳлавон Симоъни ҳам  
ўлдирди. Аждаҳодек оламни қўлоби нафсига тортиб  
бородур. Анго ҳеч ким рўбарў бўлмайдур, деб шикоя-  
ятлар қилди.

Насри Сайёр бу сўзини эшитиб, даргазаб бўлуб,  
ҳама лашкарлари бирла Амирни жангларига келди.  
Амирни ароға олдилар. Амири соҳибқирон муҳибб-  
ларга қасам бердиларки, сизлар ўзунгизни канораға  
олинглар деб. Муҳибблар почор ўзларини канораға  
олдилар.



Насри Сайёр айди:— Эй араббачча, агар мақсу-  
динг иззату шавкат бўлса, сани мартабаини баланд  
қилай. Агар муддаонг вилоят бўлса, қайси вилоятни  
хоҳласанг, санго бериб инъому эҳсонлар қилай. Сани  
сарафроз айлаб, эъзозу икромлар айлай,— деди.

Амир айдиларки, эй Насри Сайёр, ман бу ишлар-  
ни худо учун қилодурман. Бу дунёини гаддор бирла  
ишим йўқтур, дедилар. Насри Сайёр дарғазаб бўлуб  
айди:— Насиҳат қилдим, қабул қилмадинг, эмди ўз  
уболинг ўзунгга,— деб фарёд қилдики, бу араббачча-  
ни уринглар деб.

Ровийлар айтибдурларки, хаворижлар Амирни  
бошларига қуюлди, жанги мағлуба бўлди, аммо Абу-  
лато ва Абулҳасан айдилар:— Бизларни алоқани дунё-  
дан зан-фарзандимиз йўқдур, Амирдан жудо бўл-  
масмуз, жонимизни Амирга фидо қилурмиз. Абу  
Насри Шабрав ҳам булар бирла иттифоқ бўлуб, бу  
уч таи ўзларини хаворижларга уруб, шўришлар пай-  
до қилиб дамарлар чиқордилар.

Абулатони бозусинга табари тегиб захмдор бўлди.  
Амир Абулатони захминни боғлаб, жангга машғул  
бўлдилар. Иттифоқо Амирни рўбарўларидаи бир  
одам пайдо бўлди. Амир хоҳлайдиларки, табар бирла  
урсалар. Кўрдилар, жанг қилгудек киши эрмас. Ани  
қатл қилмоғдан қўл йиғдилар. Ул одам айдики, эй  
шаҳриёр, мани отини Солиҳ мунажжим дерлар. Ман  
қуръада кўрдумким, агар Дарвозани Тезкалоғи Марв  
тарафига борсангиз, дарвозанин чиқорсиз. Андан  
корингиз ривож топор, деди.

Алқисса, Амири соҳибқирон ул тарафга қараб ра-  
вен бўлдилар. Етим гуломонга келдилар. Кўрдиларки,  
ҳама дўконларни тахтабанд қилиб беркитибдурлар.  
Ногоҳ бир девонани кўрдиларки, сарбараҳна кулоҳи-  
ни ерга қўюбдур. Ун икки ботмон табар қўлида. Ул  
табар бирла кундани уриб ёрадур. Ҳар табар ургонда  
баланд овоз бирла «ё Ҳусайн, ё Ҳусайн», дейдур.

Амир Абу Насрдин бу нечук девонадур, деб сўр-  
дилар. Абу Наср айди:— Бу девона гуломларига оши-  
нодур, лекни ўзи муҳибби Ҳазрати Шоҳимардондур,  
аммо ани девона деб дахл қилмай ўз ҳолига қўйгон-  
дурлар. Ани отини Девонани Исҳоқ Кундашикан дей-  
дурлар. Амир айдиларки, эй девона, бу кундани ушот-  
қунча дўзах кундаларини ушотқилки, манам соҳибни  
хуружи ҳафтоду дуввумдурман.

Алқисса, девона Амирдин бу сўзини эшитиб, куло-

ҳини бошига кийиб, табарни кўтига олиб, ё Хусайн, деб хавориждарга ўзини урди. Вақтики, дарвозага етдилар. Бу тўрт тап Насри Сайёрни сари роҳини олдилар. Аммо Амир дарвозада турган саксон хаворижини табар бирла жавобини бердилар. Баъдаҳу табарни орқаси бирла дарвозани ушотиб, ул ёронларни чиқардилар. Баъдаҳу Амир Тали Тезкалоғ жонибига келдилар. Ул талини юз йиғирма зинаси бөр эрди. Хавориждар ҳар тарафдан пайдо бўлуб дарафтоя бўлдилар.

Амир ёронларига айдиларки, сизлар тал уза чиқинлар, деб чиқордилар, ўзлари зинанояни йўлини тўсиб турдилар. Йогоҳ Ҳомон Ибн Адҳам ном паҳлавон тал узра чиқмоқга қасд қилдилар. Амир ул габрни табар бирла уруб, икки пора қилдилар. Андан Шайшаған камандандоз ном паҳлавонни Амирга вამанд ташлади. Баякбөр ўн икки халқан каманд Амрини гарданларига тушуб банд бўлди. Шайшаға хоҳадики, Амрини банд қилса. Девона Неҳоқ талини узведан бир хингни олиб Шайшағана равон қилди. Ул хинг келиб икки қонини аросига төгди. Косани сари гард-гард бўлди.

Ёронлар Амрига айдиларки, эй шаҳриёр, сиз ҳам тал узра чиқинг. Амир тал узра чиқтилар. Буларни бул ерда қўюнг, икки калима сўз ўзга жойдин эшитинг.

Ровийлар андоғ ривоят қилибдурларки, Насри Сайёр Хожа Муҳаммад Тоҳирга боқиб айдикки, рўзнагар нима хаёлда бу тариқа ишларни қилодур.

Хожа айдилар:— Ман бориб савоал қилайки, нима мақсуди бордур?

Наср айти:— Эй Хожа, бориб сўранг, ҳар нима мақсуди бўлса, берурман.

Анда Хожа Муҳаммад Тоҳир талга қараб равон бўлдилар, аммо пешоналарига чин солиб, газаб бирла келур эрдилар.

Анда Абунасри Шабрав айдикки, эй шаҳриёр, ман эшитибдурманки, бу Хожа муҳибби хонадондурлар, динларини шиҳон қилиб юродурлар. Зоҳиран ҳама жанг қилмоқ учун келодурлар. Амир айдилар:

— Агар жанг учун келса, табар бирла андоғ урайки, пешонасидаги чинлари кушода бўлғай.

Вақтики, Хожа Муҳаммад Тоҳир Хўжаидий талини остига келиб айдиларки, асалому алайкум, эй соҳиб хуружи ҳафтоду дуввум.

Амир:— Ваалайкум ассалом, эй Хожани днѳри Хў-  
жани ва эй дармиѳни халойиқи аржумани,— дедилар.

Хожа айдн.— Эй шахрниѳр, ҳол-аҳволинигиз нечук-  
дур, ҳиммат бирла бўлуи. Ҳазрати Шохимардон ма-  
дадкориингиз бўлеуи,— деб нурсишжўйлиқлар қилди-  
лар. Аммо Насри Сайѳри хокисори бемиқодори рў-  
сиѳх йироқроқ эрди. Буларни сўзини эшитмади. Хожа  
айдилар: Назм:

Эй шохшоҳ, дарин варган меҳнат чуни,  
Мекаи ранж ту аз баҳри муҳаббат чуни.  
Дидадо об зи баҳриту жигарҳо хунаст,  
Бош то рўзи қисмат басаломат чуни.

Чун Хожа бу тариқа алфозу иборатки рангинлар  
бирла истифсори аҳвол қилдилар. Амир Хожани бу  
тариқа ширин сўзларни эшитиб айдилар:— Алҳамду-  
лиллоҳки, худои ҳаждаҳ ҳазор оламға таъя қилиб,  
Ҳазрати Муҳаммад Мустафо салаллайҳи алайҳи ва-  
саламдин мадад қилиб турубдурман,— дедилар.  
Назм:

Шодем баҳар тамки медорад дўст,  
Қоней баҳар камки медорад дўст.  
Хоҳи дами аждаҳоу ва хоҳи дами шер,  
Шукр аст баҳар дамки медород дўст.

Анда Хожа Амрини бу сўзларни эшитиб айдилар:  
— Эй соҳибқирон, илоҳо ҳамшиа саломат бў-  
луи,— деб отларини бошини қайтариб Насри Сайѳр  
гарафига равона бўдилар.

Амир ёронларга боқиб айдиларки, эй ёронлар,  
Хожа аҳвол сўрамакдин ўзга сўз демади. Хожани  
бу тариқа келиб кетмакдин қасди нима бўлса?

Абунасри Шабрав айдн:— Эй шахрниѳр, валлоҳу  
азлам, Хожа бизларга мадад еткуродур.

Амир:— Оре, шундоқ қилса керак.

Аммо Хожа келиб айдиларки, эй амири Хуросон,  
ман раҳнагарга айдики, эй араббачча, сани лаш-  
каринг йўқ, бу тариқа қилмакдин мақсудуи нимадур,  
кўнгулунда ҳар нима бўлса, пинҳон тутмай ростини  
айил дедим. Ул айтодурки, амири Хуросонга навкар  
бўлодурман.

Наср айдн:— Агар навкар бўлмоқчи бўлса, на  
учун бу тариқа ҳақиқатларни қилиб, муича одамлар-  
ни ўлдиродур?

Хожа айдиларки, буларни ўлдурмакни бошени сўрсам айди, бу тариқа зўр бозу кўрсатмасдиди илгори навкар бўлсам, амири Хуросон билмас эрдик, ани қўлини ни келодурму ё йўқ. Мани бир одамни қаторида билур эрди, ошча қатру манзилатим бўлмас эрди. Ман бу тариқа жангу ҳаномалар айлаб мўборилик ва шижоат кўргузуб, андин кейин навкар бўлсам, амири Хуросонни олдида қадр ва манзилат, изват ва ҳурматим зиёда бўлсун деб, мундог ишларан қилдим, аялсиз навкар бўлодурман деб узрлар айтиб деди.

Наери Сайёв хушвақт бўлуб, боракалло, Хожам, рост айтибдур. Агар аввал навкар бўлса, ошча рўзғори бўлмас эрди. Энди ани ўз пойтахтига сипоҳсолар қилдурман, деди. Аммо амир алар бирла ул тал устони бир мишора бор эрди. Амир мишорани ёнга киргизди. Девона Нехоқни сани душманлардан хабардор бўлуб тургани. Келса бўлса, чиқиб келодурман, деб мишорани эшикнига қўйдилар.

Девона Нехоқ мишорани учинчи эшикда қарор олдилар. Амир ёрочилар бирла мишорани ҳужраюнга кириб ўлтурдилар. Ҳар воқеани бўлса мишорани узасидан наму тор бўлуб турор эрди.

Розий айтиб турки, мишорани рўбарўсида бир улус саҳни бор эрди. Зарқийи ҳаромзода Наери Сайёвни ул ерга тушурди. Андан Зарқийи мишорани эшикка келиб кўрдик, Девона Нехоқ ухлаб ётибдур. Оқиета-оқиета келиб мишорани эшикка қир тўкуб маҳкам қилиб кетти. Амир айдилар:

— Эй Абулато, сани бориб Девонани хабар олгил, балки Девонани бу тарафга юбориб, ўзинг анда тургил. Муҳофизат қилмоқ сани ишиндур,— дедилар.

Абулато келиб кўрдики, таани эшини қаронга бўллубдур. Келиб Девонани узасига йиқилди. Девона бедор бўлуб айди: — Кимсан?

Абулато айдики, Абулатодурман.

Алқисса, Абулато Девона бирла келиб кўрдики, ҳарифлар қир тўкуб маҳкамлаб қўюбдурлар. Воқеани Амирга баён қилди. Амир: — Ҳар нимани тақдирда бўлса, кўрмак керак,— деб Девонани ҳам иккари олиб кириб, худованди яктога таваккал қилиб ўлтурдилар.

Алқисса, Зарқийи ҳаромзода сафидмуҳра жаро-жар тортиб айлдики, эй Абу Муслим, гар қуш ҳам

бўлсанг, бу жойдан учиб чиқиб халос бўлмассан, деди.

Ул кеча-кундуз бу тариқада ўтти. Амир ёронлар бирла оч ва ташна қолдилар. Амири соҳибқирон мушжот бадаргоҳи қозиюл ҳожот қилур эрдилар. Бул вақт Абунаер Шабрав айди:— Эй шаҳриёр, дуолари муштажоб бўлуб, мурғи кабоби бирён ермусиз,— деди.

Амир:— Ҳазилу мутойиба қилурмусан,— дедилар.

Абунаер:— Рост айтурман,— деб кабобни олиб келди.

Кўрдиларки, тўрт мурғбирён бирла тўрт патир ион. Абулатоға тақсим қилғил дедилар. Абулато бир мурғбирён бирла бир нонни Амирин олдиларига қўйди. Амир қабул қилмадилар, чароки, булар беш киши эрдилар. Ҳар қайсиға тақсим қилиб бердилар. Амир айди:— Бу мурғларни еб устухонини тошламанглар!

Алқисса, мурғбирёни еб, устухонларини сақладилар. Вақтики, тонг отти эрта бирлаи Зарқий ҳаромзода Наерни боргоҳидин маст чиқиб фарёд қилдики, ҳой-ҳой, эй абутуробийлар қачонгача минорани устида ташна ва гурусна ётурсизлар. Чиқиб ампри Хуросонға итоат қилинглар, бул меҳнатдин халос бўлинглар.

Абунаер айди:— Эй саги ҳаромзода, худованди олам ҳар субҳ ҳар қойсимизға бир мурғ ва бир патир вон вазифа юбородур. Ани еб, худойи таоло неъматини шуқрида истироҳатда ўтирибдурмиз.— деб ул устухонларни ташладилар. Зарқий келиб воқеани Наери Сайёрга айди:— Эй Зарқий, абутуробий фикрини сан қилғил,— деди.

Зарқий айди:— Ани фикри осондур, бир тadbир қилурман, лекин минора побуд бўлодур.

Наер айди:— Минора побуд бўлса ҳам боки йўқтур, бир ни қилғил, абутуробийлар йўқ бўлсун.

Зарқий айди:— Андоғ бўлса, фармон қилғилки, минорани тагини кавласунлар. Ани тагига дору солиб ўт қўёдурман. Минора бирла абутуробийлар ҳам барҳам ейдур,— деди.

Алқисса, Наерни фармони бирлаи хаворижлар минорани тагини ковламоқға муқайяд бўлдилар. Хожа Муҳаммад Тоҳир бу ҳолини кўруб, париншон бўлуб, дуд ниҳодларидан чиқти. Хожа айдиларки, эй Амири Хуросон, букун минора кавламоқни таваққуф қилдурвил, минорани атрофида ўлатургон халойиқлар уйла-

ридан күчүб кетсеулар. Чароки, алар ҳам мишора остида қолиб побуд бўлмагунлар, деди.

Насрга Хожани сўзлари маъқул бўлди, Зарқийга амр қилдики, букуи тавакқуф қилинлар, мишора атрофидани фуқаролар күчсун, деди. Зарқий тавакқуф қилди. Намозином бўлуб эрдик, Абдураззоқ Кошоший Насрни хизматига келди. Ўзи хушовоз ва нағманавоз эрди, дедан Кошошлик эрди. Ўзи муҳибби хонадон ва чокари Шоҳимардон эрди.

Насри Сайёр ани бисёр дўст тугор эрди. Наср навкар бўлғил деса, мен навкарликни уҳдасидан чиқолмасман деб, қабул қилмас эрди. Гоҳо-гоҳо келиб Насрни олдида нағманавозлик қилиб кетор эрди.

Абдураззоқ бисёр нағманавозликлар қилди. Насри Сайёри ҳимор хушвақт бўлуб айдики, эй Абдураззоқ, майдан нима талаб қилурсан, талаб қилғил, деди.

Абдураззоқ айди:— Мани бир бародарим бор эрди. Ул Тўғон Зарродийни уйига навкар эрди. Ул бародарим рахнагарни қўлида ҳалок бўлди. Акуну ман ий-навозлик бирла рахнагарга ўлум хабарини еткурай, деди.

Насри сайёр ҳукм қилди, қилил, деб. Абдураззоқ тушан масжид узра чиқиб, рамзу мишора бирла нағманавозлик ва газалхонликлар қилди. Най овози бирла мишорани ўт қўюб барҳам бермагини воқеасини баён қилди.

Абу Наср бу воқеаларни фаҳмлаб айди:— Эй шаҳриёр, бу марди нағманавоз ўзи муҳибби хонадондур. Нағма бирла мишорани барҳам бермогини баён қилдур,— деди.

Амир бу сўзни эшитиб, юзларини хокй манжалатга қўюб, муножат батаргоҳи қознол ҳожот қилиб айтур эрдилар.

Назм:

Бисраб, ёраб, шаби зинда дорон,  
Бооҳу нолаи умидворон  
Бабодини аспроши бар сари роҳ,  
Ба таслими гарибони дар таги чоҳ.  
Ки раҳми бардини нурхунам овар,  
Азни гирдобни сам берунам овар,

— деб мужонот қилиб айдиларки, эй бөрхудоё, биз дармондаларга ўзинг лутфу караминг бирла халослик ато қилғил, деб Амир муножатда эрдилар, Абу-

дато вақсада Ҳазрати Шоҳимардонни кўрди. Айди-ларки, эй Абулато, ман камандимни паҳлавон Ҳайди Лебодий манни башоратим бирла санго бериб эрди. Ул камандни минорани қуббасига банд қилиб қуйи тушинглар, деб башорат бердилар. Абулато уйқудан бедор бўлуб айдики, эй шаҳриёр, муножотингиз қабул бўлди. Агар роҳзина пайдо қилсам, қуйи тушор-мусиз?

Амир айдилар:— Бу сўз ақлдин йироқдур. Зинаоя қардоғ муяссар бўлодур?

Абулато айдики, бу каманд уч қулочдур, етти ҳалқаси бордур. Агар минг газ ерга солсангиз ҳам етодур, деб Шоҳимардонни башоратларини баён қилдилар.

Алқисса, камандни икки қабат қилиб, минорани қуббасига боғлаб банд қилдилар. Саҳар вақти эрди. Амир айдиларки, ҳар ким илгари тушса, Хўрдакни уйига бореун, дедилар.

Аввал Абулато минорадан камандни ушлаб туштилар. Масжидни устига чиқиб кўрдиларки, хаворижларни уйқу элтиб, гафлатда ётибдур. Худойи таоло хаворижларга ул кеча уйқунини голиб қилди. Неча хаворижларни бошини тапидан жудо қилиб чиқиб кетди. Андан Абулҳасан ва Абу Наср ҳам қуйи туштилар. Алар ҳам неча хаворижларни ўлдуриб чиқиб кеттилар. Амир бирла Девона Нехоқ минорани узасида қолдилар. Амир айдилар:

— Эй Девона, сан ҳам минордан тушгил!

Девона айди:— Эй шаҳриёр, аввал сиз тушунг, андан ман тушай. Амир айдилар:— Эй Девона, аввал сан тушгил!

Девона қабул қилмоди. Бисёр гуфтуғу бўлди. Девонани мақсуди шул эрдикки, ман кейин тушсам, мани мардоналигим маълум бўлур ва ҳар жойда ман минорадан ҳамадан кейин туштум, деб мувоҳот қилиб сўзларман, деди.

Амир кўрдиларки, субҳ дамида қилди. Амир айдилар:— Эй Девона, минордан тушгил! Агар қабул қилмосанг, камарингдан ушлаб отиб юборурман!

Алқисса, Амирдан кўрққонидан илгари тушти. Хаворижларни баъзисини бўғуб, баъзисини қўл ва оёғини кесиб ўлдуриб чиқиб кетти. Андан Амир туштилар. Камандни гиреҳларини кушода қилиб олдилар. Кўрдиларки, хаворижларни баъзисини бўғуб, баъзисини қўл ва оёғини кесиб, масхаралик бирла ҳалок

қилибдур. Бу ишлар Девонани ишидур дедилар. Аммо сўбх дамида қилгон эрди. Масжидни томинди ўзларини ерга олиб равона бўлдилар. Баякбор Амрини олдиларидан шабгарде чиқиб, сан кимсан, деди. Амрини яқоларидан ушлоди. Амир айдилар:— Сан қандог одамсан?

Ул айди:— Мени Сархоб шабгард дейдилар.

Амрини табар бирла уруб ўлдурдилар. Амрини кетмоқда қўюнг, икки калима сўз Насри Сайёри ҳинордан эшитти.

Ровий айтибдурки, Насри Сайёр ул кеча бази қилиб эрди. Зарқийни ҳаромзеи шоғирдлари биола Иселаҳаки Дзахий ва Дустан Дузахий ул базида эрдилар. Шунда Насри Сайёр йқу элтти, баякбор бедор бўлуб айдики, туш кўрдим. Тушимда печанди шерларни бир баланд жойга қамаб эрдим. Ул шерлар йўл топиб печанди одамларни ўлдуриб чиқиб кетдилар. Анда Зарқий айди:— Андог бўлса Абу Муслим минордан тушуб кетибдур,— деб шитоб бирла шуруб келиб масжиди жомеани томига чиқиб, ўлган хаворижларни кўруб фарёд қилдики, эй чокарони эшик, Абу Муслим бадар чиқиб кетибдур.

Насри Сайёр боргоҳдан чиқиб айдики, абу туробийлар минора узра бордурму? Зарқий фарёд қилиб айдики, ҳеч одамни овози минорадан келмайду. Насри Сайёр айдики, улар минорага ўт қўймоқни фаҳм қилиб, тагофия бирла ўзларини пинҳон қилиб, дам урмои тургондур. Минорага ўт қўюнглар, доруви бўйи тегса ўзларини зоҳир қилур, деди. Анда Зарқий минорага ўт қўюб, минорани зоеъ қилмоқни фойдаси йўқтур, деди.

Насри Сайёр:— Абу туробийлар минорани ҳужрасини ичида ўзларини пинҳон қилиб тургондур,— деди.

Зарқий айди:— Андог бўлса, минорани эшикка ўт қўюнглар!

Ўт қўюб кўрдилар, минорани эшики кушода бўлди. Анда Хилолу Маҳлол ном паҳлавон Насрини гуломларидан эрди, қирқ киши бирла мукамал ва мусаллаҳ бўлуб, минорани узасига чиқиб, минорани ҳужрасига бир одамни хабар олиб чиқил, деб тағидан кўтардилар. Ул одам минорани ҳужрасини деворини ушлаб чиқай деб эрди, баякбор бир хишт девордан жудо бўлуб, хаворижлар бошига тушти.

Хаворижлар бу хиштни Абу Муслим олти, ҳуж-



рада Абу Муслим бор экаи, деб баякбор хаворижлар келиб роҳи зинапояни тонмай минорни узасидан йиқилиб, пачандон хавориж жон бамолики дўзах сипорини қилдилар. Насри Сайёр айдикки, эй Зарқий, ўзунг чиқиб хабар олғил!

Анда Зарқий қабул қилмоди. Алқисса, Хожа Муҳаммад Тоҳир Хўжаидий минора узра чиқиб хабар олдиларки, ҳеч киши йўқ, бадар чиқиб кетибдурлар. Зарқий масжидни атрофини боқиб кўрдикки, Сархоб ўлуб ётибдур. Амрини изларини кўрдикки, бир пасткўча тарафига кетибдурлар. Зарқий келиб бу воқеаларни Насри Сайёрга баён қилди ва айтиди,— Эй амири Хуросон, ман рахнагарини изини топдим, бир кўчага кириб кетибдур. Манга бир паҳлавон ҳамроҳ қилғил, уни пайндан истоб топай,— деди.

Насри Сайёр Адҳам Харжиге ном паҳлавонини Зарқийга кўшуб берди. Зарқий уни ўзига ҳамроҳ қилиб равон бўлди. Аммо Амир Адҳамини Ҳомон ном ўғлини ўлдуруб эрдилар.

Ровийлар айтибдурларки, Зарқий Амрини пайларидини нестоб бир кўчага кирди. Андан пай уруб, яна бир кўчага кирди. Тараддуди тамом бирла излар эрди. Аммо Амир йўлини йўқотдилар, бу пасткўчада ҳайрон-саргардон юрур эрдилар, баякбор Амир яна бир паст кўчага кирдилар. Кўрдиларки, яхши кўча зоҳир бўлодур. Амир ул кўчага кириб равон бўлдилар. Вақтики, Амир неча қадам босиб бориб кўрдиларки, бул кўчани боши маҳкам экаи. Аммо бу кўчан тарсоён эрди. Зарқий Амрини изларидин келиб кўрдикки, шу кўчага кирибдурлар. Орқаларига ёнмай-дурлар. Зарқийни ҳаромзода рахнагарини топдим, деб ул кўчага қараб юрди. Аммо Амир Зарқийни фаҳмламай ташна ва гурусна дилларида бир таомга сер бўлсам, яна жанг қилур эрдим, деб орзу қилур эрдилар.

Қазоро Амрини диловар, пойини ҳайдар бир жойга келиб кўрдиларки, дарвозаҳон шаддодий ва супаҳойи фиръавиний намоён бўлди. Амир келиб ул дарвозани урдилар, ичкаридини бир габре чиқди. Амир бу қандоқ одам экаи деб ҳайрон бўлдилар. Анда ул габр:— Манни Моҳёри оташнараст дейдурлар,— деди. Амир айдилар:— Эй Моҳёр, манго паноҳ берурини уҳдасидин чиқормусан?— дедилар. Ул габр айтиди:— Эй жавон, сан қимдурсан?— деди.

Амир ҳар нечук бўлеа рост айтай деб айдиларки,

эй Моҳёр, билгил ва огоҳ бўлгилки, манам Абу Муслими Марвазийдурман.

Моҳёр айти:— Эй Абу Муслим, нима сабабдан бул жойга келдингки, ман санго паноҳ берурман.

Баякбор Амрини хотирлариға келдики, оташпарастрлар Язиджарди шахриёрни қабиласидандурлар, деб айдилар:— Эй Моҳёр, ман Язиджарди шахриёрни домодини хушни хаворижлардан талаб қилодурман,— дедилар.

Моҳёр айтдики, бале, хўб ҳушёр экансан, ман азбаройи имтиҳон учун сўраб эрдим. Ман аҳли байтларим бирла пазар топиб, мусулмон бўлгондурман, деб Амрини қадамлариға йиқилди.

Алқисса, Амрини уйга олиб кириб ўтқузди, иззату икромлар қилди. Анда дарвозани қулф солиб маҳкам қилди. Анда Моҳёрни хотуни Амрини қадамлариға йиқилди, ерини ковлаб пақб қилиб, анда уй бор эрди, ул уйни ораста қилиб, Амрини ул уйга олиб кириб ўтқузди.

Амир айдилар:— Ман кимдан қўрқаманки, мани бу ер уйга олиб кирдини?

Моҳёр айти:— Эй шахриёр, мани мақсудим шўлқик, сизни бул жойда эканингиздан кини хабардор бўмосун ва яна сирим ошкор бўлуб, манго зарар бўлмосун деб, сизни бу уйга киргуздум.

Амир айдилар:— Эй Моҳёр, ман бир соат бул жойда истироҳат қилиб, мундан чиқиб дўстларим олдинга борурман.

Моҳёр айти:— Эй шахриёр, сизга Имом Хусайини руҳи покларидан қасам берурманки, уч-тўрт кун мани уйимда тургойсиз. Аммо ишингиз бўлса, чиқиб қилиб келгайсиз. Мундан кейин халойиқ бул муқаддималарни сўзлагайлар, токи бу оламда бир яхши от мани номинга бўлган,— деб кўн илтижо қилди.

Амир Моҳёрдан бу сўзларни эшитиб, вочор қабул қилдилар. Баъдаху оби таом келтурди, таповул қилдилар. Амрини бул жойда қўюб, ўзга жойдан сўз эшитмак керак.

Алқисса, Зарқийи ҳаромзода Амрини орқаларидан келиб Хожа Моҳёрни уйинга киргонларини кўруб, орқасига ёниб келиб айтдики, эй амири Хуросон, раҳнагарни Моҳёрни уйинга киргузуб келдим.

Анда Насри Сайёр айти:— Эй ҳаромзода, Моҳёр оташпарастрдур. Раҳнагарни ани уйинга кирмоқға нима муносабати бордур,— деб бовар қилмай Зарқийи-

ъь ҳукми қушга буюрди. Анда Асад Омир айдик, эй  
Амири Хуросон, Зарқийи улдирмагил, ихтимом бирла  
рамнагарни тарадду қилсуи.

Алқисса, Насри Сайёр Зарқийга уч кун муҳлат бер-  
ди, Асад Омир Зарқийга кафия бўлди. Зарқийи ҳа-  
ромзода чиқиб Амрини жустижў қилмоқга ихтимом  
қилди. Аммо Амрини ёронлари Хурлакни уйига кел-  
дилар. Амрини келмагонларидин билдиларки, Амир  
ўта жойга борибдурлар. Аммо Зарқийи ҳаромзода  
Амрини истоб юрур эрди. Муҳибби хонадонлар Амри-  
ни дуоини жоиларини қилиб ултурур эрдилар. Булар  
бу орда туреун икки калима сўз Амридан эшитинг.

Вактики, Амир таомини еб форие бўлдилар, ул  
тани Хожа Моҳёрни икки ўғли мактабдан келди. Би-  
ри уни уи ёнда ва бири уни бир ёнда, Қуръон ўқур  
эрдилар. Аларни қонласи савод чиқармак учун му-  
сулмонларни мактабда ҳам ўқур эрдилар. Алар ҳам  
мусулмон бўлуб эрдилар. Алар айдиларки, эй ота,  
донм айтур эрчингизки, Хазрати Имом Хусайн айт-  
тибдур, соҳибни даъван хонадон, яъни Абу Муслими  
соҳибкирон келодурлар, деб. Бас, Имом Хусайн айт-  
ган Абу Муслим келмодиларму?

Хожа Моҳёр айдилар:— Эй жонони падар, ул со-  
ҳибкирон келдилар,— деб Амрини хизматларига олиб  
келдилар.

Амир буларни биеёр навозишлар қилдилар. Ровий  
айтибдурларки, чун кеч бўлди. Амир Моҳёрдан эши-  
тиб эрдиларки, Насри Сайёр бу кеча боргоҳда жашн  
ораста қилиб айтибдурки, уч кеча-кундуз умароларга  
мажлис беродурман, дебдур. Амир айдиларки, ман  
бориб ани мажлисларини бузуб, парншон қилиб, бар-  
бот қилсам, савеби азим топсам керак, деб қасд  
қилдилар.

Алқисса, Амир Моҳёрни уйдан чиқиб, чорсуин  
кимонгаронини узасига чиқтиллар. Ярим кеча бўлуб эрди,  
бланд овоз бирла азонни Муҳаммадни айттиллар. Со-  
ҳибкирон овози оламга нур бўлди, ҳамага эшитилди.  
Аммо ул баъзмаги хаворижлар эшитиб хомуш бўлди-  
лар. Баъдаху Амрини диловар ёниб ҳайдарсифат пай-  
гамбар алайҳиссаломни ва ёронларини ҳамроҳа этиб  
айтиб, баъдахо айдилар:— Эй Насри Сайёр, хокисори  
бадкирдорки, маънам Абу Муслимдурман. Бориб икки  
минг киши олиб келдим. Кўргилки, сани жонингга  
инма жафоларни қилодурман.

Насри Сайёр дарғазаб бўлуб, Зулқайс Дамашқий-

ни ўн минг киши бирла Амирни жангларига юборди. Ул келиб Амирга рубару бўлган ҳамон табар бирла уруб, чор тақсими баробар қилиб ташладилар. Хаворижлар аросига шуршилар пайдо бўлди. Амир ўзларини бир гўнага олдилар, аммо хаворижлар икки фирқа бўлуб, чорсуни икки даҳанасида бир-бирига дучор бўлуб, душман ақида қилиб, бир-бирлари бирла жанг қилур эрдилар. Чароки Амир икки минг киши олиб келдим деб эрдилар.

Амир кўрдиларки, хаворижлар бир-бирларини ўлдиродурлар. Амир хушҳол бўлуб, Моҳёрни уйига келдилар, бу байтни ўқур эрдилар, байт:

Чу душман бадушман шавад муштағил,  
Ту бодўст бенишин баороми дил.

Ровий айтибдурки, Зарқийи ҳаромзода чуи саги пойсўхтадек Амирни тараддуд қилиб, тополмай бир соат уйга келиб эрдикки, шўршиу гавго овозини эшитти. Насри Сайёер боргоҳидан хабар олди. Бу ҳолисани кўрди. Бир кишидаш сўрадикки, бу нечук ҳангомадур. Алар айдилар:— Боз рахнагар неча минг киши бирла келиб хуруж қилди. Зулқайс Дамашқийни ҳалок қилди,— деди.

Алқисса, Зарқийи келиб кўрдиким, Амир бадар кетибдурлар, фарёд қилдикки, эй арвоҳи язид ургонлар, бир-бирингиздан жудо бўлинглар. Аронгизда душман йўқдур, деди. Алар қулоқ содмодилар, дарафтод бўлуб, бир-бирларини ўлдирур эрдилар.

Ровий айтибдурки, уч минг хавориж даргоҳи жаҳаннамга кетибдурлар. Аммо Зарқийи боргоҳдан кибриб воқсан ҳолини Насри Сайёерга баён қилиб айдикки, эй амири Хуросон, рахнагар пайдо бўлди, энди гуноҳдан пок бўладум.

Насри Сайёер айтиди:— Ҳар вақтоки рахнагарни хабарини кундузи олиб келсанг, халос топор эрдикки,— деб қабул қилмоди.

Зарқийи почор Амирни изламак найига тушти. Бу хабарларни муҳиблар эшитиб, таҳсиллар ва офаринлар қилдилар. Абулато ва Абулҳасан иттифоқ қилиб айдилар:— Бу кеча ҳар иккимиз бориб бир гўнада туройлук, ҳар вақтоки гавго чиқса, ўзумизни Амирга еткургаймиз,— деб бир жойда ором олдилар.

Алқисса, кун кеч бўлди. Баъдав аҳён намози шом Амри некном ҳаммом узасига чиқиб наъра урдилар-

ни, эй Насри Сайёри хокисор, манам рахнагари мул-  
ли Марвон, илгор юборгилки, жангга хуморедурман.

Насри Сайёр Амрини наъраларини эттириб, Моҳ-  
рони Хиштадоз ном паҳлавонини ўн минг киши бирла  
юборди. Бориб ул рахнагарини жазосини бергил, ар-  
воҳи язиди каждумгаздни рози қилгил, деб инъому  
эхсонлар қилиб юборди.

Ровий айтибдурларки, паҳлавонини Моҳрон Амрини  
садди роҳларини олди, хишт отти. Амир ани икки  
хиштини рад қилиб ўткардилар. Моҳрон айдики, эй  
рахнагар, бу хиштни баҳаққи дину ойинининг қўлини  
бирла ушлаб олгил, учинчи хиштни роҳи қилди. Ами-  
ри соҳибкирон «Ё Шоҳимардон» деб узоттилар.  
Найбдан бир қўл пайдо бўлуб, ул хиштни Амрини  
қўлларига олиб берди. Овоз келдики, «Ё Абу Му-  
лим, мардона бош» деб. Амир ул хишт бирлоқ Моҳ-  
ронини андоғ урдиларки, язиди Марвон, деб асфала-  
софинга кетти. Баъдаху Амрини диловар ва пойиби  
ҳайдар, ўзларини хаворижларига урдилар. Абулато  
ва Абулҳасан ҳам ўзларини аёну-баён қилиб хавориж-  
ларга урдилар. Вақтики, хабардор бўлсалар, Амир  
кетибдур. Бу икки бародар ҳам бадар чиқиб кетти-  
лар. Аммо Зарқий «эй калласаглар, урушини қўюб  
бир-бирларингдан жудо бўлулглар», деди. Қабул қил-  
май жанг қилур эрдилар. Баъдаху машъаллар ёқиб  
кўрдиларки, рахнагардан ҳеч асар йўқ. Бир-бирла-  
ридан жудо бўлдилар. Ул кеча неча минг хавориж-  
дан дўзахқа кетибдур. Аммо Зарқийни ҳаромзода чуи  
саги посўхта равон бўлди. Баканори масжиди Мо-  
хонга назари тушти. Кўрдик, чароғи ёниб турубдур.  
Икки киши ўлтурубдурлар, бир-бирларига айтодур-  
ларки, ул шаб таомга бориб, эмди келодурсизму, деб  
дуруштлик қилодур. Ул таомга борган сабаби тахир  
бу эрди, деб Амрини воқсаларини айдди. Андин бир-  
бирига айдик, бизлар умид бирла келиб эрдик, эм-  
ди ҳайрондурмизки, Амрини қайси мақомда топиб  
мулоқотда бўлурмиз, деб афсус қилур эрдилар.

Зарқий бу сўзларини эшитиб кўнглида айдик, «бо-  
ракалло». Булардан Амрини бўйи келодур, деб бориб,  
Олмос зиндонбинини минг киши бирла олиб келиб, бу  
икки мусулмонини тутуб, отларини сўради. Ул икки  
тариб ҳеч шима демодилар. Ва яна Зарқий буюрдик,  
буларни зиндонга солгил, эрта бирла қийин қилур-  
ман, деб зиндонга солди. Аммо Амрини диловар шаби  
динер намози хуфтонини ўқуб, уйқу галаба қилди, ух-

ладилар. Ногоҳ воқеага кўрдиларки, тарафи тақобилларидин Ҳазрати Шохимардон чиқиб айдиларки, эй фарзанд, икки йигит сани дийдорингни кўрмак учун келиб, зиндонга тушдилар, тез туриб, ул икки йигитни халос қилдил дедилар, байт:

Дастн вафо даркамаре аҳд кун,  
То шаъвани аҳди шикаш жаҳд кун,

— деб башорат бериб гойиб бўлдилар. Баъдаҳу Амир уйқудин бедор бўлуб, бажониби зиндон бўлдилар.

Алқисса, Амири соҳибқирон зиндонга келиб, Олмос зиндонбонни ўлдуруб, ул икки жавонни халос қилдилар. Баъдаҳу Амир сўрдиларки, эй биродарлар, қайси вилоятдан бўлурензлар ва отингизлар нимадур? Айдилар:— Эй шаҳриёр, бизлар Самарқандданмиз, бизларни отимизни Наср ва Насир дейдурлар. Бизлар саёҳатга чиқиб эрдук, дилимизда соҳибни хуружни дийдорларини кўрсак, деб орзу қилдур эрдук. Алҳамдулиллоҳки, сизни дийдорингизни кўрдук,— деб ҳар иккилари Амир бирлаи видоъ қилиб равон бўлдилар.

Ақнуи икки калима сўз ўзга жойдан эшитинг. Амири соҳибқирон буларни халос қилиб, чоресини узасинга чиқиб наъра тортиб, жаанг қилай деб туруб эрдилар. Шул вақт Насри Сайёрни боргоҳига печанд нафар одамлар кириб дуо қилди. Насри Сайёр «сизлар кимдурензлар», деб сўради. Алар айдиларки, эй амири Хуросон, бизлар зиндонбондурмиз, бул кеча ул араббачча келиб, Олмос зиндонбонни ўлдириб, ул икки абуторобийни олиб чиқиб бадар кетибдур, деди. Зиндонбонлар ҳануз бул сўзини тамом қилмоб эрдикки, Амирни наъраларини овози келдики, манам Абу Муслим, эй Насри Сайёр, ўзунгни келгил дерман, сенинг бирлаи жаанг қилай дерман, дедилар.

Насри Сайёр Амирни наъраларини эшитиб, Навфал Харжий ном паҳлавонни йингирма минг ланкар бирла Амирни жаангларига юборди. Ул паҳлавон келиб Амирга рўбарў бўлуб, Амирга найза солди. Амир ани найзасини қўлидан тортиб олиб, ўз найзаси бирла сийнасинга андоғ урдиларки, орқасидан паррон ўтти. Андан ани ланкарини шикаст бериб, Моҳёрни уйига равон бўлдилар. Рўзи дигар Хожа Моҳёр, айдики, ман бориб Насри Сайёрни кўрайини, чароки, ҳар кунни бориб кўрар ул вақтани, сиз мани уйим-

га келдингиз, сизни хотирингизга боқиб боролмайм, деб Амирдан жавоб тилади. Амир айдилар:— Эй Хожам, ҳоло ҳам хотиржам ўлтурунг. Сизни бориб келмошингизга кўнглум кафилик бермойдур,— деб манъ қилдилар.

Алқисса, Хожа неча сўзларни айтиб амирдан жавоб олиб, Насрни хидматига кетди. Аммо Зарқийи ҳаромзода Амири ҳеч ердан хабарларини топа олмай келиб яна Насри Сайёри боргоҳига кирай деб туруб эрди, ногоҳ бир жонибдан Хожа Моҳёр пайдо бўлди. Зарқий мулоҳаза бирла боқиб кўрдикки, Хожани юзидан ислом нури тобиш қилодур. Зарқий кўнглида айдикки, ҳар вақт Абу Муслим Хожани уйида бўлмога, ҳаргиз ман Зарқий бўлмоғини, деб ҳасамод қилади. Хожа Моҳёр боргоҳга кирай деб туруб эрди. Зарқий келиб, таъзим қилди. Хожа илтифот қилмодилар. Охир Зарқий айдикки, эй Хожам, муборак бўлсун!

Хожа:— Нима муборак бўлодур?— дедилар.

Зарқий:— Мусулмон бўлгонингиз муборак бўлсун,— деди.

Хожа ночор иқроор бўлдилар. Бу сўзни оғзингдан чиқормоғил, деб Зарқийга неча ашрафи таъга бердилар. Ул малъун қабул қилмоди. Айдикки, эй Хожам, агар Абу Муслимни манго кўрсатсангиз, ман ўлимдан нажот тонодурман.

Хожа айдилар:— Ул мандан паноҳ излаб келибдур, ани санго нечук кўрсатурман?

Зарқийи ҳаромзода:— Агар манга кўрсатмасанг, ман сани ҳаққингга нима ишлар қилурман,— деди. Хожа кўрдиларки, ул сўзлари таъсир қилмойдур. Охир Хожа «ал-иқроору шумин вал-инкору муборакун» мазмуни бирла айтгон сўзларига инкор қилиб, Амир мани уйимда йўқ, деб мункир бўлдилар.

Алқисса, Хожа бирла Зарқий бу сўзни талош қилиб боргоҳга дохил бўлдилар. Анда Насри Сайёри олдида Зарқий ҳар чанд қилди, Хожа иқроор қилмоди. Охир Зарқий айтиди:— Эй Хожа, рўйимол бирла ангуштарингизни беринг, бир киши бориб уйингиздан хабар олиб келсун, рост ва ёлғон маълум бўлур,— деди.

Ночор Хожа ангуштарларини берди. Муштари Актан ангушти бирла рўйимолни олиб бориб Хожани хотунларига бериб айдикки, Хожа Моҳёр уйдаги меҳмон ҳолидан хабардор бўлур турсун дедилар, деди.

Хожани хотунлари айдики, Хожа бир йил зергалар, ман меҳмонни ҳол-аҳволидан хабардор бўлуб, эъзолар қилиб туродурман, хотиржам бўлеуилар, деди.

Муштари Ахтам бу сўзини эшитиб бориб, Хожани хотунлари чуни ва чувои дейдурлар, деди. Хожа, ялғон айтурсан, деб яна мукир бўлдилар. Зарқий айди:— Ой амири Хуросон, манго фармон қилгил, токи ош тонай.

Наери Сайёр айди:— Ул рахнагарни тобгил, то аш тобгунча Хожани озор бермогил.

Алқисса, Наери Сайёр Адҳам Харжий ном паҳлавонни уш минг киши бирла буюрди. Хожани боргоҳдан таниқариға олиб чиқтилар. Зарқий айди:— Хожани боғлаб олингилар, ҳар нима бўлса мани бўйнимга бўлеун.

Хожа Моҳёрни қўлларини боғлаб, Хожани уш тарафига равона бўлдилар. Буларни бу ерда қўюнг, икки калима сўз Амирдан эшиттинг.

Ровий айтибдурки, Хожани хотунлари Муштари Ахтамга жавоб бергондан кейин пушаймон бўлуб, Амирни олдиларига шитоб бирла кирди. Аммо Амири соҳибқирон Ҳазрати Шоҳимардонни воқеада кўруб эрдилар, айдиларки, эй фарзанд, Хожа Моҳёрни банд қилдилар, сан мундан чиқиб, Масжиди Шофесъён тарафига боргил. Санго ҳам воқеан азим рўй бергусидур.

Алқисса, Амир уйқудан белор бўлуб эрдиларки, Хожани хотунлари кириб, Муштари Ахтамни келган воқеасини айтти. Амир бу сўзини эшитиб, том узра чиқиб, ўзларини ястга ташлаб, бадар кеттилар. Вақтски, масжиди Шофесъёнга келдилар, Зарқий Моҳёрни уйларига кириб, Амирдан ҳеч хабар тобмоди. Охир Хожа Моҳёр бирла хотунини қийин қилдилар. Бу икки муҳибби хонадон қийин остида ўлдилар, Амирдан хабар этмодилар.

Шул вақт Хожани икки фарзандлари мактабдан келдилар. Зарқийи ҳаромзода бу икки бегуноҳ хожасоналарни ҳам ўлдурди. Адҳам Харжий:— Нима учун бу бегуноҳ гўдакларни ўлдурдунг, эй ҳаромзода?— деб Зарқийни нечанд тозёна урди. Анда Зарқий ул уйни кофтиков қилиб, зери заминдан қилгон уйни тобти. Амирни изларидан билдики, бул ердан чиқиб, Масжиди Шофесъёнга кетибдурлар. Бул ҳам Амирни изларини пай қилиб равон бўлди. Аммо Амир бир сақдохонага кириб сув ичтилар. Кўрдилар-



ни, ул саққохонани тагида бир хавориж бемор бўлди.  
Ўтибдур, нолау зори қилодур. «Язиди Марвон мадад  
қилди», дейдур.

Амир келиб айдиларки, мамам Абу Муслимдур-  
ман, «ё Шоҳимардон» дегил, шоядки сиҳат тошсанг,  
дедилар. «ё Шоҳимардон» деб эрди. дарҳол сиҳат  
тобти. Амир андин ўтуб Масжиди Шофеъёнга кириб,  
масжидни эшигини маҳкам қилдилар. Ногоҳ Зарқий  
келиб кўрдикки, ул бемори хавориж сиҳат тошибдур.  
Зарқий Амирни сўради. Ул хавориж айдики, абутуро-  
бий келиб, Масжиди Шофеъёнга кириб кетти. Ман  
ани панд бердим, деди, дарҳол яна бемор бўлди. Ан-  
дан хирседек фарёд қила-қила ҳалок бўлди.

Алқисса, Зарқий бориб воқеани Насри Сайёрга  
баён қилди:— Эй амири Хуросон, рахнагарни Мас-  
жиди Шофеъёнда тобтим,— деди.

Насри Сайёр лашкари бекарон билан сувора бў-  
лди, Масжиди Шофеъён тарафига равона бўлди. Ам-  
мо муҳибблар ҳамаларни ул куп Хожа Хўрдакни уйи-  
да эрдилар. Бу воқеадан бсхабар эрдилар. Саъд Кал-  
ма бу ишлардан хабар топиб келиб айдики, эй му-  
ҳибблар, Амир печанд куплардан бери Хожа Моҳёр-  
ни уйида эканлар. Ул ердан чиқиб Масжиди Шофеъ-  
ёнга борибдурлар. Зарқий Амирни орқаларидин лаш-  
кари бекарон бирла Насри Сайёрни олиб борибдур.  
Ҳоло Амир алар бирла жанг қилодур, деди.

Алқисса, муҳибблар бу сўзни эшитиб, ҳамалари  
камарларини маҳкам боғлаб, масжидга келиб, Амир-  
га мадад еткурдилар. Ногоҳ Адҳам Харжий келиб,  
Амирни садди роҳларини олиб, шамшир ҳавола қил-  
ди. Амир радд қилиб, табар бирла андоғ урдиларки,  
ду тақсими баробар бўлди. Андин ани лашкарини  
урушуб шикаст бердилар. Шул вақт эрдикки, Насри  
Сайёр келиб фарёд қилдики, эй чокарони язид, рах-  
нагарни ароға олиб жанги мағлуба қилинглар, деб  
фармон қилди. Шул вақт Амирни диловар, нойиби  
Ҳайдар ғайрат қилиб айдиларки, эй муҳибблар, сиз-  
лар баҳурмати Шоҳимардон ўзуингларни каторага  
олинглар, деб жангга дарафтод бўлдилар.

Ровий айтибдурки, Амирни соҳибқирон бисёр жанг-  
лар қилиб, Насри Сайёрни сари роҳини олдилар.  
Наср тозиёнанни бошидан айлантуруб фарёд қилдики,  
эй чокарони язид ва Оли Марвон, бу рахнагарни ўр-  
тунга олиб тирборон қилинглар, деб фармон қилди.  
Хаворижлар ҳар тарафдин дарафтод бўлдилар.

Жанги мағлуба бўлди. Бул вақтда Абулато ва Абул-ҳасан ва Абунастри Шабрав ва Девона Исҳоқи Қундашикаи Амирга мадад еткурдилар. Амири соҳибқирон наъра уруб жанг қилиб, хаворижларни кўштадан пушталар қилдилар. Хаворижлар қони дарёдарё бўлди. Хаворижларни улуги ҳар тарафда боғлангон ўтундек ётар эрди, боши сойни тошидек юмоланур эрди. Амири диловар ҳар тарафдан юзлансалар, хаворижлар тоқат қиллолмай ҳар тарафга тулки масаллик қочар эрдилар. Насри Сайёр ҳар соат фарёд қилур эрдик, эй беҳамият гала сағлар, сизларни арвоҳи язд урсинки, бир араббаччадан шунча минг одам қочадурсизлар, деб жангга тарғиб қилур эрди.

Зарқийи ҳаромзода бир тарафдан хаворижларни жанг қилмоқга саъйу кўшиш қилур эрди. Шул вақт эрдик, паҳлавон Солук Курд Амири сари роҳларини олди. Амир ҳам анго рўбабў бўлдилар. Солук айтиди:— Эй араббачча рустойи табарзиндор. Сан мани ўзга паҳлавонлардек ақида қилмоғил, деб Амирга тифи захролудни ҳавола қилди. Амир ани тифини табари бирла уруб юбордилар. Табарни зарби бирла тиф ани қўлидан ҳавога чиқиб кетти.

Амири диловар канида ва кушода қилиб табар бирлаи чунон урдиларки, оти бирла чортақсими баробар бўлди. Амир андан лашкарга дарафтод бўлдилар. Ародаи хаворижларни кўториб, Насри Сайёрга яқин келдилар. Насри Сайёр ҳар соат бонги баҳайбат уруб айтур эрдик, эй чокарони Ол Марвон, бу араббаччани ароға олиб, жанг қилинглар деб, паҳлавонларга ваъдалар айлаб, жангга тарғиб қилур эрди. Шул вақт Амири соҳибқирон, пойниби Шоҳимардон ўзумни Насри Сайёрга етқуриб, ани ишини тамом қилсам деб бир хез қилдилар.

Қазоро Амири аёғларини остида огзини маҳкам қилиб қўйгон бир чоҳ бор эрди. Амир ўз зарблари бирла аёғлари ул чоҳга тушуб, юзлари бирла йиқилдилар. Ул вақт бир габрбаччае бор эрди. Ани отини Саъдонн Сукрий Чўпандоз дер эрдилар.

Ул габрбачча қирқ тўрт ботмон чўпдаст ишлатур эрди. Ул паҳлавон шул чўпдаст бирла Амири орқаларига урдик, ани зарби бирла Амир йиқилдилар. Амир хоҳлайдиларки, қадларини рост қилсалар. Ул хаворижи побакор Амирга пайдарпай уч чўпдаст урди. Амири бадалларига суслук ва карахтлиқ пайдо бўлди. Назм: ۞

Мурчагон гар бокунанд иттифок,  
Шери жаъро бадаронанд пуъст.

Хаворижлар ҳужум қилиб Амирни тутуб, даст-  
гардашларига гўлу занжирлар солиб банд қилдилар.

*Оғози дoston. Бу дostonларда Амирни бандга туш-  
тонлари ва Маликаи Мажлис Афрӯзи Самарқандий  
келиб Амирни банддин халос қилгонлари ва Амир  
соҳибқирон банддан чиқиб, зиёрати Карбало боргон-  
лари ва Амирни волидалари вифот қилгони.*

Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва муҳад-  
дисони достони бӯстони гулистони кӯҳан ва хушачи-  
нони хирмани суҳан ва саррофони дорулиёри ва жав-  
ҳариёни риштаи бозори маъний ва сураатороёни ажойиб  
ва чеҳракушоёни ҳикояти гаройиб ва тўтиёни шак-  
каристони суҳан ва қумриёни боғистони ҳар анжу-  
ман, яъни баномни Аълоий Заранжи ва талҳаи За-  
ранжи ва Ҳаким Тарсуеи ва Ҳожа Муҳаммад Тоҳир  
Аўжандий ривоят қилибдурларки, қиссаи амири ами-  
рон ва баргӯзидаи Ҳазрати Шоҳимардон ва кушандаи  
хаворижон, яъни баномни Абдурахмон ва яъна бу ки-  
тобни туркий қилгон фарзанди Намагон Мулло Мир-  
маҳмуд Охундий нотавон узрхоҳлик ва ноқобиллик  
тариқида уч-тўрт калима назм бу мазмунда адо қи-  
либдур. Назм:

Бўлак дostonга чекиб хомас,  
Суҳансоз ўлай турфа ҳашомас,  
Баён айлай қиссаи Шоҳи жаҳон,  
Ки яъни Абу Муслими соҳибқирон.  
Чу ақвеса ул кун Амири дезер,  
Урунуб бандга туштилар парра шер.  
Адувлар ҳужуми ул шерни,  
Ки банд айлаб соҳибхуруж эрни.  
Аши банд айлабон жафоновалар,  
Хаворижн золим бад андешалар.  
Хавориж бори айлади шодлиқ,  
Амир қўлларига солиб боғлиқ.  
Мусулмонлар ҳама парившон бўлуб,  
Ки йиглар эрдилар ҳама оҳ уруб.  
Ки қўл очтиларким мупожотга,  
Ки юз келтуруб қозийи ҳожотга.  
Карам қил ўзунг осий Маҳмудга,  
Карам бирла сол роҳи беҳбудга.

Алқисса ровийлар андоғ ривоят қилибдурларки, хаворижлар бирла Амир соҳибқирон дарафтод бўлув жанглар айлаб, аёғлари чоҳга тушиб йиқилдилар. Хаворижлар галаба қилиб, арога олиб Амрини тутуб аёғу қўлларини гулу занжир бирла банд қилдилар.

Абулато ва Абулҳасан ва Абу Насри Шабрав ва Девона Нехоқ Амрини бу ҳолда душманлар қўлида гирифтор бўлгонларини мушоҳада қилиб, гириялар айлаб, ўзларини канорага олдилар. Анда Саъдон айти:— Эй абутуробийи табарзиндор, эмди ўзунгни печук кўрарсан?

Амир айдилар, назм:

Қазоро з гардуи фуруҳашт сар,  
Ҳама зибратон кўр гаштанду кар.

Амир айдилар:— Эй nobакор, умидим борки, худойи таоло саниг оир оламни мусаллат қилгойки, саниг икки қўлинигнни шонинг тил сўтуруб олиб бошиниг зурарман, ишибо то, — дедилар.

Ул вақт Насри Сайёри хушобзор буюртки, рахнагарни мушга олиб киринилар. Амрини Насри Сайёрига олиб киринилар. Насри Сайёри айти:— Эй араббачча, ол ол, ўзинигнн печук кўрарсан?

Амир айдилар:— Хошо ҳам ўзумни шери жаёи ва фили Дамон кўрарман. На қилайки, кулла рубоҳ ҳийлагарларни қўлига гирифтор бўлудурман, қўлигдан нима келса, қилгил,— дедилар.

Насри Сайёри бадкирдор дарғазаб бўлуб буюрдикки, эй жаллодлар, бу араббаччани олиб бориб бозори шакарфурушонда бошини танидан жудо қилингллар, деб фармон қилди. Жаллодлар хоҳладикки, Амрини олиб чиқса, ул вақт Хожа Муҳаммад Тоҳир Хўжаидий айдилар:

— Эй амири Хуросон, бу рахнагарни халифони Марвондан берухсат ўлтурмак осон эмас, аввал халифага нома юборгил! Халифани жавобига қараб, ўлдургил деса, ўлдурурсан. Ё бу тарафга юборгил деса, ани фармойишига амал қилиб юбормак керак.

Хожани сўзлари Насри Сайёрига маъқул бўлди. Бу воқеаларни мушнгийлар номга ёзиб, бир пиёда: чобук қўлига бердилар. Ул пиёда номани олиб Шабрав тарафига равона бўлди.

Насри Сайёри:— То Марвондан хабир келгушча абутуробий мани боргоҳимга бўлсун, — деди.

Зарқий айди:— Бу рахнагарни абутуробийлар сани боргоҳингдан халос қилиб олиб чиқиб кетарлар.

Насри Сайёр:— Рахнагар бу кеча маши боргоҳимда бўлсун. Эрта бирлаи келиб бир жойга банд қилгилки, ҳеч ким андан хабардор бўлмосун,— дедилар.

Буларни мунда қўюнг, акнун икки калима сўзга жойдан эшитинг. Ровийлар айтибдурларки, Хожа Сулаймон ва Хожа Усмон ва ҳама муҳибблар Хожа Хўрдакни уйига жам бўлдилар. Хожа Сулаймон айдиларки, тоғла кўрайлуқки, Амирни қайси жойга банд қилур экан. Агар худо хоҳласа, яна кеча киши юбориб банддан халос қилурмиз, деб маслаҳат қилдилар.

Алқисса, муҳибблар ҳар қайсилари ўз уйларига бордилар. Аммо бу кеча Насри Сайёр етти умароси ва ўгли Ҳез Тоҳирак ва ҳарамзода Зарқий ҳамаси боргоҳда эрди. Насри Сайёр айди:— Шундоғ киши бўлсаки, зери заминда уйи бўлса, ул уйга рахнагарни банд қилиб, атрофига етти дарбанд қўюб посбонлик қилса,— деб мард талаб қилди.

Ҳеч ким мутасадди бўлмади, иккинчи мартаба ҳам шул сўзни айтиб мард талаб қилди, ҳеч ким пайдо бўлмоди. Учинчи мартабада Ҳез Тоҳирак ўридан туруб айдикки, бу ишга маи мутасаддий бўлурман, бир шартим бор, сан ҳам қабул қилсанг.

Насри Сайёр:— Маи қабул қилдим,— деди.

Ҳез Тоҳирак айди:— Сани нагмагарларингдан Сарвсуманга ошиқдурман, ани менго берсанг, бу ишларни бажону-дил қилурман.

Насри Сайёр:— Сарвсуманни санго бердим,— деди. Баъдаҳу Ҳез Тоҳирак Сарвсуманни олиб, уйига ёнди. Андан Амирни уйига олиб зеризаминдан қилгон уйга банд қилди, етти дарбанд қўйди, ҳар дарбандга бир паҳлавонни мутасадди қилиб қўйди. Мисли Қўланг иби Зарора ва Наҳанг иби Зарора, Афтах Ҳожиб ва Асад Омир ва Усмон иби Наҳанг фарзонаи падим ва Аюб Девон ва Халил Бохарзи бул амирларни ул уйни атрофига тўрт юз киши бирла посбон қилиб қўйди. Зарқийн ҳаромзода айдикки, эй амир, агар абутуробийлар хабардор бўлсалар, бир кечада бу араббаччани халос қилиб кетодурлар, деди.

Насри Сайёр айди:— Мунга нима тадбир қилмак керак?

Зарқий айдикки, эй амири Хуросон, ул Абу Муслимга ўхшаш бир хаворижни топиб, ани бошини ке-

сиб чорсуга ул бошни осиб қўймак керак. Абутуро-бийлар ул бошни кўруб Абу Муслимни бошни гумон қилиб, рахнагардан умидларини узодурлар ва бизлар хотиржам бўдурмиз.

Алқисса, Зарфиин ҳаромзода Амирга ўхшайдур-гои бир хаворжини олиб келиб ўлтуруб, бошнини Насри Сайёрни олдинга қўюб айдикки, эй амири Хуросон, ул рахнагарни посбонлик қилмоқини ухдасидан чиқолмай ўлдуруб, бошнини олиб келдим.

Анда Хожа Муҳаммад Тоҳир ул бошни кўруб, ҳайрон қолдилар, чароки, бу маслаҳатдан Хожа беҳабар эрдилар. Алқисса, Насри Сайёр айдикки, бул бошни пештоқга осиб қўюнглар, деди. Андаи тўрт юз кишини ул бошга посбонликга қўйди. Амирни табарларини Саъдонга инъом қилди. Аммо Хожалар бул сўзини эшитиб наришон бўлуб, полау зорилар бирла гирялар оғоз қилдилар. Амирни мунда қўюб, акнун икки калима сўз ўзга жойдан эшитинг.

Ровий айтибдурларки, Амирни аюлари Ҳалимабону кўрдиларки, печа кунлардан бери Амир келмадилар. Ночор бетоқат бўлуб, уйларидаи чиқиб, йўл узра халойиқларни сўзига қулоқ солиб ўлтурдилар. Ногоҳ неча одамлар шаҳардан чиқиб келотуруб, бир-бирларига айтодурларки, ҳай дариг, ул Абу Муслимни охир тутуб ўлдуруб, бошнини осиб қўюбдурлар, деб афсус ва надоматлар қилиштилар.

Ҳалимабону бул сўзини эшитиб, оҳе тортиб беҳуш бўлуб йиқилдилар. Ул мардум ўтуб кеттилар. Амирни ҳамширалари Сакинабону ҳам зор-зор чун абри навбаҳор йигладилар. Неча замондан сўнг Ҳалимабону ҳушларига келиб айдиларки, эй нури дийдам Сакина, маи сандан розидурман, деб жон баҳақ таслим қилдилар. Бобо Осим ва Бобо Саггин гўру кафан қилиб, жанозаларини ўқуб дафи қилдилар. Моҳон халқи ҳама мотамдор бўлдилар. Бобо Осим ва Бобо Саггин бирла мардумларни мотамда қўюнг, акнун икки калима сўз ўзга жойдан эшитинг.

Аммо тамоми муҳибблар Хожа Хўрдакни уйига жамъ бўлдилар. Ул вақт Хожа Сулаймон шароб олиб айдиларки, бир киши бормуким, бориб Амирни табарларини олиб келгой.

Абулато жоми шаробни нўни қилиб, табарни олиб келмакка мутасадди бўлди. Ва яна Хожа Сулаймон бир жом шароб қўлларига олиб айдиларки, марде бўлгаймуки, Амирни бошларини олиб келгай? Абу

Насри Шабрав тазим бирла жоми шаробни ичиб, Аширни бошларини олиб келмоқга мутасадди бўлуб чиқти. Андан Хожа Сулаймон яна бир жом шароб қўлларига олиб айдиларки, яна бир марде бўлғайму, бериб Насри Сайёрни бошини танидан жудо қилиб келгай?

Девона Исҳоқ Кунданшкан жом шаробни ичиб мутасадди бўлуб, Насри Сайёрни талабида чиқиб равон бўлди. Аммо ровий айтибдурки, ул Абулато жоми шаробни ичиб, табарни олиб келмоқга Саъдон Сакрийни уйига бориб кўрдикки, табар турубдур, лекин табарни алоқасендан ганжинани эшикига осиб қўюбдур. Саъдон айтодурки, бул чўбдаст бул табарни мусаххар қилгондур, деб туруб эрдикки, Абулато эшикдан кириб келди. Саъдон кўрдикки, ҳарифи илгори келюдур. Саъдон хоҳладики, чўндастни қўлига ояса. Абулато қўл узотиб банди дастидан ушлаб олдига тортиб, қўлини шонасидин сугуруб олиб шақиқасига андоғ урдикки, жони дўзахқа кетти. Табарни олиб равон бўлди.

Алқисса, Абунасри Шабравдан икки кайима сўз эшитингки, ул бошни осиб қўйгон майдонни даҳанасига келди. Ул кеча ойдин эрди. Кўрдикки, бир чалнакназ олдидан чиқиб келди. Абунасри Шабрав ани ўлдуруб, ул чалнакназни суратида бўлуб, ҳама чалнакназларга доруни беҳуш қўнуруб, посбонларни аросига келди.

Посбонлар бу чалнакдан олиб едилар. Ҳамалари беҳуш бўлуб йиқилдилар. Алқисса, Абунаср хапжарини бараҳна қилиб, ҳама посбонларни бошини танидан жудо қилиб, ул осиб қўйгон бошни олиб равон бўлдилар.

Ани келмакда қўюнг, акун Девона Исҳоқдан сўз эшитингки, Девона Исҳоқ каманд бирла Насри Сайёрни саройига чиқиб, Насри Сайёрни истаб тобмади. Аммо Маликан Шамса канизлар бирла базм қилиб ўлтуруб эрди, Девона кириб Насрни сўради. Шамса айдикки, ул вақтки Абу Муслимни ўлдурди, ани ваҳми бирла менинг олдимга кириб ётмойдур. Девона, айшларингиз бузулмосун, деб чиқиб кетди. Булар боз базмга машғул бўлдилар.

Алқисса, Девона Насри Сайёрни истаб, ул жойдан тополмай хачирхонага келди. Ул ердан ҳам тополмади. Андан хачирларни тўқумини кўториб ҳам тополмай Девона даргазаб бўлуб, бу лаънаткарда

қайда бўлди деб, баланд-баланд сўзлар эрди. Анда Насри Сайёр теваларни тўқумини тағида қочиб ётиб эрди. Девонани сўзини эшитиб ётур эрди. Девона теваларни тўқумини тағини истаб тошолмади. Бир-иккун тўқум қилиб эрди. Насри Сайёр ани астида Девонанинг ҳайбатидини ишончалар айлаб, бошини тикиб кетди эрди. Девона ул икки тўқумини кўтармай, эй қўлингдан қайда бординг, сани тобсам, бошингни кесарим, деб ҳақоратлар қилиб, дурушт сўзларни айта бошлади.

Девона чиқиб кўрдикки, Насри Сайёрни погорачилар билан мухлиб ётибдур. Аларни бедор қилиб айдики, эй погорачилар, погорани чолинглар, давлат-давлати Муҳаммад ва Оли Муҳаммад, деб чобуклик бирла ўтди кетди. Ровий айтибдурки, аввал Абулато табибни олиб келди, Абунаер бошини олиб келди, мухлиблар кўриб зор-зор ишлагилар. Ул вақт Хожя Сўхайл Иброи бул амирини бошлари эмас, деб бир тегилар. Андан хама мулоҳиза бирла боқиларки, ул бошда Амирни ишончалари йўқ.

Баъдазон билдиларки, Амирни бошлари эмас. Хамаларни бир-бир тегилар, ул бошини бир қанората ташладилар. Ул ифти шаб та погорани овозини эшитдилар. Хама бу шимта воқеа деб ҳайратда эрдиларки, шул вақт Девона Пеҳоқ кириб келиб, хама ўтган воқеаларни баён қилдилар. Хама мухлиблар хандалга айлаб, Девонани қилгон ишларига таҳсини ва офирлар қилдилар.

Амирни соҳибқирон муддати тўқсон кун бандла қолдилар. Амирни бунда қўюб икки қалма сўз ўзга жўйдан эшитинг.

Ровий айтибдурки, Самарқанд шаҳрида Мажлис Афруз ном бир позанин бор эрди, бисёр соҳибжамол ва ҳушовоз эрди. Хез Тоҳирак ани таърифини ва тавсифини эшитиб, анга гойибона ошиқ эрди. Анга пайдарпай нома юборур эрди. Ул мунга муяссар бўлмас эрди. Бир кеча Мажлис Афруз тушида Биби Фотима Захро разияллоҳу анҳонини кўрди, айдилар:— Эй Мажлис Афруз, зуд ўрнингдан туруб, Марвиноҳижаҳонга боргилки, анда Соҳибқирон Хез Тоҳиракни бандида тўқсон кундан бери ётибдур. Ани халос бўлмоғи сани қўлингда. Бориб ани банддан халос қилғил, токи савоби азим топарсан ва яна ман сани қиёматда шафоат қилғайман,— деб банорат бердилар.

Мажлис Афруз уйқудан бедор бўлуб воқеани қол-



ни биродарларига баён қилди. Биродарлари зоди роҳила олиб равон бўлди. Неча кундан кейин Марв-шоҳижаҳонга дохил бўлди. Бир саройга биродарларини қўюб, Малика ўзи Насри Сайёрни боргоҳига равон бўлди. Вақтики, Шамсаин дарвозасига етиб, эшикдан салом қилиб кириб келди, Маликаи Шамсаани кўриб, Насри Сайёр бу позанини ўзи учун сотиб олғонидур деб, Мажлис Арузга ҳеч илтифот қилмоди. Малика айдикки, ҳар кишики талаб қилғон ерга ўз аёғи бирла келса, иззат тобмос экан, деб бу байтини ўқуди, назм:

Нохонда марав ту бар сари хован касе,  
Беқадр шави агар хури ноин касе,  
Як парчаи ноин қоқи, як косаи об,  
Беҳтар зи ҳазор мурғи бирёни касе.

Ақнуи Маликаи Шамса яхши мулоҳаза қилиб боқтики, Маликаи Мажлис Афрузга ўхшойдур. Алқисса, Маликаи Мажлис Афруз ҳам ўзини зоҳир қилди. Баъзи айтибдурки, Мажлис Афруз нағманавозлик ҳам қилди. Андин кейин Маликаи Мажлис Афруз эканини билдилар.

Насри Сайёр туруб умароларини олдиға келиб, бу воқеани умароларига баён қилди. Ҳама умаролари завқлар қилдилар, ани нағмасини биз ҳам эшитсак, деб орзу қилдилар. Насри Сайёр «боргоҳни ўртасига нарда торттилар», деди. Мулозимлар нарда торттилар, андан кейин Маликаи Мажлис Афрузга киши юбориб, боргоҳига олиб келдилар. Мажлис Афруз нағманавозликға машғул бўлдики, мисли булбулдек ва ҳазордостондек хушновозлик бирла наволар айлаб ҳамани масти мустағрақ қилди. Ани нағмасига ҳама зор-зор гирялар айлаб завқлар қилдилар. Баъдаху рухсат бердилар. Маликаи Мажлис Афруз андан Маликаи Шамсаинг олдиға келиб, Тоҳиракни сўради. Маликаи Шамса Тоҳиракни отини эшитиб оҳе торттиб, Мажлис Афрузга айтиди:— Муддати тўқсон кун бўлдики, фарзандим Тоҳирак Абу Муслимини нособлик қилиб, мунда келмойдур,— деб воқеани баён қилди.

Мажлис Афруз айдикки, шаҳзода Тоҳирак нечанд маротаба нома юбориб эрдилар. Маи аларини муҳаббатни учун келиб эрдим. Ақнуи шаҳзодани нечук кўродурман, деди. Шамса айдикки, шаҳзодани бир хос

канизаци бордур. Гоҳо ул мунда келиб борур, боядки сан ул канизак суратида бўлуб борсанг, Тоҳиракни кўрарсан, деди. Мажлис Афрузга бу сўз маъқул бўлди.

Алқисса, Малика ул канизакни либосини кийиб, ани суратида бўлуб, андан Тоҳиракни боргоҳига келиб, ул посбонлардан ўтуб, Тоҳиракни олдиға кирди. Тоҳирак ўзини хос канизаци гумон қилди. Малика айдики, эй амирзодан мулки Хуросон, билгилки, Ман Маликаи Мажлис Афруз Самарқандийдурман, деб ўзини баён қилди.

Алқисса, бир фасл суҳбаторолиқ қилдилар. Тоҳирак бисёр хушвақт бўлуб айдики, эй Малика, мани кўнглумни хуш қилдинг, ман сани гуломингдурман, эмди мандин нима талаб қилсанг, қилгил, деди. Мажлис Афруз Тоҳиракдан бул сўзини эшитиб йиғлаб айдики, эй шаҳзода, Дудан ҳамроҳ ном бир бародаримни рахнагар ўлдирибдур. Ул жиҳатдан сани хизматингга келдим. Эмди манго ижозат бергилки, бориб ул рахнагарни бадалларини тишлаб парча-парча узиб, ул бародаримни қасосини олсам, кўнглум андак тасалли топар эрди, деб орзу қилур эрдим. Ногоҳ эшитдимки, ул рахнагар амирзодани қўлларида эрмин деб, ҳоло мунда келиб эшитдимки, рахнагарни ўлдурубдурлар, деб, ҳай дариг, муродимға етмадим деб афсусу надоматлар қилиб, гирялар оғоз қилди.

Алқисса, ровий айғибдурки, Ҳез Тоҳирак дар олами масти айдики, эй Маликаи оромижон, хотирингни жам қилки, ул рахнагар мани бандимдадур, деб ўрнидан туруб, роҳзинани кушода қилиб, ул зинапоя бирла юруб ва ул зеризаминдан қилгон уйини эшикига келиб, қулфин очти. Маликаи ичкариға олиб кирди. Вақтики Мажлис Афруз Амрини неча занжирда кўруб, ҳуши бошидан кеттики, занжир Амир соҳибқиронни бадаллариға ўришиб нақш бўлуб эрди.

Алқисса, Малика Афруз ўзини Амрига еткуруб, юзини кушода айлаб, юзлариға сурар эрди. Анда Амир Ҳез Тоҳиракни дашномлар қилиб айдиларки, эй нобакор, мани олдимға хотунларни олиб келурмусан, деб дурушт сўзладилар. Аммо Тоҳиракни қўлида бир устухон бор эрди. Ул устухон бирла Амрини икки қошлариға урди. Амрини капори абрулари ёрилиб қон оқиб, Амрини яқоларидан равон бўлди. Амир маъюс бўлуб, дилларида айдиларки, нишоолло таоло, агар

сан мани қўлумга тушсанг, икки қўлигини шонангдан жудо қилиб фармон қилурманки, ўз назаримда пушт тортиб ҳалок қилурман, дедилар. Ҳез Тоҳирак Амирға рўбарў бўлуб, беҳуда сўзларни айтмак бўлди. Малика Афруз айдики, эй амирзода, бул араббаччага рўбарў бўлуб сўзламак ҳожат эмас, деб олиб чиқтилар. Андан бир канорага олиб бориб доруйи беҳуш бериб, беҳуш қилиб Сарвсуманини либосини Ҳез Тоҳиракка кийдурди. Ҳез Тоҳиракни либосини Сарвсуманга кийдурди. Андан кейин Ҳез Тоҳиракни кутига ҳўкузини шохини суқуб, Тоҳиракни икки оёгини Сарвсуман гарданига солиб қўйди. Батъаҳу бул ишларни Маликан Мажлис Афрузи Самарқандий қилди, деб хат ёзиб, ул хатни Тоҳиракни пушти дастига ёиуштириб, андан эшикни очиб, Амирни олдиға кирмоқга қасд қилди. Лекин Амири соҳибқирон Тоҳиракни берган кулфатларига паршон бўлуб, абруларидан оққан қонни юзларига суруб, бу хоки мазаллатга юзларини қўюб, қатрот ёшларини кўз чашмасидан равон айлаб, ўзларини халосларини ул қодир олло даргоҳидан талаб қилиб, муножот қилиб айтур эрдиларким, эй аҳади қадим, вой самоди ажабут-таъзим, эй холиқи нору нур, вой розиқи мору мўр, ўз лутфу караминг бирлап бу банддан нажот бергил, дер эрдилар ва яна котиби бу китоб Мулло Маҳмуд Намаигоший Амирни муножотларини назм қилибдурки, муножот бадаргоҳи қозиюл ҳожат:

Амир ўлдум дедилар, ё илоҳо, подшоҳимсан,  
Таваккални санго қилдим мани сан такагоҳимсан.  
Қолибдурман бу банд ичра мани, ё раб, халос айла,  
Мададкорим, мураббимсан мани пушту паноҳимсан.  
Ки сандан ўзга йўқ, ё раб, манга бул кун мададкоре,  
Ки осон этгучи мушкулларимни биру боримсан.  
Баҳаққи ҳурмати ул мустафою чорёр ҳаққи.  
Манго ҳодий бўлуб йўл кўрсатурга раҳнамойимсан.  
Бу жонимни фидо айлай шаҳиди Қарбало учун  
Аларни ҳурматини раҳм айла зулжалолимсан.  
Хаворижларга голиб айлагил мап бандани, ё раб,  
Мададкор ўлғучисан, бандаларга меҳрибонимсан  
Узунг лутфунг билан, ё раб, гуноҳи осий Маҳмудни,  
Кечургайсан, худовандо, мани парвардигоримсан,

деб, алқисса, Амир соҳибқирон бу тариқа муножот бадаргоҳи қозиюлҳожот қилиб туруб, баногоҳ кўзла-

ривий уйку элти. Воқеада кўрдиларки, он шерин бешаи шарнат, кештийи гирдобин тариқат, муборизин майдони хилофати яқин, бадрақан таваккул, соҳибин зулфиқору Дулдул, калимин Тури муножот, ҳожибин Каъбаи нажот, жуфтин батулин писарин Аммин расул, яънин Ҳазратин Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҷҳаҳу айдиларки, Эй фарзандин Абдурахмон, бу кулфату маънаққатларин анинг учун тортадурсанки, акнун зиёратин Карбалогин боргил, фарзандин Имом Ҳусайнин зиёрат қилгил ва мани олдимда аҳд қилгил, бу банддан ҳалос бўлсам, зиёратин Карбалонин қилодурман деб. Амир аҳд қилдиларки, агар банддан ҳалос бўлсам, зиёратин Карбалогин борай деб.

Шоҳмардон айдилар:— Ул авратики, сани олдинга келди Самарқанддан, сани ҳалосинг учун келгондур. Сани ҳоло ҳалос қилодур дедилар ва бир мушт туфроғ бериб айдиларки, вақтинки посбонларга етсанг, бул туфроғин ул хаворижларин устига сочилики, парда бўлуб хаворижлар сизларин кўрмослар. Мажлис Афруз бирла ул посбонлардан ўтуб кеторсинлар, деб башорат бериб, ишорат қилиб эрдилар, ул бандлар пора-пора бўлуб Амирин бадалларидан тўқулди. Дарҳол бедор бўлуб кўрдиларки, Мажлис Афруз бошларин узра турубдур. Амир бирла ул жойдан чиқиб, Ҳез Тоҳирақин пешонасинга хат ёздиларки, Тоҳирақин ўлдурай дер эрдим, боз мурувват қилдим деб. Андан чиқиб бадар кетдилар.

Алқисса, Мажлис Афруз ва бародарларин Амир бирла видолашиб, саҳар вақтида Самарқанд жонибига равон бўлдилар. Амир Хўрдақин уйига келдилар.

Ровий айтибдурки, Хожа Хўрдақ Амирин руҳларига обу ош қилиб таом тортар вақт эрдикин, Амир кириб келиб, бир-бирларин бирла йинглашиб кўруштилар, ҳама воқеани баён қилдилар. Муҳибблар шодмон бўлдилар. Амир ўлтуруб эрдиларки, кўзларин уйкуга борди. Амир воқеада Шоҳмардонин кўрдилар, айдилар:— Эй Абу Муслим, бул уйда қазоин муаллақ бордур.

Амир уйкудан «оллоҳу акбар» деб бедор бўлдилар. Мани бузруклар бу вилоятда тургали қўймойдурлар, деб ўринларидан сакраб турдилар. Муҳибблар ҳайрон бўлдилар.

Амир воқеани ҳолин баён қилдилар. Андан ёронлар бирла дуо қилиб айдиларки, манго бир-икки ҳамроҳ

бўлса хўб эрди. Алқисса, Абулато бирла Абулҳасан  
Амирга ҳамроҳ бўлдилар. Хожа Хўрдак айдилар:

— Эй бародар, ҳар вилоятга борсангиз, сиҳату  
саломатлигингизни хат қилиб юборгайсиз, токи биз-  
ларга хоғиржамлик бўлмай.

Амир қабул қилиб равои бўлдилар. Вақтики, икки  
бародарлари бирла қалъдан тушуб борур эрдилар,  
неғох даҳанан Моҳондаги гўристонни канорасига етти-  
лар. Ул гўристондин бир заифа гириву зорисини ово-  
зи келодурки, ҳар печук сангдил одам бўлса ҳам, ани  
пеллау зорисига бетоқат бўлур эрди.

Амир ёронларин анда қўюб, ўзлари ул қабр узра  
бориб кўрдиларки, ҳамширалари Сақинабонудур.  
Гириву зори оғоз қилиб айтодурки, эй худоё, бу жа-  
ҳонда меннингдек ҳеч ким ғариб бўлмосунки, аном  
бирла бародаримдан якбора жудо бўлдум, деб бош-  
ларини қабр узра қўюб зор-зор чун абри навбаҳор  
йиллар эрдилар. Қотиб бечора аларни зорисини бул  
мазмунда адо қилибдур, назм:

Худовандо, жудо бўлдум аномдин,  
Ушал соҳибқирон ялғуз акомдин.  
Манингдек ҳеч киши йўқдур жаҳонда,  
Ишим доим эрур оху фиғонда.  
Амирим сарваримдин айрилибман,  
Ғариб бўлуб аро йўлда қолибман.  
Ато-аноси йўқ ялғуз ғарибман,  
Юзи чун қаҳрабодек сарғарибман.  
Агомдин ҳам букуи бўлдум жудое,  
Бу жонимни анго қилсам фидое..  
Мани йўқларга эмди бир кишим йўқ,  
Бу дардимни айтарга ҳамдамим йўқ.  
Ато бирлои аном йўқтур қошимда,  
На ул соҳибқирон оғам қошимда.  
Аном, эмди чиқиб ҳолимни кўргил,  
Мани ялғуз етим ҳолимни сўргил.  
Аном, эмди чиқиб кўр ҳоли зорим,  
Жудоникка мани йўқтур қарорим.  
Мани иқболим эмди паст бўлди.  
Ғаму коҳини яна пайиваст бўлди.  
Ғаму кулфат манго бўлди зиёда,  
На ҳикмат бор экан акнун арода,  
Алардин айрилиб саргашта бўлдум,  
Ки эмди бахтдин баргашта бўлдум.  
Агомдин айрилиб қайга боройини,

Ажал бергил манам эмди ўлойин.  
Ки муштипар заифи бечорадурман,  
Ғариблик бирла ҳам оворадурман.  
Етимларга ўзунг раҳм айла, ё раб,  
Аларни ҳар балодан сақла, ё раб.  
Муши назминин айди осий Маҳмуд,  
Худоё, қил ани ҳолини беҳуд.

Алқисса, Амирни ҳамширалари бу сўзларни ай-тиб қабр узра йиғлар эрдилар. Амир ҳамшираларидин бу тариқа гиряву зориларни эшитиб, Амирни ниҳодларидин дуд чиқти. Бу печук воқеадур деб, таажжуб қилиб, ул қабр узра равон бўлдилар. Сакинабону Амирни қадамларинин овозинин эшитиб, сан қандоғ одамдурсанки, ибо қилмой далирона мани устумга босиб келодурсан, деди. Амир айдилар:— Эй ҳамшира, меҳрибоним, дарёбки ман бародарнинг Абдурахмондурман. Сакинабону бародарларинин отинин эшитиб, беҳуш бўлуб йиқилдилар. Бир замондан сўнг хушига келиб айдиларки, фард:

Тун бародари ман, ё хаёл дарназарам,  
Ки ман батолети худ ҳариз ни гумон набарам.

Сакинабону аюларинин вафотларинин воқеасинин баён қилиб айдиларки, сиз вафот бўлди деган хабарни эшитиб, аном жон баҳаққ таслим қилдилар, деб зор-зор йиғлар эрдилар.

Алқисса, аюларинин тирик кўрганларинин шукронасинин қилиб, алҳамдулиллоҳ, сизин тирик кўрдум, дийдорингизга мушарраф бўлдум, дедилар.

Амир аюларинин қабрида ўлтуруб, қуръон ўқуб, савобинин ато-аюларинин арвоҳига ҳадя қилиб, андин ҳамшираларинин уйларига олиб келиб, Бобо Сангин ва Бобо Осимга айдиларки, ҳар вақтоки, Сакинабону балоғатга етса, бир дунёдор, баланд ҳиммат жавонин олим ва саййидзода бўлса, беринглар, деб андин ҳамширалари бирлаи видоъ қилиб, андан Абулато ва Абулҳасан бирла Қарбало жонибига қараб равона бўлдилар. Акун буларни йўл юрмакда кўюнг, икки калима сўз ўзга жойдан эшитинг.

Ровийлар айтибдурларки, вақтики Ҳез Тоҳирак хушига келиб, қандоғ киши ҳазил ва мутойиба қилиб шундоғ ишларни қилибдур, деди. Сарвсуман ҳам бедор бўлуб кўрдикки, турфа ҳолатга тушубдур. Ҳез

Тоҳиракни касофатилан ажойиб расволиқларни тортибдур.

Алликсеа бул расволиқни келиб Наери Сайёрга айдилар. Хама бул ишдан огоҳ бўлуб, ким қилибдур деб таажжуб қилур эрдилар. Наери Сайёр бул сўзни эшитиб дарғазаб бўлуб, Асад Омирга айдики, сен бориб ул Хезни дасти гарданидин устувор боглаб олиб келди. Асад Омир боглаб олиб келди.

Наери Сайёр ани ўлумга буюрди. Хожа Муҳаммад Тоҳир кўрдик, Тоҳиракни ўлдургани буюрди. Хожа Муҳаммад Тоҳир ани тилаб олдилар. Хожа дилларига андеша қилиб айдиларки, агар Тоҳиракни ҳукми кундан тилаб олмасам, ани ўлдирганидан кейин Наери Сайёр нунаёмон бўлодур. Ул замон фойда қилмойдур, андан сўнг мандан тила қилодурки, эй Хожам, мебоядки, сиз Тоҳиракни ҳукми кундан тилаб олмоқнигиз лозим эрди. Чароки, борхо ҳар нечук гунаҳкарни мандан ўтиниб тилаб олур эртингиз, деб мандан кўнгилахоҳлик қилодур. Мушунг кейин муҳиблардан бандга тушсалар, мадад еткуралмай айдурман, деб Хез Тоҳиракни бу андеша бирла ҳукми кундан сўраб олдилар.

Анда Наери Сайёр:— Рахнагарни тутуб бандга солдим, деб Марвонга нома юбордим, Марвондин рахнагарни бул тарафга юборсун деб агар нома келса, нима деб жавоб берурман, — деб париншон бўлди.

Хожа Муҳаммад Тоҳир айдиларки, Марвонин номасини жавобини ўзум берурман, хотиржам бўлгил, дешлар.

Наери Сайёр бу воқеадан дилжам бўлди. Баъдаху Хожа Муҳаммад Тоҳир Наерин боргоҳидан чиқиб уйларига бордилар. Аммо Малика Шамса Тоҳиракни ҳукумикундан тилаб олгон жиҳатдан Хожага бисёр зару зеварлар юборди. Аммо Наери Сайёр Зарқийга айдики, ул абутуробийни тараддудинда бўлгил. Зарқий ҳаромзода Амрини тараддудларида бўлди.

*Фасли достони Амири Соҳибқирон Қалъаи Сараҳса дохил бўлгонлари, Амири Соҳибқирон Аджон Боҳарзий ва Фармон Боҳорзийни йадургонлари. Фазл ва Фузайл Самарқандийни бандга тушгонлари. Амири диловар аларни банддан халос қилгони.*

Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва муҳаддисони достони бўстони суҳан андоғ хабар берибдурларки, вақтки, Амири соҳибқирон Абулато ва Абулҳасан бирла Қарбалога борур эрдилар. Амир айди-

ларки, аввал қайси шаҳарга етармиз? Абулато:— Аввал Сарахса кирармиз,— дедилар.

Буларни мунда қўюнг, икки калима сўз ўзга жойдан эшиттиг. Ровий айтибдурки, Самарқанд шаҳрида икки бародар бор эрдилар. Алар аксар хаворижларни ўлдирур эрдилар, аларни оти ва Фазл ва Фузайл Аммола дер эрдилар. Алар эшиттиларки, ҳукамолар хабар берган соҳибхуруж Марвшоҳижаҳондан хуруж қилибдурлар, отлари Абдурахмон ва кунягларни Абу Муслим эрмиш деб эшитиб, булар Амирни хидматларига равон бўлдилар. Йўлда Маликаи Мажлис Афрузни кўрдилар. Малика айдикки, Амир бандга тушган эканлар, маи бузрукворларни амирлари бирла бериб банддан халос қилдим. Амирни Хожа Хўрдакни уйларидан тонарсизлар, деб хабар берди. Булар Мажлис Афруз билан видоълашиб, равон бўлдилар. Манзил мароҳиларни тай қилиб, неча кундан кейин Марвшоҳижаҳонга дохил бўлдилар. Хожа Хўрдакни уйига бордилар. Келиб дарвозани ҳалқасини уруб эрдилар, Хожа Хўрдак чиқтилар. Кўрдиларки, икки жавони хушрўй либосҳои гуноғи кийган, ҳар иккиси Хожага сазом қилдилар ва бир-бирлари бирла мулоқот қилдилар. Хожа сўрдилар: Қайдин келодурсилар?

Алар айдилар: Биз икки бародар Самарқандни келодурмиз. Хожа Хўрдак уйлари шуаму?

Хўрдак айдилар:— Шуадур, маи Хожа Хўрдакдурмаи,— дедилар.— Сизларни нимларнигиз нимадур?

Алар айдилар:— Отимиз Фазл ва Фузайл, Самарқанддан ва арбобзодалардиндурмиз, аммо муҳибби хонадондурмиз. Бизларни нимиз шабгардлик қилиб хаворижларни ўлдурмак эрди. Бизлар эшитдикки, ҳукамолар хабар берган соҳиб хуруж Марвшоҳижаҳондан чиқибдур. Алар бирла мулоқот қилмоқга мунда келдук. Йўлда Мажлис Афрузни кўрдук. Малика соҳиб хуружни Хожа Хўрдакни уйларидин тонарсизлар, деб эрди. Амирни дийдорларига муштоқдурмиз,— деб ўзларини баён қилдилар.

Хожа бу сўзини эшитиб, оҳе тортиб айдиларки, ҳоло икки кун бўлдики, Амир Абулато ва Абулҳасан бирла Дашти Карбалони зиёратига кеттилар. Бизлар мишг етти юз эллик беи хонадондурмиз. Сизлар ҳам бизларга ҳамроҳ бўлуи, деди.

Алар айдилар:— Бизлар Амирни орқаларидин борурмиз. Қайси шаҳарда тонсак, мулоқот қилиб, дий-



дерларига мушарраф бўлурмиз. Амир мунда келгу-  
чи тоқатимиз йўқдур,— дедилар.

Хожа Хўрдак:— Андог бўлса, андак сабр қилин-  
лар,— деб уйларига кириб, бир ҳамён зару, бир доста  
вой олиб чиқиб бердилар. Ул икки бародар ноини ол-  
дилар, зарин олмодиларки, бизлар таваккални худо-  
га қилгонмиз. Ул раззоқи олам бизларни ризқимиз-  
ни еткуродур, деб айдиларки, назм:

Набонад тушан зеби камар дарёб ҳимматро,  
Ингин вобаст ноин соникон санги қаноатро.

Бу сўзин айтиб ул икки пок эътиқод хожа бирла ви-  
доъ қилиб равон бўлдилар.

Хожа айдиларки, Амирни кўрсанглар, маин баи-  
далитимни етқуриб айтнингларки, ҳар шаҳарга ва ҳар  
диёрга етсалар, ўз аҳволларини хат қилиб берсунлар,  
токи бизларга сабаби хотиржамлик бўлғай, ўзларига  
ҳам айтиб эрдук, хотирларидин чиқормасунлар.

Алқисса, ул икки жавонмард Хўрдак бирлаи ви-  
доъ қилиб, Амирни орқаларидин равон бўлдилар.  
Буларни бормакда қўюб, икки калима сўз Амири  
соҳибқирондан эшиттинг.

Ровий айтибдурки, Амири соҳибқирон уч кун йўл  
юруб, бир шаҳарни каворасига етдилар. Амир бу ие-  
чук шаҳар деб сўрдилар. Абулато айдилар:— Бул  
шаҳарда икки муҳибби хонадон бордурлар. Бирини  
отини Хожа Али Комрон, яна бирини Хожа Жунайд  
Комрон дейдурлар. Ҳар вақт бизлар бу шаҳарга кел-  
сак, аларни уйларинда турор эрдук,— дедилар.

Намозином вақти эрдик, бир кўприкни устига кел-  
дилар. Абулато бу йўлдин ўтойлук дедилар. Амир  
кўрдиларки, бир хавориж жамъи хаворижлар бирла  
ул кўприкни устида ўлтирибдур. Бул кўприкни Пули  
Шиннагаронин Сарахе дер эрдилар.

Алқисса, ул хаворижни отини Аджон Бохорзий  
дер эрдилар. Аин Фармон Бохарзий ном бир бародари  
бор эрди, аммо Аджон жавонбоз эрди, ҳар қойда  
хушрўй жавон бўлса, келтуруб мажлис қилур эрди.  
Амир ул кўприкдин ўтуб борур эрдилар, Аджон му-  
лозимларига:— Бу кун жавон келтурмодуинларму,—  
деди. Мулозимлари бугун жавон тобмадук. Бу гуф-  
туғда эрдилар, боёкбор Аджонни назари Амирга  
тушти. Кўрдик, бир хушрўй йингит ўтуб бородур.  
Амирни шароб юмакка таклиф қилди. Амири та-

барлари зери бағалларида эрди. Амир табар бирла ани бағалига чунон урдиларки, бир қўли боши бирла кесилиб, сувға тушуб кетти, жони дўзахқа кетти.

Хаворижлар бул воқеани кўруб, Амири бошлариға хез қилди. Амир Абулато ва Абулҳасан бирла буларни ҳамасини ўлдируб, «манам Абу Муслими Марвазий бу ишни ман қилгондурман», деб ўтуб кетдилар. Аммо Абулатонни кўзларини қон элтиб Хожа Али билан Хожа Жунайдини ўйларини тополмодилар. Охир бир боғчаға кириб истироҳат қилдилар.

Алқисса, ровий айтибдурки, Фармон Бохарзий бир гулзорни саҳнида ўлтуруб эрди. Бу оби равон сув ани ичидан ўтар эрди. Баногоҳ кўрдикки, сувни ичида бир бош қўл бирла пайдо бўлди. Ани олиб кўрдикки, ўзини бародаридур, ҳуши бошидан учти. Охир туруб ул куфрук узра келди, ул хатни кўрдикки, бу ишларни Абу Муслим қилибдур. Бу воқеаларни келиб, Молик Антарға айди. Молик Антар анго ўн минг лашкар қўшуб айдики, ул араббаччани топинглар деб. Сағно ном айёри аларға ҳамроҳ қилиб берди.

Ул ўн минг лашкари Сағно бирла шаҳарни тошқори ва ичкарисини истаб тобмадилар. Сағно шаҳарни тошқарисига чиқти. Кўрдикки, икки йнгит пайдо бўлди. Мулозимлар аларни тутуб дасту гарданидак боғлаб равон бўлдилар. Булар Фазл ва Фузайл Аммор эрдилар. Алар айдики, бу шаҳарни расми мусофирни мундоғ қилур экон.

Анда мулозимлар айдиларки, сизлар ул рахнагар бирла ҳамроҳ эрдингизларму? Алар анинг бирла ҳамроҳ эмас эрдук, деб қасамёд қилдилар. Булар қуюб юборган вақтда Сағпойн ҳаромзода буларни дину мазҳабларини сўради. Булар ростлик бирла жавоб айдиларки, бизлар муҳибби хонадондиндурмиз, алҳамдулиллоҳ, мусулмонзодадурмиз. Буларни боғлаб Молики Антарни олдиға олиб келдилар.

Молики Антар:— Буларни дорға тортинглар,— деб буюрди.

Ровий айтурки, Амир ул боғдин чиқтилар. Кўрдиларки, халойиқлар югурушиб келодурлар. Абулато аларни бирини нима воқеа, деб сўрди. Ул жавоб бермоди. Амир бир мушт урдилар, ўлди. Яна бир одамни тутуб сўрдилар. Ул айдики, эй жавон, икки йнгит ул рахнагар бирла ҳамроҳ экан, ани тутуб олиб тирборон қилодурлар, бизлар ани тамошосига бородурмиз, деди.

Алқисса, Амир ҳам алар бирла келиб кўрдиларки, икки йигитни боғлаб олиб келдилар. Амир бул икки жавонмардлар кимлар экан, деб ҳайрон бўлдилар. Ул вақт ул икки йигит фарёд қилиб айдилар:— Эй халойиқлар, бизлар Самарқанд вилоятидандурмиз, ул соҳиби хуружни дийдорини кўрмакка келиб эрдук. Ҳэй дариг, аларни дийдорини кўрмодук,— деб афсус ва надоматлар қилдилар.

Амир алардин бу сўзни эшитиб, дарғазаб бўлуб, бир хез қилиб Фармон Бохарзийни ўлдуруб, бул икки йигитни халос қилдилар. Аммо Молики Антар бир баланд иморатин устида ўлтуруб эрди, фарёд қилдики, эй чокарони яшид, бу рахнагарларини уринглар, деди. Хаворижлар дарафтод бўлиди. Амир соҳибқирон хаворижлар бирла то помози ҳуфтонгача жанг қилиб кўнгиладан пушта қилдилар. Ул вақт Хожа Комрон келиб Амир бирлаи ёронларини уйига олиб кеттилар. Анда Фазл ва Фузайлни Амир фаромуш қилдилар. Амир Хожани уйларида башорат тониб, аларни олиб келмоққа равон бўлдилар. Хожа бирлаи Абулато «берманг», деб манъ қилдилар. Амир қабул қилмоди, чиқиб кеттилар.

Ровий айтибдурки, Амир бир сартарошини дўконига келиб турдилар. Баногоҳ кўрдиларки, ул икки йигит ўтуб бородурлар, бир-бирлариға айтодурларки, ул соҳиби хуружни бепарволикдин ўзга айби йўқ экан, на учунки, бизлардан хабардор бўлмай кетиб қолди ва ул ҳолда икки киши пайдо бўлиди. Амир ул икки кишини ўлдурдилар ва яна айдилар, эй жавонмардлар, мени айбим қайсидурки, сизлар баланд-баланд сўзлаб келодурсизлар. Мен оқ итни ўлдурдум, кўрдумки Сағной айёр экан, дедилар.

Алқисса, Амир ул икки йигитни олиб келиб, Хожа Жунайдини уйида қарор олдилар. Баъдаху Хожалар Хожа Музаффар ва Хожа Жаъфар ва Хожа Аҳмад ва Хожа Умар ва Хожа Бакр Сарахенӣ — бу Хожалар келиб, Амирга мулозимат қилдилар. Андан Фазл ва Фузайл айдилар:— Хожа Хўрдак айтиб эрдиларки, Амир ҳар жойга борсалар, бизларга нома юборсулар, теки аларин номаларини кўруб, хогиржамъ бўлурмиз деб эрдилар,— дедилар.

Амир:— Андоғ бўлса, нома юборайлук,— дедилар.

Хожа Али айдиларки, нома битинг, Хожа Жунайдини юборурмиз, дедилар. Амир нома битиб, Хожа Жунайдини кўлига бериб айдиларки, эй Хожа, ҳар вақт

Хожа Хурдакка номани еткурсаңгиз, мусоҳафа қилурда бош бармоқни босиб қўйниг, ўзи фаҳм қилур деб таълим бериб, Хожани равон қилдилар. Бу сўз мунда турсуи, икки калима сўз ўзга жойдин эшитниг.

Ровийни ахбор ва ноқилони осор шундоғ хабар берибдурларки, Хожа Жунайд субҳидам вақтида чиқиб эрди. Ул кун юруб ярим кеча бўлиб эрдик, Хожани уйқу элтти. Субҳидам вақтида бедор бўлуб кўрдиларки, Марвишоҳижаҳонга етибдурлар, лекин Амр таълим берган мулоқотни фаромуш қилдилар.

Хожа кўрдиларки, бир тегирмончи алқоби чорёрларни ўқуйдур, ани оти Бобо Шарихи Оснёнбон эрди. Хожа келиб Бобо Шарихни кўруб, воқеан ҳолини билиб қилдилар. Бобо Шарих икки қопни кумга тўлагани, тевага юклаб Хожага ўзга ғайри либосларини кийтурмо, Хожа Хурдакни уйларига равона қилдилар.

Алқисса, ровий айтибурки, Зарқийни ҳаромзода воқеани мунтаз бўлиб эрдики, Амрнинг тараддуларида юруб эрди. Анда Хожа дарвози Марвишоҳижаҳондин кичик равои бўлибтар. Бизабор Зарқийни назари Хожага тушти, кўчилиб аниши, шул шутурсувор раҳналарки олтиги келмаган бўлса, ман ҳаргиз Зарқий бўлмоини, дарвози мунг урсун, деб қасимёд қилди.

Алқисса, молароҳато ҳаромзода Зарқий Хожани орқасини оҳиста оҳиста равон бўлди. Хожа Жунайд Хурдакни дўқонларига келиб айдик, эй усто, икки қоп ун олиб кел деб буюруб эрдигиз, олиб келдим, деди. Хожа Хурдак:— Ман ҳеч кимга ун деганим йўқ, ғалат қилибсиз,— дедилар.

Иккилари бу сўзини мунозара қилдилар. Баъдаҳу Хурдак фаҳмлаб айдиларки, дарвоқе, эмди хотиримга тушти, дедилар. Хожа Жунайдни тевалари бирла ўз кўчаларини оғзиға олиб келдилар. Андин теваини уйға олиб келдилар. Алқисса, ровийлар айтибдурларки, ҳама муҳибби хонадонлар жамъ бўлдилар. Зарқийни ҳаромзода том узра чиқиб, равзандан буларға назар қилиб ўлтурди. Муҳибблар Амрнинг номаларини ўқудилар. Ҳамалари айдиларки, бу кеча нома битиб субҳидам вақтида равон қилайлук, қайси мақомда бўлсалар, номани еткурсулар.

Анда Зарқийни ҳаромзода келиб бу воқеани Наерга айти:— Наер Кулаиг иби Зарорани ўн минг киши бирла Хурдакни уйларига юборди. Айти:— Бориб ул абутуробийларга омон бермой, ҳамасини дастгардагини боғлаб келсин,— деб фармон қилди. Зарқий Ку-

ланг иби Зарорани ўн минг киши бирла бошлаб равон бўлди.

Алқисса, Куланг иби Зарора келиб Хўрдакни уйлариини атрофини қуршаб тушти. Саъд Қалмо буларни келгонидин огоҳ бўлуб кириб, бу воқеани муҳиббларга айтти. Муҳибблар айдиларки, акнун ҳамамиз чиқиб жанг қилайлук, деб машварат қилдилар. Хожа Абу Али Харрот:— Аслаҳа бўлса, яхши эрди, аслаҳасиз исчук жанг қилурмиз,— деди. Хожа Хўрдак:— Аслаҳа тайёр,— деб ганжинадин аслаҳаларини олиб чиқтилар. Хама муҳибблар кийдилар. Андин чиқиб бир кеча ва кундуз жангга дарафтод бўлдилар. Хавориж-ни куштадин нушталар қилдилар, аммо хаворижлар хужум қилиб, муҳиббларини ўртага олдилар. Охируламр, хама муҳибблар дарқайди банд туштилар. Аммо Девона Исҳоқ ялғуз икки кеча-кундуз жанг қилдилар. Ногоҳ дарайини жанг оёғи бир ўлукни гириборига печида бўлуб, юзи бирлаи ерга йиқилди. Ул вақт Девона Исҳоқ ўзини ростлаб тургунча Антар ном паҳлавон чўпдаст бирла уруб эрди, бадаллари русту карахт бўлуб йиқилди. Хаворижлар галаба қилиб Девонани ҳам дарқайди банд торгтилар. . . .

Алқисса, минг етти юз муҳибби хонадонларини дарқайди банд қилиб, Насри Сайёрни боргоҳига олиб келдилар. Насри Сайёр дарғазаб бўлуб, жаллодларга буюрдикки, бул абутуробийларини олиб чиқиб, сарбозарда бошларини кесилки, то ўзгаларга ибрат бўлган, деб ҳамасини ҳукми кушга буюрди.

Анда Хожа Муҳаммад Тоҳирни бошларига гўё осмон йиқилди. Ул вақт айдиларки, эй амири Хуросон, агар савоб топай десанг, бул абутуробийларини бандда сақлағил. Ашур ойини даҳасида буларини олиб чиқиб тирбарон қилғилки, савоби азим топарсан. Чароки, сани бобонг Имом Хусайинни ёронлари бирла ашур ойини ўнида бошларини таналаридин жудо қилиб шаҳид қилғондур ва яна Хўрдак ибни Хўбкор Марвонни хосакор устоларидиндур. Аннинг учун ҳам Марвонга нома юборгил, Марвон ина ҳукм қилодур, анго боқиб амал қилғил, деб маъқул қилдилар.

Насри Сайёрга Хожани сўзлари маъқул бўлуб, Хожага ўн минг танга инъом қилди. Алқисса, Марвонга бу воқеаларини ёзиб, нома юборди. Андан муҳиббларини зиндонга солиб банд қилди. Илёс зиндонбонга абутуробийларини, хўб эҳтиёт қил, деб буюрди. Баъдаху Насри Сайёр муҳиббларини уйларига, дарво-

залариға хок тўда қилиб ташланг деб буюрди. Андоғ қилдилар. Баъдаху модарбархото Наер Амир бирла Абулато ва Абулҳасан суратларини тортиб Ироқ шаҳарларниға юборди. Шу суратда одам борса, тутунг, банд қилинг деб. Акиун икки калима сўз ўзга жойдан эшитмак керак.

Вақтики, Хожа Али тевалари хаворижларини ар-сидан чиқиб, учинчи кун дарвозан Сарахедан кириб бориб, Хожа Алини уйларига борди. Аммо Гунда ва Кунда Асас бу икки ҳаромзода теваини орқасидан Хожани эшикларига келди. Аммо тева шутурхонга кириб ором олди. Бир соатдан кейин Хожа чиқиб теваини кўрдилар, андан дарвозага чиқиб кўрдиларки, икки ҳаромзода турубдур. Ул икки ҳаромзода:— Рахнагар сизни уйингизда эрминч,— деди. Хожа бу икки ҳаромзодани яхши сўз бирла уйига олиб кириб, бошини кестилар.

Алқисса, ровий айтибдурки, Хожа Али теваини Марвшоҳижаҳондин келгонини Амирга айтмай, теваини бир жойда пинҳон қилдилар. Аммо Амири соҳибқирон бир кеча Ҳазрати Шоҳимардондан назар тебтилар. Хожага айдилар:— Эй Хожа, ман воқеада Ҳазрати Шоҳимардонини кўрдум, ҳамайн дўсту ёру муҳиббларини Наери Сайёр бандга солибдур. Нишоолма таолоки, мен зиёрати дашти Қарбалодан ёниб келиб, муҳиббларини банддин нажот қилурман,— деб. Хожа Али бирла видоъ қилиб, йўлга равона бўлдилар.

Ровий айтибдурки, Амир Нишопурга яқин етиб эрдиларки, Ҳирот йўлидан Биби Ситаи Такалбоз чиқиб, Амирга мулоқот қилдилар. Бир ҳамён зар, бир даста пои Амирини олдиларига қўйдилар. Амир ноини олдилар, зарни олмодилар. Биби Сита:— На учун зарни олмонингиз,— деди. Амир:— Манго зар даркор эмас,— деб, аммо дилларида хотундан зар олмоқ дуруст эмас, деб хоҳини қилмодилар. Биби Сита бисёр муроотлар қилдилар, охир видоъ қилиб, Ҳиротга кетдилар.

*Фасли огози достони Амири соҳибқирон вилояти Нишопурга дохил бўлгонлари, Амир ўз толеъларини қуръада кўргонлари ва табарларини Хожа Моҳон Муштаризарни уйига қўйгонлари.*

Ровийлар шундоғ ривоят қилибдурларки, Амири соҳибқирон нечанд кундан кейин Нишопур вилоятига дохил бўлдилар. Амир:— Нишопурни ҳокими ким-

дур,— деб сўрадилар. Абулато:— Талҳа ҳокимдур,— дедилар.

Алқисса, намози аср вақтида Хожа Муҳаммад Муштаризарни эшикларига келиб, ҳалқан дарвозани урдилар. Бир гулом чиқиб кўрдик, уч жавонмарди сибҳуни келиб турубдурлар. Кириб Хожага хабар берди. Хожа чиқиб Амрини қадамларига йиқилдилар, уйларига олиб кириб, истифсори аҳвол қилдилар, иззату икромлар бирла зиёфатлар қилдилар. Ул кеча Амир ётиб эҳтилом бўдилар, саҳар туруб, ҳаммомга бердилар.

Хожа Амрини ҳаммом боргонини фаҳмлаб, гуломларини яхши сарупо бирла бир ҳамён зар юбордилар. Амир ҳаммомдан чиқиб ул тоза либосларни кийиб, ўз либосларини ҳаммомчига бердилар. Абулатонин либосларини ходимларига бердилар. Абулҳасанин либосини футадорга бердилар. Амрини ҳаммомдан чиқиб юрдилар. Ногоҳ Амрини кўзлари раммолларга тушти. Кўрдиларки, бир хожа ўлтурубдур. Амир келиб салом қилдилар, айдилар:— Эй Хожа, манн толеъимни қуръада кўрунг,— деб бир ҳамён зар бердилар.

Хожа:— Бул ҳамён зар камдур,— деди.

Амир:— Бонимдаги дастори заррини ҳам сизга бердим,— дедилар.

Ул Хожа:— Дастор заррин ҳам камлик қилодур,— деди.

Амир айдилар:— Бу ханжари мурассаъни баҳосини минг тангадур. Муни ҳам сизга бердим.

Хожа аиди:— Эй жавон, масхара қилодурсизму, ҳар ким ўзига лойиқ иш қилмоқ керак. Сиз ҳам ўзингизга муносиб иш қилинг,— деди.

Амрини хотирларига еттки, ман шунча нимарса бердим, ул ҳануз оз деб гуфтуғу қилодур,— деб айдиларки, эй Хожа, бул баданимдаги либосимни ҳам сизга бердим, ман амонат уйга кийиб бориб, андан гуломлардан сизга юборай, дедилар.

Хожа, бул ҳам оздур, деди. Амир айдилар:— Эй Хожа, яна бир ҳамён зар ҳам юборай.

Хожа ҳануз кам деб қабул қилмади. Амир ани бу гуфторларидан бедумоғ бўлуб хоҳладиларки, туруб кетсалар. Ул вақт Хожа табассум қилиб айдиларки, эй жони падар, на учун бедумоғ бўлодурсиз, ман сиздан нимарса талаб қилурман, ани манго беринг,— деди.

Амир:— Мунда бор нимарса бўлса, талаб қил-  
гил,— дедилар.

Хожа айди:— Эй жони падар, ул нимарса сизда  
пайдо бўлодур.

Амир айдилар:— Сўзунгиздан маълум бўлодурки,  
сиз талаб қилгон нимарса алҳол мани бисотимда йўқ.

Хожа айди:— Оре, алҳол йўқтур, лекин оз фур-  
сатда сизни бисотингизда пайдо бўлодур.

Амир айдилар:— Эй Хожа, агар мани бисотимда  
пайдо бўлса, талаб қилинг, ул нимарсани сизга бе-  
рай,— деди.

Хожа айдилар:— Эй шаҳриёр, шул Нишопур шаҳ-  
рини манго беринг.

Амир айдилар:— Қандоғ қилиб кишини шаҳрини  
сизга беродурман?

Хожа айди:— Эй фарзанди соҳибхуружи ҳафтоду-  
дуввум, сиз бот фурсатда бу шаҳарларни мусаххар  
қилурсиз.

Амир айдилар:— Эй Хожа, сиз на учун мундоғ дер-  
сизки, ман соҳибхуруж эмасман.

Хожа айди:— Эй фарзанд, ўзунгизни мандан ни-  
ҳон тутмангки, мен ҳам чокари Шохимардондурман.  
Тонгла соҳибхуруж сани олдингга келодур,— деб  
башират тобқандурман, сизга ниҳон эрдим. Худойи  
таоло сизни манго еткурди,— деб бу тариқа иборати  
рангин ва калимоти ширинлар бирла Амирга сўзла-  
дилар.

Амир айдиларки, эй Хожа, оре, манам соҳибхуру-  
жи ҳафтоду дуввумдурман. Акпун айтингки, ҳоли аҳ-  
волим печук кўринодур?

Хожа айдилар:— Эй шаҳриёр, агар рост айтсам,  
бонси паршонлидур. Агар ниҳон қилиб айтмасам,  
хотирингиз озурда бўлодур.

Амир:— Ҳар печук бўлса ҳам рост айтинг, ниҳон  
қилмонг,— дедилар.

Хожа айдики, ҳоло қалъан Нишопурни бердингиз-  
му?

Амир табассум бирла:— Нишопурни бердим,—  
дедилар.

Хожа дарҳол Амирга таъзим қилдилар. Андан ай-  
дилар:

— Эй шаҳриёр, бу сафарингиз ажаб сафардурки;  
толеъингиз заиф кўринодур. Агар бир киши бул са-  
фарда сизга бетакриб мушт урса, боядки, сиз анго  
қайтиб боқмағайсизки, қазойи муаллақдур.



Амир бу сўзларни эшитиб, паришон бўлуб, дилларида айдиларки, кошки бул ерга келмагай эрдим, ўлумни хабарини эшитмак ўлумдин бадтардур. Ғамлини бўлдилар, баъдаҳу айдилар:— Эй Хожа, қуръа солиб кўрунгки, тоълеим зафъидан қачон чиқадур?

Хожа яна қуръа солиб кўруб айдилар:— Эй жони надар, ҳар вақтоки хони мурасаъда таом есангиз, фўлод соясида ўлтурсонгиз, ул вақт толеъ зафъидан чиқорсиз.

Алқисса, Амир ул Хожа Фузайлни олдидан қўруб Хожа Муҳаммад Моҳонзарини уйларига келдилар. Хожа Моҳон Амрини ўтқузуб, олдиларига таом қўйдилар. Амир таом едилар. Андин Амир айдилар:— Эй Хожа, сизлар бирла видоъ қилиб Қарбало зиёратига кетормиз, — деди.

Хожа айдилар:— Эй шаҳриёр, табарни уйга қўюб боринг, — деб илтимос қилдилар.

Амир:— На учун табарни қўярман?

Хожа айдилар:— Эй шаҳриёр, ман қуръа солиб кўрдумки, толеънингиз занф деб қуръада чиқти.

Амир айдилар:— Бу толеъни занфдин қачон чиқолурман?

Хожа айдилар:— Ҳар вақтоки, хони мурасаъда таом есангиз ва фўлодин соясида ором олсангиз, толеъ зафъидин чиқордурсиз.

Амир кўрдиларки, Хожа Фузайл айтгон сўзини бу жинни ҳам ул тариқа деди. Амир айдилар:— Эй Хожа, мундан ўзга ҳарбу яроғим йўқдур. Табарни мунда нечук қўёрман?

Хожа Моҳон айдилар:— Эй фарзанд, агар бу сафарда табарни олиб борсангиз, сирингиз бу табардан фоида бўлодур. Ман сизга мундин ўзга ҳарб топиб берурман, — дедилар.

Алқисса, Амир табарни Хожага бердилар. Хожа уйларидан бир ҳарбан дигарини чиқориб бердиларки, Амрини табарларидан кам эрмос эрди. Ани вазни ўн саккиз ботмон эрди:— ўн ботмон тиллон ва беш ботмон жавоҳирини ва уч ботмон тигин бор эрди.

Амир айдилар:— Эй Хожа, бу ханжари жавоҳир сизга қайдан тушуб эрди?

Хожа айдилар:— Атомдан мерос қолгондур, матрукаларни тақсим қилгонда манго тушгондур, аммо ханжарини Сиёвуш валини замонларида қилдуруб эконлар. Ул вақтин ҳукамолари сиздин хабар бериб айтибдурларки, бир соҳибни хуруж вужудга келиб,

Марвонийларни тухмини ул соҳибқирон йўқ қилодур. Сиёвуш вали бу сўзни эшитиб айтибдурларки, мандан бир ҳарба нишон қолсун. Ул соҳиб хуружга ул ҳарбани жанг кунларида корга келтурса, токи ман ҳам фардойи қиёмат даъво қилсам, ё расулиллоҳ, мен ҳам ул соҳиб хуружга ёрмандлик қилиб эрдим, манго ҳам шафоат қилинг, дерман, деб бу ханжарни қилдургондурлар:— Эй шаҳриёр, бу ханжар Сиёвуш валидан қолгондур.

Амир вақтики Хожа Моҳондан бу сўзни эшитиб, хушвақт бўлдилар, андин ханжарни олиб Хожа бирла видоъ қилиб, Исфаҳон тарафига равон бўлдилар.

*Фасли достони Амири соҳибқирон қалъаи Исфаҳонга дохил бўлгонлари, Фазл бирла Фузайлни шахид бўлгонлари, Амири соҳибқирон андин қалъаи Басрага борганлари ва амакилари Саййид Имрон бирла топшиқонлари, назм:*

Бўлак дostonга чекиб хома,  
Сухансоз ўлай турфа ҳангома.  
Баён айлайин қиссан шоҳижаҳон,  
Ки яъни Абу Муслими соҳибқирон.  
Ўшал кун қилиб Карбалого сафар,  
Шаҳардан шаҳарга юруб бозафар.  
Нисда қилиб жангни доимо,  
Ани ёри эрди ҳамиша худо.  
Чу алқисса улқун Амири далир,  
Дуо айлаб тушти йўлга нара шир.  
Мададкори эрди ани мустафо,  
Ҳасан бирла Ҳусайн, Али муртаво.

Аmmo ровиёни ахбор ва ноқилони осор чунин ривоят қилибдурларки, вақтики Амир соҳибқирон Хожа Моҳон бирла дуо қилиб, манзилу мароҳилларни тай қилиб, неча кундан кейин бир қалъага етдилар. Айдиларки, эй Абулато, бу печук қалъадур, бу қалъани оти нимадур, дедилар.

Абулато айдн:— Эй шаҳриёр, бу қалъани қалъаи Исфаҳон дейдурлар,— дедн.

Амир бу сўзни эшитиб, қатра-қатра ашкларин кўз чашмасидин равон қилдилар, оҳи сард аз дили нурдард тортдилар, айдилар:— Ман бу шаҳарга кир-мойдурман,— деди.

Абулато айдилар:— Эй шаҳриёр, нима бўлдики, мунча паринон бўлурсиз?

Айдилар:— Эй Абулато, бу шаҳарда Ҳажжожии залим атомни ўлдурди ва аномни кўзларига нил тортиб, ман бирла аномни шаҳардан бадарға қилди. Бул шаҳарга нечук киродурман,— деб гирялар оғоз қилдилар.

Абулато айдилар:— Эй шахриёр, худойи таолони тақдири шундоғ экан. Агар бул шаҳарға кирмосангиз, ичи мушкул бўлодур. Бул дарвозадни кириб ул дарвозадан чиқиб кетодурмиз.

Амир айдилар:— Бас, мунда бўлса, сизлар иковлов бир дарвозадан киришлар, мен ялғуз шул дарвозадан кирай. Чароки, бизларни суратимизни шул шаҳарни дарвозасига тортиб нақш қилиб қўюбдур. Мабодоки, бизлардан хаворижлар хабардор бўлмосун. Бас, Абулато айдилар:— Эй шахриёр, бир-биримизни маежиди чорсуин шакарфурушонда топайлук,— деб бир-бирларидан жудо бўлдилар.

Алқисса, бу маслаҳатни қилиб намозшом вақтида дарвозадни киргани қадам қўюб эрдилар, гўёки бир киши ташти оташни пур қилиб, бошларига қўйгондек бўлди. Амирни баданлари қизиб, гўёки ўтти тагида кўмулгондек бўлди. Амирни баданларига чунон таб пайдо бўлдики; машаққати тамом бирла ўзларини сақлаб борур эрдилар. Нечанд хаворижлар Амирни суратларини тортиб дарвозада посбошлик қилур эрдилар. Кўрдиларки, бу жавони шахло чашму пайвастибрў, китфбозу яклашти шертаркиб дарвозадан кириб ўтуб бородур. Дарҳол нечанд посбошлар «соҳибқирон шулдур», деб, Амирни ўтгани қўймай дарафтод бўлдилар. Аммо баъзиси «соҳибқирон бул эмас; чун нишонан соҳибқирони йўқдур ва табари ва икки ҳамроҳлари йўқ», деб манъ қилдилар. Амირи Хуросон бу суратни андоғ тортиб юборибдурки, Абулато сурати ўнг қўлда ва Абулҳасан чап қўлда ва табари белида, деб нишоналар қилиб суратини тортиб юборибдур. Бул нишоналар бул жавонда йўқдур, деб Амирни кўёбердилар.

Алқисса, ул ерди ўтуб заъфлари дахи зиёда бўлди, яқин эрдикки, ҳар қадам йиқилғудек бўлуб, ҳазор машаққатлар бирла ўзларини ул масжид дарвозасига еткурдилар. Шул вақт ҳамроҳлари етиб келдилар. Кўрдиларки, халойиқ намози хуфтондадурлар.

Амир ҳам келиб намози хуфтонга турдилар. Чун намоздан фориғ бўлуб, масжидни кунжигга бориб йиқилдилар. Ул биродарлари Амирни атрофида ўл-

туруб, Амирни ҳолларига зор-зор йиғлар эрдилар. Амир кўзларини очиб айдиларки, эй биродарлар, кўп бестоқатлик қилмонглар, худойи таолони хоҳиши шундоғ экон, деб буларга тасалли хотир берур эрдилар.

Алқисса, ровий айтибдурки, чун рўзи равшан бўлди, Амири касаллари зиёда бўлди, намози бондодни ўлтуруб ўқудилар. Ул кун ҳам ўтти, иккинчи кунни Амири касаллари дахи зиёда бўлди. Беш вақт ўлтуруб ўқудилар. Учинчи кунни касаллари ҳар кунидини зиёда бўлди. Абулато ва Абулҳасан, Фазл ва Фузайл йиглаб айтур эрдиларки, эй бор худоё худовандо, Амир мусофирликда шундоғ заъфга мубтало бўлдилар, деб йиғлашур эрдилар. Бешинчи кунни Амир айдилар:— Эй Абулато, ман касал ётиб, сизлар ман сабабдан мунда гурусна ётмогинглар яхши эместур, тарбияти бадан фарздур. На учун таом олиб келиб емойсизлар?

Абулато айдилар:— Қойси хотиржамлик, таом ермиз?

Амир айдилар:— Мани кўнглум сизларни таом емокингиз хоҳлайдур, гурусна бўлсангизлар, паршион бўлодурман.

Оқибат Абулато воилож бўлуб айдилар:— Эй Фазл, бориб бозордин таом олиб келгил,— дедилар.

Фазл воилож бозор бошига келди, хоҳладикки вои ола. Кўрдикки, бир воифуруш бир қитъа қогозни сийнасига ёнуштуруб, ул қогозга черсрин отларини бамаротиб битибдур. Халойиқлар андин вои олодурлар. Фазл келиб айдикки, эй биродар, баъзати ул отларики, бамаротиб битиб, сийнанига вусха қилибдурсан, ноини хўб бергил, деб таганини уни қўлига бердилар.

Ул айдикки, бу ноини қайда олиб бородурсан?

Фазл айдикки:— Печанд ёронлар бир жойда ўлтурубдурлар, анда олиб бородурман.

Воифуруш:— Сан чоқари Шоҳимардонмусан?— деди.

Фазл айдикки:— Оре.

Воифуруш фарёд қилиб айдикки, эй халойиқлар, билинглариен, мани қўлумга абутуробийлардин тушигон йўқ эрди. Букуш бу абутуробий мани қўлумга тушти, сизлар гувоҳ бўллуиғлар. Бу абутуробийни ўлдуруб савоб тонай, деб вои кесодургон вичоқини Фазлин бошига солди.

Фазл ани банди дастидан ушлаб айдики, сап абу-  
туробийга душманмусан? Нонфуруни айди, фард:

Тиге бибояд заданаш дар жигар,  
Онки забонаш дигару диг дигар.

деб ханжар бирла ани сийнаенга чунон урдикки, ул  
бедбахтин орқасидан паррон ўтти. Мардуми бозор  
бу ҳолин кўруб, Фазлни бошига қуюлдилар, аммо бул  
воқеа эрдикки, бул нонфуруни марвоши эрди. Бу доми  
тазвирни барпо қилиб, аксар муҳибблар ани домига  
тушор эрдилар. Аларни ўлдирур эрди. Бу жиҳатдан  
Марвоши хардан вазифа олур эрди, Устодлар шундоғ  
дебдурлар, лекин буажой маҳали таваққуфдур,  
зероки, бу сўздан маълум бўлодурки, Фазлни ақли  
ани домн тазвирга етмагон бўлса, бовужуди онки  
Фазлни ақли ани макрига етти демак авлодур. На  
учунки, ҳамайи олам ул замонда марвошидур, ҳуку-  
мат хаворижлардадур. Бовужуд ул хавориж бўлмаса,  
хаворижларни аросида ўлмай тирик юрмаклиги  
таажжубдур, боядки Фазл ани макридан остоҳ бўлса-  
лар. Лекин фақир сўзни суханинавларга шундоғ  
маъқул қилурманки, Фазл мард оқил эрди, аммо ани  
кўзи ул қоғазга тушуб, ани ул доми тазвирни билди,  
лекин чорёрларни муҳаббатлари голиб бўлуб, бу та-  
риқа ишларни қилди. Аларни домига тушти дедилар.

Алқисса, ровий айтибдурки, мардуми бозор Фазлни  
бошига қуюлуб эрдилар. Фазл алар бирла дарафтод  
бўлуб жангга кирдилар. Аммо Абулато кўрдикки, Фазл  
келмоди. Анда Фузайлга боқиб айдики, эй Фузайл;  
нима сабаб бўлдикки, бародарнинг тоъхир қилдикки, ба-  
родарингдин бориб хабар олгил.

Фузайл бориб кўрди, растада одам йўқ. Илгари  
бориб кўрдикки, чоресун бошида халойиқ жамъ бўлуб-  
дурлар. Нима воқеа деб назар қилиб кўрдикки, биродар  
хунга огушта бўлуб жанг қилиб юрубдур. Хай-  
рси бўлуб айдики, бу воқеани ёронларга хабар берай  
деб хаёя қилди, токи алар ҳам мадад еткургай-  
лар. Оқибат ани ҳам гайрати даржўш қилиб, ул ҳам  
ўзини хаворижларга уруб жанг қилиб, қуштадан  
пушталар қилдилар. Охир халойиқлар таиғ бўлуб,  
Шаъшъаки, бу қалъани ҳокими эрди, бориб бу воқеа-  
ни хабар бердилар. Шаъшъа бу сўзни эшитиб, ўн  
минг киши бирла, етиб келиб кўрдикки, икки киши  
ажаб жанг қилиб юрубдур. Аларни жангидин ҳар

тарафга қочодурлар, Шаъшъа буюрдики, тирборон қилинлар, деб. Буларни тирборон қилмоқда қўюнг.

Абулато кўрдики, Фузайл ҳам таъхир қилиб келмоди. Абулҳасанга айдиларки, эй биродар, сен бориб хабар олгилки, алар на учун кеч қолдилар, дедилар. Дарҳол Абулҳасан бориб кўрдики, жанги азиме воқеъ бўлубдур. Бул ҳам тоқат қилолмай, наъра тортиб, жангга дарафтод бўлдилар. Шаъшъа айдикки, маълум бўлдики, бу мардумдини жамоани бу шаҳарда бор эконлар. Абулато кўрдиларки, Абулҳасан ҳам чиқиб келмоди. Хоҳладикки, ўзи чиқса. Ҳайрон бўлуб айдикки, агар ман чиқсам, Амир масжидда танҳо қолодур, Амир учун хотири паришон бўлди. Чун Абулато кўрдиларки, Амир бошларини кефанакка ўраб ётибдур. Охир чиқиб хабар олай деб келиб кўрдики, ул уч таи ёронлари жанг қилиб юрубдурлар.

Алқисса, Абулато ҳам наъра уруб жангга дарафтод бўлуб, қуштадан қушталар қилдилар. Марвоийлар бу одам худ Абу Муслиминини ўзидур, деб ҳар тарафга мутафариқа бўлуб, қочмоқга юз қўйдилар. Чароки Абулато ҳам табаризини ишлотур эрди. Шаъшъа кўрдики, халойиқлар ҳар тарафга қочиб бородурлар, фарёд қилиб айдикки, эй чокарони язиду Марвон, бу Абу Муслим эмас, Абу Муслим бараҳнаарўйдур, деди. Халойиқ Шаъшъадини бу сўзини эшитиб, яна қайтиб жангга дарафтод бўлдилар. Ғавғон аъзим шаҳарга пайдо бўлди.

Акнун Амир соҳибқирондан сўз эшитинг. Амирни хотирларинга келдики, ёронлар таом едиларму ё йўқму деб бошларини кефанакдан чиқориб кўрдиларки, ёронлардан ҳеч ким йўқ.

Амир айдилар:— Ким хўб бўлубдурки, бозордан иссинг таом олиб ермиз деб борибдурлар,— деб хоҳладиларки, яна бошларини ўроб ётсалар.

Ногоҳ овози ғавғо Амирни қулоқларига етти, дарҳол қадд рост қилдилар. Боргон сари ғавғо зиёда бўлди. Амир дилларида айдиларки, ҳай даринг, ёронлар хуруж қилибдурлар, ман бу тариқа ранжуру наставондурман. Акнун баҳарҳол бўлса, бориб бир хабар олай, деб қадам қўюб равон бўлдилар. Лекин бетоблик шиддатидин деворни ушлаб такия қилиб бородурлар. Амирни келмакда қўюнг, ёронлардан сўз эшитинг.

Ровий айтибдурки, Фазл ва Фузайл бу икки бародар жанг қила-қила бисёр захмдор бўлдилар. Охир

Уларидин кетиб йиқилдилар. Абулато бирла Абулхасанин хотирларига еттики, бу икки бародар бисёр захмдор бўлуб, баданлари фонусхаёлдек бўлубдур, албатта, ўлди бўлғойлар. Эмди бизлар бориб Амирдан хабар олайлук, деб бадар чиқиб кеттилар. Шаъшъа азбаски аларни жангидаи таиғ бўлуб эрди, аларни арқасидан бормоди. Андан Шаъшъа буюрдики, бул икки бародарни дорга тортиб тирборон қилингллар.

Амир ул ердан оҳнета-оҳнета чорсуга келиб, қайси тарафга борсам, деб ҳайрон бўлдилар. Ақни ёронлардан сўз эшитингки, Абулато ва Абулхасан масжидга келиб, Амирни тобмадилар, бир-бирларини йўқоттилар. Токи Амирдан хабар олайлук, деб дорни таиғга келдилар. Кўрдиларки, халойиқ ҳама боло ва пастда, тоқу равоқда чиқиб турубдурлар. Аммо Амир растада қайси жонибга борсам, деб ҳайрон бўлуб туруб эрдиларки, шул вақт бозор халқи дўконларини ташлаб югуруб бородурлар.

Амир бир йигитни гирибонидан ушлаб айдиларки, эй барно, қайда бородурсен?

Ул айдди:— Эй жавон, хабаринг йўқмуки, Абу Муслиминн хамроҳларидин икки киши бандга тушубдур. Аларни тирборон қилодурлар. Халойиқ ани тамошосига бородурлар.

Амир бу сўзин эшитиб, чуи шер ғарда айлаб дорни таиғга бордилар. Кўрдиларки, Шаъшъа ул икки биродарни тирборон қилса. Амир хоҳладиларки, ғайрат қилиб, наъра тортсалар. Шул вақт ғайбдин бир қўл пайдо бўлуб, Амирни илгари тортиб ўлтурғузиб этакларини босиб турдилар. Чуи Амир кўрдиларки, бир баққолбачча келиб айтодурки, эй шаҳриёр, мани дўконим растаи бозори шарбатгарондадур. Дўконда Ҳазрати Шоҳимардондан башорат тобтим.

Алар айдилар:— Сан бориб, Абу Муслиминн олиб келгил, вақти хуруж эмас дедилар,— деб Амирни қўлларини ушлаб олиб юруб дўконга олиб келиб ўтқузди. Аммо Шаъшъа андак хабардор бўлуб сўрдикки, ул одам қандоғ одам эрди? Амирни ёнларида тургон халойиқлар айдикки, бир жавонни бараҳнаруй, яъни береш, растаи бозордин чиқиб кетти. Шаъшъани хотирига еттики, бир иш қилиб ул ҳарифни қўлумга киргузой, бу икки танин ҳар вақт ўлдурурман деб, Амирни орқаларидин равон бўлди. Растаи бозорга келиб кўрдими, бир жавон шарбатфуруш дўкони-

да ўлтирибдур, айди:— Эй жавон, тамошога бориб эрдингму?

Ул жавон:— Боргошим йўқ,— деди.

Шаънъа айди:— На учун бормодинг?

Ул жавон:— Дўконини танҳо ташлаб борамадим,— деди.

Шаънъа айди:— Шулар ердин бир гариббачча ўтдимму?

Ул жавон саросима бўлуб айдики, холо ўтуб кетти, мандан шарбат талаб қилди, бермадим, билдимки, абутуробий экон. Мани бир мушт урой дер эрди сизни осорингиз зоҳир бўлди. Шулар тарафга бадар кетти. Агар чусту чобук борсангиз, шулар растада тутуб олурсиз, деди.

Чун Шаънъа бу сўзини эшитиб, нитоб бирла равон бўлди, ҳар тарафга бориб тополмай; охируламр, бориб ул икки биродарини тирборон қилиб, шаҳид қилди, эллик кивини аларини ўлугига несбон қилиб қўйди. Акиун икки калима сўз Амрини соҳибқирондан эшитинг.

Чун вақт шом бўлди ул ёри шарбатфуруши хоҳладикки, дўконини йиғиб кетса, айди:— Эй шаҳриёр, ман уйга бородурман,— деб ижозат тилади.

Амир:— Худойни таоло паноҳинг бўлсун,— дедилар. Андин ул жавон уйига равон бўлди. Амир дилларинда айдиларки, ҳай дариг, бу жавон муҳиббин бепарво экон. Агар мани уйига олиб бориб аччиғ ошхўрда қилиб берса, агар худойни таоло шулар қалъани манго меҳрибонлик қилса, валлоҳки, ман шулар жавонини шарбатфурушга берур эрдим, деб сабр қилдилар. Токи хуфтан бўлди, дўкондин чиқиб дорини остига келиб кўрдиларки, ҳамма несбонлар ухлаб ётибдур. Дает баханжар қилиб, аларини бошини кесиб, ул икки биродарини дорини тушуруб, ҳар иккисини кўториб ҳайрон бўлуб турдилар.

Ровий айтибдурки, Амир юруб, бир пуштага етдилар. Улар пуштани устига чиқиб кўрдиларким, бир сахонани азим зоҳир бўлди. Амир ул сахонани очиб ярим кечада ул икки азизини гўрга қўллари бирла қўюб айдиларки, эй биродарлар, маъзур тутунгларким, ман ранжуру нотавон эрдим вагарна дорини остида жонимини писор қилур эрдим, эмди ҳеч иложим йўқ. Худойни таолонини тақдирини шундоғ экон, эй бори худое, булар гариб шаҳидларини санго тобшурдим, деб зор-зор йиғлар эрдилар.



Алқисса, ровий айтибдурки, Амир бу сўзларни айтиб сахонани деворини тагидин оҳиста-оҳиста борур эрдилар. Қазоро ул жойда бир ўлук қуруқ бўлуб эрдикки, ишиб варам ётиб эрди. Баногоҳ ул ўлукки Амрини оёқлари тегиб, ўлукни фасодлари чиқиб, ани бадбўйлиги Амрини некиомни димоғларига тегиб, Амрини касаллари дучандон бўлди. Машаққати та мом бирла ўзларини тошқоруга олдилар. Ул сахонани огзига туфроқ тўда қилиб кўмдилар. Ўзлари ул пуштани узасида юрур эрдилар, ногоҳ кўрдиларки, бир сахонан мураббаъни устида бир қабрини сурати намён бўлди. Амир ул сахонани очиб кириб кўрдиларки, чун шери сафид устухонлари бир-биридин жудо бўлубдур. Ул устухонларини бир тарафга жамт қилиб, Амир ўзлари бир тарафга йиқилдилар, гояти зафъдини ўзларини билмос эрдилар.

Алқисса, ровий айтибдурки, Амрини соҳибқирон ул йиқилгонларича ўзларини билмоё уч кеча-кундуз ётдилар. Тўртинчи кунни саҳар вақтида чунон арақ қилиб терлабдурки, тўнларидин ўтуб, кефанақдий ўтуб сахонани таги ҳам ҳўл бўлубдур. Чун Амир бедор бўлдилар, ўзларини қушдек енгил кўрдилар, зафъдини сиҳатга чиқиб, худойни таолоға шукрлар бажо келтуруб, сахонанин ташқорига чиқиб ўлтурдилар. Дасторлари ва кефанақлари ҳўл бўлуб эрди, сахонанин атрофига ёйиб, ошн турушга муҳтож бўлуб, бошларини солиб ўлтуруб эрдилар, баякбор бир овозе чиқти. Кўрдиларки, печанд гуломлар қозонларда ош, фатнусларда пону ҳалво кўториб, ул пуштани узасига олиб келдилар. Андан бир вақт эрдикки, бир маофан заррин пайдо бўлуб, ул сахонани тагида қарор олди. Амир аларини кўруб, ҳайрон бўлуб турдилар. Ул обу ошларини халойиқлар еб кетдилар. Баъдаху ул авратни маофа бирла ул сахонани олдига олиб келдилар. Амир соҳибқирон кўрдиларки, яқин келди, либосларини кийиб дасторларини бошларига қўйдилар. Ул аврат маофадин чиқиб сахона тарафига равон бўлди. Амир ўзларини кейинга тортдилар. Ул аврат қабрга фотиҳа ўқуб, баъдаху кўзи Амирга тушти. Кўрдикки, бир жавоин моҳруй юзлари заъфарондек сарғорибдур. Айдикки, эй жони модар, бул таомдан сизга ҳам тегдиму? Амир йўқ дедилар. Ул аврат парншон бўлди.

Амир айдилар: — Эй волида, ул ошдин манго тесмағони яқин бўлди, чунки мен бетоб эрдим. Эмди

терлаб бир тарзи енгил бўлдум, оши турушга муҳтождурман,— дедилар.

Ул аврат айдн:— Эй жони модар, мусофирга ўхшойдурсиз?

Амир:— Оре, мусофирдурман,— дедилар.

Ул аврат:— Бу шаҳарда ҳеч ошиношингиз йўқму?— деди.

Амир:— Ҳеч ошином йўқдур,— дедилар.

Ул аврат айдн:— Эй жони модар, сизни уйга олиб борай, нимарса кўнглунгиз тиласа, муяссар қилай.

Амир айдилар:— Эй волидаи ман, ўрниумдин туруб сиз бирла бормоқга қувватим йўқтур.

Ул хотун айдн:— Ман сизни бул маофага солиб борурман.

Амир айдилар:— Эй волида, худойи таоло сизга раҳмат қилеунки, сиз заиф ҳолингиз бирла маофадаи тошқори ман маофада борсам, бул яхши бўлмос. Сиз уйунгизга бориб оши туруш қилиб юборинг. Ман сизни одамнингиз бирла борурман.

Ул аврат шитоб бирла уйига борди, қизига айдн-ки, эй жони модар, зуд туруб андак оши туруш тайёр қилки, бир мусофир йигит амакингга сахона қилгон. Пушта узра ранжур ётибдур. Ҳарчаид қилдим, бизлар бирла келмоди. Манго таом қилиб юборсангиз. Андан ул одам бирла борурман, деди. Ул йигитни кўруб, биродарнинг Абдурахмон ёдимга туштики, ани аҳволи ҳам ғарибликда шундоғ бўлди му, деб гирялар оғоз қилди.

Аmmo ёронларга маълум бўленики, бул аврат Қайсиби Омирини хотунни эрди. Алар Ҳажжожки Кожини вазири эрди.

Амир аларни уйларида таваллуд қилиб эрдилар. Хожа Қайсини қизлари Маймунабонуни Амирини аюларни сут бериб эмизган эрди. Маймунабону Амирга ҳамширани ризои эрди. Аюларини сўзлари бирла Амирга оши туруш нишрмоқга тараддуд қилдилар. Акиун икки калима сўз Амири диловардин эшитинг.

Алқисса, Амири соҳибқирон питизор бўлуб ўлтуруб эрдилар. Яна бир Хожа нечаид гуломларга қозонларда ошу ҳалво кўтортуруб ва яна шул қабрини бошига келдилар. Ул таомларни фақиру мискинларга бердилар. Баногоҳ Хожаини назарлари Амирга тушти. Кўрдиларки, бир жавони хушрўй ва зебосурат ул сахонани устида ўлтурубдур. Хожа таоми биринж,

ҳалво бирла Амирга юбордилар. Ғулӯмлар олиб келиб Амирни олдилариға қўйдилар.

Амирни кўзлари ул таомга тушти, гўёки боз заъфлари зиёда бўлди, чароки, ул таомлар равганин эрди. Амир айдиларки, эй ако, бул таомларни олиб борингларки, ман бул таомларни емоққа қувватим йўқтур. Ғулӯмлар ул таомни Хожанин олдиға келтуруб айдиларки, эй Хожа, ул жавон айтодурки, ман бетобдурман. Бу таомларни смакка бўлмос дейдур, дедилар. Чуи Хожа обу таомларни фақирларға бериб, андин сахонани олдиға келиб қуръон ўқудилар. Андан сўнг Хожа айдилар:— Эй жавон, сиз қайдин бўлурсиз?

Амир айдилар:— Арабистондин бўлодурман.

Хожа айдилар:— Таваллудингиз қайдадур, отингиз нимадур?

Амир айдилар:— Таваллудим Моҳонда, отим Абдурахмон,— дедилар.

Хожа:— Атонгизни оти нима?— деб сўрдилар.

Амир:— Атомни отлари Саййид Асад,— дедилар.

Хожа:— Анонгизни оти нима?— дедилар.

Амир:— Аномни оти Ҳалимабону,— дедилар.

Дарҳол Хожа наъра тортиб, Амирни оёғлариға ўзларини ташладилар.

Амир:— Эй Хожа, нима воқеа бўлди?

Хожа гирялар оғоз қилиб айдилар:— Эй жони падар, вой чанми чароғи падар. Ман сизни амакингиз Саййид Имрондурман. Вақти Ҳажжож атонгизни ўлдурди, ман қўйларни бошида эрдим. Ман бу воқеаларни эшитиб, ул жонибга бадар кеттим. Ул вақтлар Басрада бўлдум, мани кучум сизга сут бергондур. Ул сизни гамингизда зор-зор йиғлаб, икки кўзи кўр бўлубдур. Бул сизни назарингиздаги қабр атонгизни қабрларидур.

Амир бу сўзларни эшитиб, наъра тортиб, беҳуш бўлуб йиқилдилар, уч соатдан кейин ҳушлариға келиб айдилар:— Эй амак, уч кундин бери атомни бағалларида эканман,— деб гирялар оғоз қилдилар.

Ревий айтибдурки, андан Саййид Имрон Амирни Басраға олиб бордилар. Аммо ул кун Қайс ибн Омирни хотунлари Амирга таом юбордилар, Амирни ул жойдан тополмай маҳрум бўлуб ёндилар. Аммо вақтики, Амирни Басраға келтуруб, уйларига олиб келдилар, канизлар Хожа келдилар, деб эшитиб, ҳаммалари қасрдан чиқтилар. Канизларни кўзи Амирга

тушуб, ҳама қочтилар. Хожа хандалар айлаб:— Эй канизаклар, ҳеч ким ўз Хожасидин қочодурму? Бу жавони моҳруйки, менинг бирла келодур, сизни хожаангиздур.

Вақтики, канизаклар бу сўзни эшитиб, ҳушвақт бўлуб айдиларки, бизларни Хожамиз йўқ дер эрдик. Алҳамдулиллоҳ, Хожамиз бор эконлар, деб ҳамалари Амирни этокларини ушлодилар, яқин эрдик, Амирни хомталон қилсалар.

Амир канизларни қўлни ўнгу чап силтаб ваҳшат қилдилар. Канизлар ҳайрон бўлуб, ажаб жавони тулхуй эконлар, дедилар. Баъдаху Сайинд Имрон Амирни қўлларини ушлаб, заифаларини олдиға олиб кириб айдилар:— Ассалому алайкум!

Заифалари айд:— Эй Хожа, фарзандимиз Абдурахмондан ҳеч хабар борму?

Хожа айдилар:— Фарзандингиздан ҳеч хабар йўқтур, аммо ани бир дўстини топиб олиб келдимки, умри анинг бирла ўтгон ва бир зарфда таом егон ва печанд муддатлар бир жойда бўлгон экон,— дедилар.

Заифалари:— Ичкори кирсун,— дедилар.

Амир ичкори қадам қўюб кирдилар. Ул заифа Амирни қучоқлаб айтур эрдиларки, эй фарзандимни дўсти, жовим санго фидо бўлсун, деб йиғлар эрдилар. Ногоҳ ул заифаларни пистонларидан сут оқиб равон бўлди. Ул заифа айдики, эй жони модар, сан ғайри одам эместурсан, балки фарзандим Абдурахмонни ўзидурсан.

Амир айдилар:— Эй волидаи меҳрибон! Оре, ман фарзандингиз Абдурахмонни ўзидурман. Амакимни хотирларига еттики, агар баякбор айтсам, мабодоки, шодлигини қолиб таҳи бўлмосун деб, бир фасл ишхон қилдилар.

Чун Амирдан бу сўзни эшитиб волидалари муножот бадаргоҳи қозиюлҳожот қилиб айдиларки, эй сабури бемалол, вей доноён кулл, дастам гирки, заифи нотавондурман, фарзандимни каромат қилдинг, акуну кўзум равшан қилғил, фарзандимни жамолини кўрай деб, зор-зор чун абри навбахор йиғлар эрдилар.

Ногоҳ воқеа элтти, воқеада Ҳазрати Шоҳмардон ҳозир бўлуб, қатраи обидаҳанларини ани кўзига суртдилар. Дарҳол кўзлари равшан бўлди. Овози балаид бирла айдиларки, эй жони модар, келгилки, Ҳазрати Шоҳмардондан назар топиб, кўзларим равшан бўл-

ди, деб Амирии капорларига олиб, навозишлар қилдилар.

Амири соҳибқирон ўтган аҳволларини бир-бир баён қилур эрди. Волидалари Амирии қилгон ишларига зор-зор йиғлаб айтур эрдиларки, эй жони модар, сизни лашкарингиз йўқ. Нима ишга бино кўюб, бу ишни ихтиёр қилдингиз?

Амир айдилар:— Эй модари меҳрибон, ман худойи таолога такя қилиб, ўзумни худованди оламга тобшурдим. Сизлар хотиржам бўлуб, дуо қилингларки, ман ҳаргиз бу ишни ёнмасман. Бу ғариб жонимни Ҳазрати Имом Хусайнга фидо қилурман,— дедилар.

Алар билдиларки, Амир собитқадамдурлар. Айдилар:— Эй жони модар, бизлар ҳам сизни худойи таолога тобшурдук,— деб йиғладилар. Амир ул кун турдилар. Вақтики, кеч бўлди, Амир ўринларидан туруб эрдилар, Саййид Имрон айдилар:— Эй жони падар, қайда борурсиз?

Амир:— Меҳмонхонага бородурман,— дедилар. Амир бу кеча канизлар бирла хилват қилсунлар деб амакилари канизларга яхши либослар кийдуруб, токи Амирии назарларига яхши кўринсун деб, Амирии олдиларига юбордилар. Амир ухлай деб эрдиларки, хотунларни овозини эшиттилар. Амир кўрдиларки, бисёр зебо канизаклар даҳлизхонада турубдурлар.

Амир:— Сизлар қандоғ одамсизлар?— дедилар.

Алар айдилар:— Бизлар сизни канизакларингизмиз. Сизни хидматингизга келдук,— деб таъзим қилиб турдилар.

Амир:— Ҳаммаларингиз зуд чиқингларки, ман наришон бўлодурман,— дедилар.

Канизаклар чиқиб Саййид Имронга айдиларки, эй Хожа, ажаб жавони тўнд экан, дуруштлуқ бирла бизларни қувлаб юборди.

Хожани хотирларига келдики, мабодо булар мани канизларим эмасдур деб, шу фаҳм бирла буларга назар қилмагондурлар.

Алқисса, ровий айтибдурки, Хожа ул канизакларни олиб, Амирии олдиларига келдилар. Чун Амирии Хожага назарлари тушуб, шармсор бўлдилар.

Хожа:— Эй жони падар, бу канизаклар сизни хидматингизда бўлсун,— дедилар.

Амир айдилар:— Эй амак, мани авратларга ҳушум йўқтур.

Саййид Имрон айдилар:— Эй жони падар, булар-

дан бири сизни хидматингизда бўлуб, оби таҳорат берсуи.

Амир айдилар:— Бас, аларни бири мунда турсуи.

Ҳама канизаклар Амири хидматларини қилмоқга орзуманд эрдилар, лекин Гуландом ном канизакни сен шунда тур, деб Саййид Иброи буюрдилар.

Алқисса, Амир уйқуға майл қилдилар. Бир соатдин кейин Гуландом ўрнидан туруб, Амири дасту пойларини молишлар қилди. Амир уйқудин бедор бўлуб, ваҳшат қилиб эрдиларки, ул канизак ўзуни кейинга тортти.

Амир айдилар:— Эй гесубурида, ман сани қачон ходим қил дедим. Номаҳрам қўлингни на учун манго текурдинг? Ҳеч кимни қўли то бул вақтгача мани баданимга теккон эмас эрди, мундин туруб кетгилки, эмди дубора уйқум келмойдур,— деб сиёсат қилдилар.

Ул канизак дубора бу ишни қилмойдурман, деб узрлар айтти. Амир яна ухладилар ва яна Амири муҳаббатларида Гуландомни тоқати қолмади. Узиға айдики, шундоғ жавони моҳруй ва мундек позанин бу висол кечасини ҳижронга табдил қилмоқ хўб эмас, деб ўрнидан турди. Назм:

Гар бор каш каш бори нигори,  
Гар кушта шави барои ёри.

Дарҳол туруб Амири икки ронларини ходими қилмоқга турди, боз Амир титраб бедор бўлдилар, ваҳшат бирла айдилар:

— Эй беадаб, чиқиб кетгил! Мани ухлатгали қўй-моднинг!

Ул канизак қабул қилмоди. Охир Амир почор бўлуб айдилар:

— Эй Гуландом, хотиржам бўлгилки, эрта сени аҳволнигга боқарман.

Гуландом қабул қилди, Амир уйқуға майл қилдилар. Ровий айтибдурки, эрта туруб намози бомдодин ўқуб, уйдин чиқтилар. Канизаклар хуни ҳасратлар ер эрдиларки, Гуландом бу кеча ҳамроҳ бўлдилар, деб, айдиларки, эй Гуландом, бу кеча Амир бирла ҳамроҳ бўлдинг, бу кеча бизлардин қайсимизни хоҳлар эканлар дер эрдилар.

Амир айдилар:— Эй Гуландом, канизаклар нима дейдурлар? Гуландом канизакларни сўзини айди. Амир айдилар:— Ҳар кеча сен менинг бирла бўлгил,

Узгалари келмосунлар, сен кўн хушхулқ экансан дедилар.

Қанизаклар бу сўзни эшитиб, юзларини ва сениларини юлуб, ҳасратлар қилур эрдилар.

Баъдаҳу Амири диловар хоҳлайдиларки, бу шаҳарни сайру тамошо қилсалар. Шоядки Абулато ва ва Абулҳасандин бир хабар топсам. Саййинд Иброҳим айдилар:— Эй жони падар, ҳар вақтоки, сайр қилиб юруб дилгирлик пайдо бўлса, растан баззозликга бориб ўлтурунгни, ул растада сизин тўрт дўконини бордур. Ул дўконда ўлтургонлар сизни гуломишгиздир, то ул вақт аларга ҳеч ким хати озоди бергани йўқдур.

Алқисса, Амир Саййиндин сўзларини қилиб, шаҳарни сайр қила-қила баззозлик растасига еттилар. Кўрдиларки, бир баззоз ўриндан туруб, Амирни таъзимларини бажо қилиб, яна жойларида ўлтурди. Аммо тўрт Хожа баззоз таъзим қилиб, қад рост қилиб туруб ўлтурмай тавозеъ бирла турдилар. Амир ўлтурунглари, дедилар. Алар айдиларки, бизлар сизни гуломишгиздурмиз, ҳануз хати озоди олгошимиз йўқ, сиз ўлтурмосдан илгори бизни ўлтурмоғимиз раво эрмос, деб ҳурматлаб турдилар. Амир кўрдиларки, ҳамалари мурасаъпўшдур. Амир ўлтиринглари, деб ишорат қилдилар.

Алқисса, ровий айтибдурки, ҳар жонибдин келгон халойиқлар ул жойда Амирни жамолларини тамошо қилур эрдилар. Амир алардан хижолат чекиб, бошларини қўйи солиб ўлтуруб эрдилар, «ё оллоҳ» деган овоз Амирни қулоқларига етти. Амир бир бўғча дасторни олиб, ул сойилга бердиларки, ани икки юз танга олур эрди. Ул дарвиш дасторни олиб Амирни олдиларига қўюб айдикки, эй барно, букун савдо қилмоғон жиҳатдан бедимоғ бўлуб, мундоғ қилурмусиз? Амир айдилар:— Эй дарвиш, сан келиб «ё оллоҳ» дединг, жоним фидойи оллоҳ бўлсунки, ул бергон нимарсам ҳам оздур.

Вақтики, ул дарвиш Амирдан бу ҳимматни кўруб, аввал бориб хешу ошиноларига айтти, андин ул шаҳарни гадоларига хабар бериб айдикки, бир олий ҳиммат жавоне пайдо бўлубдур, деб. Чун ул шаҳарни гадолари бул сўзни эшитиб, келиб, Амирдан билониҳоя эҳсенлар кўруб ва хушнуд бўлдилар. Ул шаҳарни одамлари дарвишона либос кийиб келиб айтур эрдиларки, ани хешу жамолини кўрмоқ бир неъмате ва ҳам мол, ҳам ҳосил бўлодур, дер эрдилар.

Алқисса, ровий айтибдурки, Амири соҳибқирон ҳар кун дўконга келиб, дўконни молларидаи жали қилдилар. Ҳар дўконда эллик минг тапгалик мол бор эди. Бу молларни худойи таоло ризоси учун соғил ва дарвиншларга хайру саховат қилдилар. Ҳатто дўконни палосларигача дарвиншларга бердилар. Баъдаҳу ул дўконда ўлтургон тўрт гулом Хожани олдиларига келиб, Амирни ҳолатларини баён қилдилар.

Саййид Имрон айдиларки, фарзандим Абдурахмон ҳар иш қилсалар, ишларинг бўлмасун.

Алар айдиларки, бизлар ўзумиздан қўрқуб сизни олдингизга келдук, агар бир гадое келиб талаб қилса, бизларни ул соғилга бериб юборсалар, бизлар сизни кидматингиздан маҳрум қолурмиз деб, арз қилдук.

Анда Саййид Имрон айдилар:— Яна бул тўрт бўғча нимарсани олиб борингларки, фарзандим гадолардин хижолат чекмосунлар.

Бўғчаларни олиб келиб кўрдиларки, Амир дўкондан кетибдурлар.

Алқисса, ровий айтибдурки, Амири соҳибқирон ул ердан туруб, чорсу тарафига равона бўлдилар. Кўрдиларки, бир хавориж золим бир одами нурунни ётқузуб, терисни пўст тортиб туродур. Белидан юқорисини пўст тортибдур. Белидан қуйини эмди тортиб туродур. Амир бир одамдин:— Бу нечук воқеа?— деб сўрдилар.

Ул одам айди:— Эй жавон, ул пўст тортиб тургон одамни отини Маҳмуд пастак дейдурлар, шайхи олий Марвондур. Ул иўстини тортиб тургон одамни отини Имом Яҳёи Мохрўй дерлар. Ул абутуробийни фарзандидур.

Бу сўзини эшитиб, Амирни ниҳодларидан дуди чиқиб, соҳибқиронлик рағлари ҳаракатга келди. Хоҳладиларки, наъра тортиб, жанг қилсалар. Икки иш монсэ бўлди. Аввали буки, заъфи қувват сабабидан, иккинчи буки, Имом жонни жон бергувчиға таслим қилибдур. Бул сабабдин ўзларини сақладилар.

Маҳмуд пастак имомни пўстларини сўйиб олди, хоҳладики, муборақ бадалларини ўтға солиб куйдурса. Амирни тоқатлари қолмоди. Бориб Маҳмудни қўлини туттилар. Маҳмуд:— Эй жавон, нима хоҳларсан?

Амир айдилар:— Ушбу жасадни манго бергил!

Маҳмуд:— Нима қилурсан,— деди.

Амир айдилар:— Бул мани бародаримни ўлдурубдур, мундин иттиқом олай дерман,— дедилар.



Маҳмуд:— Эй жавон олғил, санго бердим,— деди.

Амир Имомни жасадларини олиб, кефанақларига солиб ўраб, амакиларини уйларига олиб келдилар. Меҳмонхонага киргузуб қўйдилар. Бир вақт эрдик, Саййид Имрон келиб кўрдиларки, Амирни қўллари ва либослари хунолуд бўлбдур.

Айдилар:— Эй жони падар, бу нима воқеадур?

Амир:— Эй амак, пастак ном саге Ҳазрат Имом Моҳруйни пуст тортиб туруб экон, хуруж қилой деб хоҳладим, лекин толесим нохусатда бўлгон сабабдан монень бўлди. Охируламр, бир ҳийла бирлон муборак жасадларини олиб келдим, ул бадбахт жасадларини куйдирай деб тургон экан,— дедилар.— Эй амак, сиз гувоҳ бўлунгки, ҳар вақт худойи таборак ва таоло Маҳмуд сағни манго берса, ани икки қўлнини шонасидан суғуруб олиб ўлтурмосам, Ҳазрати пайгамбарни худони шафоатларидин бенасиб бўлай,— деб қасамёд қилдилар.

Чун Саййид Имрон бу сўзини эшитиб, ҳар икковлон Имомни фироқларида зор-зор йиғладилар. Ровий айтибдурки, Амири соҳибқирон нисфи шабда Имомни бошлари бирла жасадпўшларини олиб келмоқ учун чорсу тарафига равон бўлдилар. Вақтики, чорсуга етдилар, Амирни тақобилларидан бир бароқ ит пайдо бўлб, Амирга хез қилди. Амир ваҳшат қилиб эрдилар, яна бир ит пайдо бўлди. Бир соатда тўрт мингча бароқ пайдо бўлб, Амирни ароға олдилар. Амир ўзларини канорага тортиб ўлтурдилар. Ногоҳ Амирни воқеа элтти. Воқеада кўрдиларки, Ҳазрати Шоҳимардон тарафи тақобилларидан пайдо бўлб айдилар:— Эй Абу Муслим, бу итлар саги вафодордурлар. Мани фарзандимни бошини посбонлик қилғали келгондурлар. Эй Абу Муслим, ўрнунгдин туруб, ул итларга ўзунгни маълум қил, санго дахл қилмой омон берулар,— дедилар.

Алқисса, Амир ўринларидин туруб айдилар:— Эй вафодорлар, ман Абу Муслими соҳибқирондурман. Сизлар манго амон беринглар.

Ровий айтибдурларким, ул итларни тилидин муҳрихомушликни кўторди, нола қилиб айдилар:— Худоё худовандо, бу золимлар мундоғ имомни ўлдирибдурлар, бизлар шу шаҳарда бу золимларни ушда турмоқга тоқатимиз йўқ.— деб нола қилдилар.

Дарҳол бу итларни ҳамаси бўри суратига бўлб, Ёсрани саҳросига чиқиб кетдилар. Амир дилларидин

айдиларки, плоҳи, бу итлар хаворижлардан афзал-  
лурлар, чароки, булардан ҳазар қилиб биёбоғга чиқиб  
кетдилар.

Алқисса, Амир имомни иустларини ва муборак  
бошларини олиб, Саййид Имронни уйларига келиб  
тишларига васл қилиб, жанозаларини ўқуб, Саййид  
Имронни уйларига дафи қилдилар.

Баъдаҳу Амир айдилар:— Эй амак, эмди мунда  
турмоқга тоқатим йўқ,— деб Қарбало тарафига про-  
ди қилдилар.

Саййид Имрон айдилар:— Эй жони падар, акнун  
мандаги бу молларингизни олиб боринг, эмди етим  
ҳақини сақламоқга тоқатим йўқ,— дедилар.

Амир айдилар:— Бу молларини сизга бағишладим,  
башарти инки, ҳар кун обу ош қилиб фақирларга  
бериб, Ҳазрати Имом Ҳусайини руҳи покларига хат-  
ми қуръон қилсангиз. Агар мани айтганимни бир кун  
тарк қилсангиз, шул бергон молларимни қиёматда  
олурман,— дедилар.

Саййид Имрон ҳам шу шартларни қабул қилдилар.  
Андан Саййид Имрон Амир учун бир от олиб келди-  
лар.

Амир айдилар:— Эй амак, ман пиёда юрмакни  
ихтиёр қилғонман, от минмосман,— дедилар.

Саййид Имрон айдилар:— Эй фарзанд, ҳар чанд  
ниёда юрмакни ихтиёр қилғон бўлсангиз ҳам, мани  
назаримда сувора бўлуб борингки, ман паришон бў-  
лодурман, кейин хотирингиз нимани хоҳласа, андоғ  
қилурсиз.

Амир дуо қилиб юруб эрдиларки, Гуландом ўзини  
уруб йнглаб айдикки, эй шаҳриёр, мани ҳам олиб ке-  
тинг вагарна ўзумни ҳалок қилурман.

Ночор Саййид Имрон айдилар:— Эй жони падар,  
ҳар нечук бўлса ҳам, ўзингиз бирла ҳамроҳ қилиб  
олиб борингки, хизматкордур, обу таҳоратларига  
даркор бўлодур ва ҳар жойга борсангиз, хужраингиз-  
ни соқлаб, тоза тутиб ўлтиродур.

Амир ночор қабул қилиб, Гуландомга мардона  
либос кийдуруб, амаклари бирлон видоъ қилиб, ба-  
жониби Бағдод равон бўлдилар.

*Фасли достони Амири соҳибқирон қалъаи Бағдод-  
га дохил бўлгонлари ва шаҳзода Соид Ибн Салсабил  
Бағдодийни ўлтургонлари, андин Амири соҳибқирон  
қалъаи Мадоинга бориб, Муқалқали Мадоинийни ўл-  
дуруб, андан Кўфа тарафига равон бўлгонлари.*

Бўлак дostonдин чекиб хомае,  
 Сухансоз ўлай турфа ҳангомае.  
 Баён айлай қиссаи шоҳижаҳон,  
 Ки яъни Абу Муслими соҳибқирон.  
 Ушал кун қилиб Қарбалога сафар,  
 Шаҳардин шаҳарга юруб бехатар.  
 Пиёда қилиб жангни доимо,  
 Ани ёри эрди ҳаминча худо.  
 Мададкори эрди ани мустафо,  
 Ҳасан бирла Ҳусан, Али муртазо.  
 Чу аяқисса ул кун Амири далир,  
 Видоъ айтаб йўлга тушуб парра шер.

Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор андоғ ривоят қилибдурларки, вақтики Амир Саййид Ёмрон бирла видоъ қилиб Бағдод тарафига равон бўлдилар, баъдаҳу манзилу мароҳил тай қилиб борур эрдилар. Ногоҳ орқаларидин Марвшоҳижаҳон тарафидан ўн киши пайдо бўлди. Гуландом аларни кўруб, рангу рухсораси ўчти.

Амир айдилар:— Эй Гуландом, қўрқмағил! Ҳар нима бўлса, ул манго бўлодур, баъдазон санге бўлодур,— деб бу гуфтуғуда эрдиларки, ул ўн киши етиб келди.

Амирга қараб равон бўлдилар, аммо аларни бири қоғазни ёнидин чиқориб, қоғазга боқиб, Амирга боқар эрди.

Амир кўрдилар суратларини ул тортибдурлар. Билдиларки, бу ҳарифлар Марвшоҳижаҳондан келодур. Насри Сайёр Амирни суратларини тортиб, Бағдодга юборибдур. Аммо ул ўн киши ҳайратда бўлдиларки, ул кишини сурати баайни қоғаздаги суратга ўхшайдур. Хоҳладиларки, ўтуб кетсалар.

Амир айдилар:— Эй йигитлар, қаён бородурсизлар, ул қоғазда нима бор?

Ул ўн киши айдиларки, эй жавон, на хўб бўлдики, сан бизларга сўз қилдинг? Билғилки, бизлар Насри Сайёрни хизматидан келодурмиз, Абу Муслимни суратини тортиб, шаҳар-башаҳар юрийдурмиз. Сани кўрдукки, Абу Муслимни суратига ўхшайдур, лекин сиртнинг мувофиқи сурат кўринмойдур. Бу суратда Абу Муслимни камарини дур камарига тортибдур-

лар, икки ишда ҳамроҳини суратини икки тарафига тортибдурлар. Санго назар қилиб тобтукки, сани табаринг ҳам йўқ, рафиқинг ҳам йўқ.

Ровий айтибдурки, вақтики, Амир алардан бу сўзни эшитдилар, дилларида айдиларки, печанд кунлардан бери хавориж ўлдурмодем, акнун бу сағларни бул жойда ўлдурай, деб айдиларки, эй беақл сағлар, мани табарим йўқ бўлгон бирлон Абу Муслим эмослигим лозим келурму? Билингларки, сизлар вестоб юрган Абу Муслими Марвазий мандурман! Бул жойда мани бетабар ва берафиқ тобтинглар. Ҳар нимарсаки қўлуинглардан келса, дариг тутмонглар!

Ровий айтибдурки, Амири соҳибқирон бу сўзни айдилар, Гулаандом сочу юзини юлуб айтур эрдикки, эй шаҳриёр, акнун ўзингизни изҳор қилиб, жомии томдин тошладингиз.

Амир айдилар:— Эй Гулаандом, хоҳларманким, санго тамошо қилиб бериб, сани халифаликдин чиқоргайман.

Чун хаворижлар бу сўзни эшитиб айдиларки, агар сан Абу Муслим бўлсанг, бисёр хўб бўлубдур, бизни нафъимиз сани давлатингдур. Чароки, бизлар сани олиб бориб Марвонга навкар қилурмиз, бизларга бисёр инъомлар берса, санго ҳам шафқат қилурмиз.

Амир:— Эй гала сағлар, бисёр номаъқул сўзламонглар,— дедилар.— Ман ўзумни ул сабабдан изҳор қилдимки, нечанд кунлардан бери хавориж ўлдурмакка хумори эрдим. Сизлар бирла тамошо қилиб берай,— дедилар.

Чун хаворижлар бу сўзни эшитиб, дарғазаб бўлуб, иккиси Амирга ҳамла қилди. Амири соҳибқирон қўлларини узотиб, ани бирини пайзасини гулугоҳидин ушлаб, олдиларига тортиларки, [хавориж] дод деб пайзасини қўяберди. Амир ўзини пайзаси бирла чунон урдиларки, орқасидан сарбадар қилди. Ани ўлугини эгардан узуб олиб яна иккисини фарқи сариға урдиларки, ул уч хаворижни пайкари бадани реза-реза бўлди. Яна қўл узотиб, иккисини камаридан ушлаб кўтариб олиб калла баркалла урдилар. Ҳар иккисини боши гард-гард бўлди. Андан қўл узотиб, яна бирини қўлидин шамширини тортиб олиб, қолгонларини шамшир бирла чунон уруб нимта қилдиларки, чун чинори тар ду тақсими баробар қилиб ташладилар. Андан айдилар:— Эй Гулаандом, тамошо қилдингму?

Гуландом айди:— Боракалло, раҳмат боду сирб дастингизга,— деди.

Ровий айтурки, Амри соҳибқирон бохурсантин тамом, боҳамроҳийи Гуландом печанд куплар пуя юруб, шаҳри Бағдодга еттилар. Ногоҳ кўрдиларки олдиларидан гард пайдо бўлди. Амир бирла Гуландом кўрдиларки, бир шери хашмолуд келодур, лекин ул шерини пешонасига ўқ теккон, яна бир ўқ гарданига тегибдур. Вақтики, шер Амрини кўруб, Амрини жошибларига гариди келди.

Амир қўл узотиб шерини ҳалқумидин тутуб хоҳалдиларки, ерга урсалар. Овоз келдики, «ҳой-ҳой, эй жавон, қўлингини тортки, мени сайиндимдур». Амир кўрдиларки, бир жавонни моҳруйи аблақсувор хонани камон қўлидадур.

Амир айдилар:— Жамшид айтибдурки, дараида сени жошингга, сани анго дахл қилмагил! Сани айтганинг узга навъдур,— деб ерга урдилар.

Ул шерини устихонлари гард-гард бўлди. Ул жавон дарғазаб бўлуб ул ўқики чала камонда эрди, Амрига отти. Амир бошларини хам қилиб уткордилар ва яна қўлига тиғи хунономини олиб, Амрига ҳавола қилди. Амир чўсту чолок қўл узотиб, ани банди дастидини ушлаб олдиларига торттилар, ул бошни бирла сарингун бўлуб келди. Амир ани қаддини эгардан узиб олиб, бошларидан айлантуруб, тахтаи заминга чунон урдиларки, ерга нақш боғлади.

Амир ани сийнасига чиқиб ўлтурдилар. Ул жавон боҳуш бўлуб эрди, бир соатдан сўнг ҳушига келди. айди:— Эй жавон, печанд йимардурки, шерларини шикор айлаб мундог машаққатини ҳаргиз кўргоним йўқ эрди. Зуд устимдан тургилки, кўп оғир экансан.

Амри диловар ани бу сўзига табассум қилиб айдиларки, кимдурсан? Ул жавон айди:— На ишинг бор? Тез сийнамдан тушгилки, сани обрўйинг шул қалар кифоядур.

Амир айдилар:— То ўз аҳволингини маълум қилмасанг, ҳаргиз сийнамдан тушмосман!

Ул жавон айди:— Эй йигит, мени ғаразим шулки, сани машаққатлар тортиб Бағдод шаҳрига келибсан, ўзумни маълум қилсам Бағдодга кирмай қайтиб кетмогил деб, анингчун маълум қилмоб эрдим. Акнун билгил ва огоҳ бўлгилки, мени шаҳзодани Бағдод фарзайди Салсабил Бағдодийдурман. Мени отимни шаҳзода Соид ибн Салсабил Бағдодий дейдурлар,— деди.

Амир айдилар:— Билгилки, ман ҳам Абу Муслими соҳибқирондурман.

Чун Амирдан бу сўзни эшитиб, ул габрбаччани ниҳодиди дуд чиқти. Амир айдилар:— Эй шаҳзода, эрди мусулмон бўлғил, то сани озод қилай!

Ул бадбахт «ҳаргиз мусулмон бўлмосман», деб носазо айтти.

Амир дарғазаб бўлуб, ани бошини танидан жудо қилдилар. Бу ишни Гуландом кўруб «Боракаллоҳ, лжаб коре қилдингиз», деб офарниллар қилди.

Алқисса, Амир ани ўлдуруб, поран йўл юруб эрдиларки, ул шаҳзодани гуломлари етиб келиб, Амирдан сўрдиларки, эй навжаҳон, шаҳзодан Бағдод шерни орқасидан қувлаб кетиб эрди, ани йўлда кўрдунгму?

Амир:— Оре, шаҳзода шикор қилиб юрубдур,— деб ўтуб кетдилар.

Ровий айтибдурки, Амирни соҳибқирон Бағдодга дохил бўлдилар, аммо шаҳзодани мулозимлари ва навкарлари етиб келиб кўрдиларки, шаҳзода ўлуб ётибдур. Бу ҳолни кўруб, юзу сақолларини юлуб, сийналарини чок айлаб, мотам тутуб, шаҳзодани ўлугини атосини олдиға олиб келдилар. Салсабил:— Бу кимни ўлугидур?— деб сўрди.

Алар айдилар:— Сани фарзандинг, шаҳзода Сонини ўлугидур,— дедилар.

Салсабил бу сўзни эшитиб, наъра уруб, яқосини пора айлаб, беҳуш бўлуб йиқилди. Бир соатдан сўнг ҳушиға келиб, воқеани сўрди. Алар ўтгон воқеани баён қилдилар. Салсабил айдн:— Агар ўғлумни шер ўлдурса, устухонлари майда-майда бўлур эрди ва яна бошини жудо қилмос эрди. Магар икки, бу ишларни ул шерни мард Абу Муслим қилгондур. Ул шерни мардни гузари бу бешаларга тушгон бўлса,— деб зор-зор йиғлаб, мотамлар оғоз қилди.

Алқисса, Салсабил уч минг кишини ул рахнагарни топинлар, деб фармон қилди. Алар дашту саҳрони излаб, Амирдан ҳеч нишон тобмодилар. Аммо Амирни соҳибқирон Бағдодга дохил бўлуб, бир саройға тушуб, бир ҳужрада қарор олдилар. Ҳар кун саройни эшикига чиқиб, тамошо қилиб ўлтурур эрдилар, шюядки Абулато ва Абулҳасандин хабар тобсам деб. Аммо ҳар жонибдин одамлар келиб Амирни ҳусну жамоли баркамолларини тамошо қилур эрдилар. Ҳа-

малари маст бўлуб, икки тараф банд бўлуб турор эрди.

Амир то пешингача ўлтуруб, андин саройга кириб, намоз ўқур эрдилар. Амирни ишлари ҳар кун бу тариқа эрди. Аммо Салсабилни одамлари «Амирни истаб, ҳеч жойдан тополмадук», дедилар.

Салсабил айти:— Эмди кўча-бакўча, маҳалла-ба маҳалла ахтаринглар ва яна ҳар қайсиларинг уйдан уйга кириб ахтаринглар,— деб амр қилди ва яна Салсабилни чокарлари шаҳарни ичига кириб, Салсабил дегондек истаб, гараддуд қилиб тобмодилар. Ёниё Салсабилни олдиға келдилар.

Салсабил айти:— Ул араббачча бу шаҳардан тош қори чиққон эмосдур. То ани тобмосонглар, иложи йўқ,— деб буюрди.

— Эмди сарой-басарой юруб ахтаринглар, шояд ки андан ишона тобсанглар, деди. Салсабилни одамлари ҳар тарафга ахтариб чиқиб кеттилар. Акиун икки калима сўз Амири далирдин эшиттиг.

Амири соҳибқирон ҳар кун саройни эшикига чиқиб ўлтурур эрдилар. Аммо бир Хожа ҳар кун келиб жамоли Амирни тамошо қилиб ўлтурур эрди. То Амир саройга кириб кетгунча ул ҳам анда турор эрди. Амир ани ҳолидан хабардор эрдилар. Ул кун ул Хожани тоқати қолмоди, Амирни олдиларига келиб салом қилди. Амир маҳбублик йўлини ҳаё қилиб бошларини кўтормодилар ва жавоби салом ҳам бермодилар.

Хожа айти:— Эй жавони барно, нима бўлодурки бизнингдек дардмандин уйига қадам раижа қилсонгиз,— деб илтимос қилди.

Амир айдилар:— Эй Хожа, ман сизга ошнолигим бўлмаса, сизни уйунгизга нечукдин борурман. Хотирингиздин чиқорингки, ман сизни уйунгизга бормосман.

Хожа айти:— Эй жавони барно, баҳурмати дину ойинингки, туруб мани кулбамга боргайсан!

Амир андин бу тариқа таклифни эшитиб,— «эмди бормоқ лозим», деб туруб равона бўлдилар. Андач нима воқеа, деб сўрдилар. Ул Хожа Салсабилни Абу Муслиминин топинглар деб ҳукм қилгонини баён қилиб айтдики, эй барно, бинобар хавотирликдан сизни таклиф қилдим, деб бир ҳамён зарин Амир учун тасаддуқ қилди. Амир айдилар:— Эй Хожа, манго на учун мунча марҳаматлар қилурсиз?

Хожа айди:— Эй шахриёр, сиз соҳиб хуружи ҳафтоду дуввумдурсиз, мандан ўзунгизни пинҳон тутмонки, ман ҳам чокари Ҳазрати Шохимардондурман.

Алқисса, ровий айтибдурки, Амيري соҳибқирон ўтгон воқеаларни бир-бир баён қилдилар. Амрини отингиз нима деб сўрдиларки, Хожа «мани отим Хожа Исмонл», дедилар. Чун Амир уч кеча-кундуз ул Хожани уйларида турдилар, тўртинчи кун Амир айдилар:— Эй Хожа, мани канизагим саройда қолиб эрди, анинг ҳоли нечук бўлди,— деб Гуландом учун бир поини кўйиниларига суқуб, саройга қараб равона бўлдилар. Амрини икки сўз Гуландомни эшитинг.

Вақтики, Амир Хожани уйларига келиб уч кеча-кундуз туруб қолдилар, канизак кўнглида айдики, албатта, душманлар Амрини ўлтурсондур. Вагарна, уч кеча-кундуздан бери мани ҳозимдин хабар олур эрдилар, деб гамгин ва паришон бўлди. Аммо ҳужраини эшигини узасидан қуфллаб кетиб эрдилар. Канизак очу гурусна қолиб фарёд қилдилар.

Ровий айтибдурки, бир жавоне ул ердин ўтуб борур эрди, ул канизакни ҳолидан хабар топиб, қулфни ушотиб, эшикни очиб кирди. Чун Гуландом ўрнидан туруб, бир хуржин зарин отни устига солиб, Басрага қараб равон бўлди. Аммо баъзи устодлар шундоғ дебдурларки, ул саройда қассоббачча бор эрди. Гуландомни ул уйга олиб борди, аммо баъзилар бу сўзини ҳам онча маъқул кўрмобдурлар, на учунки, Амрини канизакларини бегоналарни кўлида бўлмоғи хўб эмосдур. Шундоғ демак беҳтардурки, ўзини уйга прода қилиб, Басра тарафига қараб чиқиб равона бўлди, дебдурлар.

Вақтики, Амир саройга келиб кўрдиларки, Гуландом кетибдур. Амир ҳам бажониби Кўфа равон бўлдилар. Шул юргонларича етти кеча-кундуз йўл юрдилар. Очу ташна борур эрдилар, роҳбарлари йўқ эрди, йўлдан адашиб юргудек қудратлари қолмоди. Ул биёбон ҳамаси қуму хори муғилои эрди. Ҳаво тўфон бўлуб, ташналик сабабидин беҳуд бўлуб йиқилдилар, ўзларидин беҳабар ётур эрдилар.

Ровий айтибдурки, шул замон баамри қодирини гайбдан гарде аз парран биёбон пайдо бўлди. Ул гард ичидин бир аъроби чиқиб келиб кўрдик, бир жавоне барно ўзидан кетиб ётибдур. Дарҳол отидан тушуб келиб, Амрини отни устига олиб, келгон йўли-



га қараб юруди. То чандонки, ўз қабиласига етиб, ўзини хиргоҳиға келиб тушти. Амирни бошларини канорига олиб, асал суйинди қатра-қатра ҳалқумларига томузди, анди Амирни нафаслари зоҳир бўлди.

Алқисса, Амир ҳолларига келиб, кўзларини очиб, ўзларини бир мардин канорида кўрдилар:— Ассалому алайкум, эй Хожа!

Ул айти:— Ваалайкум ассалом, эй жони надар. Таомга майлингиз борму?

Амир айтилар:— Оре.

Дарҳол таомҳое ранго-ранг ҳозир қилди.

Амир таомдан завқи тамом бирла едилар. Баъдаҳу ул аъробни сўрдикки, эй жавон, нима сабабдан бул биёбонни хавлнокда ётибдурсиз?

Амир айтилар:— Ман савдогар эрдим, қароқчилар мани молларимни торож қилиб олдилар, ўзум бу биёбонда қолдим.

Ул Хожа айти:— Рост айтгил, қайси қабиладан бўлурсан?

Амир:— Арабистондан бўлурман,— дедилар.

— Таваллудингиз қайдан?— деб сўрди.

Амир:— Таваллудим Исфаҳонда — дедилар.

— Нашу намойингиз қойдандур?— деди.

Амир:— Марвшоҳижаҳонда,— дедилар.

Ул айти:— Обу хурунингиз қайдидур?

Амир:— Мохондин,— дедилар.

Ул айти:— Отингиз ва отангизни оти шмадур?

Амир:— Отим — Абдурахмон, отамни оти — Саййид Асад,— дедилар.

Вақтики, Амирдин бу сўзни эшитиб, паъра уруб, Амирни оёғларига ўзини ташлаб, зор-зор йиғлади. Амир ҳайрон бўлуб, ани бошини кўториб, эй Хожа, на учун йиғларсиз, дедилар.

Ул айти:— Эй шаҳриёр, ман Хожа эмасдурман, сизни гуломингиздурман. Ҳануз манго хати озоди теккон эмас,— деди.

Амир:— Эй Хожа, сизни отам дерман, муңдоғ демонг,— дедилар.

Ул айти:— Эй шаҳриёр, бовар қилмойдурсиз, мани отим Сайёран Мавлидур. Вақтики, ман отангизни хидматларида эрдим, сиз олти ойлик эрдингиз. Ман сизни кифтимда кўториб юрур эрдим. То вақтики сиз икки ёнқа кирдингиз, баъдазон атонгиз мани қўйларни бошга юбериб эрдиларки, ман ул дашту саҳрода қўй боқиб юрор эрдим. Вақти эшитдимки,

лтонгизни Ҳажжожини золим ўн икки минг саййидлар бирла шаҳид қилибдур деб, ул замон ҳамма молларин олиб бу биёбонга келиб ватан қилдим. Ул замондан то бу вақтгача ўн йил бўлубдур, сизни молларингиз ҳам ўн чандон бўлубдур. Худойни таолодан ўзга киши ҳисобини билмайдур. Худога шукрки, ўз молларингизга соҳиб бўлдингиз. Мани хотирим жам бўлди,— деди.

Амир айдилар:— Агар шул моллар маники бўлса, ҳамасини сизга бердим. Манго мол даркор эмос,— дедилар.

Сайёра айтиди:— Эй шаҳриёр, манго ҳам мол даркор эмос. Бу молларни ҳар кимга берсангиз ихтиёр сиздадур, манго озодлик хатини берсангиз, кифоядур,— деди.

Амир айдилар:— Сиз мани атомдурсиз, сизга озодлик хати нима даркор,— деб бу гуфтугўда эрдилар, тўрт жавони мурасаъпўни хиргоҳдин салом қилиб кириб келди.

Аларни ёшлари ўн яшар-тўққуз яшар, саккиз яшар, етти яшар эрди. Амир аларни кўруб гумон қилдиларки, булар шул қабилани жавонларидандур, мани кўргони келгондурлар, деб ўринларидан туруб таъзим бажо қилдилар. Сайёра табассум қилиб айдикки, эй шаҳриёр, ўз гуломбаччаларинга таъзим қилурму, бул тўрт жавон сизни гуломни хопазодларингиздиндурки, ҳануз хати озоди олмагондурлар.

Амир айдилар:— Андоғ бўлса, бу тўрт жавон мани бародарларимдур. Баъдаху Амир айдилар:— Эй Сайёра, бу қойси манзилдур, қайси шаҳарга тобедур?

Сайёра айдикки, бул жойдан қалъан Мадойинга уч кунда борурмиз.

Амир айдилар:— Ман ҳам Мадойинга кирмакка қасдим бор,— дедилар, дилларинда шоядки, Абулато бирла Абулҳасан саргашта бўлуб келгон бўлса, дер эрдилар.

Ровий айтибдурки, Амир айдилар:— Эй Сайёра, мани дуода ёд қилиб тургойсизки, ман Мадойинга бородурман.

Сайёра айтиди:— Эй шаҳриёр, бул кеча мунда турунг, эрта бирлон гуломбаччаларингиз Мадойинни дарвозасига еткуруб қўйсунлар. Мабодоки, яна йўл йўқотиб саргардон бўлмонг.

Амир ҳам қабул қилдилар. Чун вақти шом бўлуб эрдикки, қўйлар ва тевалар пайдо бўлдикки, ҳисобини билиб бўлмас эрди.

Амир айдилар:— Эй Сайёра, зиёда хушмол эконсиз,— дедилар.

Сайёра айди:— Эй шаҳриёр, бор бу моллар ҳамаси сизни молнигиздур, маши ҳеч ҳаққим йўқтур. Мундин ҳам зиёда моллар саҳродадур. Мундин уч-тўрт кунлик йироқдадурлар. Ҳар йилда ул моллардан бир мартаба хабар олиб келурга ҳам қўлум тегмойдур.

Амир айдилар:— Шул қабилани атрофида нечанд уйлук киши бордурлар?

Сайёра:— Микдори юз уйлук киши бордур,— деди.

Амир:— Аларни ҳам моллари борму?— дедилар.

Сайёра айди:— Эй шаҳриёр, алар ҳамалари қашшоқ, моллари йўқдур.

Амир айдилар:— Аларни ҳозир қилиб олиб келинг,— дедилар.

Сайёра ҳамасини олиб келдилар. Амир ул молларни ҳамасини аларга тақсим қилиб бердилар. Андан кейин Амир айдилар:— Эй Сайёра, сизни худоға тобшурдум,— деб кетмоқга тараддуд қилдилар.

Сайёра дарҳол бир оти хоназодини ҳозир қилиб айдики, эй шаҳриёр, ҳар нечук ҳам бўлса, шул отни мани назаримда сувора бўлуб боринг, деб илтимос қилди. Амир қабул қилиб ул тўрт гуломбаччани ҳамроҳ қилиб, равона бўлдилар.

Сайёра айди:— Эй шаҳриёр, агар дохил бўлсангиз, анда Хожа Баҳром ном муҳибби хонадон бордур. Ани сўроглаб бориб, ани уйига тушгойсиз.

Амир ҳам қабул қилиб Сайёра бирлош видоҳ қилиб, йўлга равон бўлдилар. Андан уч кеч-кундузда қалъан Мадойинга етилар, ул тўрт гуломбаччани қалъани дарвозасидин қойтардилар, ўзлари шаҳарга дохил бўлдилар. Аммо вақти хуфташ эрди. Ул кеча кўча-бакўча юруб, бир жойга етиларки, бир дўконни нчидан чароғ ёниб одамни овози келодур. Амир келиб эшикни урдилар. Ул айди:— Кимдурсан?!

Амир:— Марди мусофирдурман, эшикни очил!

Амири соҳибқиронини салобатли овозларини эшитиб кўрқуб, ул дўкондор чароғни олиб тағора тағига қўюб, ўзини бошини ўраб ётти. Амир кўрдиларки, чароғ йўқ бўлуб, овоз ҳам йўқ бўлди. Дилларида айдилар: «зоҳираш соҳибни дўкон кўрқуб чароғни

Учурди, деб билди овоз бирла айдилар:— Дўконни очгил!

Дўкондан овоз чиқтики, эй Мирзойи қароқчи, мен кафшдўз шогирдидурман, бул дўконда ҳеч нимарса йўқдур.

Амир кўрдиларки, қўрқуб эшикни очмойдур. Охир ободларини учи бирла дўконни тахтасини ишорат қилиб эрдилар, дўконни уч тахтаси сиииб, дўконни олдида тушти. Ул кафшдўз қўрқуб ўрнидан туруб, тоторани тағидан чароғ олиб айдикки, ассалому алайкум, эй мирзом, мана чароғ, деб таъзим бирла турди. Дикки дарахтни баргидек қўрқуб титроп эрди.

Амир «ташқори чиқгил!» дедилар. Ул дарҳол тошқори чиқти. Амир сўрдиларки, Хожа Баҳромни уйларини билдурмасан? Ул кафшдўз ҳайрон бўлуб дилида айттики, бул ҳариф қароқчи хўб жойини кўзлагон экон. Агар Хожани билодурман десам, мани бошлаб бергил дейдур. Гўёки ман ҳам ўғурлуқга шерик бўлсам керак. Агар айтмасам, мани уруб ўлдуродур, деб ҳайрон бўлуб туруб эрдикки, Амрини хотирларига келдикки, бул мард бисёр қаншоқ кўруводур. Боядкки мунга бирор нимарса берай, деб айдиларки, эй кафшдўз этогингни очгил! Ул этогинни очиб турди. Амир бир мушт зар ташладилар. Сайёра Амирга бир ҳамён зар бериб эрди. Дарҳол кафшдўз бир мушт зарни кўруб, саросима бўлуб айдикки, эй Қароқчимирзо, ман Хожани уйларини билодурман.

Амир:— Ман қароқчи эмосман,— дедилар.

Ул айти:— Агар қароқчи бўлмасонгиз, манго мунча зарни берурмудингиз?

Амир билдиларки, ул қўрқонидин ҳар нима дейдур. Охир Амир ани жавобига ҳеч сўзламодилар, айдиларки, ҳар нечук одам бўлсам ҳам, мани Хожани уйига еткургил, дедилар. Дарҳол Хожани уйига олиб борди.

Амир айдилар:— Акиун ёнгил!

Ул айти:— Эй Қароқчи мирзо, ўғурлуқда ёри бермойинму?— деди.

Амир:— Кўп беҳуда сўзламогил, ёнгил!— дедилар.

Алесса, Амир келиб эшикни ҳалқасини урдилар. Дарҳол бир гулом чиқиб, дарвозани шикофидан кўрдикки, бир снѐхвўн отлик йиғит турубдур:— Ассалому алайкум, эй Мирзойи қароқчи,— деди.

Амир кулуб айдикки, эй Бобо, Хожа Баҳром уйларига борму? Гулом айти:— Агар сиз Қароқчи бўл-

сангиз, уйда йўқ ва агар Қароқчи бўлмосангиз, уйдурлар,— деди.

Амир:— Ман Қароқчи эмосдурман,— дедилар,— Хожа Баҳромға айтғилки, бир жавон Марвшоҳижаҳондин келибдур дегил,— дедилар.

Хожа тиловат қилиб ўлтуруб эрдиларки, ғуломни рангу рухсораси ўчиб кириб айдикки, эй Хожам, бир қароқчи қасрингизни дарвозасида келиб, сизни талаб қилиб турубдур. Хожа айдилар:

— Эй, падарлаънати қароқчи сизни талаб қилдур, демак печук сўздур, дуруст сўзлогил,— деб саросима бўлуб, чиқмоқни жойини билмой туруб эрдиларки, ғулом айдди:

— Эй Хожам, қўрқмангки, ул қароқчи жавон айтдурки, ман Марвшоҳижаҳондин келодурман,— дейдур.

Хожа айдилар:— Боз падарингға лаънатки, аввал на учун шундоғ демойсан,— деб югуруб чиқиб, Амирни аёғлариға ўзларини тошлаб айдиларки, эй шаҳриёр, ман сизни жамолингизға муштоқ эрдим. Мани дуом ижобат бўлуб, кашкашон сизни бу манзилға келтурубдур, деб уйлариға олиб кириб, бошларидин зар нисор қилдилар ва ранго-ранг таомлару шарбатлар бирла зиёфат қилдилар ва яхши либослар кийдуруб, иззату икромлар қилдилар. Хоҳладиларки, ўтган саргузаштларини баён қилсалар. Қўрдиларки, Хожа қаро либос кийибдурлар, лекин Амирни келгонлари жиҳатидин ани устидан ўзга либос кийибдурлар.

Амир сўрдилар:— Эй Хожа, воқеа нимадур, тез айттиг, на учун қаро либос кийибдурсиз?

Хожа пинҳон тутуб, ҳеч воқеа бўлгон йўқ, дедилар. Амир сабабини сўраб танг қилдилар. Хожа ҳеч илож тобмай айдиларки, эй шаҳриёр, сизни паришон бўлмонг деб пинҳон тутуб эрдим, деб, обидийда қилиб айдиларки, эй шаҳриёр, мани Хожа Низом ном отам бор эрдилар. Алар шул уйда ўлтурур эрдилар. Бу уйни бир девори кўчадур. Муқалқали Солук ном саг бу шаҳарға ҳокимдур. Ул бадбахтни одати бу шаҳарға ўзи шабгардлик қилур. Ман ўзумни уйимда эрдим, чун атом бир кеча тиловати қуръон қилиб, андан муножоти ҳазрати Шохимардонни ўқуб, язиди палидға лаънат юборур эконлар. Ул вақт Муқалқали нобакор шул жойдан ўтуб борурда қулоқ солиб эшитиб, дарғазаб бўлуб кириб, шул жойда атомни бошларини танларидин жудо қилиб, жазойи кишики

Абу туробийши отини тилга олсун деб, атомни бошларини олиб кетибдур, деди.

Амир:— Ани манзилгоҳи қайдадур?— дедилар.

Хожа айди:— Шаҳардан тошқори бир қалъа қилиб, онда туродур,— деди.— Ул қалъа бир фарсанглик йўлдур,— деди. Атомни бошларини гўшаи айвон узра қўюб, ҳар эрта етмиш калтак ул бош узра уродур. Ҳоло бир ҳафта бўлди. Атомни жасадларини бошсиз уйимга дафн қилдим. Бу қаро либосни ул жиҳатдин кийдим,— деб воқеани баён қилдилар.

Амир бу сўзин эшитиб, дуд димоғларидин чиқти. Айдилар:—

— Эй Хожа, кошки бу сўзин сўрмагой эрдим,— деб паришон бўлдилар. Андин айдилар:

— Эй Хожа, туруб хобгоҳингизда ётинг! Ман ҳам андак истироҳат қилай.

Андин Хожа туруб, уйларига кириб кеттилар. Амир андак таваққуф қилдилар. Андин туруб қалъани устидин тушуб, Муқалқални қалъасидин ҳам ошиб тушуб, ани қасрига еттилар. Ул қасрга кирдилар. Ул уйда Муқалқал ухлаб ётиб эрди. Ани эшиги мустаҳкам эрди. Амир ангуштарини остонани тагига қўюб, эшикни кўториб олиб канорага қўйдилар. Кўрдиларки, ул бадбахт беҳабар ухлаб ётибдур, аммо икки шерин тиллодан сурат тортиб боши узра қўюбдур ва икки ҳумо сурати тиллодан аёғ тарафига қўюбдурлар ва ул суратларин ичини мушку анбар бирла тўлгозибдурлар. Ул уйни сақфига бодбоне қўюбдурлар. Вақтики, ул суратлардан ул сагин бошига ва юзига мушку анбар тўкилур эрди. Чароки, ул суратлар мурвангардонлик эрди. У бадбахтни Амир бу ҳолга кўрди, ани сийнасига ўлтурдилар ва ани қадлу қомани иширма газ эрди. Ул бадбахт икки кўзини очиб кўрдики, бир сиеҳиўш сийнаси узра ўлтирибдур. Айдики, эй сиеҳиўш, кимдурсанки, кўрқмай мани сийнам узра ўлтурубсан?

Амир айдилар:— Билгилки, манам Абу Муслими соҳибқирондурман.

Ул бадбахт айди:— Қирқ йилдурки, ман язидин меҳру муҳаббатини сийнам узра жой қилибдурман. Сан беадаблик қилиб сийнамга чиқиб ўлтурубдурсан. Эй раҳнагар, тез кўксумдан тушгилки, гунаҳкор бўлдунг,— деб носазо айтти.

Амир «хуш бўлғой», деб ани бошини танидан жудо қилдилар. Андан Хожа Баҳромни атосини бошини

ғушан айвондан олиб чиқиб, қалъаи Мадойин жони-  
бига равон бўлдилар.

Хожа Баҳром вақти саҳар эрдик, оби таҳорат  
олиб келиб, Амирни тобмоди. Ҳайрон бўлуб эрдик,  
Амир қўллари ва либослари хунолуд кириб келди-  
лар. Хожа айди:

— Эй шаҳриёр, қайси жойга бориб эрдингиз?

Амир айдиларки, эй Хожа, сизни кечаси айтгон  
ёўзингизни эшитиб тоқатим қолмади. Охир бориб Му-  
қалқални бошини ва атонгизни бошларини олиб кел-  
дим,— деб ул икки бошини Хожани олдиға қўйдилар.  
Хожа айдилар:— Эй шаҳриёр, бу нечук воқеадур.

Амир айдилар:— Эй Хожа, сиз ҳам бул бадбахт-  
ни бошига тош бирла урунг!

Хожа айдилар:— Биздан мундоғ қилмоқ ҳожат  
эмас, ул жавосини топибдур. Ул нобакорни бошини  
қайда қўйсангиз қўюнг,— дедилар.

Амир «маин отимни олиб келинглар», дедилар.  
Хожа отин олиб келдилар. Амир хуржунни отға со-  
либ, чиқиб чорсуға келиб, Муқалқални бошини чор-  
суға олиб қўйдилар ва бир қоғозға хат ёздиларки,  
«Эй мардуми шаҳри Мадойин! Билингларики; бу иш-  
лар Абу Муслимни ишидур. Узға кишиға туҳмат қил-  
монглар», деб Муқалқални пешонасига ёпуштуруб,  
андин чиқиб батарафи Қўфа равон бўлдилар. Бул  
хатни энинг учун қилдиларки, Муқалқал Хожани  
атосини ўлдургон жиҳатидан Хожаға туҳмат қилмо-  
сувлар деб ва Хожа бўҳтондан халос бўлдилар.

Вақтин, тонг ёриб кун равнан бўлди халойиқлар  
чорсуға келиб кўрдиларки, бир бошини чорсуға олиб,  
ани пешонасига бир хатни ёпуштуруб қўюбдурлар.  
Ул хатни мутолаа қилиб кўрдилар, воқеан ҳолини би-  
тибдурлар. Хаворижларни ҳафт андомиға ларза  
тушти.

*Фасли дostonи Амири соҳибқирон Қўфаға дохил  
бўлгонлари ва паҳлавон Ҳайд Ийлободий бирла Абу-  
лато бирла Абулҳасанни зиндони Қўфадан халос қил-  
гонлари ва Валидни ўғли Утбани ўлдургонлари ва  
Зарбалони зиёрат қилиб Ҳазрати Имом Ҳусайндин  
азар тобқонлари. Назм:*

Бўлак дostonдин чекиб хомае,  
Сухансоз ўлай турфа ҳангомае.  
Баён айлай қиссан шоҳижаҳон,  
Ки яъни Абу Муслим соҳибқирон.

Ушан кун қилиб Қарбалога сафар,  
Шаҳардан шаҳарга юруб бозафар,  
Пиёда қилиб жангни доимо,  
Ани ёри эрди ҳаминча худо.  
Мусаххар қилиб жумлаи шоҳи,  
Қи бабри беша бирла аждаҳоши.  
Мададкоридурлар расули худо,  
Ҳасан бирла Ҳусан, Али муртаво.

Ровиёни ахбор ва ноқилони осор шундоғ ривоят қилибдурларки, Амири соҳибқирон қалъаи Мадониядин чиқиб, печанд кун йўл юруб, манзили мароҳилларин тай қилиб, Кўфага етиб, бир саройга туштилар.

Саройбон Амирга:— Эй Хожа, бу саройда сиз тургудек жой йўқтур. Чароки, бу ҳужраларни ҳамасини эгаси бордур. Аввал маротаба сизга тўрт ҳужра даркор бўлодур,— деди.

Амир айдилар:— Эй бобо, манго жой даркор эмас. Чароки, мани молим йўқ, зару кумуни нақдларим бордур. Бул жойдан харид қилиб кетодурман.

Саройбон:— Андоқ бўлса тушунг,— деб бир ҳужрани холи қилиб берди, зар бирла хуржини ҳужрага олиб кирдилар. Амир кўрдиларки, ажаб ҳужра — ораста, яхши палослар солибдурлар. Амир айдилар:— Эй бобо, бу ҳужра кимни ҳужрасидур?

Саройбон айти:— Бу ҳужра — сизни ҳужрангиздур.

Амир айдилар:— Мани асбоби ҳужра ва палосларим йўқ эрди. Булар қайдан найдо бўлди?

Саройбон айти:— Эй жавон барно, Ироқ шаҳрини қондаси шундоғдурки, бир киши сарой солса, ҳужрасига палосу дег ва табақу асбоб, ҳужрани ҳам тайёр қилиб қўядур, мусофирларни келиб турмоқларида асбоби ҳужра деб ташвиш тортмосулар,— деб. Амир хушвақт бўлуб, бу расми Ироқ ҳўб экон, деб қабул қилдилар.

Амирин хотирларига келдики, акнун оти нимага даркор қилодурман. Қарбалони зиёратига пиёда борурман, деб айдиларки, эй бобо, эмди мани отамни олиб чиқиб сотинг.

Саройбон айти:— Эй жавон, оти бир ҳафта тарбият қилиб, андин сотсангиз яхши эрди. Ҳоло от йўлда ҳорғондур.



Амир олиб чиқиб «ҳар нимага олса, сотғил», дедилар.

Саройбон кўнглида айдики, албатта, бу йигит қароқчи бўлса керак, савдогар бўлса бир танга зиёда сотарман деб бир ҳафта таваққуф қилур эрди.

Алқисса, саройбон отни бозорга олиб бориб эрдикан, ўн киши ул отни орқасидан тушти. Бир киши «бу отни қанча берурсан?» деди. Саройбон ҳам отни баҳосини билмай «бу отни баҳоси минг танга» деди. Дарҳол ул одам минг танга бериб, отни олиб кетти. Саройбон пулни Амирни олдиларига қўйди.

Амир:— Неча пулга соттинг?— дедилар.

Саройбон:— Минг тангага соттим,— деди.

Амир:— Ҳамасини санго бердим,— дедилар.

Саройбон айди:— Эй жавон, пушаймон бўлдингизми? Ул киши отни олиб кетти, ман ани хабарини қайдан топодурман,— деб қўрқуб баданига ларза тушти.

Амир айдилар:— Бобо, на учун?

Ул айди:— Эй жонни падар, ман отни арзон сотибдурман, эмди ул одамни қайдин топодурман?

Амир айдилар:— Эй бобо, ман отни сизга бериб эрдим, ҳар қанча сотсангиз ҳам, ўзингизники эрди. Ул отни ўн минг тангага олур эрди, сизни толеингиз настилик қилиб минг тангага сотибсиз. Эмди боки йўқдур,— деб яна бир мушт зар бердилар.

Саройбон ҳайрон бўлуб дилида айдики, «албатта, бу жавон қароқчидур», боз ўзига айдики, «манго мунча зар берди, андин баҳраманд бўлдум. Қароқчи бўлса ҳам ўз йўлига, мани нима ним бор».

Амир айдилар:— Эй бобо, манго бир нимарса пишуруб бering!

Бобо парча гўштни пишуруб, Амирни олдиларига олиб келди. Амир айдилар:— Эй бобо, қолгон гўштни фарзандларингизга элтиб бering!

Саройбон Амирни ҳақларига дуо қилиб айдики, бу жавон барно давлатида дунёдор бўлдум, деб хурсанд бўлди.

Амир ул кун турдилар, кеч бўлди. Кечани ўткардилар, эрта бирла намози бомдодни ўқуб, саройни эшигига чиқиб ўлтурдилар. Хотирларида шоядки Абулато ва Абулҳасандан хабар тобсам деб ўлтурур эрдилар.

Ул замон бир қаландаре пайдо бўлди. «шайдиллоҳ», деди. Амир «хушнудам олло», деб бир мушт зар

бердилар, яна бир қаландар пайдо бўлуб «шайдил  
лоқ», деди. Яна бир мушт зар бердилар.

Алқисса, яна етти қаландар бир-бир келдилар.  
Амир ҳаммасига бир мушздан зар бердилар. Қалан-  
дарлар зарни олиб кетдилар.

Амир кўрдиларки, ёнларидаги зар тамом бўлуб-  
лур. Амир саройга кириб қўюнларини зарга тўлго-  
либ чиқиб ўлтурдилар, боз ул қаландарлар пайдо  
бўлди. Амир ҳар қойсисига яна бир мушздан зар  
бердилар. Қаландарлар Амирни зарларини олиб кет-  
дилар. Амирни ҳабиблари айдикки, зар тамом бўлди.

Амир саройга кирдилар. Саройбон Амирга таом  
келтурди. Амир таомни еб намозни ўқудилар, ул  
куни ўткордилар, чун кеча бўлди. Амир учинчи куни  
саройни эшигига чиқиб ўлтурдилар. Ул етти қалан-  
дар яна пайдо бўлуб келдилар. Амир яна ҳар қойси-  
сига аввалғидек бир мушздан зар бердилар. Қўлла-  
рида зар қолмади, яна бир дарвеш савол қилса,  
шармсор бўлмоё деб саройга кирдилар.

Саройбон таом келтурди. Амир таом едилар. Амир  
ўзлариға муқаррар қилдиларки, эрта бирла Қарба-  
лога чиқиб кетай деб. Чун Амирни кўзлари уйқуға  
борди, ногоҳ эҳтиломе бўлуб титраб, бедор бўлуб  
паришон бўлдилар. Амирни андан уйқулари келмо-  
ди, саройбондан сув тиламоқға шарм қилдилар, ан-  
диша қилдиларки, бу шаҳарни ҳаммомни бордур деб.  
Урунларидини туруб, либосларини кийиб, ханжарла-  
рини беллариға осиб, чиқиб саройни эшигига келиб,  
саройбонни бедор қилдилар.

Саройбон:— Эй жавон, қойси жойға бородурсиз?

Амир айтголи шарм қилдилар. Саройбон:— Ма-  
гар икки ҳаммомга бородурсизму?— деди.

Амир айдилар:— Оре.

Саройбон айдди:— Сиз мусофирдурсиз, ҳаммомни  
тополмай саргардон бўлманг. Шул саройни орқаси-  
да бир ҳаммом бордур. Бул сарой бирла ҳаммомни  
бир киши солғондур. Шул ҳаммомга боринг!— деб  
таъин қилди.

Амир хўб деб ҳаммомга келдилар. Ҳаммомга ки-  
рай деб либосларини ешиб, дасторларини бошлари-  
дин олиб қўйдилар, аммо ханжарларини ўзлари бир-  
ла ҳамроҳ қилиб, ҳаммомга кириб борур эрдилар.  
Ҳаммомчи кўрдикки, ул жавон ханжар бирла ҳаммом-  
га кириб бородур, айдикки, эй жавони барно, ханжар-  
ни олиб кирмоқ ҳожат эмас, агар ханжар ҳаром

бўлгон бўлса, ҳаммомдан чиққонда бир коса сув бирлон ювсангиз ҳам пок бўлур, деди.

Амир:— Бу сўз ҳожат эмас,— деб қабул қилдилар.

Ҳаммомчи айтиди:— Бас, на учун ханжар бирла ҳаммомга киродурсиз?

Амир айтидилар:— Сани на ишинг бо... Ҳоло ҳаммомда ҳеч ким йўқдур, хотиржамлик бирла гуси қилурман,— дедилар.

Ҳаммомчи айтиди:— Эй жавони барно, сиз ханжар бирла кирсангиз, ман бадном бўлодурман. Халойиқлар айтодурларки, бир жавон сани ҳаммомнингга келибдур, санго эътимод қилмоди. Ўзи бирла ҳаммомга олиб кирибдур деб маломат қилурлар. Мани ҳаммомнингга шикаст бўлодур. Агар ҳаммомга кирсангиз, ҳар нимарсаларингиз бўлса, манго тобшурунг ва агар қабул қилмосангиз, ҳаммомга кирмонг!

Амирга ани сўзи маъқул бўлуб, оқибат қабул қилиб, ханжарни санго тобшурдум, деб ҳаммомга кирдилар. Ул олиб Амирни назарларида сандуқга солди. Амир агар ханжару либосларни худога тобшурдум десалар, ҳеч воқеа бўлмос эрди. Вақтики, Амир ҳаммомга кирдиларки, тезроқ чиқай деб. Ани ҳаммоми Амирга хуш келиб туруб қолдилар. Бир вақт бўлуб эрдик, одамлар беш-беш, ўн-ўн, миқдори саксон одам ҳаммомга кирди. Амир баданини номаҳрам кўрмосун деб ўзларини канора торттилар, то бул, одамлар чиқмогунча ман чиқмосман, деб таваққуф қилдилар.

Ровий айтибдурки, алқисса, Амир сабр қилиб турдилар, ҳамма халқ чиқтилар. Амирдан ўзга киши қолмоди, аммо хотунларни ҳаммомга келодургон вақти ҳам бўлди. Ул вақт ҳаммомчи айтиди:— Эй фўтадор, ҳаммомда киши қолдиму?

Фўтадор айтиди:— Киши қолғони йўқ.

Ҳаммомчи айтиди:— Андоғ бўлса, буғ тортгил, токи хотунлар ҳам келсун!

Фўтадор чиқиб буғ тортиб эрди, Амир баланд овоз бирла айтидиларки, эй ҳаммомчи, бормусан?!

Ҳаммомчи айтиди:— Эй фўтадор, киши йўқ демоб эрдингму? Ҳаммомдин овоз келодур.

Чун фўтадор кириб кўрдики, бир жавоне турубдур. Фўтани арз қилди. Амир хоҳладиларки, олсалар. Амирни қўлларинга дурунлуқ бирла тошлоди. Амир маънослик бирла олдилар. Андин фўтадор Амирни

хилъатларини келтурди. Амир кўрдиларки, пора-пора хилъатларни келтуруб берибдур. Амир айдилар:

— Эй фўтадор, бориб ҳаммомчига айтгилки, ул жавонски, ҳаммадин илгори келиб ханжарини санго бериб ҳаммомга кириб эрди, ҳоло ҳаммомдин чиқмоқчи дегил!

Фўтадор қилгон ишидин шарманда бўлуб, шармандалик бирла чиқиб ҳаммомчига ваҳшат қилиб айдики, эй кадхудойи равганин, ман фўтани олиб боргон вақтда ул жавонни хилъати бул жойда демалинг. Ман билмосдан ҳаммомни бир жойига ташлагон эски хилъатни олиб борибдурман. Кўрдимки, ул жавон одами экан, агар ўзга одам бўлса, мани дашномлар қилур эрди, деди.

Ҳаммомчи:— Ани қандоғ либос хилъати бор экан,— деди.

Фўтадор айди:— Ул жавон соҳиб ханжар экан.

Ҳаммомчи:— Ҳануз ул йигит ҳаммомда эконму?— деди.

Фўтадор айди:— Оре.

Ҳаммомчи «оллоҳу акбар», деб суфани узасидан ўзини сандуқини орқасига тошлоди. Фўтадор «нима воқеа бўлди», деди.

Ҳаммомчи айди:— Ул жавонни ханжару либосларини ҳарифлар олиб кетибдур,— деди.

Ҳаммомчи айди:— Эй фўтадор, агар тамом молларини сотсам ҳам, ани ханжарини ярим баҳоси ҳам бўлмойдур.

Фўтадор айди:— Агар шундоғ бўлгон бўлса, валлоҳки ул жавон аввал мани ўлдуродур, андан сани ўлдирур.

Фўтадор айди:— Эмди нима қилмоқ керак?

Ҳаммомчи айди:— Эй фўтадор, санго минг таиға берурман, бир беҳаёлик қилиб ул жавонни дафъ қилгил!

Алқисса, ровий айтибдурки, Амир хилъатга мунтазир эрдилар, фўтадор келиб яна ул эски тўнларни Амирни олдиларига тошлади. Амир «ўшал эски хилъатни олиб келдингму», дедилар.

Фўтадор айди:— Ажаб таиғарвар йигит экансан, ҳаммомда бисёр юруб баданинг мулойим бўлди. Эмди ўз либосингни кийгони номус қилодурсанму?— деб беҳаёлик оғоз қилди.

Амир ани бир мушт бирла саранжом қилди. Яна толеълари наҳса қолгонини андиша қилиб тошқорн

чиқиб ҳаммомчидан хабар олай деб чиқтилар. Ночор ул либосларни кийдилар. Амирни бадаплариға тарошадан ҳам қаттиқроқ тегор эрди. Яна ул либос Амирни тиззаларидан келди. Амир ночор қўлларини этоклариға иннхон қилиб ҳаммомдан чиқтилар, ҳаммомни ташшуйида туруб айдиларки, эй фўтадор, мани боқе либосларим қайдадур?

Ҳаммомчи айтиди:— Қойси жойға ешиб тошлоган бўлсанг, ул ердадур.

Амир айтиди:— Ман девонадурман, қайси жойға ешиб тошлаганимни билмойдурман.

Вақтики Амирни ҳаммомчи кўруб, таниб дилида айтидики, дарҳақиқат, соҳиби ханжар шул жавон эрди, деб шарманда бўлуб бошини қуйи солди. Оҳируламр, Амир ҳаммомни истаб бир шол фўта, эски ва нечанд жойларидан гиреҳ тугун-тугун қўйгонни топиб олиб беллариға боғладилар ва яна ҳар жойдан тешилгон юнги йўқ эски телфакни топиб бошлариға кийдилар. Дилларида айтур эрдилар, байт:

Ед дорам аз куҳан пиреки дар ҳаммом гўфт.

Ин суҳан мекард рўзи муҳтари бар кеҳтари.

Чист баршўд онке ҳар кас пойи дар ҳаммом монд,

Бар дили гамгини ў накушоюд аз шоди даре.

Алқисса, Амир бу сўзларни айтиб, кўзлариға ёш олиб, ҳаммомдан чиқиб равон бўддилар ва яна кўнгулларидан айтур эрдиларки, саройға бориб, пораи зар олиб ўзумга саруно олиб, баъдаҳу бул ҳаммомчи бирдан сўзланмасам, бўлмойдур. Бул жойда сўзланмасам, мани сўзумга ҳеч ким бовар қилмойдур, деб чиқиб юрдилар. Ҳаммомчинини кўнглига келдики, бу жавон ҳоло тағофилда турубдур. Мунго бир дахли қилиб қўйёки деб:— Эй жавон, азбаройи беш-олги пул ҳаммом пули бермос учун бизларга пешравий урдунг. Яқин эрдик, жоним-танимдан чиқса.

Амир ҳеч сўзламай чиқиб, саройға келиб ҳужрани эшигини кўрдик, калид ҳам либос бирла кетибдур. Охир эшикни ушотиб ҳужрага кириб кўрдиларки, ҳужрани деворини тешиб, тамоми зарларини хуржин бирла олиб чиқиб кетибдур. Амир паришон бўлуб айдиларки, агар зар бўлса, ханжар ҳам мавжуд бўлур эрди, афсус деб айтур эрдиларки, ҳай даригки, бепарволик қилиб, ул ханжарни қадрини билмодим, ўзумдин жудо қилдим. Акпун ҳар нечук ҳам бўлса

Қарбалога борай. Бу либослар бирла мани сўзум ҳеч кимга қабул бўлмас, деб оҳиста-оҳиста саройдан чиқиб юрдилар. Баногоҳ саройбонни кўзи Амирға тушти, тонимой айдики, эй олифтаҳол, вой рабояндзи мол, қайдан келиб бу саройни ичида юрубдурсан, тезроқ саройдан чиқиб кетгилки, мабодо саройдан нимарса ғойиб бўлса, мандан товон олодурлар, деб амирға дурушт сўзлади. Амир оҳи сард аз дили пурдлард тортиб айдиларки, бу сағ саройбон ҳам мани тонимоди деб, ночор саройдан чиқиб, Қарбалога қараб равона бўлдилар. Гурусна эрдилар, ўзларига айтур эрдилар. «Агар ноне топиб, еб сер бўлсам, хўб эрди», деб ҳайрон бўлуб туруб эрдилар. Хожалар ўтуб бородур эрдилар. Хоҳладиларки, таъзим қилиб алардан бир нимарса талаб қилай деб, боз гарданлари ёри бермоди, анда бу байтни ўқудилар, байт:

Сар макун дар пеши дундор паст,  
Вар куни бешак равад динат зи даст.

Амир бу аҳвол бирла гурусна раста ва бозорларда юруб эрдилар. Кеча бўлса, бир дўконни томи узра чиқиб ётор эрдилар. Тўрт кун бу тариқа ўтти, яқин эрдикки, гурусналикдан ҳалок бўлсалар. Бешинчи куни ошпазларни растасига келдилар. Амирни хотирларига келдики, таомни бўйи димоғимга тегиб, шоядки қуввате ҳосил бўлса деб, бир нонфурушни палоси узра ўлтурай деб эрдилар, ногоҳ Амирни аёғлари лағзеш еб, яқин эрдикки йиқилсалар. Қўл узотиб дўконни стунини ушладилар. Дўкон Амирни зарбларидин дарларза бўлуб, бир тарафга йиқилиб тушти, нонлар палосдан ҳар тарафга сочилиб кетти. Амир дарҳол дўконни устуларини тутуб кўториб, аввалгидек жобажо қилиб қўйдилар. Нонфуруш саросима бўлуб, нонларни жамъ қилиб айдики, эй олифта, нима иш қилиб турарсан?

Амир айдиларки, гуруснадурман. Нонфуруш кулуб айдики, боракалло, агар очлиқ ҳолатда ўлтурганинг шул тариқа бўлса, агар тўқ бўлсанг, оламни хароб қилур эконсан, деди.

Амир «боракалло, хўб тобтинг», дедилар ва яна нонфуруш айдики, «эй жавон, гуруснаман деголи шарм қилмайсанми, иш қилсанг бўлмойдурму? Филдек зўр бозунг бор экон, сани нон талаб қилмоғинг лойиқ эмосдур», деди.

Амир айдилар:— Ман ʻйЛгōри пулдор ғани эрдим, бепарволик қилиб пулларимни йўқоттим, акнун беҳушарлик манго таъсир қилибдур. Бинобарин, бузургла айтибдурларки, байт:

Аз он дасте паояд ҳеч коре,  
Бувад бартап ажаб беҳуда боре.  
Агар хоҳики ҳаргиз дарднамони,  
Бадаст овар хушар то метавони.

Вақтинки, нонфуруш Амирдин бу тариқа сузин эшитиб айдики, эй жавон, санго бир иш ўргатой, парча нон топиб ерсан. Агар жаҳд қилсанг, яхши либос ҳам топиб киярсан. Ул ишга зўр даркордур. Санго ул иш даркор экон, деди.

Амир:— Ул нима ишдур?— деди.

Нонфуруш:— Мардикорлик қилмоқ лозимдур,— деди.

Амир:— Қайсеи жойга борсам, мани мардикорга олодур?— дедилар.

Нонфуруш айди:— Шаҳардин тошқорғи бир кўфрук бордур. Ул кўфрукни Пули Муздурон дерлар. Сен ҳам анда бориб ўлтурсил. Бир киши келиб олур,— деди.

Алқисса, Амир шаҳардан ташқари чиқиб, чошт вақтинда ул кўфрукни узасига келиб ўлтурдилар. Ул кун Амирдин ҳеч ким олиб бормоли. Ул кеча Амир ул кўфрукни тағида ётдилар, эртаси мардикорлар келдилар. Амир ҳам ул кўфрукни узасига чиқиб ўлтурдилар. Миқдори юз йиғирмача дутарафа ўлтурдилар. Анда мардикорларни кўзи Амирға тушти. Кўрдиларки, бир жавонни моҳруй, аммо турфа ҳолати бор. Айдиларки, эй барпо, нима иш қилиб турубсан?

Амир айдилар:— Сизлар нима иш қилиб турубсизлар?

Алар:— Бизлар мардикордурмиз,— дедилар.

Амир айдилар:— Биз ҳам мардикормиз.

Мардикорлар кулуб айдиларки, на учун бизларни ишимиз хор бўлмоғуки, санинглак булхаваастлар мардикорлик қилиб бизларни ишимиз хор бўлдики, агар мардикор бўлсанг, кетмоғу белниг йўқ. Нечук иш қилурсан? Ярим тапга берса югуруб бородурсан, бизлар бир тапгага бормиз десак, алар айтодурларки, кеча бир йиғитни ярим тапгага олиб бордук. Сизлар

бир танга дермусиз деб, дошном беродурлар, деб ҳамалари Амирни сарзаниш қилдилар.

Вақтики, Амир мардикорлардан бу сўзни эшитиб, ўзларига айдиларки, мардикорликга салоҳатим бўлмаса, бу хилъат ва саодат, яъни соҳибхуружлик хилъати мани қаддимга нечук рост келсун, деб наришон бўлуб ўлтурдилар.

Бир одам мардикор олғали пайдо бўлди. Ул одам Амирни олдиларига келиб айдики, «эй жавон, мардикормусан?»

Амир «Оре», дедилар.

Ул одам «кўлунгни манго бергил», деди.

Амир айдилар:— Нима ишингиз бўлса, буюриб кўрунг,— дедилар.

Ул одам айди:— Мани отамни васияти шул эрди. Эй жавон, кўлунгни манго бергил,— деди.

Амир кўлларини бердилар, Амирни кўлларини ушлаб кўруб айдики, эй жавон, агар мардикор бўлсанг, кўлунг қаттиг бўлур эрди. Камоли таппарварлигиндан кўлунг хамирдан ҳам мулоим экон. Шул ҳолинг бирлон мардикорликин ихтиёр қилурмусан, деб бориб ўзга мардикорни олиб кетти.

Алқисса, ҳар киши келса, шул тариқа сўзни айтиб кетор эрди. Бас, Амирни ҳеч киши олмоди. Мардикорни бозори ҳам охир бўлди. Охируламр, Амир номус қилиб айдиларки, мани мардикорга олиб бородургон киши борму?!

Бир киши келиб айдики, «нима беройни?». Амир айдиларки, нон ва бир табақ он бергил! Ул одам: «бул ҳам санго зиёдалик қилодур», деб айтди. Амир ҳеч нима демодилар, «бу ҳам тоълеимни наҳса қолгон сабабидан», дер эрдилар.

Ровий айтибдурки, Амири соҳибқирон то уч кунгача ул кўфрукни тагида бўлдилар, тўртинчи кун овозе Амирни қулоқларига еттики, «дарёб, эй жавон», деб. Амир кўрдиларки, бир гуломе бошу кўзи ёрилгон. Амир дарҳол ул гуломни орқаларидан жой бердилар. Ул гуломни хожаси кулуб айдики, эй бадрак, хўб одамни ҳимоят қилдик. Амир туруб кўрдиларки, бир хожа пешонасидан қон томадур.

Амир айдилар:— Эй хожа, ҳар тариқа бўлса ҳам, мани ҳимоят қилиб келди. Ман сўродим — ҳар нима хотирингизда бўлса, ани манго ўтунг,— дедилар.

Хожа айди:— Қимдурсан, мунда нима қилурсан?



Амир: — Гуруснаман, — дедилар.

Хожа кулуб айди: — Эй барно, мани сўзумни жавоби шулмудур?

Амир айдилар:— Эй хожа, бисёр оч гурусна эрдим, анинг учун аввал сизга гурусналимни арз қилдим.

Хожа айди: — Эй барно, бир даҳададурман, сани ул жойга олиб бориб бир нимарса берай, то гурусналикдан халос бўлгил.

Амир «хўб», деб ул хожа бирла борур эрдилар. Амир айдилар:— Эй хожа, бу гулом нима қилиб эрдикки, ани бу тариқа қилдингиз?

Хожани хотирига келдикки, бул жавон мани сўзумни идрок қилурмукин деб, боз дилида айдики, сўзлаб борсам, йўл кўтоҳ бўлодур деб айдики, эй жавон, ман Марвонни белбозидурман. Ёшлигимда Марвонни жилаовида юруб белбозлик қилур эрдим. Уи йил бўлдики, манго бир қишлоқни бердикки, ани деҳан Арусон дейдурлар. Ман ул деҳага бир чорбоғ қилиб эрдим; ул чорбоғни бир тарафи кўл ва бир тарафи бир катта тепадур. Ул жойни чорбоғ бўлур ва ё бўлмос деб аввал парво қилмодим. Ҳоло ул боғ камолига етибдур. Агар ул тепалиқ йўқ бўлса, ул боғ обод бўлодур. Донишмандлар келиб айдилар:— Эй хожа, агар қирқ киши қирқ кун шул тепага ишласа, тепаи ўрнидан йўқ қилодур. Ман бу гуломга айдим «эртароқ туруб мани хачиримни эгарлагил, ҳар жойда мардикор бўлса, топиб келурсан», дедим. Бу гулом бепарволик қилиб хачирин тоаъир бирла эгарлабдур. Акиун келиб боқсам, мардикор тамом бўлибдур. Бу сабабдин бу гуломни урдум,— деди.

Амир хожани рикобида келур эрдилар, ул гуломга солган олти тозниёна Амирни кифтлариға тегиб, миқдоре олмадек обло пайдо қилди. Амир Хожа лоҳаз бўлмосун деб дурушт сўзламодилар, токи ани чорбоғиға етилар. Алқисса, Бобо Аднони Белбоз келиб, палосни устида қарор олди. Баякбор хотирига келдикки, бул жавон гуруснаман дер эрди, мунга бориб таом келтурай деб уйга келиб «эй биби, тайёр нон борму?» деди. Хожани хотуни:— Икки юз мардикор олиб келурман деб эрдигиз, ман беш ботмон нон тайёр қилдим, боз нон ишшуруб турурман,— деди.

Хожа айди: — Алҳол икки нон келтуруб бергил, — деди.

Икки нон олиб келди. Хожа ул икки нонни олиб, бир дарича боғ тарафига қўюб эрдилар, Хожа ул даричадаи чиқти. Амрини кўзлари туштики, Хожа бир нимарса олиб келодур. Амир хоҳладиларки, камоли гурусналикдан Хожани олдиға борсалар ва яна сабр қилдиларки, ҳар нимарса бўлса, ўзи олиб келур. Хожа келиб айдиларки, эй жавон, муни олинг.

Амир қўл узотиб дастурхонни олиб, олдиларига солиб, бир нонни олдилар. То Хожа жойларига бориб ўлтургуича Амир бир нонни едилар. Хоҳладиларки, яна бир нонни есалар. Хожа кўрдикки, бир нонни ебдурлар. Хожа ҳайрон бўлуб кўнглида айдикки, ман дастурхонда олиб келгоним икки нонмуди ё бир нон. Сўргали боз Амрдан шарм қилдилар. Амир фаҳм қилдиларки, Хожани кўнглида бир сўзи бор. Амир айдилар:

— Эй Хожа, ҳар нимарсанки хотирниғизга келгон бўлса, айттиг!

Бобо Аднон маҳжубона сўрдиларки, эй жавон, бул дастурхонда икки нон бормуди ё бир нон?

Амир «икки нон бор эрди», дедилар. Хожа айдилар: — Андоғ бўлса, бир нон қани?

Амир: — Бир нонни едим, — дедилар.

Хожа: — Эй барно, андак сабр қилинг, ман бориб қатиқ олиб келай. Нонни қатиқ бирла енг, — деб уйларига борди.

Амрини хотирларига еттики, нонни ярмини еб турай, ярмини қатиқ бирла ермац, деб нонни едилар, боқий қолгон ярмини ҳам ёдларида йўқ еб қўйдилар.

Хожа уйларига келиб: — Эй биби, жугрот борму? — деди.

Биби айди: — Оре, уйда қатиқ бор ва яна мардикорларга лозим бўлур деб ҳамсоялардан ҳам жамълаб қўйдим. Ҳаммаси бўлуб юз хурма қатиқ келодур.

Хожа айди: — Алҳол бир хурма келтургил!

Биби олиб келдилар. Хожа қатиқни олиб Амрини олдиларига қўюб айдиларки, эмди, эй барно, нонни қатиқ бирла тановул қилинг!

Амир қўл солиб қатиқни юзини олиб едилар. Хожа айди: — Эй барно, ажаб одам экансиз. Нон ва қатиқни енг, — деди.

Амир: — Нон бўлмаса нима бирла ерман? — дедилар.

Хожа айди: — Нонни нима қилдингиз?

Амир айдилар: — Едим.

Хожа: — Андоғ бўлса сабр қилиб турунг, сизга нон олиб келай, — деб уйга борди.

Яна икки нон олиб келди. Амир то Хожа келгунча хурмани бир дам тортиб, қатиқни ичиб қўйдилар.

Хожа нонни Амирни олдиларига қўйди, айди: — Эй барно, акнун нонни қатиқ бирла тановул қилинг, — деди.

Яна кўрдик, Амир нон ейдурлар, хурмани оғзи ерга сарнигун бўлуб туродур.

Хожа айдилар: — Эй барно, на учун ерга сарнигун бўлуб туродур?

Амир айдилар: — Эй Хожа, бул хурмани канизакларингиз ва ё ҳамсояларингиз тўнкориб қўйгондурлар.

Хожа айди: — Эй барно, нима арзингиз бор?

Амир айдилар: — Эй Хожа, бисёр яхши жуғрот экон, печа муддат тўнкориб қўйсам ҳам, тўкулмойдур.

Хожа айдилар: — Эй барно, хурмани якбора кўторил, ерга тўкулмасун, — деди.

Амир хурмани Хожа тарафига қилиб кўтардилар. Хожа назар қилиб кўрдиларки, хурмада ҳеч нимарса йўқ. Хожа: — Жуғротни нима қилдингиз? — дедилар.

Амир: — Жуғротни ҳам ичтим, — дедилар. — Эй Хожа, хотиржам бўлунг, ўрнимдин туруб бир ҳаракат қилсам, нон бирла қатиқ аралашиб кетодур, — дедилар.

Хожа айди: — Сабр қилинг, нонни емой турунг, ман бориб яна қатиқ келтурай, — деб кетти.

Амир ул икки нонни ҳам едилар. Хожа қатиқ олиб келиб кўрдиларки, нонни еб қўюбдурлар. Хожа яна бориб нон олиб келди. Кўрдик, қатиқни ичиб қўюбдурлар. Қатиққа борсалар, нонни еб қўйдилар. Хожа ҳайрон бўлдилар.

Алқисса, ровий айтибдурки, Амири соҳибқирон ул кун эллик нон бирла йигирма беш хурма қатиқни ичтилар. Хожа бу ҳолни кўруб, дилтанг бўлуб кўнглида айдик, ҳай дариг, бу жавонга икки нон бирла

қатикни қўшуб едиrolмадим, деб уйларига бориб айдиларки, эй биби, яна икки нон бирла бир хурма қатикни келтурунг!

Хожани хотуни айдн: — Сиз мундоқ ишни қилмас эрдилар. На учун мундоқ ишларни қилурсиз? Агар меҳмонингиз кўп бўлса, аввалда нон бирла қатикни якборали меҳмонга боқиб кўброқ олиб борсангиз бўлмасмуди, сизни бу тариқа феъл-атворингиздин мардум «Хожа бисёр қаттиқ киши экон», деб гумон қилодурлар, — деди.

Хожа айдикн, эй биби, мани меҳмоним бир ён гўдакдур. Хотунлари хайрон бўлуб айдикн, эй Хожа шунча олиб боргон нон бирла қатикни ўл гўдак ўзи ебдиму?

Хожа айдн: — Оре, ҳаммасини ўзи еди.

Хотун айдн:— Эй Хожа, ул гўдак кетодурму ё туродурму?

Хожа айдиларки, ул гўдак моҳи шарифи рамазонини шунда ўтқариб кетмакчидур.

Хотун айдн: — Боракалло. Эй Хожа, ўзингизга эҳтиёт бўлунг! Ул гўдакни ҳар нима хоҳласа таъхир қилмай бериб ботроқ йўлга солиб юборингки, агар моҳи шарифни ўтқориб кетодургон бўлса, сиз бирла мани хароб қилур экон.

Алқисса, Хожа бир хурма қатик бирла нонни Амрини олдларига келтуруб қўйдилар. Амир билдиларки, Хожа кўб машаққат тортибдур, аммо Хожа орқасини ўгуруб оҳиета-оҳиета назар қилур эрдикн, боз нонни беқатик ермукин деб.

Алқисса Амрини соҳибқирон бир нонни пора қилиб қатик бирла Хожани назарида еб қоринлари тўйди. Қолгон бр нонни белларига солиб олдилар. Бобо Амрон Амрини тушгонларини билиб, хотиржам бўлуб, ётмоққа машгул бўддилар.

Амир: — Эй Хожа, ул катта тена қайсидур? — дедилар.

Хожа тенаи кўрсатти. Амир айдилар: — Бир асбобе бўлса, анинг бирла бу тенадан туфроқ олиб ташласам.

Хожа айдн: — Эй барно, агар сан иш қилодургон бўлсанг, кийган либосинг руст бўлур эрди.

Бу айтти: — Уҳдаендин чиқмассан, бориб ул қаро толни соясиди ором олгил! Ҳар нимарсаки, мандан егон бўлсанг, ман розидурман.

Амир айдилар: — Манго бир ҳарба топиб беринг,

ҳар ниманки тепадан кам бўлса ғаниматдур. Икқала-  
лари ароларида гўфтуғлар бўлуб, охируламр, Хожа  
гуломларига бел келтуруб бергил, — дедилар.

Дарҳол бориб ўттуз ботмон туфроғни ердан узуб  
олодургон белни келтуруб берди. Амир: — Бу мани  
дастбозумға тоқат келтуролмайдур. Мундин каттароқ  
бел келтурунгла, — дедилар.

Ғуломлар бориб яна нечанд беллар келтурдилар.  
Амир қабул қилмодилар. Хожа бедимоғ бўлуб айди-  
ларки, ёшлик вақтимда бул фўлод бели мурасаъ бир-  
ла ийд кунлари Марвонни хизматида корга келтуруб  
белбозлик қилур эрдим. Ул фўлод белни уйдан кел-  
туруб берсангла, деди. Ғуломлар келтуруб бердилар.

Алқисса, ровий айтибдур, Амир белни олиб кўр-  
диларки, юз ботмон туфроғни ердин олодур. Хожа  
айди: — Эй барно, бу бел корға келодурму?

Амир айдилар: — Балли, ҳеч айби йўқ.

Хожа айди: — Хоҳ яхши, хоҳ ямон эмди шулдур.  
Ўзунг билгил, — деб ўзи ётиб уйқуга майл қилди.

Амир ул тепани устига чиқиб, то уч навбат тепага  
қараб, бел уруб туфроғни ул кўлга тошладилар.  
Баъдазон тепага боқмосдан туфроғни олиб ташлар  
эрдиларки, гўеки юз адад белдор туфроғни олиб таш-  
лагандек. Акнун Амирни қўллари қизиқиб орқалари  
терлаган ҳам йўқ эрдик, ул тепани олдидаги суйи  
туфроқ бирла йўқ бўлди ва ул тепа ҳамвор бўлди.  
Амир кўнгулларида «эмди оҳиста иш қилой», деб  
оҳиста-оҳиста иш қилур эрдилар. Ногоҳ белни юзи  
бир тошқа етти. Амир ул жойни кўрдилар, бир тахтаи  
сангии зоҳир бўлди. Ул тахта сангини кўтариб кўрди-  
ларки, бир чуқур чоҳ намудор бўлди.

Амир бул чоҳга тушуб кўрай, нима бор экан, деб  
чоҳга тушуб кўрдиларки, оҳубарли тиллодан ва си-  
пари тиллодан ва найзани тиллодан. Амир оҳубарани  
бошларига солдилар ва сипарни орқаларига банд қил-  
дилар ва камарчаларини қоринларига боғладилар.  
Найзани белларига банд қилдилар, ул чоҳни атрофи-  
ни тошлар била ишлаб чиққон эрди. Амир тигни  
дастаси бирла ул тошқа қўюб чиқтилар. Кўрдиларки,  
офтоб қиёмға келибдур. Амир ул фўлод белни бош-  
ларига соя қилдилар, ул сипари мурасаъни олдилари-  
га қўюб, нонни ани узасида сиңдуруб едилар. Ногоҳ  
Амирни хотирларига еттики, фузайл раммол деган  
сўзики, ҳар вақт хони мурасаъда таом есангиз ва  
фўлодни соясида фўлтурсангиз, толеингиз наҳсдан чи-

қор, деб эрди. Дарҳол Амир туруб намозни дугона баройи ягона адо қилдилар. Андин таом емакка машгул бўлдилар. Амирни таом емакда қўюб икки калима сўз Бобо Аднондан эшитинг.

Бобо Аднон вақтики уйқудан бедор бўлуб, тепага назар солди. Кўрдикки, андоғ азим тепа ўрнида йўқ. Фарёд қилдикки, эй ғуломлар, ман кимни боғида ётибдурман.

Ғуломлар айдди: — Эй Хожа, девона бўлдингизму? Бул боғ ўзунгизни боғингиздур.

Бобо Аднон айдилар: — Эй ғуломлар, агар бул боғ мандин бўлса, тепа бирла катта кўл қайда кетти?

Чун ғуломлар ҳам бу сўзни эшитиб кўрдиларки, дарвоқе кўл ҳам йўқ, тепа азим ҳам йўқ. Алар ҳам ҳайрон бўлдилар. Бобо Аднон жойиндин туруб кўрдикки, ул жавон белни ерга уруб, ани соясида нон еб ўлтурубдур. Анда Хожа узрлар айтиб, Амирни тарафларига югуруб келур эрди. Амир хаёл қилдиларки, бу ганжни нима учун вайрон қилдинг дейдур, деб айдиларки, бу оҳу ва найза ва сипардан ўзга ҳеч нима топилмадим.

Хожа келиб Амирни қадамларига ўзларини тошлаб айдиларки, эй шаҳриёр, маъзур тутунг, билмобдурман, деб узрлар айтти.

Амир айдилар: Нима бўлдики, бу тариқа сўзларсиз?

Хожа айдди: — Эй шаҳриёр, сиз ул соҳибни хуружи хафтоду дуввумдурсиз. Бу арсаи офоқда бисёр користонлик қилурсиз. Мани бу ганждин хабарим йўқ. Бу ганжни худон таоло сизга берибдур.

Амир айдилар: — Ман отангиздан қолгон ганж деб гумон қилдим. Бу тепа ни бузмоқдан мақсуд бу ганжни тобмоқдур деб эрдим, — дедилар.

Хожа: — Мақсуд бу эмас эрди, — дедилар.

Андин Амир ул чоҳқа туштиллар, бир лавҳани тобтиллар. Ул лавҳага ёзибдурларки, «бир соҳибқирон пайдо бўлуб, набийни алайҳиссаломни фарзандларини хунини Марвонийлардан талаб қилур. Ман бу ганжни, эй соҳибқирон, санинг учун ул жойга нишхон қилдимки, бир кун келиб толиб олсанг, бул зарни қуввати бирла жанг қилсанг, мен ҳам охиратда даража тобеам», дебдур.

Хатни тамом қилибдур, чун Хожа бу воқеаларни кўруб, Амир бирла зарларни олиб уйларига келдилар. Хотунлари кўрдикки, Хожа бир жавонни олиб келодур.

Айди: — Эй Хожа, девона бўлдингизми? Бу жавони бегонани ҳамроҳ қилиб келодурсиз.

Хожа айди: — Эй хотун, бул жавон нури дийдан муъминон ва чашми чароғи муҳиббон ва михи чашми хаворижон. Номин у Абдурахмон, пойғибн Шохмардон ва маншур додан имомон, соҳибн табаргарон ва хожан Бобо Аднон, кушандаи хаворижон ва гирандаи хуни имомонн шаҳидон, яъни баномн Амир Абу Муслимин соҳибқирондурлар. Вақтики, биби Хожадин бу сўзни эшитиб, Амирин аёғларига ўзларини тошлаб, навҳалар оғоз қилдилар. Амир ҳам бибиға навозишлар қилдилар. Хожа дарҳол Амирин юзу кўзларини ювуб, либосҳои мурасаълар кийдуруб ва гуно-гуно таомлар келтуруб қўйдилар.

Амирин табнатлари толеъ заъфдан халос бўлгонларига хуш бўлди ва кўнгуллари соф бўлди. Амир хоҳладиларки, воқеани саргузаштларини баён қилсалар.

Хожа айдилар: — Эй фарзанд, бир соат истироҳат қилинг.

Амир: — Вақти истироҳат эмас, — деб, аввал хуруж қилгонларидан то бул жойғача бўлгон воқеаларни алфози ширин ва иборати рағгин бирла бир-бир баён қилдилар. Амирин тортгон меҳнат ва машаққатларини эшитиб Бобо Аднон зор-зор йиғлар эрдилар. Баъдаҳу Амирин неқном айдилар: — Эй бобо, тезроқ Қарбалони шибрат қилай, чароки, минг етти юз эллик беш кишини Мариншоҳжаҳонда ёронлардин Насри Сайёр бандирдорин бандида гирифтوردурлар. Насри Сайёр қарор берибдурки, аншур ойини даҳасида аларин тирборон қилдурман деб. Нишоояло таоло, агар ҳаётим боқий бўлса, мебоядки маи ўзумини пойдорига еткуруб жанглар қилиб, ёронларимин халос қилсам керак. Эмди сизни худоға тобшурдим, — деб кетмоққа ирода қилдилар.

Хожа айдилар: — Эй жонн падар, бугун ҳам шунда турунг, маи азбаройн руҳи ноки шаҳидонн дашти Қарбало бир оби ош қилиб ўткармоғим лозимдур. Сиз шул ошни бешида турунг, зероки, сиз пойғибн Ҳайдардурсиз, — дедилар.

Амир: — Андоғ бўлса, эй Хожа, тараддуд қилинг, — дедилар.

Баъдаҳу Бобо Аднон тараддудда бўлдилар. Амир ул кун анда бўлуб, намозни ул қишлоқни масжидида адо қилдилар. Амир кўрдиларки, етти қаландар ул

масжидни гўшасида ўлтурубдур. Амир аларни кўруб, Бобо Аднонни уйларига келдилар. Хожа таомларни тортдилар. Амир айдилар:— Эй бобо, бу таомлардан андак сақланг, тонгла сиздан талаб қилурман.

Амир ул кеча ётдилар. Амир эрта саҳар айдилар: — Эй бобо, манго қўйгон таомни келтурунг!

Бобо гумон қилдики, таомни еб Қарбалого кетурлар деб. Дарҳол таомни ҳозир қилди. Амир айдилар: — Бир гуломингизни буюрунг, бу таомни кўтурсун.

Бобо: — Гулом сизнинг бирла нечук ҳамроҳлик қилур? — дедилар.

Амир айдилар: — Эй бобо, мен Қарбалого олиб бормойдурман.

Бобо дарҳол амр қилдилар, гуломлар таомни кўториб, Амир бирла ул деҳани масжидига етдилар. Амир таомни гуломдан олиб, масжидни эшигини урдилар. Қаландарлар эшик очиб кўрдиларки, бир жавон моҳрўй таом кўториб турубдур. Масжид ҳамроҳ кириб, таомни аларни олдига қўйдилар.

Қаландарлар: — Эй жавон, бул нечук таом? — деб сўрдилар.

Амир айдилар: — Бул таом покизадур.

Алар айдилар: — Нечук покизадур? Агар покизалигини баён қилмасанг, бу таомларни емосмиз.

Амир айдилар: — Бул таом чокари Шоҳимардонни таомидур, — дедилар.

Дарҳол ул етти қаландар туруб, Амирни аёғларига ўзларини тошлаб айдиларки, эй жавон барно, маъзур тутунг. Бизлар сизни чокари Шоҳимардон эконингизни билмобмиз.

Икки қаландар ўрнидан туруб, масжидни меҳробидан бир тобутни олиб келиб, Амирни олдиларига қўйдилар.

Амир: — Бу нечук тобут? — деб сўрдилар.

Қаландарлар: — Мун очиб кўрунг, — деди.

Амир: — Ўлукни кўрмоқ хўб эмас, жаноза ўқумак лозимдур, — дедилар.

Қаландарлар айдилар: — Эй жавон, кўрмоқ лозим, то кўрмасангиз, жаноза раво эрмас.

Вақтики, Амир ул тобутни сариўшини кўториб кўрдиларки, хавжари Хожа Моҳонни Муштаризар анда туродур. Амир дарҳол қўл узотиб: — Эй мун:



су гамхорим, вой қуввати дилзорим, вой чашми чарогим, — деб қўллариға олиб, ёнлариға солдилар, баъдаху айдилар:

— Эй қаландарлар, эмди ўз воқеаларингизни айтинглар!

Алар айдилар: — Эй барно, бизлар ўшал қаландардурмизки, Қўфани саройида сиздан то уч кунгача бир муштдан зар талаб қилиб олиб эрдук. Фаҳм қилдукки, сиз дунёдор эконсиз деб. Ул кечаки, сиз ҳаммомға бордингиз, биз тўрт киши орқангиздин бордук. Бу уч тан саройдаги ханжарингизга машғул бўлдук. Ҳаммомға боргон тўрт киши хилъат бирла ханжарингизни олиб келдук, ул уч киши саройдан зар билан хуржинни олиб, зар бирла хилъатларингизни барбод бердук. Порани едук ва порани халқға бердук, тамом қилдук, эмди ханжарға навбат етиб эрдикки, сиз келдингиз. Эй барно, агар сизни дўсти Шоҳимардон эканингизни жазм билсак, сизни ҳаққингизга мундоғ номуносиб ишларни қилмос эрдук, — деб узрлар айттилар.

Амир:— Мани зар бирла ишим йўқ, ҳар нимарса қилибсизлар, ризодурман. Манго шул ханжар кифоядур, — ва яна айдилар: — Эй қаландарлар, эмди ўз ҳолларингизни баён қилингларки, нима ғаразида бу жойни мақом қилибдурсизлар?

Қаландарлар айдиларки, эй жавон, бизларни бир шери мардимиз бордурки, алар шоҳи айёрон. Аларни отлари наҳлавон Ҳайд Улнободий дейдурлар. Бизлар аларни шогирдларидурмиз. Бу шаҳарни ҳокимини Атийа ибн Валид дейдурлар. Ул бадбахт наҳлавон Ҳайдни то муддати етти йилдурки, зиндонға солиб банд қилиб, посбонлар қўйғондур. Бизлар ҳар кеча аларни халос қилмоқ учун бориб уҳдасидан чиқмай ёниб келурмиз, деб воқеани баён қилдилар.

Амир айдилар: — На учун уҳдасидан чиқмойсизлар?

Қаландарлар айдилар:— Эй барно, қалъани атрофини аввал хандақ ковлаб, андан хокрез қилғондурлар. Аммо аркни қалъасини ул хокрез қилиб, баъдаху хандақ ковлагандурлар. Хандақни лабидан ани чиқоргопдурлар. Хандақни кенглиги ўттуз газдур.

Амир айдилар: — Эй ёронлар, мен ҳам сизлар бирлан ҳамроҳ бўлуб, бу кеча борай. Сизлар бориб

дарвозада турунглар. Ман ўзумни сизларга еткурурман.

Чун субҳ бўлди. Амир Бобо Аднонни уйига келдилар. Чун кеча бўлди ул қаландарлар бориб дарвозада ўлтурдилар. Амир Хожага айдилар: — Эй бобо, ул белни келтурун!

Бобо: — Белни нима қилурсиз? — дедилар.

Амир: — Бул жойда бузулгон кўфрук бор экон, ани дуруст қилурман, — дедилар.

Бобо белни келтуруб бердилар. Амир белни олиб, Кўфа тарафига равона бўлдилар. Вақти келиб кўрдиларки, қаландарлар дарвозада ўлтурубдурлар, алар бирла ҳамроҳ бўлуб қалъага кирдилар. Андан арк тарафига равон бўлдилар. Амир кўрдиларки, хандақни сув бирла тўлғозибдурлар. Амир тез қилиб хандақни ул тарафига ўтиб, яна бир хез қилиб, бул тарафига ўттилар. То уч мартаба шул тариқа бул тараф, ул тараф ўттилар. Паҳлавон Ҳайдни шогирдлари айдилар: — Сиз ўн навбат хоҳласангиз ҳам, ўтодурсиз, лекин бизларни ўтмоғимиз мушкул, — дедилар.

Амир: — Бу кимни маҳалласидур, — дедилар.

Алар: — Жуҳудларнинг маҳалласидур, — дедилар.

Амир ул маҳалла тарафидан туфроқни хандақга ташлаб тўлғозиб, бир ароба ўтгудек қилдилар. Дарҳол паҳлавон Ҳайдни шогирдлари ҳаммалари ўтуб аркка кирдилар. Андан зиндонни эшикка келдилар. Анда паҳлавон Ҳайдни шогирдлари айдиларки, акнун, эй барно, эмди айёрликни бизларга қўюнгки, айёрлик қилмоқ бизни ишимиздур ва лекин алар Амири соҳибқирон эканларини билмос эрдилар. Амир айдилар: — Мен ҳам айёрлардан бўлурман.

Баъдазон ул етти киши капорада турдилар. Амир хоҳладиларки, зиндонга кирсалар. Баногоҳ Амирни назари бир хаворижга туштики, икки кўза шароб қўлида йиқилиб, қўпуб бородур. Ани кўзи Амирга тушуб айдикки, эй барно, нима бўлодурки, бу икки кўза шаробни зиндонга кўториб борсанг. Зартоб, Зартож деган икки бародар зиндонни посбонлик қилодурлар. Ман ул икки паҳлавонни косадори бўлодурман. Шаробхонада уч-тўрт жом шароб ичиб эрдим. Шаробни кайфи бошимга чиқиб маст қилди. Мабодоки, йўлда йиқилиб, бу кўзалар снмосун.

Агар сен бу кўзани кўториб борсанг, савоб топодурсан ва ҳам хурмо беродурман, деди.

Амир айдиларки, бале, мани ҳам муродим шул эрди.

Анда ул мард айти: — Эй барно, мунда Зартобу Зартож абуторобийларни посбонлик қилодурлар. Аларни хизматларини қилсанг, язиди палидни руҳи сандан хушнуд бўлодур.

Амир айдиларки, кўзаларни ерга қўйгил.

Дарҳол кўзаларни ерга қўйди. Амир қўл узотиб ани ҳалқумидан бугуб ўлдурдилар ва ани либосини кишиб, ўзларини анинг суратида ораста қилдилар. Икки кўза шаробни кўтариб зиндонни эшигини кирдилар. Зартоб бирла Зартож айти: — Эй соқий, на учун кеч келдинг?

Амир айдилар: — Агарчи кеч келсам ҳам, дуруст келдим. Яхши шароб келтурдим, — деб косадорлик қилдилар.

Аидни шаробни ичига доруғи мадҳушийдини зам қилиб бердилар. Ҳаммаси шароб ичиб, беҳуш бўлуб йиқилдилар. Амир кўрдиларки, етмиш қиши беҳуш бўлуб йиқилибдур. Амир буларни бошини танидан жудо қилай деб эрдилар, дарҳол кесилган бош Амирни қўлларига келди. Амир ҳайратда туруб эрдикки, ул етти паҳлавон Ҳайдин шогирдлари пайдо бўлуб айдиларки, эй шаҳриёр, сиздин мадҳуш қилмак, биздан бош кесмак, дедилар. Акунин зиндонга кирайлук, деб чоҳни устига келиб кўрдиларки, бир тахтаи санини азимни чоҳни оғзига сарпўш қилиб қўюбдурларки, вазин юз эллик ботмон эрди. Ани атрофига ҳалқалар қилиб қўюб эрдилар.

Амир аларга айдилар: — Сизлар бу тошни кўторинглар!

Алар айдиларки, бу тошни қирқ паҳлавон бўлеа ўрнидан кўторур. Бизлар сизни давлатингизда бу жойга кириб, даст тониб буларни ўлдурдук. Ҳай дариг, бу иш ногамом қолди. Бу тошни ўрнидан кўтармоқ маҳоздур, деб афсус ер эрдилар.

Амир айдилар: — Эй ёроилар, афсус емошларки, бу иш кўб яхши бўлди. Сизлар кўрунларки, ма бу тошни қандоғ олиб ташларман, — деб қўл узотиб ул тошни ҳалқасидан ушлаб, бир қувват қилиб жойидан кўториб олиб, орқаси бирла қўйдилар.

Ул вақт паҳлавон Ҳайл ҳам худованди олам дартоҳига юзларини бу хоки мазаллатга қўюб, зори-

лар айлаб, муножот бадаргоҳи қозиюл ҳожот қилиб айтур эрдиларки, эй худоё, ўз лутфу караминг бирла ман шикаста ва мустаманд банданга шаҳидони дашти Қарбало ҳурматини бу зиндондин нажот бергил, муножот:

Биёраб, ё раб, шаби зиндалорон,  
Бооҳу нолаи умидворон.  
Ки раҳме бар дил нурхўнам овар,  
Аз ин гирдоби ғам берунам овар.  
Баболини асирон бар сари роҳ,  
Ки таслими ғарибон дар таги чоҳ.

деб муножот қилиб, кўзлари уйқуга борди. Дарҳол тарафи тақобилларини Шоҳмардон пайдо бўлуб айдиларки, эй паҳлавон Ҳайд, дарёбки соҳиби хуружи ҳафтоду дуввум бошингга келиб турубдур. Ул сани банди зиндондан холос қилодур ва сан ҳам ани қадрини билгил ва ани хизматини бажо қилгил, деб гоғиб бўлдилар.

Паҳлавон Ҳайд кўзларини очиб кўрдиларки, бандлар пора-пора бўлубдур ва бир каманди халқа-халқа бўлуб чоҳга тушти. Паҳлавон Ҳайд ўзларини белларидан ул камандга боғладилар. Дарҳол Амир юқори тортиб олдилар.

Паҳлавон Ҳайдини кўрдиларки, беҳуш ётибдур. Анда Амир ул дам ҳайрон «эсенки, паҳлавон Ҳайд Улиободийни умри охир бўлуб экан, эмди на илож қиларман», деб муножот бадаргоҳи қозиюл ҳожот айлаб, фиғон ва нолалар бирла ушбу ғазални боовозе баланд ўқуб йиғлар эрдилар, байт:

Амир ўлдум фиғону нола айлаб,  
Кўзини ёштарини жола айлаб,  
Ҳусайн Иби Али-ул-муртазои,  
Ки ёд айлаб шаҳиди Қарбалони.  
Таваккулни қилиб қодир худога,  
Ўзум солмишам бу йўл арога.  
Ки анда ёд этиб ҳарфи самадин,  
Дер эрди, ё Ҳусайн айланг мададин  
Сани даргоҳингга келди бу осий,  
Ки сандурсан ани пушти панохи.  
Мадад сан қилмасанг, йўлларда қолдим,  
Хатарли тоғ ила чўлларда қолдим.  
Олиб келдим бу кун ёлғуз бошимни,

Қабул айла мани бу кўз ёшимни.  
 Мени дармондага айла назора,  
 Йўқ эрса манда на дармон, на чора.  
 Урушуб жанг этиб шому сабое,  
 Бу бошимни қилай санго фидос.  
 Қасосимни олай Марвошилардан,  
 Хавориж nobакор сангсорилардан.  
 Агар бўлса мадад эмдики сандин,  
 Олурман иштиқомимни алардин.  
 Манго бир илтифоте сен тарафдан,  
 Ки қилгайсан шараф бирла шарафдан.  
 Ки сандан илтифоте бўлмаса гар,  
 Мани ҳолимга қарга, ҳакка йиглар.  
 Агар сен қилмасанг мен мубталога,  
 Хавориждан қолибдур ман балога.  
 Фидо айлаб имом руҳига жоним,  
 Тасаддуқдур бу жони нотавоним,  
 Имом учун фидо айлаб бошимни,  
 Тўкарман нола айлаб кўз ёшимни.  
 Дер эрдилар қилибон полан зор,  
 Шаҳиди Қарбало, бўлунг мададқор.  
 Имомни йўлига жоним фидодур,  
 Бу жони нотавоним фидодур,  
 Тўкарди полалар айлаб ёшини,  
 Урарди остоналарга бошини.  
 Дер эрди, эй худоё, йўлда қолдим,  
 Ғариби нотавон бу чўлда қолдим.  
 Мадад бўлмаса сандан, ё илоҳи,  
 Бўтур албатта бу ҳолим табоҳи.  
 Тилаб келди бу осий дарғаҳингга,  
 Мани маъюс қайтарма йўлумга,  
 Мадад сан қилмасанг, қодир худоё,  
 Қолибдурман аро йўлда, худоё.  
 Бу Маҳмуд осий шармададурман.  
 Аро йўлларда қолгон бандадурман.  
 Аларни ҳурматида, ё плоҳим,  
 Қарам айлаб кечургайсан гупоҳим.

деб бу муножотни ўқуб, олло-таоло даргоҳига ажзу  
 ниёз бирла айтур эрдилар:— Эй аҳади қадим, вай  
 самади вожиб ут-таъзим, эй худойи банданавоз, вай  
 холиқи бениёз, баҳурматни зоти покинг бул Паҳлавон  
 Ҳайди Улиободийни салоҳи корини ўзунг рост қил-  
 гайсан ва бу бандан хокисорни хижолатдан чиқар-  
 гайсан, — деб олло-таоло ҳазратиға ажзу ниёзларин

арз айлаб, ўзларин бир хок туда фараз айлаб, бошларин ерларга уруб, тилу диллари паҳлавон Ҳайди Улиободийни ўзларига келмоқларини худойи таолодан сўрар эрдилар, ногоҳ ҳушларига келдилар. Амир хурсанд бўлдилар. Паҳлавон Ҳайд беҳуш бўлуб ўзларидин кеттилар. Бир соатдан кейин ҳушларига келдилар. Амирни қадамларига ўзларини тошлаб айтур эрдиларки, эй шаҳриёр, жоним сизга фидо бўлсун, деб бўсалар айлар эрдилар. Шогирдлари бизларни устодимиз ани қадамига ўзини тошлаб бўсалар айладилар. Бу қандоғ зоти бобаракот экон, деб Ҳайдни шогирдлари ҳайрон бўлдилар.

Амир айдилар: — Эй паҳлавон Ҳайд, на учун мундоғ қилодурсиз?

Паҳлавон Ҳайд айдилар: — Эй шаҳриёр; шул замон ҳазрати Шоҳимардондин назар тобтимки, соҳиби хуружи ҳафтоду дуввум сани халос қилодурлар, деб башорат бердилар. Акнун жонимни сизга нисор қилурман, — дедилар.

Вақтики паҳлавон Ҳайдни шогирдлари устодларидин бу сўзни эшитиб, ҳамалари дубора Амирни аёғларига ўзларини тошлаб, кўп узрлар айтиб таъзимлар қилдилар.

Амир: — Сизлар ҳам мани бародаримдурсизлар, — деб паҳлавон Ҳайдни олиб равон бўлдилар.

Анда паҳлавон айдилар: — Эй шаҳриёр, зиндонда яна икки муҳибби хонадон бордур. Аларни ҳам халос қилмак лозимдур.

Амир айдилар: — Муҳибби хонадон бўлса, зиндонда ҳаргиз қўймосман, — деб яна камандни зиндонга тошладилар.

Бир-бир ул икки ҳарифни чиқориб кўрдиларки, Абулато ва Абулҳасан эканлар. Алар ҳам Амирни аёғларига ўзларини тошлаб, гирялар оғоз қилдилар. Амир аларни навозишлар қилиб айдиларки, сизлар нима учун зиндонга туштуңлар?

Алар айдиларки, вақтики, сизни ғойиб қилиб истоб тобмодук, шоядки бу шаҳардан тобормиз. Агар бу шаҳардан тобмосоқ Қарбалодан тобормиз, деб шаҳар-башаҳар юруб, бу ерга етук. Бир хаворижи нобакор ҳазрати Шоҳимардонга носазо айтур экон, бизлар хуруж қилиб то саксон хаворижни ўлтурдук. Алқисса, бу шаҳарни ҳокими Утба келиб бизларни галаба қилиб ушлаб, бу зиндонга солди. То бу вақтгача зиндонда эрдук, баёни воқеа қилдилар.

Баъдаҳу паҳлавон Ҳайд айдилар: — Эй шаҳриёр, ман ҳам Ҳиндистондин шаҳзода Амири Қавн Тоҳир Балхийни олдидан етти йил бўлдики, зиёрате қилиб, Қарбалога борурман деб рухсат олиб келиб эрдим. Вақтики, Ҳазрати Имом Ҳусайнни қабрларини зиёрат қилиб, бул жойга келдим. Кўрдумки, бир Марвоний ҳазрати Шоҳимардонга носазо айтодур. Ман ҳам хуруж қилиб, бисёр жанглар қилиб, охир банди туштум. Етти йил бўлдики, бу зиндонда банди эрдим. Эмди муборак қадамнигиз етиб, халос тобтим, — деб воқеани баён қилдилар ва яна айдилар: — Эй шаҳриёр, шаҳзода Амири Қавн Тоҳир Балхий тамоми мулки Ҳиндустонни ўзига тобев қилиб мусаххар қилғондур. Акуну ман бориб шаҳзода Амр Қавнни олиб келай. Боядки жангда сизга мадад еткурсулар, — деб Амр бирла видоъ қилиб, Ҳиндустон тарафига равон бўлдилар.

Баъдаҳу Амир ул икки бародарларни бирла аркдан чиқиб, ул хандақни сувини жуҳудларни уйи тарафига очиб юбордилар. Баъдаҳу қалъани уза-сидан тушуб, Қарбало жонибига равон бўлдилар, лекин Бобо Аднонни беллари қалъани ҳокрезида фаромуш бўлуб қолиб эрди. Чун тонг отиб, рўзи равшан бўлди. Маҳаллаи жуҳудон сувни остида қолиб, то уч минг жуҳуд тасаддуқи муҳибби хондон бўлуб, дўзахқа кетти. Утба хабардор бўлуб, хандақга келиб кўрдикки, сувни ул тарафга очиб қўюбдурлар. Бел ул жойда қолибдур. Ул белни олиб кўрдиларки, ани қабзасига «соҳибни бел Бобо Аднон, белбози Марвон», деб битибдурлар. Анда Утба айди:

— Бу ни Бобо Аднонни ниш эмос. Магар икки раҳнагари мулки Марвон Абу Муслим ани уйига келгон бўлса, бул ишларни ул қилгон бўлса, — деб дарҳол ўн минг киши бирла Бобо Аднонни уйига равон бўлди.

Аммо Бобо кўрдиларки, чоштгоҳ бўлди. Амирдан ҳеч хабар бўлмоди. Агар Амир Қарбалога кетсалар, мандан хабар олиб кетор эрдилар, деб шул андишад а эрдиларки, Бобони уйқу элтти.

Кўрдиларки, ҳазрати Шоҳимардон пайдо бўлуб: — Эй Бобо Аднон, хабардор бўлгилки, душман бошинига етти, — деб башорат бердилар.

Бобо уйқудни титроб бедор бўлдилар. Аёлу ат-рефларнинг нақб ковлаб уй қилгон эрдилар. Шул

уйго киргузуб жой қилғудек фурсат ўтти. Хаворижлар келиб Бобони боғлаб уйдан олиб чиқтилар.

Бобо: — Нима воқеа бўлдики, бу тариқа қилур-сизлар? — дедилар.

Хаворижлар айдилар: — Сан Абу Муслимга уйингда жой берибсан. Бу кеча ани юбориб зиндонни ушотиб, бандиларни халос қилиб чиқорибсан. Сани белинг анда қолибдур, — дедилар.

Бобо ҳам хўб деб равон бўлди. Утбани олдига келиб айдилар: — Ман ҳам навқари Марвоц, сан ҳам навқари Марводурсан. На учун мани ҳаққимга мундоғ зулмларни қилодурсан?

Утба айди: — Бу фўлод бел сандан эмосму?

Бобо айди: — Оре, мандандур. Аммо бу кеча келиб мани уйумни тешиб, бисёр молу зар бирла бул белни олиб кетибдур. Қошки ул рахнагар тобилса. Ман ҳам молу заримни талаб қилиб олсам.

Утба айди: — Ман сани бул сўзларингни қабул қилмойдурман. Ери чаҳорум деб кимни билодурсан?

Бобо айдилар: — Эй Утба, акнун бу сўзин савол қилдинг. Билгил ва огоҳ бўлгилки, ман ҳам чоқари Шохимардондурман.

Утба: — Бобони қафасга солинглар, — деб буюрди.

Бобони фўлод қафасга солиб, чорсуни бошига олиб келиб осиб қўйдилар. Анго саксон хаворижни нобон қилдилар.

Акнун икки калима сўз Амирдан эшитмак керак.

Алқисса, Амири соҳибқирон икки манзил йўл юриб, бир чоҳни бошига келдилар. Ул жойда икки ракъат намози шукрона адо қилдилар. Дарҳол воқеада Шохимардонни кўрдилар, айдилар: — Эй фарзанд, Бобо Аднони бечора бандга тушти. Бориб ани халос қилгил! Ани обидийдаси сизни бир жойга етгани қўймос. Паҳлавон Ҳайд Улиободий бош эрди. Ани зиндондан халос қилдингиз. Бобо Аднон пири шотавонни бандга солиб кетормусиз, — деб башорат бериб тоғиб бўлдилар.

Амир дарларза бўлуб уйқудан бедор бўлуб, Қўфани равона бўлдилар. Абулато ва Абулҳасан ул жойда турдилар. Амир Қўфани чореусига етиб хоҳалдиларки, Бобо Аднони қафаси бирла кўтариб олсалар, ул вақт бир сийёҳини тақобилларидан чиқиб ханжар солди. Амир ани банди дастидан ушлаб хоҳалдиларки, бир зарб урсалар, овози қилиб айликки, эй шаҳрисёр, қўлашизини тортинки, ман бетона



киши эмосдурман. Ҳазрати Шоҳимардондин назар тошиб келиб, бу саксон кишини ўлдурдум.

Алқисса, Амири соҳибқирон Бобо Адноини халос қилиб айдилар: — Эй боб, маъзур тутунгики, баякбор хотиримдин фаромуш бўлиб, бел қалъани хокрезиди қолибдур. Шул сабабдан бул воқеа сизга рўй берибдур, — деб узрлар айдилар ва яна айдилар: — Эй бобо, ҳеч орзунгиз бормудирки, ул орзунгизга еткурсам? Бобо айди: — Эй шаҳриёр, орзум шулки, Утбани шул ерга олиб келсонгиз.

Амир қабул қилиб Утбани қасрига равон бўлдилар. Ул ётгон уйга кириб бордилар. Дарҳол анинг оғзига поғундан айёрийини уруб, орқаларига ўлугдек кўтариб чорсуга олиб келдилар. Утба кўзини очиб ўзини чорсуда кўрди, айдики, эй жавонн сиёхпўш, кимдурсан? Бул вақтда мани бул ерга олиб келдинг, деди.

Амир айдилар: — Эй саг, билгилки, мен ҳам Абу Муслими соҳибқирондурмен.

Утба айди: — Ул иккала одам кимдур?

Амир: — Алар Бобо Аднон бирла паҳлавон Ҳайди Улиободийдур, — дедилар.

Утба айди: — Эй Абу Муслим, ажаб содда йигит эконсан. На учун мани ўлдурмой олиб келдинг? Эмди мандаи нечун халос бўлдурсан? — деб Амирга мушт ҳавола қилди.

Амир ани банди дастидан тутуб, бошига мушт бирла чунон урдиларки, косан сари пачоқ бўлуб ерга йиқилди. Дарҳол ани бошини танидан жудо қилиб, қафасга солиб, чорсуга олиб қўйдилар.

Баъдаҳу Амир Бобога айдилар: — Сиз Мадонинга боринг! Анда Хожа Баҳром пом бир Хожа бордур. Вақтики, ман Муқалқални ўлдурдум, ани тахтини гўшасидин икки тилло шер бирла икки тилло ҳумони суратини олиб бориб Хожа Баҳромга тоншуруб эрдим. Сиз бориб анго мулоқот бўлуб, мани дуои саломини анго еткурсангиз. Ул тиллоларни сизга беродурманки, тирик бордурсиз, ул зар сизга кифоя қилур. Ҳаргиз зоелик тортмоссиз.

Бобо Аднон қабул қилиб, Мадонинга равон бўлдилар. Паҳлавон Ҳайд ҳам дуо қилиб батарафи Мадонин равона бўлдилар. Амир Қарбало тарафига равон бўлдилар. Вақтики, Амири соҳибқирон маъзилу мароҳил тай қилиб, Дашти Қарбалога етдилар, ҳар икки қадамда икки ракъат намоз ўқур эрдилар.

Алиқисса, Амир Ҳазрати Имом Ҳусайнни қабри шарифларига етиб кўрдиларки, Имомни қабрларини бошида бир бузулган айвонча бордур. Амир уни кўруб дилларида ният қилдиларки, агар худойи таоло манго давлат берса, Имомни бошларида иморати олий барпо қилой дедилар.

Ровий айтибдурки, Амири соҳибқирон етминн инки тани шуҳадоки ул ерда осуда хок бўлуб ётибдурлар, ҳаммаларини зиёрат қилдилар.

Амир Ҳазрати Имомни қабрларига келиб, Имомни иёғларига ўзларини тошлаб, қабрларини қучоғлаб, зор-зор чун абри пазбаҳор йиғлар эрдилар ва яна котиби бечора, яъни Мулло Мирмаҳмуд охунд Намангоний уч-тўрт калима батариқан назм бу мазмунда айтибдур, назм:

Амир, ул дам фиғону пола айлаб,  
Кўзини ёшларини жола айлаб.  
Ки ёд айлаб шаҳиди Қарбалони,  
Ҳусайн ибни Али Муртазони.  
Таваккулни қилиб қодир худоға,  
Зиёратга келибман Қарбалоға.  
Ки анда ёд этиб ҳайи самадини,  
Дер эрди, ё Ҳусайн, айланг мадади.  
Ки сизни дарғаҳингизга келибман,  
Бу душманлар аро ёлғуз қолибман.  
Мадад сиз қилмосангиз, йўлда қолдим,  
Хатарлик бул биёбон, чўлда қолдим.  
Олиб келдим бу кун ёлғуз бошимни,  
Қабул айланг мани бул кўз ёшимни.  
Мани дардмондага айланг назора,  
**Пуқ** эрса манда на дармон, на чора.  
Урушуб жанг этиб шому сабойи,  
Бу жонини қилой сизга фидойи.  
Қасосингиз олай Марвонилардан,  
Хаворижи нобакор сангсорилардан.  
Агар бўлса мадад эмди силардан,  
Олурман интиқомингиз алардин.  
Манго бир илтифоте қилмосангиз,  
Ва ё бир ёднома бермасангиз,  
Тавоф айлаб қилиб қабрин зиёрат,  
Кўтармасман бошимни то қиёмат.  
Имомни қабрига қўюб бошимни,  
Тўқорди пола айлаб кўз ёшимни.  
Дер эрдилар қилибча полаизор,

Шаҳиди Карбало, бӯлунг мададкор.  
Бу Маҳмуди осий-ю шармандадурман,  
Аро йўлларда қолгон бандадурман.  
Аларни ҳурматидин, ё илоҳим,  
Караи айлаб кечургайсан гувоҳим.

Алқисса, Имом Хусайн разияллоҳу анҳуни қабрларини қучоқлаб, нолау зори айлар эрдилар. Икки кўзларидан оқгон ёшлариди Карбалони туфроғлари лой бўлуб, Амирни қизил гулдек рухсорлари бирла бошлари ул лой ичиди гарқ бўлди. Дарҳол Амир воқеада кўрдиларки, Имом қабрлари ёрилиб, Имом ўн тўрт кечалик ойдек қабрларидан чиқиб, Амирни бошларини канораларига тортиб қучоқлаб айдиларки, «боракалло, эй Абу Муслим, гаи емогил ва андешани кўнгулунгга йўл бермогил, камари ҳиммати белингга боғлагил, мардона бўлгил! Бизлар ҳамини сенга ёру мададкордурмиз. Бод фурсатда етти иқлимни подшоҳлари бандалигинг ҳалқасини қулоқларига солиб, бошларини сани остонай олийжоҳингга қўюб, рикобингни бўсалар айлаб, фармонбардор бўлгайлар».

Ва яна Имом айдилар: «Қўлуниги манга бергил!»

Амир қўлларини бердилар. Имом уч туморни Амирни ўнг бозуларига боғлодилар ва тўрт туморни чап бозуларига боғлодилар.

Амир айдилар: — Ё Имом, на учун тўрт туморни чап қўлумга боғлодингиз?

Имом айдилар: — Чап қўлуниги қуввати ҳам ўнг қўлуниг бирлаи баробар бўлсун деб тўрт туморни чап бозунгга боғлодим, — дедилар.

Амир Имомни бу меҳрибонликларига бисёр хушвақт бўлдилар ва яна Имом айдилар:

— Эй Абу Муслим, ул кеча Марвшоҳижаҳонда атом сани тушунгга кириб, Карбалони зиёратига боргил, деб башорат бериб, мани хидматимга юбордилар. Мен ҳам аларни ҳолига боқиб, таом нишурмак лозим дедим.

Қаландарбаҷчае дидам париваш,  
Чу ў дар даҳр ҳаргиз нест маҳваш.  
Ҳингоҳаш офати жони асирон,  
Қулоҳаш тожи фарқи шаҳсуворон.

Чун Биби ансофи ҳамидаларини ул канизакдан эшитиб, ул қаландарбаччани кўрмак Бибини кўнгилга тушти. Қелиб эшикни орқасиди кўрдик, ул канизакни айтгонидан юз чандон зиёда экон. Бир соат тиваққуф қилиб кўрди, тобора ул Бибини муҳаббати зиёда бўлуб, эмчагидаи сути равона бўлди. Охири тоқат қилолмай кириб айдик, эй жони модар, асалому алайкум!

Амир кўрдиларки, бир куҳансол авратдур, сўрдик, мундан илгори бу шаҳарга келиб эрдингизму?

Амир айдилар: — Бале, келиб эрдим.

Аврат айти: — Ул пуштани сахонасида бемор ётиб, анда бир аврат таом қилиб келурман деб ваъда қилиб кетиб эрдиму?

Амир айдилар: — Оре.

Ул аврат айти: — Эй жони модар, ўшал авратдурманки, сизга таом тайёр қилиб эрдим. Ғуломлар бориб тополмай келдилар.

Амир айдилар: — Мани амаким келиб мени олиб кетиб эрдилар.

Ул аврат айти: — Сизни аслингиз қайди ва таваллудингиз қайдадур ва оби хуришингиз қайси маконда бўлодур ва атонгизу анонгизни отлари нимадур?

Амир айдилар: — Аслим Арабистондан, таваллудим Исфаҳондадур, Моҳонда тарбият тобкандурман. Атомни исмлари Саййид Асад ва аном отлари Ҳалимабонудур.

Ул аврат бу сўзни эшитиб, оҳ деб Амирни қадамларига йиқилиб айдик, эй жони модар, ман сизни фироқингизда ҳамиша йиғлар эрдим, ман Қайс Ибн Омирни хотунлари бўлодурман. Сизни бир йил эмузгондурман, ҳамширангиз Маймунабону ҳам сизга муштоқдур. Яна айдилар: — Икки юз сахона Исфаҳонда солдим. Ҳар кун икки юз тагани ғариб, бечораларга садақа қилурман. Буларни ҳаммасини сизни учун фисабиллоҳ қилдим. Ҳар жойда фарзандим сиҳату саломат худойи таолони паноҳида бўлсун деб. Оқибат, худойи таоло сизни манго еткурди, — деб андан Маймуна қизларини олдиға айдик, эй жони модар, дарёб, бародаринг Абдурахмонни топиб келдим.

Маймунабону югуруб келиб Амирни қадамларига ўзларини тошладилар. Амир ани навозишлар қилдилар. Баъдаху Амирга яхши хилъатлар кийдурди.

лар. Абулато ва Абулҳасанга ҳам яхши саруполар бердилар. Амир ўтқон воқеани аноларига баён қилдилар. Анолари бирла ҳамширалари Амирни дуон хайр қилдилар.

Баъдаҳу Амир айдилар: — Эй волидан меҳрибон, эмди сизларни худога тобшурдим. Ман Марвшоҳи-жаҳонга бородурман. Чароки, менинг етти юз эллик беш муҳибби хонадон мани ёронларимдан зиндонда бандадурлар. Насри Сайёр аларни дорға тортиб, тирборон қилур эрмиш, боядки ул дорни остига ўзумни еткуруб, аларни халос қилсам.

Анолари Амирдан бу сўзни эшитиб айдиларки, эй жони модар, худойи таоло ёринг ва шаҳидони Қарбало мадакоринг бўлсун, деб дуолар айлаб ижозат бердилар. Амир Абулато ва Абулҳасан олдиларига чиқтилар. Амирни ҳамширалари, бародаримни дийдори бу кеча ғанимат, деб эшик орқасида Амирни жамолларига қароб туруб эрдилар.

Амир айдилар: — Эй Абулато, бир соатдан кейин мани бедор қилғилки, ман бориб Шаъшъани Бохарзийни ўлдурурман деб, уйқуға майл қилдилар. Бир соат ухлаб, баъдаҳу ўзлари бедор бўлуб кўрдиларки, нисфи шабдан ўтубдур. Либоси айёрийни дарбар қилиб, басўйи қасри Шаъшаъ равон бўлдилар. Хоҳладиларки, камандни тошлаб қасрға чиқтилар. Кўрдиларки, бир сиёҳпўш қасрни томида пайдо бўлди. Амир ўзларини канораға олдилар.

Ул сиёҳпўш томдан каманд бирла тушуб, Амирни жонибларига равон бўлди. Амирни садди роҳини олиб турдилар. Кўрдиларки, Амирга ханжар ҳавела қилди. Дарҳол Амир ани банди дастидан тушуб, олдиларига торттилар, кўрдиларки, бир ниқобдоре.

Амир айдилар: — Қимсан?

Ниқобдор айди: — Эй барно, мани уюнга олиб бергил, то мани ҳолим санго маълум бўлсун.

Амир ул ниқобдорни уйига олиб келдилар. Хоҳладиларки, Абулато бирла Абулҳасанни олдиға олиб кирсалар. Ниқобдор айди: — Эй барно, анонғизни олдиға олиб киринг, — деди.

Амир ани волидаларини олдиға олиб кириб айдиларки, эй волида, чароғ олиб келинг!

Волидалари чароғ олиб келди. Амир айдилар: — Эй волида, ман бу ниқобдорни Шаъшаъни тоmidан ушлаб олдим. Ани ҳолини маълум қилай деб эрдим.

бул сизни олдингизга ўзини тортти. Андан сўрангки, қандаг одамдур?

Волидалари. — Эй сиеҳпўш, қандаг одамсан? — дедилар.

Ул ниқобдор айти: — Ҳар вақт ўзумни маълум қилсам, майн бул жавон ўлдуродур, — деди.

Амир: — Сани ўлдурмойдурман, юзунг ниқобини кўторгил, — дедилар.

Ул сиеҳпўш айти: — Башарти мани хунимдан ўтсонгиз, ниқобни кўторурман.

Амир ани сўзига ҳайрон бўлдилар. Волидалари айти: — Эй жони модар, ҳар нечук бўлса ҳам, мани хотиримдан ани гуноҳини ўтунг, — дедилар.

Амир айдилар: — Сиз ани ҳолидан хабардормусиз?

Волидалари айдилар: — Анинг ҳолидан хабардор эмасман.

Амир айдилар: — Эй ниқобдор, банззати чорёри босафо хушигдан ўттум.

Баъдаху ниқобдор ниқобини кўторди. Кўрдиларки, ҳамширалари Маймунабону экон. Амир мутаҳаййир бўлдилар. Волидалари хижолатманд бўлдилар. Амир айдилар: — Эй гисубуррида, саиго нима қол бўлдики, сани Шаънаъни томидан ушлаб олдим?

Маймуна айти: — Эй шаҳриёр, мани бул куйга сизни муҳаббатингиз солди. Ул замонки, уйдин чиқиб бронларингиз бирла ўлтурдингиз, ман бу кеча бародаримни жамоли ғаниматдур деб, орқангиздан сизни кўрмоқга чиқиб тамошо қилиб ўлтурур эрдим. Сиз вийдингизки, эй Абулато, мани бир соатдан кейин бедор қилгил. Ман бориб Шаънаъни ўлдуриб келурман дедингиз. Мани хотиримга келдики, бародарим бул кеча бизни уйда меҳмон бўлуб, Шаънаъни ўлдурмоқга тасдиъ тортмосулар. Бу хидмати бажо қилай деб охир сиздин илгори Шаънаъни қасрига бориб, ул сағни бошини танидан жудо қилиб келиб эрдим, — деб Шаънаъни бошини чиқориб, Амирни олдига қўйдилар.

Амир ҳамшираларини қилгон ишига ҳайрон бўлуб айдилар: — Нима қилайки, бу воқеадни илгори хушигни тилаб олдинг. Бўзмаса, вора-пора қилур эрдим. Дубора бу ишни қилмогил! Дубора қилсанг, агар душманлар қўлига тушсанг, манго нҳонат етгой, — деб ваҳшат қилдилар.

Маймуна ҳам дубора бу ишни қилмай деб ваъда ийлаб, тавба қилди. Баъдаху вақтинки саҳар Амир,

Абулато ва Абулҳасан видоъ қилиб басўйи Нишобур равон бўлдилар.

Шитоб бирла олти кун йўл юрдилар. Олдилари-дан бир гарде пайдо бўлди. Кўрдиларки, бир ниёда йўлни канораси бирла Исфаҳон бормақ қасдида беродур. Амрини хотирларига еттики, ҳар нечук ҳам бўлса, шул ниёдадан хабар олмак хўбдур деб айдилар:— Эй ниёда, бу тариқа шитоб бирла қайда беродурсан, — деган ҳамон ул ниёда югуруб келиб Амрини қадамларига ўзларини тошлаб беҳуш бўлди.

Амир ани бошини кўтордилар, ҳушига келди.

Амир айдилар: — Эй ниёда, кимдурсан ва қайда берурсан ва отинг нима? — деб сўрди.

Ул ниёда айди: — Эй шаҳриёр, мани отимни Абулхайри Қамолотий дейдурлар. Марвшоҳижаҳондан келурман, айёрпешадурман. Сизга нома олиб келдим. Нахўб бўлдики, йўлда дучор бўлдингиз ва алар Қарбалого еткунча бир жойда ором олмас эрдим, — деб номани чиқориб берди.

Очиб кўрдилар. Ул помага битибдурларки, «бизларки мишг етти юз эллик беш муҳибби хонадондурмиз. Эй Абу Муслими соҳибқирон! Бизлар зиндонга тушуб, бандга гирифтор бўлдук. Насри Сайёр сизларни Ашур ойини ўшида дорга тортиб, тирборон қилдурман деб қарор берибдур. Ҳар жойда бу нома сизни қўлунгизга текса, қўлунгизда агар гул бўлса, хидламанг ва агар аёгингизда гил бўлса ювманг. Таъхир қилмай зуд ўзунгизни биз каминалар жонбиға сткургойсиз. Арзимиз шулки, бизлардан хабардор бўлушгки, ёронлар жонларини Шохимардон учун нечук фидо қилурлар. Нома тамом, вассалом».

Алқисса ровий айтибдурки, вақтики Амири неким бу номани ўқуб, ёронларни дуо ва саломини эшитдилар, номи тоқат Амири болатофатни жигарларида қолмай айдиларки, ёронлар, сизлар менинг бирла баробар бўлуб, йўл юролмайдурсизлар, чунки ман шитоб бирла ҳеч жойда ором олмай борурман, деб дарҳол ангуштарларини нишона бориб айдилар: — Эй бобо, сиз Исфаҳонга бориб, Қайс Ибн Омирни уйларини сўраб боринг! Анда мани волидам сизни назатлар қилиб хизматлар қилур, — деб Абулхайрни Исфаҳонга юбордилар. Баъдаҳу Амир Абулато ва Абулҳасан бирла Нишобурни тарафига қараб равон бўлдилар.

Амир шитоб бирла берур эрдилар, Амирни ол-

диларидини бир шамол пайдо бўлди. Амир кўзларини очолимас эрдилар. Агар илгори қадам қўйсалар, шамол орқаларига ўгурур эрди. Бу тариқа икки кеча кундуз тўфон бўлди, андан кейин шамол бар-тароф бўлди.

Амир айдилар: — Эй Абулато, ҳануз ҳам Нишобурга етконимиз йўқму?

Абулато айдилар: — Эй шаҳриёр, бугун ё эрта етодурмиз, — деб ул кун йўл юрдилар. Иккинчи кун ҳам юруб етмодилар. Ровий айтибдурки, миқдори етти кеча ва кундуз йўл юрдилар.

Амир: — Эй Абулато, ҳануз ҳам етмодукму? — дедилар.

Абулато айдилар: — Эй шаҳриёр, зоҳиран ул кунги шамолда йўлни йўқотибдурмиз, — деб бир тални устига чиқиб кўрдиларки, қуйида бир қалъа намоён бўлди. Ул қалъани тагидан бир дарё оқиб бородур. Муни кўруб Абулатони ниҳодидин дуд чиқти. Амир ҳам ул тал узра чиқтилар.

— Эй Абулато, бул қайси шаҳардур? — дедилар.

Анда Абулато айтиди: — Эй шаҳриёр, йўлни галат қилибдурман, хижолатдан жавоб бермакдан ожиздурман.

Амир айдилар: — Эй биродар, худойи таолони тақдири шундоғ экон. Айтғил, бу печук қалъадур?

Абулато айдилар: — Эй шаҳриёр, бу қалъаи Домғондур.

Амир ҳайрон бўлуб айдилар: — Эмди маълум бўлдики, Марвшоҳижаҳондаги ёронларни ажали еткон экон вагарна мундоғ вақтда табардан жудо бўлурмудим, — деб афсуслар едилар ва яна айдилар: — Эй Абулато, акнун Марвшоҳижаҳонга боқиб йўл бошлогил, — деб ул тални узасидан тушуб равон бўлдилар.

Ул вақтда Домғон тарафидан бир ушгурсувор пайдо бўлди. Тални ул тарафидан келиб бир-бирларни бирла мулоқот бўлдилар.

Хожа айдилар: — Эй шаҳриёр, ман халифаи чоҳорум Шоҳимардон Али Валини саломларини еткуродурман.

Амир: — Бисёр хўб бўлғой, — деб таъзим қилдилар.

Хожа дарҳол бир шамширни чиқориб бердилар. Табардан кам эмос эрди. Амир айдилар: — Эй Хожа, бу қандоғ шамширдур?



Хожа айдилар: — Бу шамшир атомдан мерос қолғондур. Бу шамшир шоҳ Таҳмураси девбанддан қолғондур. Ул вақтни ҳукамолари сизни хуружингиздан хабар берибдурлар. Шоҳ Таҳмурас сиз учун бу шамширни тайёр қилибдурки, ул жавон шул шамшир бирлош марвониларни қонини тўкса, мен ҳам бу сабаб бирла савобга дохил бўлсам, — дебдур.

Амир бул воқеани эшитиб, шодмон бўлуб, Хожани отларини сўрдилар.

Хожа: — Манн отим Хожа Али Ардаширдур, — дедилар ва яна Хожа айдилар: — Эй, шаҳриёр, Шоҳимардонни амрлари шулки, сиз бул тевага сувора бўлуб, шитоб бирла борингки, йўл узоқдур, вақт тангдур, тезроқ ёронларга ўзингизни еткургойсиз.

Амир ҳам қабул қилиб хоҳладиларки, юрсалар. Ул вақт гарде пайдо бўлуб кўрдиларки, бир Хожа уштури елмоя узра сувор бўлуб келодур. Аммо бир нимарса ойинаи Искандардек куҳони шутур узра тобиш беродур. Уштурсувор яқин етти. Кўрдиларки, ул Хожа Моҳони Муштаризар эконлар. Ул тобиш бергон Амирни табари бисту якмаиларни экон.

Хожа келиб Амирга салом бериб айдиларки, эй шаҳриёр, саломи Шоҳимардонни еткуродурман. Шул кеча Нишобурда Шоҳимардон тушумда айдиларки, эй Хожа, зуд ўрнунгдан туруб, Абу Муслимни табарини олиб, уштури елмояга сувор бўлғил. То эртагача қудрати илоҳий бирла Қалъи Домғонга етурсан. Абу Муслим табари учун анда ҳайрондур, дедилар. Уйқудин бедор бўлуб табарини олиб, тевага сувора бўлуб, то уч навбат уштурни хез қилғонини билдим. Ўзумни шул жойда кўрдум, дедилар. Байт:

Ойроки худое давлаташ хоҳад дод,

Ногоҳ зар аз санги хора берун ояд.

Амир айдилар: — Боракалло, эй Хожа! Қоре қилиб табарини манго еткурдингиз. Гўёки, юз минг лашкар манго муяссар бўлди, — деб хурсанд бўлдилар.

Амир сўрдиларки, бугун қайси кундур?

Ёронлар айдилар: — Бугун моҳи ашурни аввалидур.

Амир айдилар: — Шоядки ойни ўниғача Марвшоҳижаҳонга етсам.

Хожа айдилар: — Эй шаҳриёр, бу уштури елмоя узра сувора бўлунг. Нишооло, еторсиз.

Амир елмояга мшиб, алар бирлан видоъ қилиб, Марвшоҳижаҳонга қароб равон бўлдилар. Абулато ва Абулҳасан гирёну нолон бўлуб айтур эрдиларки, эй шаҳриёр, ҳай дариг, бизлар шундоғ хидматдан маҳрум қолдук деб.

Амир айдилар: — Сизлар ҳам саъй бирла шитоб қилиб юрсонгизлар, иншооло, еторензлар.

Анда Абулато бир мушт наботни Амирга бериб айдиларки, йўлда ташна бўлсангиз, бу наботдан озингизга солишгки, ташпаликни дафъ қилур.

Амир айдилар: — Эй Абулато, ёронлар бандда туруб ман нечук набот ейдурман. Қасам баҳурмати он зотки, ёронларни банддан нажот қилмосам, бу наботдан ҳаргиз емосман, — деб йўлга равон бўлдилар.

Алқисса, Хожа Али Ардашири Домонгоний Хожа Муҳаммад Моҳонни, Абулато ва Абулҳасанни Домонгонга олиб кириб, аларни меҳмон қилдилар. Ровий айтибдурки, Амир уштури елмояни бошини қўюб борур эрдилар ва айтур эрдиларки, мани тезроқ Марвшоҳижаҳонга еткурғил, токи ман муддаомга етмой қолмой, дер эрдилар.

Амир кеча ва кундузни ҳисоблаб борур эрдилар. Тўрт кун ўтти, бешинчи кечаси Амир ёронларни нечук халос қилурман деб, аларни фикрига машғул бўлдилар. Бир соатдан сўнг моҳи ашурдин неча кун ўтибдур деб ҳисоблаб кўрдиларки, неча кун ўтгани хотирларидан фаромуш бўлубдур. Амир нола ва зори бирла айдиларки, эй бори худо, шабу рўз ҳисоби ҳам хотиримдан чиқибдур. Нима бўлурки, мани зуд Марвшоҳижаҳонга еткуруб, ул бечора муҳиббларни халосига сабаб қилсанг, фард:

Кўторди қўлини «ё раб» деб дуога,

Тараҳхум айлагил деб бенавога,

деб муножот қилиб борур эрдилар. Саҳар вақти бўлуб эрдикки, кўзлариға қаро дарахтлар кўрунди.

Амир дилларида «магар ники бу қаро дарахт Моҳонмукин» деб назар қилиб кўрдиларки, дарвоқеъ Моҳонга келибдурлар. Вақтики, Моҳонга яқин келиб уштури елмоядан туштиллар, ул тевапи бошу кўзини пок қилиб «эй жонвори вафодор, эмди сан бу жойдан ёниб кетгил», деб ижозат бердилар. Дарҳол ул тева Амирга таъзим қилиб, келган йўлига бадар кетти.

Фасли достони Амири соҳибқирон Марвшоҳижга-  
ҳонга дохил бўлгонлари. Амири соҳибқирон Насри  
Сайёри бадқирдорни етти илғарини шикаст бериб  
ёронларни халос қилгонлари ва Амири соҳибқирон  
Имом Муҳаммад Боқирни олдиларига Қуҳи Лубнон-  
га боргонлари:

Эй номи ту беҳтарини сароғоз,  
Бе номи ту нома кай кунам боз.  
Эй яхши отинг била сароғоз,  
Анжомига ким етар ҳар оғоз.  
Бўлак достоцга чекиб хомае,  
Сухансоз ўлай турфа ҳангомае.  
Баён айлай қиссаи шоҳи жаҳон,  
Ки яъни Абу Муслими соҳибқирон.  
Мусаххар қилиб жумлаи шоҳни,  
Ки бабри беша бирла аждаҳони.  
Мададкори эрди расули худо,  
Ҳасан бирла Ҳусайн, Али муртазо.

Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва муҳад-  
дисони достони бўстони гулистони куҳан ва хуш-  
чинони хирмани сухан ва саррофони дорулаёри  
сухандони жавҳарёни риштаи бозори маоний ва  
суратороёни тасвири ажойиб ва чеҳракушоёни ҳи-  
кояти фаройиб ва кўшиштабъони бўстони сухан ва  
қумригуфторон ҳар анжуман, яъни баноми Аълоий  
Заранжи ва Галҳан Заранжи ва Ҳаким Тарсуси ва  
Хожа Муҳаммад Тоҳир Хўжандий шундоғ ривоят  
қилибдурларки, Амири соҳибқирон ул кеча келиб,  
аввал аноларини, иккинчи шаҳидларни қабрига  
қуръон ўқуб айдиларки, эй арвоҳи шаҳидон, сизлар  
манго мададкор бўлуишлар, деб баъдаҳу Марвшо-  
ҳижаҳон тарафига равон бўлдилар.

Амирни хотирларига келдики, ҳамшираи дилбаи-  
димдин бир хабар олайки, ул бечора нотавонни ҳоли  
қандоғ бўлди экон, деб эшикка келдилар. Кўрди-  
ларки, бир одам ҳамшираларини тизига бош қўюб  
ётибдур. Амирни ҳамширалари ани юзу кўзини хо-  
дими қилиб турубдур.

Амир бу воқеани кўруб шердек ғарида қилиб,  
ул уйга кириб бордилар. Хоҳладиларки, табар бирла  
ул одамни ва ҳамшираларини ду тақсими баробар  
қилсалар. Ул маҳал Бобо Сангин эшикдан кириб  
айдилар:

— Эй фарзанд, сабр қилинг, — деб Амирни орқилиридан қучоғлаб олдилар.

Амир кўрдиларки, Бобо Сангиндурлар. Амир айдилар:

— Бу уйда бегона одамни кўродурман, нима манаши бор?

Бобо Сангин айдилар: — Эй шаҳриёр, бегона одам йўқдур. Узингиз айтиб эрдингиз: ман кетгондан кейин ҳадди булугга етса, бир жавонни қобилга ақд қилиб беринглар деб. Бул жавон ҳамширангизини шавҳаридур.

Амир бу сўзни эшитиб Сакинабонуни қаңорларига олиб, бисёр навозишлар қилдилар ва айдиларки, ман билмобдурман, деб узрхоҳлик қилдилар. Аммо Амирни салобатларидан домодлари беҳуш бўлди. Бир соатдан кейин ҳушига келиб айдикки, «боракалло, хўб одамни ҳамширасини олибдурман, яқин эрдикки, пок мани икки нимта қилиб эрди. Ҳоло ҳам ганиматдур, мунини ҳамширасини қўюб, бир тарафга қочай», дер эрди.

Амир ул жавонга назар қилиб кўрдиларки, ани ранги рухсораси ўчиб, теракни баргидек титройдур. Дарҳол ани оғушларига олиб айдиларки, эй жавон, ман сизни билмобдурман, деб ўн минг танга нибом қилдилар.

Бобо Сангин Амирни қулоқларига айдиларки, эй шаҳриёр, ул жавон сиздан кўрқуб юроги ёрилди, акнун ўлодур. Яхши иш қилиб ани хуни баҳосини бердингиз.

Амир табассум қилиб, шафқат кўргузуб айдиларки, эй ҳамшира ва эй домод, эмди мани дуойи хайрда ёд қилинглар, деб жавонини Мохон мани келгонимдан хабардор бўлмосунлар. Агар хабардор бўлсалар, мани қўймослар, деб нечанд қадам босиб эрдиларки, Мохондаги Амирға шинос йиғитлар хабар толиб келиб, Амирни ул уйга олиб бордиларки, борҳо Амир бирла ул уйда суҳбат қилур эрдилар. Ул уй Мохонни ўртосида воқеъ бўлуб эрди. Мохондаги ёронлар иттифоқ бирла айдилар: — Зинҳор Марвшоҳижаҳондаги муҳибблардан сўзломангларким, Амири соҳибқирон Марвга чиқиб кетодурлар, — деб.

Алқисса, обу таом Амири неқномини олдиға қўйдилар. Амир Қарбалого сафар қилиб, борудаги меҳнату машаққатларини ва йўлдаги кўрган жафо ва суубатларини баён қилдилар. Алар таҳсини сфарини-

лар қилур эрдилар. Амир сўзлоб туруб ярим кечадни ўтуб эрдикки, кўзлари уйқуға борди. Амир воқеада кўрдиларки, ул шерн бешан шарнат ва кештийе гирдобн тариқат, муборизи майдони хилофат, яқин бадрақан кулл, соҳибн зулфиқору Дулдул, жуфти батули инсари Амми расул, яъни Али Ибн Абутолиб Асадулло ул-Ғолиб пайдо бўлуб айдиларки, ҳой-ҳой, эй Абу Муслим, Мохондаги ёронларни кўруб, Марвшоҳижаҳондаги ёронларни фаромуш қилдингму? Ҳиммат бирла бўлғилки, тонгла жанн азим бўлғусидур. Манго пазар қилғил!

Амир пазар қилиб кўрдиларки, Шоҳимардонни ўнг қўлларида Имом Ҳасанин заҳаролуда кўйлақларни кифтларига солибдур ва яна чап қўлларида Имом Ҳусайнин дашти шаҳиди Қарбало хунига бўёлгон кўйлақларини кифтларига солибдурлар. Анда Шоҳимардон айдилар:

— Эй Абу Муслим, ғам емогилки, тонгла ўнг қўлунгдан фарзандим Имом Ҳасан ушларлар ва чап қўлунгдан фарзандим Имом Ҳусайн ушлаб мададкор бўлурлар. Ўзум сани олдингда юруб мадад қилурман, — деб Амирни белларидан ушлаб, белларини сиқиб қўйдилар.

Амири соҳибқирон наъра уруб туруб, басуйи Марвшоҳижаҳон равон бўлдилар. Мохондаги ёронлар баншорат тошиб кеттилар «ҳей даригки, Амир соҳибқирон зоеъ бўлурлар», деб афсус ер эрдилар.

Амири соҳибқирон эрта саҳар эрдикки, Марвшоҳижаҳон зоҳир бўлди. Дарвозан шоҳ Таҳмураси девбандга етиб кўрдиларки, дарвозани шамол очиб, шамол ёнадур, яъни бу диёрда Абу Муслим йўқ деб хаворижлар хотиржамъ, фароғатда эрдилар. Аммо Марвонийлардан қирқ паҳлавони номдор дарвозани даҳлизида ғарқи оҳан ва фулод бўлуб посбонлик қилиб ўлтурубдурлар.

Вақтики, Амир дарвозадан кирдилар, Марвонийларни кўзи Абу Муслимга тушуб кўрдиларки, бир жавони зебосурати ва Мирнх салобати бериш, қаро дастор бошида ва яхши хилъатлар эғнида ўтуб бородур. Нечанд Марвонийлар «шул жавон Абу Муслим» деб фарёду фиғон айлаб, Амирни арқоларидан туштилар. Хоҳлайдиларки, Амирға ўзларини еткуруб дастгир қилсалар ва яна баъзи хаворижлар манъ қилиб айдиларки, «эй аҳмоқлар, Абу Муслимни юз минг киши дастгир қилолмайдур. Сизлар бориб даст-

Бир қилурениларму, анго ҳамла қилсонгизлар, ани  
қўли қойиб, бир табар бирла нимта қилиб ташлар.  
Андан кейин сизларни касофатингларга бизларни ўл-  
дурур. Дахл қилмонглар, ўтуб кетсун. Куси хоҳарни  
Нисри Сайёри ҳиморгаки, ўзи қўрқуб чиқмойдур, ҳар  
кимни жони ўзиға шириндур, ани орқасидан бормонг-  
лар», дедилар.

Вақтики, ул гала сағлар бу сўзни эшитиб қўрқуб,  
ул жойларида қарор олдилар, анда Амир Марвшо-  
ҳижаҳонни майдонгоҳига етиб кўрдиларки, ҳадду  
ҳисобсиз халойиқлар тоқу равоқ узра чиқиб ўлту-  
рубдурлар. Бир одам ўлтургудек жойни бир мушт  
ларга сотиб олибдурлар ва яна ул вақт Амирни  
хотирларига келдики, аввал бориб Хожа Хўрдакни  
уйинин хабар олиб, аларни хотунлари ва аҳлу аёл-  
ларини ҳол сўраб, тасалли хотир бериб келай деб  
Хожа Хўрдакни уйига келиб кўрдиларки, ҳамани  
торож қилиб олибдурлар, нақши бўриё ҳам йўқ ва  
хотунлардан ҳам ҳеч ким қолмобдур.

Амир бу ҳолни кўруб обидийда қилиб, паришон  
бўлуб келур эрдилар. Кўрдиларки, бул кечада бир  
чодирпўше нола ва фиғонлар айлаб муножот бадар-  
гоҳи қозиюл ҳожот қилиб айтодурки, эй собури бе-  
малол, вей донои кулли ҳол, вей розиқи мору мўр,  
вей халойиқи порунур, вей ризқидиҳандан мору моҳи,  
вей шинавандан оҳи саҳаргоҳи, вей аниси бехешон,  
вей муъини бекасон, вей донандан розҳо, вей шина-  
вандан овозҳо, вей нурбахши дидаҳойи пурғам, вей  
ҳабиби дидаҳойи пурнам, бугун шавҳаримни шаҳо-  
дат топодургон кунидур. Илоҳо, Абу Муслими со-  
ҳибқирон ҳар жойда бўлсалар, тирик бўлсунлар. Ул  
бир кун келиб, бу қавми золимлардан мани шав-  
ҳаримни қонини талаб қилиб олур, дер эрди.

Амир бу возни эшитиб билдиларки, бул аврат  
Хожа Хўрдакни кўчларидур. Хоҳладиларки, ўзларни  
ни маълум қилсалар, боз хотирларига еттики, маъл-  
лум қилмағоним беҳтардур. Чароки, ул авратдур.  
Мабодоки мани кўрса, фарёду фиғон қилиб, мани  
сиримни ошкор қилур, деб ўзларини билдурмодилар.

Амир ул саҳаргоҳда ҳамма муҳиббларни эшикиға  
бориб хабар олдиларки, ҳамалари кўчлари ҳам шул  
тариқа Амири соҳибқиронни дуойи жоиларини қилиб,  
вору тазарру айлар эрдилар. Амир ҳам дилларида  
муножот қилиб айдиларки, худоё, бу маълум бечо-  
раларни ижобат дуоларини қилиб, манго зафар

каромат қилсанг, дер эрдилар. Чун рўзи равшан бўлди, байт:

Чиқорди бошини хуршиди ховар,  
Жаҳон айвонини қилди мушаввар.

Амир масжидга бориб намози бомдодни адо қилдилар. Баъдаху чиқиб, дорни тагнга келдилар. Кўрдиларки, калойиқлар илгори кўргонларидан дучандон тамошога жамъ бўлубдурлар ва яна бисёр дор барпо қилибдурлар. Амирни хотирларига келдики, мен ҳам бир жойни хўбини топиб қарор олсам деб назар солиб кўрдиларки, бир суфайи олий узра печанд савдогарлар ўлтурубдурлар. Амирга шул жой яхши кўрунуб, ул жамога айдиларки, эй йиғитлар, нима бўлодурки, манго ҳам жой берсонгизлар. Алар айдиларким, эй жавони барно, қайси қишлоқдин келиб бу вақтда пайдо бўлдинг? Бизлар ҳар қойсимиз беш-олти кун илгори печанд гуломни бул суфага посбон қилиб қўйғондурмиз. Бизлар бу жойни бир мушт зар бериб олдук. Сан саҳройнга мунда жой йўқдур, дедилар. . . .

Амир кўрдиларки, аларга сўзи рост келмойдур. Охир қўлларини узотиб бирини камарбандидин тутуб, аларни аросидан кўториб олиб тошлодилар. Миқдори юз эллик қадам йироқ бориб гушти. Бозиргонлар бу воқеани кўруб дарахт яфроғидек титродилар. Амирни салобатларидин ўзларини арқога ва кейинга тортдилар. Амир дарҳол суфани узасига чиқтилар. Ул суфани узаси айвони гўшагардон эрди. Ул айвонини стунини танган фўлод бирла қилиб эрдилар.

Амир кифтларини ул стунга қўюб такия қилиб эрдиларки, ул айвон ларзага келди. Ул бозиргонлар бу воқеани кўруб, бу саҳройи йиғит пурзўр экон, бу айвонни бизларни устимизга йиқитиб ўлдурмо-сун, деб айдиларки, илгарироқ ўлтурунглар ва бу стунга такия қилмой турунгики, бу стун йиқилиб, калойиқларни босиб қолодур.

Амир кўрдиларки, бу сағлар қўрқубдурлар. Ул жойда баҳузурни тамом қарор олдилар. Ул жамоа бир-бирига оҳиста-оҳиста айтур эрдикки, тамошо тамом бўлғондан кейин бул жавони саҳройидин хундаъво қилиб олурмиз, дедилар.

Ақлун икки калима сўз Насри Сайёри бадкирдордан эшитинг. Ровий айтибдурки, чун Насри

**Сайёри** бадбахт тахт узра қарор олиб, умарблардан сурдики, бугун қайси кундур?

Умаролар айдилар: — Эй амири Хуросон, бугун сизни тўйингиздур.

Насри Сайёр айди: — Бугун нечук тўйим бўлодур?

Умаролари айдикки, бугун ул кундурки, сизни падари калонингиз Дашти Карбалода Имом Хусайини бошларини танидин жудо қилғондур.

Насри Сайёр айди: — Хўб яхши бўлубдур. Ақнуи абутуробийларни зиндондан чиқориб тирборон қилмоқ лозимдур, то арвоҳи падарӣ калоним мандан хушнуд бўлсун, — деб буюрдикӣ, — эй Муҳаммад Юсуф Сақафий, сап бориб абутуробийларни зиндондан чиқорғил, аммо аларни аросидин ўн кишини минн олдимға олиб келгил.

Ул Хўрдак ва Хожа Сулаймон ва Хожа Табиб Марвазий ва Девона Исҳоқи Кундашикан ва Саъду Саййид ва Хожа Саҳлон ва Хожа Қаҳлон булардек муҳибблардан ўн кишини Насри Сайёрни олдиға олиб келдилар. Андан минг етти юз қирқ беш кишини дорни тагига олиб бордилар.

Амир буларга назар қилиб кўрдиларки, катта мўътабар муҳибблардан ўн киши буларни аросида кўрунмайду. Амир кўнгуллариди «ҳай дариг, булар зиндонда ўлғон экинлар» деб афсус едилар. Аммо ул ўн кишини Муҳаммад Юсуф Сақафий Сайёрни олдиға олиб келди.

Насри Сайёр айдикки, эй Хўрдак, эмди ўлодурсан, бу қилгон ишларингдан қайтсанг, халифани Марвонға байъат қилсанг, инма бўлодур, деди.

Хожа Хўрдак айдиларки, эй Насри Сайёр, оғзингға хок-туфроғ тўлсун, ҳаргиз ўз онтимдин тонмосман, деб язидға лаънат юбордилар. Насри Сайёр ҳам буларни дорни тагига олиб боринглар, деб фармон қилди.

Алқисса, ровий айтибдурки, ул ўн кишини ҳам дорни тагига олиб келдилар. Амири соҳибқирон кўрдиларки, ул ўн ёронларини ҳам олиб келдилар. Амирини хотирлари аларни сиҳат кўруб жамъ бўлди.

Насри Сайёр от тортинглар деб фармон қилди. Хоҳладики, жуббан жавшанларини дарбар қилиб ва тиру тиркашларини даври камарига устувор айлаб ва юз ботмон тинғини ҳамойил қилиб, асби тозий нажотга сувор ўлуб дор узра бореа.

Ул вақт Хожа Муҳаммад Тоҳир Хўжаидийни хў-



тирларига еттики, агар Амир пойи дорга келгон бўлсалар, Насри Сайёр отлониб борса, Амир машаққат торторлар. Ани дор узра бормоқдан манъ қилсам хўб эрди, деб айдиларки, қайда борурсиз?

Насри Сайёр: — Абутуробийларни тирборон қилмоқ учун борурман, — деди.

Хожа Муҳаммад Тоҳир айдилар: — Эй амири Хуросон, бу амирлар сизни бормоғингиз борасида ҳеч қойсилари бир маслаҳат қилмодилар. Ман сабр қилиб юрдумки, булар сизга бир йўл кўрсотурмукинлар деб. Акнун мани маслаҳатим шулки, мабодо ул араббачча пойи дорга келгон бўлса, сизки амири Хуросондурсиз, садди роҳингизни олса, яхши бўлмос.

Насри Сайёр хушвақт бўлуб айдикки, боракалло, хўб марҳамат қилдингизки, ул араббаччага рўбарў бўлгондан кейин андан халос бўлмоқ мумкин эмос, деб тиру тиркашларини жуббан жавшан аслаҳаларини белдин кушода айлаб тошлади, андан амирларини ҳеч қойсингизларни ақлларингиз йўқ, деб дашном қилди.

Ул вақт Зарқийи ҳаромзода айдди: — Узингиз отланиб пойи дорга боргонингиз яхши эрди, — деди.

Насри Сайёр айдди: — Бу ҳаромзодани уриб боргоҳдан чиқорингларки, бу нобакор мани олиб бориб ўлдурмакни хоҳлайдур, — деб сиёсат қилди.

Зарқийи ҳаромзодани уро-уро боргоҳдин чиқордилар. Баъдаҳу Насри Сайёрни бемикдори фалокатосор қўлига жом олиб, фарёд қилиб айдикки, бир паҳлавоне бормуки, бу жоми шаробни ичиб, мани тиру тиркаш мураассаъларим боғлаб пойи дорга бориб, абутуробийларни дорга тортиб, тирборон қилиб, бу хидматни бажо қилса. Дарҳол Антар Мақдам ном паҳлавони бер эрди. Ул ўрнидин туруб жоми шаробни нуш қилиб, бу хидматни ман бажо қилғойман, деб Насрға таъзим бажо қилди. Андан Насри Сайёрни тиркашларини боғлаб, аслаҳаларини дарбар қилиб, ўттуз минг лашкар бирла Зарқийи ҳаромзодани инонига солиб, дор тарафига равон бўлди. Чун Амири соҳибқирон назар қилиб кўрдиларки, Насри Сайёр ўзи келмой Антари Мақдам ном паҳлавонини юборибдур.

Амир дилларида айдиларки, ҳай дариг, Насри Сайёр ўзи келмой Антари Мақдамни юборибдур. Агар ўзи келса, бир табар бирла анниг ишини тамом қилур эрдим, деб Амрини аъзоларига ларза пайдо бўлди. Соҳибқиронлик вайрати рўй бердики, тоғ чун паргоҳ-

дек, фил паишадек назарларига кўринур. Ул Амирни олянда тургон бозиргонлар айтур эрдик, ул саҳройи кўрқуб титройдур, дер эрдилар. Вақтики, Антари Мақдум келиб абутуробийларни дорга тортинглар, деб буюрди, ҳама муҳиббларни белларидан боғлаб дорга торттилар. Бошлари дорни яғочига тегиб турди.

Антари Мақдум хоҳладик, қўлига камон олиб ўқ отса. Ул вақт Хўрдак айдилар:— Эй Антар, икки килима сўзум бор, андак таваққуф қилгил,— деди.

Антар қабул қилиб, қўлини тортти, Хўрдак айдилар:— Эй халойиқ, билинглари ва огоҳ бўлингларики, бизлар ўғри ва қароқчи эмосдурмиз. Бизлар дўстдори Шоҳимардондурмиз. Шоҳимардонни муҳаббатларида жон фидо қилиб, ўзумизни ўлумга беродурмиз. Билингларики, биздан сўнг ул наҳанги дарёйи мубориат ва ул шери бешан шижоат, бобойи мусулмонон, чокари Шоҳимардон, соҳибни табаргарон ва кушандаи Марвониён, яъни Абу Муслими соҳибқирон пайдо бўлуб, келиб биз бегуноҳларни хунини бу қавми жафокорлардан олсалар деб. Эмди, эй Антар, ишингга машғул бўл! — дедилар.

Антар даргазаб бўлуб, қўлига тир-камон олиб айдики, ман бу тариқа сўз қилурингни билсам, санго ямон бермос эрдим. Гумон қилиб эрдимки, абутуробийлар ўлумдин кўрқуб байъат қилурмукин, деб хоҳладик, ўқ отса.

Ул вақт Хожа Хўрдак дилларида нола айлаб, муножот бадаргоҳи қозиюл ҳожот қилур эрдиларки, муножот:

Аҳадо, сомеъ-ул-муножоти,  
Самадо, нофе-ул-муҳимоти.  
Ҳеч пушида аз ту ниҳон нест,  
Олим-ус-сирри вал хафийёти.  
Кўторди қўлини ёраб деб дуога,  
Тараҳҳум айла биздек мубталога.  
Худоё, ҳама йўқни бор айладиңг,  
Бирни азиз, бировни хор айладиңг.  
Мешинг жонима қил каромат зафар,  
Ҳаворижлардан етмасун ҳеч хатар.  
Ки бир тангри кирдикори жаҳон,  
Ато айлагини сан манго ёна жон,  
Ки сандин бўлак бир жаҳондор йўқ,  
Бу ялгуз бошим узра ғамхор йўқ.

Ниҳон барчасидур санго ошкор,  
Ўзунг шоҳи одилсан, эй кирдикор,—

деб муножот қилур эрдилар.

Баногоҳи Хожа Хўрдакни юзи қибла тарафга  
бўлди. Антар тиркамонни қўлига олиб, сабр қилиб  
турдики, Хўрдакни бу тарафга боқғой деб. Баногоҳ  
Хўрдакни кўзи суфа узра тушуб кўрдикни, бир жавони  
сиёҳиун дастор бошлариди, кўфанаги думанъал  
дарбар қилғон. Дарҳол тошиб, гирёну полон бўлуб,  
фарёд қилиб айдиларки, эй шаҳриёр, байт:

Бархез ту бишамой маро он қадду қомат,  
То ваъдан дийдор намонад баққёмат.

Жонбози ушшоқ бубни дар назари хеш  
Иш марг насиби моу ту боши басаломат.

Эй жавони барно, юзунгиздан ўргулай, жоним  
сизга фидо бўлсун, ўрунунгиздан туруб, қадди қома-  
тишгизни кўрсотинг, деб баланд овоз бирла бу сўз-  
ларни айдилар.

Мардуми тамошабинлар ҳайроқ бўлдиларки, ул  
кимга сўзлойдур. Амир Хўрдакдан бу сўзларни эши-  
тиб тоқатлари қолмади. Аз бор хонаи жигар бир  
наъра торттиларки, «ҳалилуллоҳ, оллоҳу акбар!  
Бўзўргаст номи худои азза ва жалла, ҳар ким маши  
билса билсун, билмоса мандурман бобойи мусулмонон,  
чокари Шоҳимардон, мехи чашми хаворижон, соҳиби  
табаргарон ва кушандан Марзониён, яъни баноми  
Абу Муслими соҳибқирондурман», деб ўрунларидан  
турдилар.

Бу наърани ҳайбатидан замишу замон, макнишу  
макон ва куҳ, дашту биёбон симобдек титроб изти-  
робга келди.

Ровий айтибдурки, ул айвон узра ўлтурғон тамо-  
шобинлар Амири наъраларини салобатидан айвон  
бирла сарнигун йиқилиб жон бамолики дўзах сипо-  
риш қилдилар ва яна миқдори минг саккиз юз эллик  
етти ҳомиладор хотунлар бу наърани ҳайбатидан  
ҳомидаларини тошладилар ва миқдори саккиз юз  
етмиш киши тоқи равоқни узасидан йиқилиб ўлдилар.  
Ул вақт Насри Сайёр қасрда шароб ичиб ўлтуруб  
эрди. Жом титраб қўлидан ерга тушти. Насри Сайёри  
ҳокисор, ўзи сарнигун бўлуб тахтидин юзи бирла  
йиқилди ва ани олдида ўлтурғон сандаланишини паҳ-  
лавонлар ҳам ерга йиқилдилар.

Алло Антари саг Амири ваҳшатларидан қўрқуб,

қўлидаги камони ерга тушти, ўзи беҳуш бўлуб таковарини ёлини ушлаб от узра қарор олди. Амир келиб Антарни садди роҳини олиб турдилар. Бир солтдан кейин Антари Мақдам ҳушига келиб айдик, эй жавон, сан кимдурсанки, маннинг садди роҳимни олиб турубдурсан?

Амир айдилар: — Эй бадбахт, билгилки, менам Абу Муслими соҳибқирондурман.

Антар айдди: — Эй рахнагар, на учун мани беҳуш-лугумда ўлдурмадинг?

Амир айдилар: — Сани ўлдурмак номардлик бўлур эрди. Акнун ҳушёр бўлдунг, сани жавобингни берурман, — дедилар.

Дарҳол Антар юз етмиш ботмон сотулни қўлига олиб, кироин абутуробий деб Амирға садди роҳи қилди. Амир табарларини ани ҳарбасига ушлодилар, шамширини юзи реза-реза бўлди. То қўлига тиғи рикоби олиб эрдик, Амир табар бирла чунон фарқи сарига урдиларки, мингон оти бирла чор тақсими баробар бўлуб, жони санглоҳи жаҳаннамга кетди. Ани навкарлари Антарни ўлганини кўриб, ўттуз минг киши Амирни бошларига қуюлди. Алқисса, жаңги мағлуба бўлди. Зарқийи ҳаромзода ўзини канораға олиб тамеша қилиб турор эрди. Кўрдик, Амири соҳибқирон ҳар табар ургонда йигирмадан то қирқ кишигача қамишни бандидек қалам қилиб тошлар эрдилар. Қўллари бирлан табарлари хунолуд бўлуб, чун наҳанги дарёи Қулзумдек қон ичра шиноварлик қилур эрдилар.

Амир ҳайрон бўлуб айдиларки, агар жангга машгул бўлсам, ёронлар дор узра қолурлар. Агар аларни халос қилмоқға кўшиш қилсам, хаворижлар ароға олиб, мани танг қилодурлар, деб ҳайрон эрдиларки, шул аснода ўнг қўллари тарафдан бир наъра пайдо бўлдики, «халилуллоҳ, оллоҳу акбар, бўзургаст номи худойи азза ва жалла, ҳар ким мани билса биясуи, билмаса, мандурман Девона Абулато» ва яна чап қўллари овоз келдики, «мандурман Абулҳасан» деб. Бу икки бародари вафодор ўзларини урдилар, хаворижларни куштасидан пуштала қилдилар. Яна овоз келдики, «халилуллоҳ, оллоҳу акбар» деб. Амир кўрдиларки, жавонони Мохон азбаройи жанги марвониён келибдурлар.

Амир айдиларки, эй жавонони Мохон, сизлар дордан бандиларни жудо этинглар!

Алар Амирдан бу сўзни эшитиб бир соатда бандиларни жудо қилиб ва бир соатда марвонилар бир-лов урушуб, аларни ҳалок қилур эрдилар.

Алқисса ровий айтибдурки, ул кун Амири соҳибқирон минг етти юз муҳибби хонадонни чунон бандидан жудо қилдиларки, бир тора мўйларидан кам бўлмоди. Вақтики, Зарқийи ҳаромзода бу воқеани кўруб, Насри Сайёрни хидматиға келиб турди.

Насри Сайёр: — Эй Зарқий, абутуробийларни тирборон қилдингларму? — деди.

Зарқий айтиди: — Эй амири Хуросон, доду сад дод, ул рахнагарни қўлидинки, абутуробийларни тирборон қилур вақтида пайдо бўлуб, келиб Антари Мақдамни бир табар бирла ду тақсими баробар қилиб, ҳама бандиларни дордин жудо айлаб, ҳоло жанг қилиб паҳанги дарё ва аждаҳон саҳродек оламни қуллоби нафасиға тортиб хароб қилиб бородур, — деб воқеани баён қилди.

Насри Сайёр бу сўзни эшитиб, дарғазаб бўлуб хоҳладики, сувора бўлиб ўзи борса. Хожа Муҳаммад Тоҳир айтидики, эй амири Хуросон, мани айтгон сўзим келдиму? Агар ўзингиз борсангиз, Антарни ўрниға сизни ду тақсими баробар қилур эрди.

Насри Сайёр айтиди:

— Оре, эй Хожам, рост айтурсиз, манго сиз давлатхоҳдурсиз, — деб Хожага юз эллик минг танга инъом айлаб минатдор бўлди. — Акпун, эй Хожам, инма маслаҳат берурсиз, — деди.

Хожа айтиди: — Бир паҳлавоне юбормак керак, бориб ул араббаччани жавобини берур. Аммо сизни бармоғингиз лозим эмас.

Насри Сайёр қабул қилиб касофатшиор қўлиға жами шароб олиб, фарёд қилдики, бир паҳлавон бўлғойму бу шаробни ичиб, бу хидматни бажо қилса.

Ул вақт Қаҳқа ном паҳлавон туруб, шаробни ичиб айтидики, эй амири Хуросон, ман бориб ул араббаччани дастгардон боғлаб, сани хидматингға олиб келай, деб таъзим бажо қилди.

Насри Сайёр айтиди: — Эй Қаҳқа, борғил, сани надари калонимни арвоҳиға тобшурдим, — деб инъомлар айлаб сарафроз қилди.

Алқисса, ул ҳаромзода қирқ минг лашкар бирлан Зарқийни инониға солиб, Амир тарафлариға равон бўлди. Келиб Амирни садди роҳларини олиб, бажо-наби Амирни ҳавола қилди. Амир қўл узотиб ани

банди дастидан тутуб хафа қилдиларки, тиф қўлидин  
орға тушти. Амир табарни кашада ва кушода қилиб,  
фарқи сариға чунон урдиларки, оти бирла чор тақ-  
сими баробар бўлуб дўзаққа кетти, фиғон марвоши-  
лардан чиқти, андан ани лашкариға дарафтод бўлуб,  
куштидан пушталар қилдилар.

Амири соҳибқирон иккинчи илғарни ҳам шикаст  
бердилар. Алқисса, ровий айтибдурки, Зарқийи ҳа-  
ромзода келиб айдикки, эй амири Хуросон, Қаҳқа  
ҳам ўлди, иккинчи илғар ҳам шикаст еди ва яна  
Насри Сайёр қўлиға жоми шароб олиб фарёд қил-  
дики, бир паҳлавоне дигари бўлғоймуки, бориб ул  
рахнагарни жавобини берса. Санжоби Шомий ном  
паҳлавони ўрнидин туруб, жоми шаробини ичиб, таъ-  
зим бажо қилди. Эмлик минг лашкарини ҳамроҳ айлаб,  
Зарқийини ишонига солиб равон бўлди.

Ул ҳам келиб Амири садди роҳларини олди.  
Амири сийнан бекийналарига пайза ҳавола қилди.

Амири соҳибқирон қўл узотиб, пайзасини гулуго-  
ҳидан ушлаб тортиб олиб, сийнасиға чунон урдилар-  
ки, арқасидан паррон ўтуб, бир газ чиқиб турди.  
Андан Амири соҳибқирон ани лашкариға дарафтод  
бўлуб, табар уруб ўлдуруб, учинчи илғарини ҳам  
шикаст бердилар.

Зарқийи ҳаромзода бу ҳолни кўруб муаллақ дар-  
муаллақ уруб, Насри Сайёрни хидматига келиб айдик-  
ки, эй амири Хуросон, ҳеч ким ул рахнагар бирла  
баробар бўлолмас. Учинчи илғарни ҳам шикаст бер-  
ди. Санжобини ҳам дўзахқа юборди, деди. Ва яна  
Насри Сайёр қўлиға жоми шароб олиб фарёд қилдики,  
бир паҳлавоне бўлғойму, бориб ул рахнагарни жаво-  
бини берса.

Ардашерн Дамашқий ном паҳлавони ўрнидин ту-  
руб, жоми шаробини Насри қўлидин олиб ичиб таъ-  
зим қилди. Айдикки, эй амири Хуросон, ул арабаччани  
жазосини берай, деб олтмиш минг лашкарини ҳамроҳ  
қилиб, Зарқийини ишонига солиб равон бўлди.

Майдопгоҳға келиб, Амири садди роҳларини олди.  
Амирға зубин ҳавола қилди. Амир бошларини ҳам  
қилиб ўткардилар. Ул зубин Амирдан ўтуб, печа  
хаворнжға тегиб, дўзахқа ташриф қилди. Ардашер  
иккинчи навбат Амирға зубин ҳавола қилди. Амири  
қўлларини узотиб, зубинини ани қўлидин тортиб олиб,  
айлантуриб ул бадбахтин синасиға чунон урдиларки,  
орқасидин сарбадар қилди, жоми дўзаққа кетти.

Андан ани лашкарини ҳам табар бирла уруб зеру забар қилиб, жонларини дўзахқа юбордилар. Тўртинчи илгарини ҳам шикаст бердилар. Зарқий кўрдик, бу лашкар ҳам шикаст еб, дўзах тарафига кетти. Яна Зарқийн ҳаромзода муаллақ дар муаллақ уруб, Насрин хидматиға келиб айдики, эй амири Хуросон, Ардашер ҳам ўлди, тўртинчи илгар ҳам шикаст еб, пароканда бўлди.

Насрин Сайёр дарғазаб бўлуб хоҳладик, ўзи суворга бўлуб борса, ул вақт Суҳайли Шомий ном паҳлавон айди: — Эй амири Хуросон, манго ижозат бергил, ул араббаччани бориб жавобини бериб, сизни гамдан халос қилай.

Насрин Сайёр: — Эй Суҳайл, бергил, сани язиди налидди арвоҳи попокиға тобшурдум, — ижозат берди.

Суҳайли Шомий етмиш минг лашкар бирла Зарқийини ишонига солиб келиб, Амирини садди роҳларини олиб, даст бакамон қилиб, Амирга ўқ равона қилди. Амир сар ҳам қилиб, ани ўқини ўткордилар. Баъдаху қўл узотиб, ани қўлидин камоници тортиб олиб, айлантуруб гарданиға чунон урдиларки, гардани майда-майда бўлуб, жони дўзахқа кетти. Андин ани лашкарини ҳам табар бирла уруб, бешинчи илгарини ҳам жавобини бердилар.

Алқисса, ровий айтибдурки, Зарқийи ҳаромзода келиб, бу воқеани Насрин Сайёрға баён қилди. Насрин Сайёр дарғазаб бўлуб, яна жони шаробни қўлиға олиб айдики, бир паҳлавонга бўлгойму, бориб ул раҳнагарини жавобини берса, ўзини паҳлавонлар арвосида номи овозасини балаид қилса, деб фарёд қилди.

Ул вақт Қубоди Шомий ном паҳлавони забардасти бор эрди. Ул ўрнидан туруб, жони шаробни олиб ичиб, айдики, эй амири Хуросон, ман бориб ул раҳнагарини даст багардан боғлаб хидматингга олиб келай, деб таъзим қилди.

Насрин Сайёр ишомлар айлаб, сарафроз қилиб ижозат берди. Ул ҳам саксон минг лашкарни ҳамроҳ айлаб, Зарқийини жиловига солиб, бажониби Амир равон бўлди. Камоли паҳлавонлик гайратидин келиб, Амирини яқоларидан ушлаб, хоҳладик, тортиб кўтурса. Амири соҳибқирон косахонаи сарига чунон бир мунг урдиларки, кадуи сари гард-гард бўлуб, жони бамолики дўзах сипориш қилди.

Андин Амири соҳибқирон наъра тортиб, «ё Шо-

қимардон», деб ўзларини уллашқарга урдилар. Гўёки иждарҳойи дамондек оламини қуллоб нафасларига тортиб борур эрдилар.

Хаворижлар Амирни ароға олиб, атрофидан тиртуфангни ёғдирур эрди ва яна бир тарафдан Абулато ии бир тарафдан Абулҳасан, чеҳлтанони Моҳои ва ҳима муҳибби хонадон «Ё Имом Ҳусайн», деб ўзларини хаворижларга урдилар. Чунон жанг бўлдики, оташики дар най афтад ва гўргики барамма афтад, мастики бар май афтад, муфлисикки, базар афтад. Мундан ҳам зиёдароқ жанг қилур эрдилар. Хаворижларни ўлуги ҳар тарафда боғлагон алафдек ётур эрди, қонлари жўйдек, бошлари гўйдек юмолонур эрди. Байт:

Чу мўри малахдек ётиб бекарон,

Сари бетанону тани бесарон.

Тарақо-туруқи амудгарон,

Жаҳон бўлди бозори оҳангарон.

Амири соҳибқирон ҳар табар ургонларида йиғирма кишини ва ўттуз кишини қамишни бандидек қалам қилур эрдилар. Хаворижларни куштадан пушталар қилдилар, қонлар дарё-дарё бўлди.

Амири соҳибқирон чун моҳийи дарёдек ул қон ичра шиноварлик қилур эрдилар. Амирни жанглариға хаворижлар тоқат қилолмай ҳар тарафға фароқанда бўлди. Зарқийи ҳаромзода кўрдикки, Қубоди Шомий ҳам ўлди, лашқари шикаст тоғиб фароқанда бўлди. Муаллақ уруб бориб Насрға айдикки, эй амири Хуросон, ул рахнагар араббачча олтинчи илғарни шикаст берди. Қубоди Шомийни ҳам ўлдурди, деб воқеани баён қилди.

Насри Сайёр бу сўзни эшитиб дарғазаб бўлуб, хоҳладикки, ўзи отланиб борса. Насрни олдида Хожа Саҳлон ном бир хожа бор эрдилар, муҳибби хонадон эрдилар. Кўнгулларида айдиларки, агар Насри Сайёри нобакор Амири номдорни устилариға ўзи отланиб борса, Амирга иш мушкул бўлуб, машаққат осил бўлгусидур. На учун Насри Сайёрни бормоғини манъ қилиб, ўзум бориб Амирни бу қавми жафокор аросидан бир тарафға чиқориб халос қилмойман, деб туруб айдиларки, эй амири Хуросон, сизни кўнгулунгизни қавий тутуб, хотиржамлик бирла тахт узра истироҳат қилиб ўлтурунг. Ман бориб ул рахнагарни жавобини берурман, дедилар. Насри Сайёр хушвақт бўлуб ижозат берди.



Алқисса, Хожа тўрт минг ҳолдон хос одамларини олиб равон бўдилар. Зарқийи ҳаромзода кўнглида айдикки, бу Хожа хоҳлайдурки, бориб ул рахнагарга ёри беродур. Ул рахнагар ўзи ҳам кифоя қилур эрди. деб дарди дарун бўлуб, почор Хожани инонларида равон бўлди.

Вақти Хожа бориб Амирни кўрдиларки, Амири соҳибқирон лабташна ва шикам гурусна жанг қилиб юрибдурлар. Хожа ваҳшат бирла етиб айдиларки, ҳой, эй араббача, оламини куйдириб бородурсан, қачонгача бу тариқа жанг қилодурсан? Қўлинигни торт-гилки, ман келдим.

Амир Хожадан бу сўзни эшитиб, кўнгуллариға келдики, магар ишқи бул Хожа Марвоний бўлибдур, бу бир табарназар Хожа, деб хоҳладиларки, урсалар. Хожа оҳиста келиб айдиларки, «ассалому алайкум, эй шаҳриёр! Жангни жанги сохта қилойлук», деб. Хожа Амирға тиг солдилар. Амир ҳам Хожаға офати тегмоса эди деб бир табарни мулоҳаза бирла солдилар. Хожага тегмоди. Зарқийи ҳаромзода Хожа Амирни табарларидин омон қолғонини кўруб, хандаи қаҳқаҳалар айлаб, ўзиға айтур эрдикки, ҳеч ким рахнагарни табаридин омон тобгон эмосдур. Хожани халос бўлғонига ҳайронман, дер эрди.

Хожа Амирға шамшир ҳавола қилиб айдиларки, эй шаҳриёр, акнун сиз ўзингизни тими шамсани ичига олишгки, ман сизни бир навъ қилиб тимдин чиқориб юборурман.

Амир ўзларини орқага тортиб келиб то шамсани тимни дарвозасиға етиб кўрдиларки, ул тим мисли тими Бухородек хўб мустаҳкам экан. Олти тарафдан дарвоза қўйилгон экон. Чун Амир ўзларини тимни дарвозасиға еткурдилар, тимни дарвозаси маҳкам экон, Амир бир аёғлари бирла тефиб эрдилар тимни дарвозаси пора-пора бўлди. Тимни ичига кирдилар, Хожа ҳам Амирни арқаларидин кирдилар. Зарқийи ҳаромзода айтур эрдикки, акнун Хожа кўнглидагидек ишни қилди, деди.

Вақтики, Хожа тимга кириб, йигитлариға айдиларки, сизлар тимни дарвозасини олиб, жанг қилгон бўлуб эҳтиёт қилиб турунглар, ман Амирни ёронлари бирла ўз уйиға олиб бориб қўйиб келай, дедилар.

Алқисса, Хожа Амирни ёронлари бирла уйлариға олиб келиб, уйларида бир нақаб ковлаб, уй қилиб эрдилар. Ул уйға Амирни пинҳон қилиб, ёниб келиб

кўрдиларки, ул йигитлар ҳануз ҳам тимни дарвоза-сини олиб турубдурлар ва ҳарбаларини ул тимдаги сандуқларга урар эрдилар. Овози тарақо-тарақ. Бу гунбади давворга етор эрди. Бир вақт бўлуб эрдики, Хожани овози найдо бўлди. Зарқийи ҳаромзода кўнглида айдики, Хожа Абу Муслимни олиб бориб пинҳон қилиб келди.

Алқисса, Хожаи дилогоҳ ул кеча тимдин чиқмодилар то чандонки рўз равшан ва намоён бўлди. Баъдаху Хожа тимдин тошқори чиқтилар, Зарқий келиб Хожага айдики, «боракалло, эй Хожам! Рахнагар бирла жанг қилиб тимдин ажаб обрўй бирла чиқтингиз».

Хожа: — Худойи таоло иноятдан обрўй бирла чиқтим, — дедилар.

Зарқийи ҳаромзода айди: — Оре, жанг қилиб сиз Абу Муслимни қочурдингиз. Бу иш ҳар кимни иши эмас, — деб илгори равон бўлди.

Хожа билдиларки, ул ҳаромзода талх сўзлойдур: — Эй меҳтар Зарқий, иккимиз ҳамроҳ борурмиз, — дедилар.

Зарқий айди: — Эй Хожам, ман илгори Хожа Абу Муслимни қочурдилар деб севишчи олай.

Хожа кўрдиларки, бўлмодур. Охир «бориб севишчи олғил, манго обрўй бўлсун», дедилар. Баъдаху Хожа ўзлари ҳам суръат бирлан юруб айдиларки, эй йигитлар, сизлардин биринглар ўзунгизни захмдор қилингларики, бизларга обрўй бўлсунки, жанг қилиб захмдор бўлдик деб, тилимиз узун бўлсун.

Дарҳол Хожани йигитларидан бири айдики, ман ўзумни захмдор қилсам, нима берурсиз?

Хожа: — Санго бисёр инъомлар қилурман, — дедилар.

Ул жавон ханжарни олиб калласига қўюб эрдики, дард қилди? Дарҳол «оҳ» деб ханжарни олди.

Ул: — Ханжарни учини бул сақиқомга қўюб эрдим, — деди.

Хожа айдилар: — Нима бўлди?

Ул айди: — Кўб оғриди.

Хожа айдилар: — Ханжарни қайси жойга қўюб эрдингки, дард қилди?

Ханжар учи бирла нишон бериб эрдики, Хожа ани ёнида тургон одамга ишорат қилдилар. Ул ханжарни дастасига бир мушт уруб эрдики, ани пешонаси ёрилиб саро-саро қон кета бошлади. Ажаб

захме намоён бўлди. Хожани йигитларини ҳар қой-силари ани қонидин олиб юзу кўзу либосларига сурдилар.

Хожа вақтики етиб келдилар. Зарқийи ҳаром-зода хоҳладики, ғаммозлик қилиб, Хожадан шикоят қилса. Хожа ҳам боргоҳға кириб бордилар. Насри Сайёр Хожани навозишлар қилиб канориға олди ва олдиға ўтқузди, айди: — Эй Хожам, боракалло, ул раҳнагар бирла бисёр жанглар қилибсиз деб эшитдим.

Хожа айдилар: — Эй амири Хуросон, меҳтар Зарқийдан сўраинки, ман на ишлар қилдим.

Чун Хожа бу ишларни Зарқийга ҳавола қилди. Зарқийни тили бөлонди, айди: — Эй амири Хуросон, Абу Муслимни қочургон Хожа эрдиларки, бу иш ҳар кимни иши эмос, — деб мазмун бирла сўзлади.

Зарқий кўрдик, Насри Сайёр бу сўзини фаҳм-ламоди, хоҳладики, мундан равшанроқ қилиб айтса.

Наср айди: — Эй меҳтар Зарқий, хўб айттингики, мен ҳам Хожани сарафроз қилсам керак, деди.

Зарқий дилида айдики, «падарингга лаънат сен-дек амири Хуросонники, сўзумни фаҳм қилмосанг, ман на қилай», деб оғзидаги сўзини сўзлай олмай ночор сукут қилди.

Дарҳол Насри Сайёр Хожага эллик минг танга бирла хайма ва хиргоҳлар қилди. Хожа хушвақт бўлуб туруб уйларига равон бўлдилар.

Ул кеча Хожа Сулаймон ва Хожа Усмон жами ёронлар ҳамалари Хожа Саҳлонни уйинга жамъ бўлуб, ул банди бўлгон ёронларни мўйи сарларини олдуруб ва ғусл қилдируб, яхши либослар кийдуруб, гуногун таомлар ва покиза шарбатлар пуш қилдурдилар. Ҳамалари шодмон бўлуб, ўз жойларида қарор олдилар.

Алқисса, ҳама ёронлар айдилар, «акнун бизларни аромизда бир подшоҳ лозимдурки, бизлар ани фармонда бўлсак ва анго инқиёд қилиб, ани амридан тажовуз қилмосак». Хожаларга бу сўз маъқул бўлиб айдилар:

— Акнун ким подшоҳ бўлур? — дедилар.

Ул вақт Хожа Сулаймон айдилар: — Мен подшоҳ бўлодурман. Чароки, ман ўн минг кишига яроғу аслаҳа ва обн таом бермакни уҳдасидин чиқодурман.

Анда Хожа Усмон ҳам: — Мен ҳам сиз айтгон сўзини уҳдасидин чиқодурман, — дедилар ва Хожа

Саҳлон айдиларки, «мен ҳам соҳиби дунёдурман, шул ишларни уҳдасидан чиқодурман, ман подшоҳ бўлодурман».

Алқисса, Амирдан бошқа ҳар қайси хожалар шул тариқа сўзларни айтиб, «ман подшоҳ бўлодурман», дер эдилар. Аммо Амир бошларини солиб ўлтурдилар. Охируламр, аларни ароларнда Хожа Абусуҳайл Имрон ном бир одам овози балад бирла айдики, эй Хожалар, сизлар подшоҳ бўлодурман дерсиз. Бу сўзни ҳеч ким қабул қилмойдур. Чароки, подшоҳлик ҳазрати пайғамбар алайҳиссаломни фарзандлариға лозимдур, омон ҳазрати Имом Муҳаммад Боқир Қуҳи Лубнондадурлар. Бири кишини аларни олдиға юбормак керак. Шоядки ўзлари келиб сизларға подшоҳ бўлсалар. Агар ўзлари келмасалар, бир кишини ўзларини жойлариға насиб қилиб, подшоҳ қилиб юборсалар, ул кишини подшоҳ қилиб, ани амридин тажовуз қилмосмиз. Чароки, Имом Муҳаммад Боқир соҳиби ихтиёрдурлар. Алардин беижозат подшоҳ бўлмак хўб эмас, деди.

Ҳама ёронлар айдилар: — Боракалло, Абусуҳайл, хўб маслаҳат берди. Ани ақлу фаросатига раҳмат, — деб ани сўзини маъқул кўрдилар.

Хожалар айдиларки, нома битиб, ул номага ёронларни отларини ном-баном зикр қилиб юбормак керак. Алқисса, ҳамалари иттифоқ бирла нома битиб, Хожа Сулаймонни олдилариға олиб келдилар. Хожа бошдин-аёғ номани мутолаа қилиб кўрдиларки, ҳама ёронларни номлари тушубдур, лекин Амирни номлари фаромуш бўлуб номага тушмобдур.

Айдилар: — Боракалло, ул кишини отини номани аввалиға тушурмак лозим эрди. Ҳатто номага фаромуш бўлуб тушмобдур.

Хожа Сулаймон айдилар: — Эй Абдурахмон, Имом Муҳаммад Боқирға нома олиб борган одам сани отингни забони бирла айтиб таъйин қилса ҳам бўлур.

Амир айдилар: — Агар андоғ бўлса, бу номани пора қилмоқ лозимдур. Кишики, нома олиб бориб, забони бирла тақрир қилмоқ онча хўб эмас, — дедилар.

Хожа Сулаймон бетоқатлик қилдилар, охируламр, Амир айдилар: — Эй Хожа, номани манго беринг!

Номани бердилар. Амир номани олиб кўрдиларки, агар хафи қалам бирлон битсалар, номанинг охириға ганжойиш қилодур. Дарҳол Амир хафи қаламини олиб, ўз отларини номани охириға битиб, Хожани

олдиға олиб келдилар. Баъдаҳу Хожа Сулаймон номани қўлларига олиб айдиларки, бир шерн марди бормуки, бу номани олиб Маккаи мукаррамга борса. Андин Мадинаи мунавварага бориб, андин яна олти ой йўл юриб Куҳи Лубронга бориб, Ҳазрати Имом Боқирдан хати маншур ҳосил қилиб келса дедилар.

Вақтики, ёронлар бу сўзни эшитиб нафас дар қафас банд бўлуб, ҳеч кимдан овоз чиқмоди. Иккинчи навбат фарёд қилдилар, ҳеч ким ўрнидин турмоди. Учинчи навбат яна бу сўзни айтиб фарёд қилиб эрдиларки, Амри диловар ўрниларидин туруб: — Эй Хожам, бу хидматни мен бажо қилай, — дедилар.

Хожа айдиларки, эй жони надар, мани гўшан хотирим ҳам сизда эрди. Сиздин ўзга ҳеч ким бу хидматни уҳдасидин чиқмос, деб хурсанд бўлдилар.

Амир айдилар: — Эй Хожам, баҳурмати Шоҳимардон аввал мартаба ўрнумдин турор эрдим ва яна хотиримга келдики, ёронлар айтмосунларки, кеча сафари Қарбалодин келди. Бугун бу хидматни бажо қилур эрдук деб паришон бўлмосунлар деб таваққуф қилдим. Учинчи навбатда мутассадди бўлдум, — дедилар.

Алқисса, Амри соҳибқирон номани олиб равон бўлдилар. Абулато ва Абулҳасан ҳам туруб: — Эй шаҳриёр, бизлар сиздин жудо бўлмосмиз. Ҳар жойга борсангиз, ҳамроҳ борурмиз, — дедилар.

Амир айдилар: — Эй биродарлар! Бу сафар сафари Қарбалодек эмос. Бу йўл бисёр хатарлик, Мадинаи мунавварадин яна олти ойлик йўлдур. Сизлар меҳнат ва машаққат торторсизлар. Ҳар меҳнату машаққат бўлса, манго бўлсун, сизлар боҳузури дил ўлтурушлар, — деб ҳарчанд манъ қилдилар, ул икки бародар қабул қилмоди, ҳамроҳ бўлдилар.

Ёронлар айдилар: — Эй шаҳриёр, бир иш қилиб ўзунгизни бизларга ботроқ еткурунг, то сизлар келгунча бизлар нақаб ковлаб, ул жойда умр ўткорурмиз. Агар тошқори чиқсок, бизларни хаворижлар тонийдур, — ва яна айдилар: — Ҳар қалъага етсангиз, андаги муҳиббларни отларини номани арқасига битиб олғайсиз. ♦Хусусан бажониби Мозандарон борсангиз, анда бир шаҳзодае бордурки, ани отини Шоҳ Толибани Бакрободий дейдилар. Ани атосидин подшоҳлик мерос қолғондур, ани отини ҳам номага би-

тиб олинг. Шоядки, иодшоҳлик ани отиға қарор тобса.

Амири соҳибқирон ёронларни васиятнини қабул қилиб, Абулато ва Абулҳасанни ҳамроҳ айлаб, қаландарлик либосини ўзларига дарбар қилиб, Моҳон тарафига равона бўлдилар.

*Фасли достони Амири соҳибқирон хати манишур учун Ҳазрати Имом Боқирни олдилариға боргонлари ва йўлда қирқ қароқчини ўлдургонлари ва Мозандаронға дохил бўлуб шаҳзода Тобунни ўлдургонлари ва Амири соҳибқирон яна Кўфага кириб, гўрхонаи Абдурахмон ибн Мулажжамга ўт қўйгонлари ва Мақотили Кўрани ўлдургонлари ва Мадинаи Мунавварага бориб анда назар топиб, андин Ҳазрати Имом Муҳаммад Боқирдин хати манишур олиб келарда Шоми шарифга дохил бўлуб, Марвони харни олдиға кириб кривстонлик қилгонлари.*

Эй номи ту, беҳтарини ҳар оғоз,  
Беноми ту нома кай кунам боз.  
Эй коркушойи ҳарки ҳастанд,  
Номи ту калиди ҳарчи бастанд.  
Эй барварақи ту дарси айём  
Зи оғоз расида то баанжом.  
Соҳиб туйи он дигар ғуломанд,  
Султон туйи он дигар кудоманд.  
Роҳи ту банури доязоли,  
Аз ширку шарик ҳар ду холи.  
Дар сунъи ту комад аз адад беш.  
Ожиз шуда ақли иллат андеш.

Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони ширин гуфтор андоғ ривоят қилибдурларки, Амири соҳибқирон вақтики Хуросонға яқин еттилар аз жониби Хуросон гарде пайдо бўлди. Ул гард аросидин бир ниқобдоре чиқиб келиб Амирга таъзим қилди. Амир «кимдурсан?» дедилар. Ул дарҳол ниқобини юзидин кўторди. Кўрдиларки, авратдур. Ул аврат айди:

— Эй шаҳриёр! Мамам Биби Ситтаи таклабоздурман. Қалъаи Хуросондандурман. Хўжа Хўрдакни ҳамширалари Хожа Ахий Бирёпгарни қўлларидадур. Аларни уйларидини хуруж қилгон Хожа ул замондан келиб, Хуросонда ватан қилгондурлар. Ман алар бирла ҳамроҳдурман. Нима бўлурки, биз ғарибларни уйларига қадамранжида қилсангиз, — дедилар.

Амир айдилар: — Эй Бибийи Алъои, кирмоқға фурсат йўқдур.

Дарҳол Биби бир ҳамён зар Амирни олдиларига қўйдилар. Амир хотирларида «авратдин киши зар олурму», деб айдилар: — Эй биби, зарни сизга бердим, сафардин ёниб келгонда фурсат тобсам, уюнгизга йўқлаб борурман, — деб йўлга равона бўлдилар.

Алқисса, Амир манзилу мароҳил тай қилиб, Хожа Муҳаммад Муштаризарни уйига келдилар. Эшикни урдилар. Ғулумлар дарвозани очиб кўрдиларки, уч тап снѐхпўш йигит либоси қаландарона дарбар қилгон, қасрни дарвозасида турубдурлар.

Хожага хабар қилдилар. Хожа югуруб чиқиб ўзларини Амирни қадамларига тошладилар. Амир Хожани канорларига олиб навозишлар қилдилар.

Алқисса, Хожа Амирни биродарлари бирла уйларига олиб кириб, уч спарзар Амирни бошларидин нисор қилдилар. Баъдаҳу гуно-гуно таомлар қўйдилар. Таомлардан тановул айлаб, андин Амир Марвшоҳижаҳонда пойдорни тагида бўлгон жанглари воқеасини бир-бир баён қилдилар. Баъдазон Амир: — Эй Хожам, Имом Муҳаммад Боқирдан хат маншур олиб келмоқга келдим. Ёронлар таъйин қилдиларки, сизни номингизни ҳам номага битиб олиб борурман.

Хожа айдилар: — Эй шаҳриёр, Марвдаги ёронлар ўзларига хабар қилиб ҳар қайсилари подшоҳ бўлмоқ даввосини қилибдурлар.

Амир айдилар: — Ҳар нечук ҳам бўлса, эмди сизни худога тобшурдум. Акунин хоҳларманки, Мозандаронга бориб Шоҳ Толибан Бакрободий ном подшоҳзода бор экон. Ани номини ҳам битиб олиб борурман.

Хожа айдилар: — Эй шаҳриёр, бу кеча сабр қилинг, эрта бирла корвон чиқорму ё чиқмойдурму.

Амир айдилар: — Карвонсиз юрса нима бўлодур?

Хожа айдилар: — Эй шаҳриёр, корвон чиқмой танҳо юрсангиз, машаққат торторсиз, — деб Амирни соқлаб корвонлар учун саройга киши юбориб, Амирга таом тайёр қилмоқга муқайяд бўлдилар.

Вақтики, саройга боргон одам корвонларни бугун чиқиб кетибдурлар, деб хабар келтурди. Амир «бизлар ҳам баъд азпешин чиқиб борурмиз», дедилар. Хожа то нимаи рўз таом торттилар. Таомдин фориг бўлгондан сўнгра Амирни табиатларига гаронлик пайдо бўлди. Хоҳладиларки, такия қилсалар, Баногоҳ овози тараққос пайдо бўлуб, эшик очилди. Амир

кўрдиларки, ганжинадин бир жавони моҳруй пайдо бўлди. Келиб Амирга таъзим қилди. Амир кўрдиларки, ул жавонни аёғига тиллодин кишон солибдурлар. Ани тағига бахмал зарбафтдан кўрфа солибдурлар. Амир хоҳладиларки, ул жавондан ҳол сўрасалар. Хожа кириб келиб бу воқеани хабардор бўлдилар. Ганжинага кириб ул жавонни уч-тўрт мушт уруб айдиларки, сан ўз ҳолинингди Амирни хабардор қилдингму?

Амир айдилар: — Эй Хожа, ул жавон нима иш қилдики, бу тариқа ҳибс қилиб сақлабсиз?

Хожа айдилар: — Эй шаҳриёр, ани ҳолини сўрамагонингиз хўбдур. Ани ҳоли бисёр забундур.

Амир: — То ани ҳолини маълум қилмасонгиз, кўнглум ором олмойдур, — дедилар.

Хожа айдилар: — Шаҳриёр, бул жавон мани бародарзодам бўлодур. Мани хотиримга келдики, мани фарзандим йўқ. Алъон савдогарлик қилсун. Мандаи кейин молу амволим бунга қолсун деб, бул важҳдан эллик минг тангага мол харид қилиб, ани Мозандаронга юбордим. Олти ойдан кейин саруно бараҳва кириб келди. Эй фарзанд, нима бўлди деб сўрдум. Қароқчи ҳама молларимни торож қилиб олиб кетти деди. Ман ани сўзиға бовар қилиб ўзунг саломат келибсан, ул моллар санго тасаддуқ бўлсун дедим. Ва яна юз минг тангага яхши матолар харид қилиб, Мозандаронга чиқордим. Бориб бир йилдин кейин молларимни қароқчи олди деб кириб келди. Ман айдим, эй фарзанд, ўзунг тирик келибсан, кифоядур дедим ва яна икки юз минг тангага харид қилиб бериб чиқордим. Яна бир йил олти ойдан кейин молларимни қароқчи олди деб келди. Мани хотиримга келди, нима бўлдики, ҳар сафар мани молимни қароқчилар олур. Бу воқеани билмак учун саройга бориб, эшикдин кириб эрдим жамъи карвонлар гуфтугуй қилиб айдиларки, эй Хожа, бародарзодангизга насиҳат қилингики, ул ношойишта ямон ишларни қилодур. Ман алардан сўрдумки, «бародарзодам нима иш қилодур?» деб. Алар айдиларки, «Эй Хожа, бародарзодангиз аввал вақт боргонда Абдулло Қаъбни қизиға ошиқ бўлуб, ҳама олиб боргон молларини ҳам анго сарф қилиб, ишқибозликлар айлаб молларни барбод берди», деб воқеани баён қилдилар: — Эй шаҳриёр, андешае қилдимки, Абдулло Қаъб Насри Сайёрни бародаридур. Ман ўзумдин кўрқорманки,



мабодо бу ишлар ани қулоқига етса, манго машаққатлар еткуродур. Ул жиҳатдан муни аёқига кинон солиб, ганжина ичра соқлойдурман.

Амир айдилар: — Ани тошқарига олиб чиқинглар, мундин кейин бу тариқа ишларни қилмос, — деб отини сўрдилар.

Хожа айди: — Ани оти шаҳзода Макинмайгуни Худкоми Нишобурий.

Амир: — На ажаб яхши оти бор экан, — деб завқлар қилдилар.

Хожа ани Амирини олдиларига олиб чиқтилар. Амир айдилар: — Эй Хожазода, дубора бу ишни қилмосликка қасамёд қилгил.

Хожазода айдики, эй шаҳриёр, юз минг маротаба қасам ичор, манга бу ношойишта ишни қилмосман, деб қасамёд қилди.

Амир ани банддин нажот бердилар, анда Хожа айдилар: — Эй шаҳриёр, ман сизни амрингиз учун халос қилдим. Ул мунда турмой яна қочиб кетодур.

Амир: — Эмди мундоғ ишни қилмос, — дедилар.

Алқисса, вақт пешин бўлди. Амир: — Эй Хожазода, оби таҳорат келтурунг, — дедилар.

Шаҳзода Майгун хўб деб Амирини олдиларидин чиқиб келмоди. Амир таҳорат қилиб, намозни ўқудилар. Хожа айди: — Эй шаҳриёр, Хожа Майгун қаён кетти?

Амир: — Оби таҳоратга юбориб эрдим. То бу вақт бўлдики, келмоди, — дедилар.

Хожа фуломларга: — Дарҳол дарвозадин хабар олинглар, — дедилар.

Фуломлар келиб дарвозабондин сўрдилар. Алар айдиларки, Хожазода келиб эрди, либоси мурасаъларини қаландарларга бериб, ўзи қаландарлик либосини кийиб, дарвозадин чиқиб кетти. Фуломлар келиб воқеани Хожага баён қилдилар. Амир ани ишига ҳайрон қилиб айдиларки, эй Хожа, сиз хотиржам бўлувгилки, мен ҳам ул жонибларга борурман. Агар ани Мозандаронда тобсам, ўзум бирла ҳамроҳ қилиб олиб борурман.

Алқисса, Амири соҳибқирон Нишобурдан чиқиб равона бўлдилар. Ул кун йўл юриб корвонга етдилар. Кечаси ҳам йўл юруб етмодилар. Амир айдилар: — Эй Абулато, корвон ҳам чўсту чобук кетибдур.

Абулато: — Эрта юрсок етурмиз, — дедилар.

Юруб карвонга етиб кўрдиларки, қарийб тўрт юз

корвон бордур. Корвонлар кўрдиларки, уч нафар қаландари нуроний пайдо бўлди. Алар «на хўб яхши бўлдики, бизларга қаландарлар ҳамроҳ бўлди», деб кушвақт бўлдилар.

Корвонлар ҳар ерга тушсалар, Амир икки бародарлари бирла бир канорага тушор эрдилар. Хожалар таомларидин юборур эрдилар. Амир таомни олмаёй «бизлар ҳажга прода қилодурмиз. Қишидин тамаъ қилмай, ўз таомимизни еб борурмиз» дер эрдилар.

Ровий айтибдурки, Амири диловар печанд кунлар алар бирла ҳамроҳ бўлуб борур эрдилар. Баногоҳ бир кеча эрдикки, корвонлардин «алвидо» овозе келди. Гирибонларини чок-чок айлаб, теваларини ётқузуб қалъа қилиб, юкларини тушуруб, атрофларига девордек ихота қилдилар.

Амир айдилар: — Эй Абулато, корвонлардан хабар олғилку, нима ҳодиса бўлди?

Абулато келиб сўрди. Корвонлар айдилар: — Эй қаландар, нима ишинг бор? — деб жавоб бермадилар.

Абулато Амирга келиб воқеани айттилар. Амир ўзлари келиб айдиларки, эй аҳли корвон, нима учун полау фиғон қилодурсизлар?

Корвонлар айдилар: — Эй қаландар, бу воқеани сўраб нима қилодурсан?

Амир: — Мен ҳам билсам, нима бўлодур? — дедилар.

Корвонлар айдилар: — Эй қаландар, санго нима гамдурки, бизларга осори қароқчи пайдо бўлди. Қарибдурки, етиб келиб бизларни торож қилиб, ҳалокатга еткурса.

Амир: — Алар неча кишидур? — дедилар.

Корвонлар: — Алар қирқ кишидур. Ҳамиша бу йўлни уродурлар, — дедилар.

Амир айдилар: — Аларни ҳамаси қирқ киши бўлса, ашинг учун йиғлаб гам емонглар.

Аҳли карвон ҳайрон бўлдиларки, бу қаландар нима дейдур. Аларни баъзилари айдилар: — Бу қаландар бир қабза бағини еб, маст бўлуб, кайфи баландликда ҳаслот бирла оғзига келгон сўзини сўзлойдур.

Амир ҳеч нима демодилар. Бир вақт эрдикки, қароқчилар пайдо бўлуб, келиб карвонларни атрофини олдилар ва айдиларки, карвонларни сардори кимдур деб сўрдилар. Савдогарлар қўрқуб, ҳамалари бош-

ларини ўраб ётиб эрдилар. Қароқчиларни ваҳмидин овозларини чиқормас эрдилар, бир-бирларига айтур эрдилар.

Ул қаландареки, лофу қоф уруб эрди, акнун қайси юкни тагида пинҳон бўлуб ётгондур, дер эрдилар. Қароқчиларга қараб Амир югуруб чиқтилар, айдиларки, эй йигитлар, нима дейдурсизлар. Алар айдиларки, карвонларни сардорини айтиб қўйғил!

Амир: — Карвонбоши мандурман, ҳар сўзунг бўлса, манга айғил,— дедилар.

Қароқчилар қаҳ-қаҳ кулуб айдиларки, эй қаландар, хуштабъ эконсан. Эй қаландар, бизлар ҳар вақтки аҳли карвонни ўлдуруб, пул ва молни олсак, санга хайр қилойлук. Дуо қилиб турғил, дедилар.

Амир айдилар: — Эй побакор саглар, номақбул сўзламонглар! Ман бу тариқа либоси қаландарни кийгон учун мани сўзумни бовар қилмойсанму? Ман ўзум молдор кишидурман. Мани табъим либоси қаландарни киймоқни хоҳлайдур, дунёга муҳаббатим йўқдур. Ул жиҳатдин либоси қаландарона кийибдурман.

Вақтики, ул саглар бу сўзни эшитиб, «бу девона хунгирифта ва ажалрасида бизларга шундоғ далирона сўзларму» деб Амирга найза ҳавола қилди. Амир ани найзасини қўлидин тортиб олиб, ўз найзаси бирлап сийнасиға чупон урдиларки, арқасидин бир газ ўтуб чиқти. Андин қўл узотиб эгардин узуб олиб бошларидин айлантуруб ерга урдиларки, гард-гард бўлди. Жонни бамолки дўзах синориш қилди.

Вақтики, корвонлар бу воқеани кўруб, ниҳодларидин дуд чиқти. Акнун бизларни худо урди. Девона аларни бирини ўлдурди, эмди қароқчилар бизни ҳамамизни ўлдуродур, деб ўзларини ўлумга таъйин қилиб турдилар.

Алқисса, Амири соҳибқирон ягон-ягон ул бенмонларни ўлдуруб, ҳалокат чоҳига тошлодилар. Алардин бири ўлмай қочиб борур эрди. Корвонлар бошларини кўториб кўрдиларки, ҳама қароқчилар ўлибдур. Алардан бири қочиб бородур, арқасидан югурдилар.

Амир: — Эй ёронлар, ани учун тасдиъ тортмонглар, — деб кулдилар.

Вир вақт эрднки, Абулато ани табар бирла уруб, ду ҳиссан баробар қилди. Андан кейин корвон аҳли Амири соҳибқиронга айдилар: — Эй жавон, ажаб

пурзур эконсиз. Хар нимарсаки деб эрдингиз, анго баробар иш қилдингиз. Эмди бизларни молу жонамиз ҳамаси сизга фидодур.

Амир айдилар: — Ман бу ишларни дунё учун қилгоним йўқ, балки охират учун қилдим. Сизларни молларингизни манго даркори йўқ.

Аҳли корвон Амирдин мундоғ сўзини эшитиб, хотиржам йўл борур эрдилар. Ровий айтибдурки, Амир корвонлар бирла ўн кун юрдилар. Ўн биринчи кун вақт пешни эрдик, корвонлар яна юкларини тошлаб нолау зори бирла гирялар оғоз қилдилар. Амир нима воқеа, деб сўрдилар.

Корвонлар: — Эй қаландар, бу қалъани кўрдунгмуки, бу қалъани Қалъани Камон дейдурлар. Ул қалъани узасида бир тали бордур. Ул талини отини Тали Камонгарон дейдурлар. Ул қалъани ҳокимини отини Шаҳзода Тобун дерлар. Ул Абдулло Мозандаронийнинг хоҳарзодасидур. Бизларни атомиз ва бародарларимиз ул золим қўлида ўлгондурлар.

Амир айдилар: — Сизлар хотиржам бўлуинглар. Ман Тобунга бисёр ошинодурман. Агар ман хоҳласам, сизлардан божу хирожингларни ҳам олмойдур.

Корвонлар айдилар: — Эй Шоҳ қаландар, агар бизларни анинг дастидан халос қилсангиз, ҳаммамиз сиздин хушнуд бўлуб, тамоми зару зеваримизни сизга фидо қилурмиз, — деб нола ва фиғонлар қилдилар.

Амир: — Сизларни ишинглар бўлмосун, ман ани жавобини ўзум берурман, — деб буюрдиларки, эй Абулато, икки қоф юкни олиб келгил!

Дарҳол олиб келиб, бир-бирини устига қўйдилар. Амир ул юкни устига чиқиб ўлтурдилар ва яна бир тахта қоғозни тахтлаб кулоҳларини гўшасига қистуруб, чорзону қуруб ўлтурдилар.

Чун аҳли корвон Амирдан бу ҳолни мушоҳала қилиб айдиларки, бугун баиғ қаландарни кайфини баланд қилибдур. Ровий айтибдурки, ул эрта Тобун кўрдик, корвон келиб тушубдур. Айдики, бир киши бўлгоймуки, бориб аҳли корвонни қўюб, аларни молни олиб келса, деди. Дарҳол бир хавориж ўрнидин туруб: — Бул хизматни ман бажо қилай, — деб ўрнидин турди. Вақтики, корвонларга етиб борди, корвонлар: — Эй Шоҳ қаландар, ана ҳокимни маҳосили келди, — дедилар.

Амир айдилар: — Сизлар кўрунгларки, ман ани нечук ишларни қилурман.

Баъдаҳу ул нодон саг келиб айди: — Эй карвон-  
лар, карвонбошинглар кимдур?

Дарҳол Амир баланд овоз бирла: — Қорвонбоши  
мандурман, — дедилар.

Ул хавориж кўрдик, бир қаландар юкларни уза-  
сиға чиқиб, кулоҳини гушасиға бир қоғазни суқуб  
ўлтурубдур. Бу саг кўнглида айдик, бу қаландар  
қабза бангни чекиб, кайфини баланд қилиб ўлтуруб-  
дур, ўзини батаври карвонбоши қилиб юкни устида  
ўлтурубдур, деб айдик, эй қаландар, сан марди  
сафарчи вилоятдан вилоятга сафар қилиб юродургон  
одамсан. Мани сенинг бирла ишим йўқ. Агар кар-  
вонбошини манго айтиб берсанг, санго наша пули  
бериб хушвақт қилурман, деди.

Амир айдилар: — Эй саг, нима... ерсан. Сан таъ-  
йин билгилки, қорвонбоши мандурман.

Чун ул саг бул сўзни эшитиб дарғазаб бўлуб,  
Амирға тиг солди. Амри диловар қўл узотиб, банди  
дастидан сиқиб эрдилар, тиг қўлидин ерга тушти.  
Кўрдиларки, ул сагни бурутлари чун мордек печтоб  
бўлуб ўсубдур. Амир ботадбир ул сагни икки буру-  
тини узуб, қўлиға бериб айдик, эй саги ҳаромзода,  
сан менинг раиятим, фуқаром бўлсанг, манга беважҳ  
беадаблик қилодурсан, бориб Тобунға айтгилки,  
шоҳи бурутканон келибдур, халифан Марвонни ёр-  
лиғини бошиға санчибдур ва яна айтодурки, ҳар  
ерда бурути ўсгон одамни тобсам, ани бурутидин  
бож олодурман. Агар бож бермоса, бурутнин қирқиб  
олодур, ага Тобунни бурути бўлса, бож юборсуи.  
Агар бож юбормоса, валлоҳки, бориб узуб қўлиға  
беродурман, дедилар.

Бул саг нолау фиғонлар айлаб, келиб воқеани  
Тобунға айтти. Тобун ул малъундин бу сўзни эшитиб  
хандаи қаҳқаҳалар айлаб кулди ва айдик, сани  
беғайрат кўруб ва баҳамият биллиб бу тариқа пеш-  
равлик урубдур, қўрқуб қочиб келибдурсан, деди ва  
яна айдик, бир паҳлавоне бўлғоймуки, бориб ул  
савдогарларни хожа ва ғуломларини ўлдуруб, молу  
амволларини олиб келса.

Дарҳол бир хавориж мутасадди бўлуб, карвон-  
ларни бошиға келиб айдик, ҳокимни одамиға таади  
қилгон одам қойсидур?

Амир айдилар: — Мендурман.

Ул саг айди: — Ман санинг раиятинг эмосман.  
Чароки, то бу вақтгача ман бурутимни тарошлаб

орибдурман. Сан бож олодургон маши бурутими  
Аукдур. Маиго нима жавоб берурсан, — деб Амирға  
шамшир ҳавола қилди.

Амир қўл узотиб ани банди дастидан ушлаб, та-  
ғини тортиб олиб тошладилар. Баъдаҳу ани икки  
қулоғини тоблаб узиб олиб, қўлига бериб айдиларки,  
бориб Тобунга айтгилки, маи ҳам шоҳи бурутканон  
на ҳам шоҳи гўшканондурман. Халифани Марвон икки  
имал берибдур. Бу важҳдан ҳар ерда бурутдор кўр-  
сам, бурутидни бож олодурман. Агар бурути бўлмаса,  
қулоғидни бож олурман. Бу хавориж ҳам полау зор  
айлаб боргоҳдни кириб келиб, ул бурти узлиб қочи  
келгон одамни аёғини тағига олиб, урмакка турди.

Тобун кўрдикки, бу сағни ажаб забун ҳоли бор.  
Айдикки, муни на учун уродурсан? Ул айдн: — Э  
шаҳриёр, бу ҳаромзодани на учун урмоғинки, ул жа-  
нон шоҳи бурутканон бу ҳаромзодага ҳам шоҳи бу-  
рутканон ва ҳам шоҳи гўшканондурман, деб хабар  
бергон экан. Бу сағ маиго айтмобдур. Агар айтса  
эрдн, маи қулоғимни боғини берур эрдим. Акиун  
маши қулоғим йўқ. Марвонларни олдида печун  
юродурман, деб йиғлагани турди.

Тобунни бадафъол бу ҳолини кўруб, даргазаб бўлуб  
хоҳладикки, ўзи таковар узра рокиб бўлуб борса.  
Боз дилида айдикки, аввал бориб бу восани тағом  
Абдулло Қаъбга арз қилай, андан кейини келиб, бу  
корвоилардан бирини тирик қўймосман, деб қалъан  
Мозандаронга келиб, Абдулла Қаъбга воқеани бир-  
бир баён қилди.

Абдулла Қаъб даргазаб бўлуб буюрдикки, бу бе-  
ҳиммати гарданига урунглар, деб дарҳол Табунни  
гарданига уч мушт урдилар. Андин кейини айдн: — Э  
сағбачча, бирмунча карвонга қувватинг етмой, маиго  
келиб арз қилурсан. Акиун бориб, ҳар шманки қў-  
лингдн кенса, дарин тутмой қилгил, — деди.

Вақтики, Тобунни бадафъол тағосидни бу тариқа  
доғномларни эшитиб, даргазаб бўлуб хоҳладикки,  
борса.

Абдулла Қаъбни Хожа Насир ном бир вазира  
бор эрдн, ул муҳибби хонадон эрдн. Бу ишлар Абу  
Муслим иши деб билди. Дарҳол жойинди туруб ай-  
дикки, Эй Абдулла Қаъб, маиго руҳсат бергилки, маи  
бориб ул корвоиларни олиб келай, деди.

Абдулла Қаъб: — Эй Хожам, борниг, — деб ижо-  
зат берди.

Чун Хожа сувора бўлуб, бул корвоиларга етиб иўрдиларки, юкларни устида Амири некном ўлтуруб дурлар. Билди, Амир Абу Муслимдурлар.

Абулато айди: — Эй шаҳриёр, Абдулла Қаъбдин киши келди. Анго яхши муомала қилдинг!

Анда Хожа келиб: — Эй карвоилар, ҳокимни одамини қулоқ ва бурутини узуб қўлига бергон кимдур, — деб ваҳшат қилдилар.

Амир: — Фақир, — деб жавоб бердилар.

Хожа: — Қўрқмасдин на учун мундоғ ишларни қилдинг, — деди.

Амир: — Қўрқсам, бу ишларни қилмас эрдим, — дедилар.

Хожа ишдаат бирла ул юкни устига югуруб чиқиб оҳиста айдилар: — Ассалому алайкум, эй шаҳриёр, ман сизни Абдулла Қаъбни олдига олиб борурман.

Амир: — Абдулла Қаъбни олдида нима қилурман? — дедилар:

Хожа айди: — Эй шаҳриёр, ман чокари Шоҳимардон ва муҳибни хонадондурман. Сиз Абу Муслими соҳибқирондурсиз, ўзулгизни майдни ишхон тутмонг!

Амир Хожан некусиратдин бу сўзни эшитиб, юкни узасидин тушуб равон бўлдилар ва ҳама карвоил ҳам Амирни орқаларидин равон бўлди. Карвоилар, ҳамамиз акун ўлодурмиз, деб муқаррар қилдилар. Вақтики, Амир Абдулла Қаъбни даргоҳига еттилар, Хожа илгори кирди.

Абдулла Қаъб: — Эй Хожам, карвоини беадабларларни олиб келдингизму? — деди.

Хожа айдилар: — Оре.

Абдулла Қаъб: — Бу мардумларни олиб бориб жаллодга тобшурунг, — деди.

Хожа айдилар: — Эй Абдулла Қаъб, ул воқеани манди сўрамай буларни жаллодга буюрурсиз.

Аммо Амир даҳлизи боргоҳда туруб эрдилар.

Абдулла Қаъб: — Воқеа шимадур? — деди.

Хожа айдилар: — Эй шаҳриёр! Вақтики, етиб борсам, карвоилар юкларини теваларга боғлаб, сандан дарэъраз бўлуб, Шом тарафига кетиб борур эконлар. Охируламр, ман аларни қадамларига ўзумни тошлаб, зорелар айлаб, узрлар айтиб, хидматингга олиб келдим.

Абдулла Қаъб айди: — Нима воқеа бўлдики, аларни бу тариқа узрхоҳлик бирла олиб келибсиз?

Хожа: — Қорвонларни сардори халифаи Марвонни писархонди Хожа Бахтазмо ном хожазода экон. Ул Марвонни писархонди экон. Ул Марвонни молини шаҳар-башаҳар олиб юруб, сотиб азбаройи Марвон яхши матолар харид қилиб олиб борур экон. Баъяна хоҳарзодангизни иши шул эканки, ҳар карвон ул манзилга тушса, аларни ўлдуруб, молларини торож қилиб, қалъаи Оҳангаронга олиб кириб кетор экон. Ани бу шарофатпешалигини нечанд одамлар бориб Марвонга арз қилибдурлар. Халифа Марвон дарғазаб бўлиб, сизни азл қилиб, Мозандарондин киши юбормак экон. Ул вақт шул Хожа Бахтазмо ҳозир эконлар. Алар айтибдурларки, эй халифа, сабаб қилинг! Шоядки, бу сўзлар ялгон бўлса. Ман бул навбат Мозандаронга сафар қилиб, ани азмойиши қилиб борурман. Агар хоҳарзодан Абдулла Қаъб шундоғ ямон ишларни қилса, ман билиб келурман. Баъдазон ҳар иш қилсонгиз бўлодур вагарна бул воқеалар ғалатдур, — деб шул ҳолни маълум қилмоқға келгон эконлар. Сизни хоҳарзодангизни одами шундоғ таадди қилибдур. Анинг учун сиздан даръераз бўлуб кетиб борур эканлар. Бориб узрхоҳлик қилиб, сизни олдингизга олиб келдим, — деб сўзни бу тариқа тартиб бериб айттилар.

Анда Абдулла Қаъб Хожадин бу воқеаларни эшитиб, ҳуши бошидан кетти, айдики, эй Хожа, агар сан бормасанг, иш қабоҳат бўлур экон, деб Хожага навозишлар айлаб, наъдалар қилди ва яна Хожа айдиларки, ҳоло ман бу вақт етиб, нечанд узрлар айтиб, кулфатни кўнглидин чиқордим. Агар кўнглида ғубори қолгон бўлса, сиз ҳам хотирдин чиқоринг.

Абдулла Қаъб айди: — Ҳоло улар қайдадурлар?

Хожа: — Алар боргоҳни даҳлизиди одоб сақлаб турубдурлар, — деди.

Абдулла Қаъб: — Эй Хожам, аларни ичкори олиб кириг! — деди.

Хожа Амирға кириг деб ишорат қилдилар. Амирни хотирлариға еттики, бу сакга тухфа лозимдур деб. Хожа Моҳон Муштарийзарни ханжаридан икки дона ёқутни кўчуруб олиб, Абдулла Қаъбни олдиға кирдилар. Абдулла Қаъб дарҳол ўрнидан туруб, Амирни кашориға олиб, ёниға ўтқузуб, бисёр навозишлар айлаб дедики, эй Хожам Бахтазмо, маъзур



тутунг, агар хоҳарзодам сизга беодоблик қилгон бўлса, ҳар нимарса хотирингизда бўлса қилинг, деди.

Амир айдилар:

— Сизни юзингиздан ҳар кудурат хотиримда бўлса, чиқордим ва сизни вазиригиз ҳам яхши сўзлар бирла кўнглумдин чиқориб эрди.

Абдулла Каъб: — Жавонмардлардин шундоғ қилмак лойиқдур, — деб хурсанд бўлди. Дарҳол сарупо келтуруб, Амирға кийдурдилар ва яна ул тўрт юз аҳли қофилаларга саруполар бериб сарафроз қилди.

Савдогарлар дилларида айдиларки, бу ажаб собитқадам жавон, бу жой сарупо киёдургон жой эмос эрди, балки ўлодургон жой эрди. Муниг шарофатидан ўлумдан халос бўлуб, иззату ҳурматлар кўрдук, деб хушвақт бўлдилар.

Баъдазон Абдулла Каъб айди: — Эй Хожан Бахтазмо, сизни хотирингиздан бу карвонлардан ҳам сожу хирож олмай ўттим, — деди. Аммо фақир бу жойда бу сўзни мулоҳаза қилиб айдикки, ўшал вақтки, Амир қофила бирла Абдулла Каъбни олдиға равон бўлдилар, ул вақт айдиларки, эй савдогарлар, молларингни, ғуломларингни ҳамроҳ қилиб солингларки, бу шаҳарда машаққат юз келтуруб, сизларни молларингиз кишини қўлиға тушмосун, деб ҳама савдогарларни молини қайтариб юбориб эрдилар. Ҳар ҳайсиларни оту қамчи қилиб келиб эрдилар.

Анда Абдулла Каъб айдикки, эй жавонни одаминзода, ольон қайдан келодурсиз, деди.

Амир айдиларки, аввал Абу Муслим амири Хурсон бирла Марвшоҳижаҳонда жанги пойдор қилгон маҳалда анда эрдим.

Абдулла Каъб айди: — Эй Хожан Бахтазмо, алдолғача ул жанги пойдорин кишидан эшитгоним йўқ эрди, воқеан Абу Муслимни айтғилки, печук жанглар қилди? Амир айдилар: — Абу Муслим бисёр жанги азимлар қилиб, ёронларини дордан чунон жудо қилиб олдики, аларни бир тора мўйларига офат етмоди.

Абдулла Каъб айдилар: — Сиз аларни, яъни ул раҳнагарни кўрдингизму?

Амир: — Ани бисёр кўргонман, — дедилар.

Абдулла Каъб: — Ани қадду қоматини миқдори бордур? — деди.

Амир: — Ани қадду қомати мани қадду қоматимдек, — дедилар.

Ва яна: — Шаклу шамойили қандоғ? — деб сўрди.

Амир: — Ани шаклу шамойили ҳам менингдек, — дедилар. — Бисёр шаҳарларда мани Абу Муслим деб ушладилар. Мани ҳолим маълум бўлгондан кейин, узрлар айтиб қўёбердилар, — дедилар.

Ва яна Абдулла Қаъб айти: — Эй Хожа, бу сўзлар бирла мани кўб хурсанд қилдингиз. Сизни таркибингиз ҳам мардонавор экон, аммо ул Абу Муслимни зўри ва қуввати қапдоғдурки, ўзи ёлғуз оламни хароб қилиб, ул амири Хуросонни етти илгарини шикаст берибдур, — деди.

Амир айдиларки, зўру қуввати ҳам мани бирла баробардур. Ман ҳам ёшлик вақтимда деҳан Мохонда эрдим. Абу Муслим жавонини Мохон бирла ҳамани йиқитиб, ерга ҳамвор айлар эрди. Мани бирла гуштингирлик қилса, ҳар иккимиз баробарлик қилиб, бир-биримиздан жудо бўлур эрдук, дедилар.

Абдулла Қаъб айти: — Эй Хожан Бахтазмо, бу қарина бирла сизни зўрингиз ҳам ул гардашикаста рахнагар бирла баробар экондур.

Амир айдилар: — Бали.

Абдулла Қаъб айти: — Эй Хожан Бахтазмо, мани бир хоҳарзодам бордур. Ани ул рахнагар учун тарбият қилодурман. Ани зўри рахнагар бирла баробар бўлодурму ё йўқ?

Амир айдилар: — Боядки, анинг зўрини билмоқ керак. Анинг бирла ҳар иккимиз зўрамозлик қилойлук. Агар анинг зўри манго етса, Абу Муслимни уҳдасидин чиқор, вагарна манго навбат келса, ул маҳалда жазбу жунушим тутиб, ани печаларини шонасидин суғуруб олурман. Ул вақтда боз манго мутаъриз бўлуб даъвогар бўлмогил.

Абдулла Қаъб айти: — Андоқ бўлса, зўрамозликини қўйгил. Мани андан ўзга фарзандим йўқ, — деб қабул қилмоди.

Тобун бу сўзни эшитиб, қаҳ-қаҳ уруб хандалар айлади, айдик, эй тағо, на учун паринон бўлодурсиз? Шул жавон мани бирла панжа дарпанжа солсун-чи, жойи онки мапинг панжамни тобларини уҳдасидин чиқса, деб айдик, эй Бахтазмо, сан ҳар ниманки дединг, қабул қилдим, ҳар нимарсанки қўлулгондан келса, дариг тутмогил. Токи ҳар иккимиз панжа дарпанжа олойлук, деб лоф-қоф уруб ўрнидин турди. Амир ҳам ўрувларидин туруб, анинг бирла панжа дарпанжа солдилар.

Абулатони хотирига еттики, ҳамин замон шул нодонни қўлини шонасидин жудо қилодурлар, деб Амир айдиларки, тасма келтурунглар деб. Дарҳол тасма келтурдилар.

Тобун айди: — Бу нечук тасмадур? Бу тасмани нима қилодур? — деди.

Амир айдилар: — Макка ва Мадина аҳлини қондаси шулдурки, бу тасмани қўлига солиб олодур. Агар бирини зўри қолиб келса, ҳариф қўлини ажратиб ололмас.

Тобун айди: — Нахўб яхши бўлди, ман хурсанд бўлдум, — деб айди: — Эй Хожан Бахтазмо, аввал сиз зўр қилдинг!

Амир айдилар: — Аввал сан зўр қилдинг!

Тобун айди: — Эй Хожан Бахтазмо, ман қувват қилгондан кейин сани нима ҳолинг қолодур?

Амир айдилар: — Хўб яхши бўлодур, сани муродинг ҳосил бўлодур.

Баъдазон Тобуни дун бир зўр урдикки, агар бу зўрини тоқга урса, тоғни пора-пора айлаб узуб олур эрди. Муроди муяссар бўлмоди. Иккинчи зўр урди, агар шул зўрини дарахтга урса, дарахтни беҳи бунди бирла ўрнидин суғуруб олур эрди. Муяссар бўлмоди. Тобун учинчи зўр урдикки, пардаи димоғлари йиртилиб ариғ-ариғ қон ул малъунни гирибонидин равои бўлди, тамоми аъзолари суст бўлуб, қувват қилурдан қолди, айдики, эй Хожан Бахтазмо, баномни қудрати худоки, маши зўрумни чун Абу Муслимни зўрини санинг бирла баробар қилибдур.

Амир айдилар: — Эй Тобун, сан ғалат хаёл қилибдурсан. Ман ҳануз зўр қилгоним йўқ, кўргилки, акнун сани зўринг Абу Муслимни зўри бирла нечук баробар бўлодур, — деб зўрларини ангуштлариға келтуруб, бир зўр қилдилар.

Ул малъунни тирноғларини учи чирс-чирс қилиб учуб кетди. Банавъи қилдиларки, ани панжаларини тоблаб, икки шонасини аросиға еткуруб ва чап қўлларини ул малъунни гарданиға қўюб, бир қувват қилдиларки, то Абдулла Каъб, ҳай-ҳай, эй жавони одамизода, қўлунгни торт, дегунча Амир ани шонасидин тортиб олиб айлантуруб шақиқасиға андоғ урдиларки, кадуйи сари гард-гард бўлди. Вақтики, Абдулла Каъб бу зарббозуни кўрди, ҳуши бошидин кетиб йиқилди.

Амир ўрунларидин туруб, савдогарлар билан Мо-

зандарондин чиқиб, биёбон тарафиға бадар кеттилар. Неча соатдан кейин Абдулла Қаъб ҳушиға келиб, бошии кўториб кўрдикки, хоҳарзодасини ўлуғи ўртасида кўндаланг бўлуб ётибдур ва ул жавони барно чиқиб кетибдур.

Абдулла Қаъбни дуди ниҳодидин чиқиб айдикки, эй Хожа Насир, нима қилмак керак, ани орқасиндин илғор юборайму, маслаҳат нимадур?

Хожа айдилар: — Акиун фойдаси йўқ. Агар илғор юборсанг, Марвонга нима жавоб берурсан? — деб ул сакин ғазабидин тушурдилар.

Баъдаху Тобунни дафи қилдилар. Абдулла Қаъб ани мотамида сиёхпуш бўлди.

Эмди Амири соҳибқирондан сўз эшитмок керак.

Амири соҳибқирон қорвоиларини олиб борур эрдилар, орқаларидан бир гарде пайдо бўлди. Аз миёни гард бир жавони барно пайдо бўлдикки, акун мўйлаби гирди орази моҳ рухсорасинга сабза янглиг ва дамида қилибдур. Тўрт юз йиғит бирла етиб келди. Амир ани Абдулла Қаъбни боргоҳида кўруб эрдилар. Дилларида, албатта, мани бирлоп жанг қилғоли илғар олиб келди, деб савдогарларга айдиларки, сизлар борингларки, меҳнат тортадурсизлар.

Қарвоилар бадар кеттилар. Амир келиб ул жавонини садди роҳлини олиб, хоҳладиларки, дарафтод бўлсалар. Дарҳол ул жавон отдан ўзини тошлаб, Амирини қадамларини бўсалар айлаб, таъзим қилиб турди.

Амир айдилар: — Эй жавон, кимдурсан ва отинг нимадур?

Ул жавон айти: — Эй шаҳриёри олам, султони боқарам! Мани Шоҳ Толибани Бакрободий дейдилар. Сизин бу тариқа корсозликларингиздин билдимки, сиз соҳибни хуружи ҳафтоду дуввум Абу Муслими соҳибқирондурсиз. Ман азбаройи замонасозлик учун ҳар йил уч навбат Абдулла Қаъбни кўрголи келюрдурман. Узум Бакрободданурман. Бакробод бирла Мозандаронини ароси бир кунлик йўлдур. Агар муборак қадамнингизни бизни қалъага ранжида қилсонгиз, нима бўлодур, — деб илтимос қилди.

Амир ани қапорларинга олиб, бисёр павозишлар қилдилар. Андан вақсаномани айтиб, Шоҳ Толибани отини ҳам номага ёзиб олдилар. Ани бирла видоъ қилиб равон бўлдилар. Вақтики, қорвоиға етиб алар бирла то ўн кунгача йўл юриб, бир жойга еттилар.

Кўрдиларки, шомёнани бисёр барпо қилибдур. Бир жамоани халқ шароб ичиб ўлтурубдурлар. Алардан нечанд одамлар келиб, корвоини садди роҳини олиб айдикки, «сизлардан сардорларнингиз кимдур?» Корвоинлардан бири «сардоримиз бу қаландар», деди. Дарҳол бир нома чиқориб, Амирни қўлларига берди. Амир номани ўқусалар, битибдурки, «Аз назди манки, халифани Марвондурман. Сизларга маълум бўлсунким, эй ул одамларники шул йўл бирла ҳажго бородурсизлар, агар ҳажим қабул бўлсун деб хоҳласангизлар, аввал гўрхонани Абдурахмон ибн Мулажжимни зиёрат қилиб, андин ҳажго боринглар. Эй мардумони корвоин, агар қабул қилмосангизлар, ҳама молларнингиз ул носбонларнингиздур ва ўзларнингизни ўлдурурман. Нома тамом, вас-салом».

Амир бу номани ўқуб, хашминок ва ғазаболуд бўлдилар ва яна хотирларига келдикки, ул малъунни гўрхонасини бир бориб кўрай, печук жой экон, деб равона бўлдилар. Қанча муддат йўл юруб, уч гўрхонага еттилар. Кўрдиларки, бир қалъадур. Ул қалъани ўртосида санги рухомдан бир иморат барпо қилибдурлар. Анн баландлиги эллик газ ва атрофини ҳафтжундини қилибдурлар. Ҳар кеча юз киши ул қалъани мужовирларидан носбонлик қилиб ётодурлар. Тўрт юз киши ул қалъада ватан қилибдур ва мужовур бўлубдур.

Вақтики, Амирни соҳибқирон ул қалъани маҳкамлигини кўрдилар, ул қалъани дастгир қилмоқни фикрида мутаҳаййир бўлуб турдилар. Аммо савдогарлар назру инёзлар бериб, юзларини остонасига суртор эрдилар.

Аммо ул қалъани мужовирлари кўрдиларки, бир қаландар қўлини ондига қилиб йироқда турубдур. Алар айдилар:

— Эй қаландар, на учун бул мазорга яқин келиб зиёрат қилмойдурсан ва бу остонага юзингни суртмойдурсан?

Амир айдилар: — Бўзўргларни зеру но қилиб узасига босиб бормоқлик адабдан эмос ва дигар буки бу тарнқа зиёрат шулдурки, маи бажо қилиб турубдурман. Алар зиёрат қилурни билмойдурлар.

Чун шайхлар бу сўзни эшитиб, «Бу Марвоин экон», деб ҳушвақт бўлдилар. Баъдазон карвоин аҳли чиқтилар. Амир ҳам чиқтилар. Аларни йўлга солиб, Абулатога айдилар: — Сизлар ҳам корвоинлар бирла

боринглар, ман бориб бу сағни гўрхонасиға ўт қўюб куйдурмосам, Абу Муслим бўлмоини, — деб қасамёд қилдилар. Ул икки бародар: — Сиздин бир соат жудо бўлурга тоқатимиз йўқ, — дедилар.

Амир: — Сизларга ўзумни зуд еткурурман, — дедилар.

Алқисса, ровий айтибдурки, Амир ёниб гўрхонага келдилар. Шайхлар айдилар: — Яна нима учун келдинг?

Амир айдилар: — Манн зоди роҳилам йўқ. Хоҳларманким, печанд кунлар бул жойда туруб бир нимарса ҳосил қилиб, баъдазон Маккага бородурман.

Шайхлар айдилар: — Агар бу останада печа кун турсанг, кўб нимарса ҳосил қилурсан.

Амирин хотирларига келдики, агар шул кеча даст тобсам, яхши эрди, деб поси шабдин ўтуб эрдикки, Амир қад рост қилиб эшикка келдилар, кирмоққа даст тобмодилар. Ул қалъани атрофидан айлониб кўрдиларки, камандни учи банд бўлғудек жой йўқ ва нақаб ковлаб кирмоқни ҳам иложи бўлмади. Чароки, ул гўрхонани атрофини миқдорни қирқ газ кўрғошин эрди. Ани узасидан ул гўрхонани рухом тошидан ишлаб баланд қилғон эрди. Амир фикрда туруб эрдилар, баногоҳ дарвоза очилди. Амир кўрдиларки, бир марди маҳосини сафид чиқти. Амир хоҳладиларки, ани яқосидан ушлаб, бир мушт урсалар.

Ул киши салом қилиб айдикки, эй шаҳриёр, ман каминани отим Баҳромдур, ўн тўрт йил илгари Шоҳимардондан башорат тониб эрдим. Айтиб эрдиларки, эй Баҳром, сан шул манзилда гўрбонлик қилиб, қирқ йилдан кейин манн нонбим Абу Муслим дийдорига мушарраф бўлурсан, деб эрдилар. Эй шаҳриёр, ул сабабдан мунда қарор олиб эрдим. Алҳамдулиллоҳки, сизни жамолнигини кўрдум ва яна манн бешан кашфиҳанин йўлида минора узра Шоҳимардонни башоратлари бирла дидбонлик қилодур. Ул ҳам сизни дийдоринигини кўрмоққа иштизордур. Акнун хизмат қилмоқни навбати манго етти, бу хизматни ман бажо қилурман, деди.

Амир ани навозишлар айлаб: — Мундин ўзга дарбанд борму, — дедилар.

Баҳром айди: — Эй шаҳриёр, олти дарвоза бордур.

Амир: — Бир тариқа бирла ичкори олиб киргил, — дедилар.

Баҳром қабул қилиб, Амирни олиб равона бўлди. Чун аввалги дарвозага келиб, дарвозани ҳалқасини урди. Дарвозабон айди: — Кимдурсан?

Баҳром айдики, ман Баҳромдурманки, бир савдогар тўрт ҳамён зар олиб келибдур. Юзини қабрга суртуб зиёрат қилмак учун, деди.

Дарвозабон зарни хабарини эшитиб, дарвозани очиб, бошнини чиқориб эрди, Амир қўл узотиб ани ҳалқумидан сиқиб ўлдурдилар. Ул дарбон шул йўл бирла дўзахқа кетти.

Ровий айтибдурки, Амир етти дарбонини шул тариқа бирла ўлдуруб, охир гўрхонага кирдилар. Кўрдиларки, палосҳон заррини ул қабрини атрофиға солингон, миқдори ўн бир қат қабриўш, амасини зарбафтдин ул малъўнини қабриға бир-бири узра солибдурлар. Ва чароғҳон заррин ва қандилларни тушуруб, гўрни узасиға қўйдилар ва яна Амир ани пешгоҳиға назар қилиб кўрдиларки, ўн тўрт адад хум турубдур.

— Бу нима? — деб сўрдилар.

Баҳром айди: — Эй шахрнёр, бу хумларни ҳамаида зайтуни ёғи бордур. Бу Марвони саглар азбаройи чароғ ёғи бу гўрхонага қўйғондур.

Амир бу воқеани эшитиб зор-зор йиғладиларки, Имом Ҳусайнини қабри шарифларини узасида бир айвопчан вайрона бордур. Бу сағни қабрида муңча зийнатлардур, деб қабрини уруб ушотиб, ул сағни устухонларини олиб чиқиб, ул фалосларни устиға қўйдилар. Ул гўрхонадаги лавҳу китобҳон Марвоинларни ва ҳама фалос, асбоб-олотларни ул гўрни узасиға тўдалаб қўйдилар.

Ул ўн тўрт хум ёғни ани узасиға қўйдилар. Баъдаҳу айдиларки, эй Баҳром, сап чиқиб кетгил, ман бу гурхонага ўт қўёдурман. Анда Баҳром чиқиб кетти.

Амири соҳибқирон ҳар на бор яғоч ўтун бўлса, ҳатто аламларниғача синдуруб тўдалаб ва яна ул етти дарбонини ҳам ўлугини келтуруб, гўрни узасиға қўйдилар. Баъдаҳу хумлардаги ёғни ҳам ани устидин қўйдилар. Тўрт тарафдан ўт ёқиб чиқиб кетдилар. Анда мум шаъмлар ва зайтунлар ўт олиб, оташ фалакка урар эрди. Анда шамол бўлуб, ул тўрт юз уйлук хаворижники муңда бор эрди уйлари бирла куюб кул бўлди. Ул қалъа мисли хумдондек бўлди. Тоқу равоқ ҳамасиға ўт тутошиб барбод бўлди. Анда

Ўтти шўъласи бир фарсанг ерга тобиш берур эрди ва ул кеча тўрт юз гумроҳ ҳаммаси куюб дўзах жонибига хиромида қилди ва яна ул хаворижларики йўл узра посбонлик айлаб, ул гумроҳни мазори фалокат осориға таъзим қилур эрдилар. Чун кечадин носи ўтуб эрди. Кўрдиларки, Гўрхона узра ўт алаанга уродур.

Ул сағлар айдиларки, гўрхонадан нур бу кеча осмонға патақ айлаб тобиш қилиб бородур деб, ихлослари зиёда бўлди. Баъзиси айди «нур эмос, ўтга ўхшойдур». Охируламр, келиб кўрдиларки, гўрхонага ўт қўюб хонадони даҳр бирла баробар қилибдурлар. Ул тўрт юз киши ўт ичида куюб гўрдек бўлубдур.

Алқисса, алар яқоларини чок-чок айлаб, бу воқеани Кўфа ҳокими Мақотилға хабар бердилар. Мақотили Кўфий — бу ишни Абу Муслим қилгондур, — деб Амирни арқаларидан ўн минг киши бирла равон бўлди. Акнун икки калима сўз Амири соҳибқирондан эшитинг.

Ровий айтибдурки, Амир гўрхонаи Муложжимни куйдуруб худойи таолоға шукрлар қилиб, корвонларни арқасидан борур эрдилар. Лабташна ва шикамгурусна то етти кун йўл юрдилар, корвонга етолмадилар. Баногоҳ Амирни арқаларидини гирде пайдо бўлди. Амир кўрдиларки, ўн минг мард фарқи оҳану фўлод бўлуб етиб келди.

Мақотил кўрдик, бир жавони сиёҳиўши афтонхезон пиеда кетиб бородур. Мақотил айдики, эй жавони барно, на учун корвонлардан жудо бўлуб бородурсан? Неча кун бўлдики, корвондан жудо бўлдунг?

Амир: — Жудо бўлгонимга етти кун бўлди, — дедилар.

Мақотил айди: — Шул йўлда бир жавони араббаччан беришга кўзунг туштуму?

Амир айдилар: — Мандан Абу Муслимни сўройдурсанму?

Мақотил айди: — Боракалло, ажаб жавонини бохабар эконсан.

Амир айдилар: — Ул гўрхонага ўт қўйгон Абу Муслим — мандурман.

Мақотил айди: — Мандан кўрқмой сўзларсан.

Амир: — Сандан кўрқсам, мундоғ ишларни қилмоё эрдим, — деб бонги боҳайбат урдилар.



Мақотил айти: — Эй рахнагар, ҳоло ҳам бўлса, қилғон ишларингдан пушаймон бўл! Ман сани узрингин қабул қилиб, Марвонни хидматиға олиб бориб навкар қилай!

Амир ани дашном айлаб ваҳшат қилдилар. Мақотил дарғазаб бўлуб, Амирга тиг ҳавола қилди. Амир табарни арқаси бирла урдилар, тиги пора-пора, дастаси қўлида қолди. Тигни ҳабзасини Амирга ҳавола қилди. Амир табар бирла чунон урдиларки, оти бирла чор тақсими баробар бўлди. Амир ани лашкариға дахл қилмодилар, бу хоман регда ул лашкарлар бахорию хор ва баворию зор ҳалок бўлдилар.

Алқисса, ровий айтибдурки, Амири соҳибқирон яна тўрт кун оч ва ташна йўл юрдилар, юргали қувватлари ҳам қолмади. Охир ул тафсону сўзон қумга йиқилдилар. Қазойи муаллақ руй берди. Ул йиқилгонларида бир марди пуроний Амирни рўбарўларидан пайдо бўлди: юзлари монанди офтоби оламтоб-дек дурахшон эрди. Айдилар: — Эй жавон, аҳилдан кейин қолдингму?

Амир айдилар: — Оре.

Ул мард айдилар: — Ман сани карвонларға еткуруб қўярман, нима ейдурсан, — дедилар.

Амир: — Ҳар нима бўлса ейдурман, — дедилар.

Ул мард бир зарфда ҳусайини узум Амирни олдилариға қўйдилар. Амир хўб едилар. Баъдаху айдилар: — Эй Абу Муслим, қўлингини манго бергин ва кўзунгин юмгин, — дедилар.

Амир қўлларини бериб, кўзларини юмдилар. «Кўзинини оч!» деб овоз келди. Амир кўзларини очиб кўрдиларки, бир азим тоғни устида турубдурлар, лекин ул мард гойиб бўлибдурлар. Амир ул тоғда қойси тарафға борурман, деб туруб эрдиларки, ул вақтда карвонлар пайдо бўлди. Абулато ва Абулҳасан карвонлардан илгори келодурлар. Аммо ҳар соат «Амир қачон келодурлар?» деб арқаларига боқар эрдилар.

Ровий айтибдурки, ул кўҳики Амирни келтуруб эрдилар Кўҳи Арафот эрди. Халойиқ ҳам ҳаж қилмак учун ул тоғни устига чиқтилар. Нечанд минг киши чиқиб, бир киши дуоға машғул бўлди. Амир кўрдиларки, бир жавонни моҳруй тапҳо дуо қилур эрдилар. Амир ҳам аларни дуолариға машғул. Халойиқлар ҳаж қилиб туштилар, аммо ул жавонни моҳруй муножот қилиб айтур эрдиларки, эй аҳади зулжалол, вай самади баркамол, вай парвардигори

бемонезъ, вон кирдикори бемупозезъ, вон вазояндаи роҳиҳаи қабул, вон ижобаткунандаи даъвот, вон мураббийи асҳоби жидди ижтиҳод, вон фотиҳаи аб-воби мукошифот, байт:

Ҳар дилки аз лутфи ту нишон ёбад боз,  
Сарриштаи худ дар ду жаҳон ёбад боз.  
Дар роҳи ту ҳар ки ним жони бедихад,  
Аз лутфи ту сад ҳазор жон ёбад боз,

деб муножот қилур эрдилар. Шул вақт осмондан икки ҳула пайдо бўлди. Алар ул икки ҳулани олиб айдилар: — Худоё худовандо, ҳар йил манго бир ҳула ато қилур эрдинг, шул ҳулани кийиб, сани тоатингин бажо қилур эрдим. Бу йил икки ҳула ато қилдинг.

Гайбдин овоз келдики, бир ҳула дуо қилгувчига ва бир ҳула омиш дегувчига, деб арқаларига қараб кўрдиларки, Абу Муслим аларни ҳолидан хабардор эрдилар.

Бир ҳулани Амирга бердилар. Амир аларни этакларидин ушлаб айдиларки, эй шаҳриёр, ул кишики, мани биёбондан тоғқа олиб чиқиб эрди сиздурсиз?

Алар айдилар:

— Эй Абу Муслим, бародарларингизга мани ҳолимдан хабардор қилмоӣ равона қилдинг! Андин сўнман сизга сўз қилай.

Амир даргазаб бўлуб «манго шул вақтда нечук бародардурлар?» деб арқаларига қарадилар. Бародарлари йўқ, яна қайтиб буларга боқиб эрдилар. Булар ҳам гоӣиб бўлубдурлар. Амир ҳайрон бўлубдурлар.

Алқисса, Амир Абулато ва Абулҳасанин тоиб, басуни Мадинаи мунаввара равон бўлдилар. Манзилу мароҳна тай қилиб, Мадинаи мунавварага етдилар. Амир онҳазрат саллаллоҳу алайҳи васалламни муборак равзаларидин нарвонадек айланур эрдилар.

Уч кундин сўн Амирин воқеа эантти. Кўрдиларки, он меҳтари хуршидманзар, вон сарвари жамшиднокар, он уивони аҳдноман вафо, вон мезбони меҳмонхонаи сафо, вон шамъи жамъии исфиё, вон чароғи булоғи анбиё, нақиббанди гулбини тариқат ва нофақушойи гулшани ҳақиқат, самаран шажаран чароғи раҳмат ва дурри ҳуққан каромат, сарву чамани жалолат, яъни номи шарифи латифалари Ҳазрати

Муҳаммад Мустафо саллаллоҳ алайҳи васаллам Амирни тарафу тақобилларидан чиқиб, қабрпӯш бахмали сиёҳларини бериб айдилар:

— Ё Абу Муслим, мани бу қабрпӯшимни ўзунга хуфтон қилгил. Эрта бирла ўн бир манзил йўл юруб, ўн иккинчи манзилда бир чашмага еторсан. Анда санго бир роҳбаре пайдо бўлуб, сани фарзандим Имом Муҳаммад Боқирни маъзили мақомлариға еткурур, — деб ғойиб бўлдилар.

Амири соҳибқирон Оиҳазрат саллаллоҳу алайҳи васалламдин башорат топиб, ўрниларидан турдилар. Мадина аҳли билдилар, бу йиғит башорат топибдур. Ҳамалари Амирни либосларини табаррук деб, поралора айлаб олдилар.

Амир Мадинадан чиқиб, Кўҳи Лубнон равона бўлдилар. Ун бир манзил йўл юруб, ўн иккинчи манзилға етиб, бир чашмани кўрдилар. Уч чашмада таҳорат айлаб, икки ракъат намоз ўқудилар. Андин бир оқ шерн сафиддек оҳу пайдо бўлуб, Амирға таъзим қилди. Амир билдиларки, пайгамбар алайҳиссалом айтгон роҳбар шул оҳудур. . . .

Ул оҳу ишорат қилди. Амир ул оҳуни арқасидин борур эрдилар. Оҳу ҳар замон арқасига боқиб, Амирға ишорат қилиб олиб борур эрди.

Алқисса, неча муддат йўл юруб, бир жойға етдилар. Тўрт тоғ намудор бўлди. Ул тоғни устига чиқиб кўрдиларки, бир тоғни юзи қибла тарафиға. Ул тоғни остида бир горе зоҳир бўлди. Ул горни олдида салман бор эрди. Оҳу ул салмани шохн бирла кўториб турди. Вақти эрдикн, ул горни ичидин бир шаҳрпёре чиқтилар. Юзлари ўн тўрт кечалик ойдек равшан ва мунаввар эрди.

Амир билдиларки, Имом Муҳаммад Боқир шул зоти шарифдурлар. Югуруб келиб Имомни аёқлариға ўзларини тошладилар.

Имом Амирға илгори салом қилдилар. Амир айдилар: — Эй шаҳрпёр, сизни ғуломингизман, — деб гиря оғоз қилдилар.

Имом айдилар:

— Эй Абдураҳмон, сиз бизни меҳмонимиз, — деб Амирни қўлларидан ушлаб, горни ичига олиб кирдилар.

Абулато ва Абулҳасан тошқорида қолдилар. Имом: — Ул икки бародарингиз ҳам ғорға кирсин, — дедилар.

Амир айдилар: — Эй шаҳриёр, ман сизни суҳбатингизга тоқат қилолмайдурман. Аларда нима қувват бордурки, сизни суҳбатингизга тоқат қилсалар.

Имом айдилар: — Алар ҳам меҳнату машаққат тортиб келдилар, роҳат кўрсунлар. Роҳат шулдурки, мани суҳбатимни тобсунлар, — деб илтифот қилдилар.

Ровий айтибдурки, ул икки бародар ҳам кирдилар. Кўрдиларки, ул горни ичи пуриур, равшану мунаввар эрди. Ҳазрати Имом айдилар:

— Эй Абу Муслим, нечук зиёфат қилай, кўнглунг нима хоҳлайдур?

Амир айдиларки, эй шаҳриёр, ҳар нимаки пайдо бўлса, бизлар шавқу завқ бирла ермиз.

Ҳазрати Имом горни эшикига чиқиб, қўлларини кўториб ишорат айлаб эрди, дарҳол қирқ тўрт оҳу пайдо бўлди. Ҳазрати Имом айдиларки, эй жониворлар, ҳар кун ўн саккиз оҳу вазифа эрди. Бизго уч меҳмонни худойи таоло ато қилди. Бугун йиғирма бир оҳу барра кабоб лозимдур, деб горга кириб кетдилар. Бир вақт эрдик, хулофон Ҳазрат Аббосдан ўн етти тап горга кириб келдилар.

Амир аларга таъзим бажо қилдилар. Имом айдилар: — Эй Абу Муслим, бу ўн етти тап Ҳазрати Аббосни фарзандларидиндурлар. Булар Марвондан қочиб, мани олдимга келгондурлар. Яна ўн етти зот Марвонни бандида зиндондадурлар. Ул зиндонни Зиндони Аббосия дерлар. Вақт эрдик йиғирма бир лапгар тилло табақларда оҳуи бирён горни эшикида пайдо бўлуб, ҳар қайсиларини олдиларида қарор олди. Ҳазрати Аббосни фарзандлари ул табақларни кўториб олиб кетдилар.

Имом айдилар: — Эй Абу Муслим, булар аёлларини ҳам бирго олиб келгондурлар. Бу таомни олиб бориб фарзандлари бирлон ейдурлар, — яна айдилар, — Эй Абу Муслим, бу жониворларни гўштини тановул қилурда зинҳор устухонларига тишинишни текузманг, — дедилар.

Андин ул таомни еб, Ҳазрати Аббосни фарзандлари ул жониворларни устухонларини жамъ қилиб олиб келдилар. Ҳазрати Имом ул устухонларни жойнамозларини остига қуюб, дуога қўл кўтордилар. Ҳазрати Аббосни фарзандлари «омни», дедилар. Амир ҳам аларга дуода ёрмайдлик қилдилар. Бир вақт эрдик, ул йиғирма бир оҳу тирилиб, Имомни жойнамозларини остидан чиқиб, Имомга таъзим қи-

либ, гордан чиқиб кеттилар. Амир бу ҳолни кўруб, тамоми баданлариға ларза пайдо бўлди. Бу ҳам Имом Муҳаммад Боқирни бир кароматлари эрди.

Баъдаху Имом айдилар: — Эй Абу Муслим, номангни олиб келдингму?

Амир номани таъзим билан Имомни қўллариға бердилар.

Имом номани олиб ўқуб кулдилар, айдиларки, эй Абу Муслим, Марвшоҳижаҳондаги муҳибблар ажаб беақл эконолар. Ул кишини оти номани аввалиға тушодургон эрди, номани охириға битибдурлар.

Амир айдилар: — Эй шаҳриёри олам, нома битодургон маҳалда мани номимни фаромуш қилдилар. Ман ўзум номимни охириға битиб қўйдум.

Имом айдилар: — Алар фаромуш қилсалар, ху дованди олам сани фаромуш қилмос ва ман ҳам фаромуш қилмосман, — деб илтифот қилдилар. Дедилар: — Эй Абу Муслим, ўлтургил!

Амир ўлтурдилар. Имом: — Эй Абдурахмон, отангдан етим қолиб, мактабни юзини кўрмагонсан, — деб марҳаматлар қилдилар.

Алқисса ровий айтибдурки, Ҳазрати Имом Боқир тўрт минг ояти каломулло ўқуб, тафсир қилдилар ва тўрт минг ҳадис ўқуб, ул ҳадисни маъниларини таълим бердилар. Амир Имомни муборак тилларидин ёд қилиб олдилар ва яна Ҳазрати Имом Амирға етминн етти насихат ва етмиш икки васият қилдилар. Ул насихатлар ўз жойида маълум бўлғусидур.

Лидин Ҳазрати Имом муборак қўллариға қалам олиб айдилар: — Эй Абулато ва Абулҳасан, сизлар гувоҳ бўлушларки, ман битдим номани баноми Абу Муслим. Ул мани поибимдур, — деб хоҳладиларки, қоғозга битсалар. Ул вақт Амир ўрниларидан туруб айдиларки, тақсир шаҳриёри олам, мани ҳаддим бўлурмуки, ул ёронлар аросида подшоҳ бўлсам ва ман фақиру бекас ва потавондурман. Бул номада мазкур бўлгон хожалар ҳаммалари дунёдор ва давлатмандурлар. Нима бўлодурки, номани аларни отиға битсалар, деб манъ қилдилар.

Ҳазрати Имом хоҳладиларки, иккинчи навбат нома битсалар, боз Амир узрхоҳликлар айлаб айдилар: — Эй шаҳриёр, сиз номани мани отимға битурсиз. Аммо ёронлар қабул қилодурму ё йўқ, — деб манъ қилдилар.

Имом айдиларки, Эй Абу Муслим, ман қабул қилдим, алар ҳам қабул қилурлар.

Боз Амир Имомга таъзим бирла айдилар:— Эй шаҳриёр, мани подшоҳ бўлмоқга муносабатим йўқ. Ҳар ким подшоҳ бўлса, ман ани рикобида жон фидо қилурман,— деб узрхоҳликлар қилдилар.

Имом айдилар:— Эй Абу Муслим, манго яқинроқ кел, токи нима кўрарсан?

Алқисса, Имом Амирни қўлтуқларини тағига олиб, қўлларини Амирни юзларига еткуруб айдилар:

— Кўзингни очғил!

Амир кўзларини очиб кўрдиларки, Имомни қўлларини устида бир қўл кўрдилар. Ул қўлдан то осмонгача нур чиқиб бородур. Амир айдилар:

— Эй Имом, бу печук қўлдурки, ани нури осмонга суъд қилур?

Имом айдилар:— Эй Абдурахмон, билғил ва огоҳ бўлғилки, султони ғолиб раъят, бурҳони зоҳири ҳимоят, хожан кавнайн ва расули сақлайн, мақсуди вужуди олам ва оламиён, маҳбуби қулуби одам ва одамиён ва булбули гулбуни рисолат, андалиби гулшани фасоҳат, моҳи осмони дилбари ва офтоби фалаки пайгамбарн, Юсуфи Мисри рисолат ва дурри дарёин жалозат, хуриңди самон балогат, маллоҳи дарёин маллоҳат, шаҳсувори майдони ижтибо, шаҳриёри майдони иҳтидо, боиси офаринини арзи само, шафиъи гуноҳони мо ва шумо, яъни баноми Муҳаммади Мустафо саллаллоҳи алайҳи васаллам муборак қўлларини мани қўлум устига қўюб, помани баноми Абу Муслим битғил деб ишорат қилдилар.

Амир «тақсир», деб ўзларини арқага торттилар. Андан Ҳазрати Муҳаммад Боқир «Амир Абдурахмонни подшоҳ қилдук», деб, Амирни ёрэнгларини битиб тамом қилиб, ул помани ёронларни олдида Амирни қўлларига бердилар. Баъдаҳу дасторчан Ҳазрат Имом Зайнобиддинки, Ҳазрат Имомни мотамларида бошларига қўюб эрдилар, ул дасторини Амирга тошурдилар. Ўзларини аюгуштарларини Амирни қўлларига солдилар, айдиларки, эй Абу Муслим, келгон йўлуни бирла кетмоғил! Санго бир хидмат бордур, ани бажо келтурғил! Хидмат шулки, мунди чиқиб, қалъан Шомга борғил! Анда ун етти тап хулафон Аббос Марвоини бандида Зиндонин Аббосияда маҳбусдурлар. Аларни зиндонини халос қилғил.

Амир бу хидматни бажонидил қабул қилдилар, яна айдилар: — Эй Абу Муслим! Камари хидматни белингга мазбут боғлогил, ҳамиша ҳиммат бирла бўлгил. Бу йўлга қадам қўюб, сан илгори шаҳидони Дашти Қарбалони қонини бу нобакорлардан талаб қилгил! Пайғамбари худо ва чорёри босафо ва шаҳидони Дашти Қарбало ҳамиша ёру мадаккордурлар, — деб нечад сўзлару илтифотлар айлаб: — Боргил, сани худованди ҳаждаҳ ҳазор оламга тобшурдум, — деб ижозат бердилар.

Амир зор-зор, чуи абри навбаҳор йиғлаб, Имом бирла видоъ айлаб, Абулато ва Абулҳасан бирла бажониби қалъан Шом равон бўлдилар...

*Биринчи китоб тугади.*

## ЛУҒАТ ВА ИЗОҲЛАР

### А

- Аблақ* — от, чавқар от, икки рангли от  
*Аврат* — хотин  
*Азл* — ишдан чиқармоқ, узоқлаштирмоқ  
*Ангуштар* — узук  
*Арақ* — тер  
*Ашрафи танга* — тилло танга  
*Аҳли байт* — уй аҳли

### Б

- Байъат қилмоқ* — бирор кишини ўзига ҳукмдор деб тан олмақ,  
таслим бўлмақ  
*Бараҳна* — яланғоч  
*Бараҳнарўй* — юзи очиқ  
*Баъд* — кейин, сўнг  
*Баъдаҳу* — ундан сўнг, шундан сўнг  
*Бериш* — соқолсиз  
*Бистар* — уйқу жойи, кўрпа-тушак  
*Болиғ* — катта, балоғатга етган  
*Бужул* — суяк бўғини

### В

- Воқеа* — уйқу, туш

### Г

- Габр* — оташпараст, кофир; жанг кийими  
*Габрбачча* — кофирбачча  
*Гард* — чанг, тўзон  
*Гиреҳ* — тугун  
*Гурба* — мушук  
*Гурусна* — оч-наҳор

### Д

- Далер* — ботир, шижоатли  
*Дарбар* — ёпинмоқ, эғнига солмоқ, эғнига олмоқ  
*Даҳона* — кириш жойи, дарвоза, гор оғзи  
*Димор (дамор)* — ўч олмоқ; ҳалок қилмоқ, вайрон қилмоқ  
*Добби таковар* — ясатилган, эгарланган от  
*Дуд* — тутун



*Дузд* — ўғри  
*Дуруштлик* — қўполлик, дағаллик **Ж**

*Жавз* — ёнгоқ  
*Жашн* — баэм, байрам  
*Жониб* — тараф, томон  
*Жигрот* — қатиқ

### З

*Зубич* — қисқа, калта, майда найза.  
*Зуд* — тез

### И

*Илати ориза* — касаллик пайдо бўлиши; касаллик сабаби  
*Игоб* — қаҳр-газаб, ноз қилмоқ

### К

*Каждумгазид* — чаён чаққан  
*Канора* — чет жой; соҳил, бағрига олмоқ, қучоқламоқ.  
*Китфбоз* — елкадан ошириб ташловчи, елкасида уйнатувчи.  
*Кушода* — очмоқ, ечмоқ.

### Л

*Лиғат* [лиғот] — тенки

### М

*Макиур* — ёрлик; имтиёз; ёйилган, тарқатилган.  
*Маофа* — соябонли парда тутилган арава ёки занбил; авф этилган, кечирилган  
*Маркаб* — эшак, от, туя каби миниладиган ҳайвонлар  
*Маҳосини сафед* — оқ соқол  
*Меҳтар* — улуг, катта; элчи  
*Моида* — дастурхон; чарчамоқ, қувватдан қолмоқ  
*Моида хотун* — дастурхончи хотин  
*Монда* — чарчамоқ, қувватдан қолмоқ  
*Мукадар* — қора, қоронгу; хафа, гамгип  
*Молиш* — уқалаш  
*Мунодо* — эълон қилмоқ  
*Мурасаълиши* — қимматбаҳо, безатилган кийим кийган одам  
*Муфарриқа* — пароканда, паришон  
*Муфт* — текин  
*Муқаммар* — қиморбоз, қимор ўйновчи  
*Муқобил* — юзма-юз, тенг бўлмоқ

### Н

*Навозиш* — эркалани; куйламоқ  
*Ниҳод* — димоғ  
*Носўхта* — аламзада  
*Нохуста* — газабсиз, бўшашмоқ  
*Ноҳил* — бирор иарсани бошқа жойга олиб борувчи; ҳикоячи

## С

*Ордбез* — ун эловчи  
*Оши турқиш* — нордон ош, шўр ош

## П

*Пайваस्ताобрў* — туташ қош  
*Пос* — вақт ўлчови {уч соат}; носбон, қоровул

## Р

*Равғани* — ёғли  
*Разияллоҳу анҳу* — тангри ундаи рози бўлсин  
*Ракокат* — сустлик, заифлик, нозиклик  
*Раммол* — фолбин, каромат қилувчи  
*Рикоб* — узанги; қадаҳ  
*Ровий* — ривоят қилувчи  
*Рон* — одам танасининг тиззадан белигача бўлган қисми

## С

*Сабури* бемалол — сабр-тоқат  
*Савмаа* — ибодатгоҳ; ибодат хужраси  
*Саги пойсўхта* — оёғи куйган ит  
*Салиқа* — гарз, услуб  
*Саргин* — тезак  
*Сақирлот* — зар тикилган майини қизил ёки мовий рангли мато чакмон  
*Саққолиқ* — сув сотувчилик  
*Сели* — тарсаки, шапалоқ  
*Сипоҳсолор* — қўмондон  
*Сиёҳпўш* — қора кийимли  
*Сойил* — сўровчи, сайл қилувчи  
*Сотул* — ошпичоққа ўхшаган жанг қуроли  
*Соҳиби хуруж* — шўриш, тўполон эгаси, сабабчиси  
*Сурфа* — йўтал

## Т

*Табар* — болта  
*Табаргар* — болта ясовчи  
*Табарзан* — болта урувчи  
*Таваққуф* — тўхтаб турмоқ  
*Тазвири дом* — ҳийла тузоғи  
*Тал* — тепалик, баландлик  
*Таъхир* — орқага ташламоқ, вақт ўтказмоқ  
*Тақобил* — юзма-юз, рўпара  
*Торож* — талош қилмоқ

## Ҳ

*Ҳавориж* — кофир  
*Ҳафтон* — камзул, аскарлар кийими

*Ҳашмолуд* — гамгин

*Ҳилъат* — тўн; амирлар ўзгаларга совга қиладиган камарбанд ва салла

*Ҳунолуд* — қон юқи

## Ч

*Чароки* — чунки

*Чусту чолок* — тез, чаққон

## Ш

*Шаъшаъ* — ялтироқ, кўзни қамаштирувчи

*Шертаркиб* — шердек тузилишга эга, ботир, мард

*Шужоъ* — ботир, баҳодир

## Я

*Яклахт* — якпора

## Ғ

*Ғулом* — қул

## Қ

*Қазоро* — погоҳон

*Қофила* — карвон

*Қуллоби нафс* — нафс тузоғи, нафс тўри

*Қутидор* — мансаб

## Х

*Ҳамл* — юк, кўтармоқ

*Ҳафтоду дўввўм* — етмиш иккинчи

*Ҳимор* — эшак

*Ҳукми қуш* — ўлим ҳукми

*Ҳулла* — янги либос

## ШЕЪРИЙ ПАРЧАЛАРНИНГ НАСРИЙ БАЕНИ

*Шеърий парчаларнинг насрий баёнини  
саҳифаларига қариб, тартиб билан ўқинг*

7 — бет

Оллоҳнинг ҳамди ва пайгамбар наътидан сунг қадимги дўстлардан сўз эшитгин. Хаворижлар оёғидан жаҳон хароб бўлди, Али авлодларига жаҳон тор бўлди. Абумуслим паҳлавон хабарларини қулоғингга равои қилиб етказаман. Қирқ йил Абумуслим паҳлавон марвонийлар бошига болта урди. Хуросон ҳудудидан Рум ва Райгача хаворижлар уругини қуритди. Самарқанд ҳудудидан то Миер ва Шомгача болта зарби билан динни мукамал қилди. Абумуслим Марвазий ойболта билан уриб, Марвдан ҳам ўтди. У Ҳусайн ибн Алининг хуниши талаб қилиб, хаворижларнинг миясига ойболта урди. Душманларнинг бошидан то белгача синдирди, дўзахнинг кундасини болта билан синдирди. Паҳлавон Абумуслим Марвазий жанг сафида ҳар доим голиб эди. Душман лашкари унинг қулочида нилуфар ичдаги бир гулга ухшарди.

25 — бет

Жаҳон шоҳи Қайқубод шу нарсани яхши айтадими,  
Лаънат яхши хотинга бўлсин.

27 — бет

Сенинг юзинг хаёли билан фаний дунёдан кетибман,  
Ва сенинг ғаминг сабабли чархи фалак охир мени тууроққа  
айлантурди.

30 — бет

Хуш келибсанки, сенинг келишинг менга хуш келди,  
Минг азиз жон ҳар қадамнингга фидо бўлсин.

44 — бет

Гулистонлардаги бир бўстон эди. У қандай гулистон бўлсин, бўстонларнинг ранги, Эрам чорбоғининг дилидаги доғ эди. Унда яшовчилар гўё жаннат боғида яшовчилар эди. Сабзалар унда бедард сув ичарди, юз миглаб гуллар унда очилган эди. Унда ҳар хил рангли гуллар бор эрди. Ҳар бир гнёҳнинг ҳиди бир фарсангдан келарди.

66 — бет

1. Эй шоҳаншоҳ, бу меҳнат тузоғида ҳолинг қандай? Муҳаббат учун ранжлар тартиб ҳолинг қандай? Сен учун кўзларда ёш, жигарлар қон. Қисмат кунигача шундай саломат бўл.

2. Дустан келаётган ҳар бир гам учун шодмиз, дустан келаётган ҳар бир озга ҳам қаноат қилурмиз. Аждаҳо дамини ҳам шер дамини ҳам хоҳламасанг, дустан келаётган ҳар бир дам учун шукр.

69 — бет

Эй худо, тушни бедор ўтказувчиларининг ҳаққи ҳурматидан, умидворларининг қолаю оқи ҳурматидан, йўл бошида турган асирларининг боши ҳаққи, чоҳ тагида қолган гарибларининг таслимлик ҳаққидан менингни қонини ёрагимга раҳм сол, бу гам гирдобидан ўзини қутқар.

75 — бет

Агар душман душман билан машғул бўлса,  
Сен дўст билан хотиржам ўтиравер.

82 — бет

Агар ҷумолилар иттифоқ бўлсалар,  
Партия шерининг ҳам терисини шилиб оладилар.

83 — бет

Тасодифан осмондан бош курсатганда, ҳамма зийраклар кўру қар бўлиб қолинади.

88 — бет

Бировнинг дастурхонига чақирмасдан борма, агар бировнинг номини есанг, қадринг тушади. Бир нарча қотган нон ва бир коса сув бировнинг қовуриган товугидан яхшидир.

93 — бет

Сен менингни дўстиммисан ёки тасаввуримдаги ҳаслимсан,  
Мен ўзининг толенга ҳеч қачон гумон қилмайман.

96 — бет

Сен ҳимматни изла, камарга берилётган зийнат озиқ бўломайди. Муридлар қаноатининг тошини ўзлари учун узукнинг кўзидек нон ўрнида сақлаганлар.

108 — бет

Тили башка, дили бонқа одамни жигарига тиг урмоқ керак.

117 — бет

Агар юк кутарсанг, ингорнинг юкни кутар,  
Агар ўлдирилсанг ҳам, ёр учун ўл.

Ҳаммомда бир кекса оқсоқолнинг гаширгани эсимда: «Бу сўзни бир куни бир улуғ одам бир кичик одамга гаширган, ҳар бир одамнинг оёғи тойиб ҳаммомда қолиб кетса, нима бўларди, унинг гамгин дилига шодликдан ҳеч эшик очилмаса, қандай яхши бўларди».

141 — бет

Дувёдор киши олдида бошинини эгма,  
Агар эгсанг, шубҳасиз дининг қўлдан кетади.

142 — бет

Ҳеч иш келмайдиган бирор қўл  
Тап учун ортиқча юк бўлади.  
Агар дард (ночор) қолмасликни истасанг,  
Қўлингдан келганича хунар ўрган [қўлга киргаз].

155 — бет

Эй худо, тушни бедор ўтказувчиларнинг ҳаққи ҳурмати,  
Умидворларнинг нолаю оҳи ҳурмати,  
Менинг қонли юрагимга бир раҳм сол,  
Чоҳ остида қолган ғарибларнинг таслимлик ҳаққи  
Менинг қонга тўла юрагимга раҳм сол.  
Бу гам гирдобидан меши ўзинг қутқар.

162 — бет

Парига ўхшаган бир қаландарбаччани кўрдим,  
Ундай ой юзли дунёда йўқ.  
Унинг қарашини асирлар жониға офат,  
Кулоҳини эса шоҳсуворлар бошининг тождир.

168 — бет

Худо давлат (бойлик) беришни истаган кимсага тасодифан  
тошдан олтин чиқаверади.

178 — бет

Ўрнингдан тур, менга ўша қадди қоматингни кўрсат,  
То дийдор ваъдаси қиёматга қолмасин.  
Ўз назарингда ошиқларнинг жон беришини кўр,  
Ўлим бизнинг насибамиз бўлсин, сен эса саломат бўл.

189 — бет

Эй сенинг номинг, ҳар қандай бошланишнинг яхшироғи,  
Сенинг номингсиз, мен ёзини қандай бошлайин.  
Ҳар бир ишни очувчи сенинг номингдир,  
Нимаки бошланган бўлса, унинг калиди сенинг номингдир.  
Сенинг «Қуръон»ингда барча нарсанинг бизни бошидан  
охиригача ёзилган,

Сен бизнинг эгамизсан, бошқалар эса қуллардир,  
Султон сенсан, бошқалар эса хизматкордир.

Сенинг йўлиниг йўқ бўлмайдиган нуриниг туфайли  
худога бошқа нарсани шерик келтирмоқдан холидир.

Сенинг санъатингни санаб охирига етиб бўлмайди,  
[Бу соҳада] нуқсонли ақл ожиздир.

209 — бет

Сенинг лутфингдан нишон топган ҳар қандай дил  
Икки жаҳонда ҳам саришталик топади.

Сенинг йўлингда кимки ярим жонини берса,  
Сенинг лутфингдан юз мингта жон топади.

Ислом оламида кенг тарқалган Абу Муслим жангномаси VIII асрнинг ўрталарида Хуросон ҳамда Мовароуннаҳрда умавийлар халифалигига қарши кутарилган халқ қўзғолонлари, аббосийлар халифалигининг тиклашсини ва ушбу ҳаракатга бошчилик қилган Абу Муслим Марвазийнинг афсоналарга айланиб кетган саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилади. Мазкур жангнома дostonларда халқпарварлик, мардлик, халоллик, ҳимматпарварлик, адолатпешалик, жавошардлик голлари илгари сурилган.

**Абу Муслим жангномаси:** (Дoston Абу Муслим соҳибқирон) [Сўз боши Б. Саримсоқовники; Масъул муҳаррир М. Ҳасаний].— Т.: Ёзувчи, 1992.— 224 б.— (Халқ китоблари).

Сказание об Абу Муслиме.

ББК 63.3(2У)



ХАЛҚ КИТОБЛАРИ

*Литературно-художественное издание*

СКАЗАНИЕ ОБ АБУ МУСЛИМЕ

Художник *К. Маркос*

Тошкент, издательство «Ўзғувчи»

*На узбекском языке*

*Адабий-бадший нашр*

АБУ МУСЛИМ ЖАНГНОМАСИ

(Достони Абу Муслим соҳибқирон)

Мусаввир *К. Маркос*

Муҳаррирлар: *А. Қутбиддин, Ё. Раҳимова*, Расмлар муҳаррири *Х. Худойбердиев*. Техник муҳаррир *В. Барсукова*. Муҳахх *М. Садиров*.

ИБ № 48

Босмахонага берилди 11.08.92. Босишга рухсат этилди 21.11.92. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона қоғози № 2 Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма л. 11,76. Шартли ранг-оттиск 11,97. Нашр л. 12,15. Тиражи 40 000. Буюртма 4273. Баҳоси шартнома асосида. Шартисма 52–91.

«Ўзғувчи» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон республикаси Матбуот Давлат қўмитаси Гафур Гулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмасининг 1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.

100



ՀԱՅԿԷԼ